

СОБИР МИРВАЛИЕВ

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ

XX аср ўзбек адабиёти

Ўқув қўлланма

Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Абдулла Қодирий номи Маданият институти илмий Кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

Китоб Республика «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ва Янгийўл шаҳар «Барака» савдо ишлаб чиқариш фирмаси хомийлигида нашр этилди.

Масъул муҳаррир:

Наим Каримов, Ўзбекистон фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор.

Мирвалиев С.

Ўзбек адаблари: (XX аср ўзбек адабиёти). – Т.: «Ёзувчи», 2000. – 280 б.

Собир Мирвалиев заҳматқаш ва фаол адабиётшунос олимлар сирасига киради. У филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби сифатида йигирмага яқин китоб, рисола ва монографиялар яратган. Унинг «Хаёт ва кураш поэзияси» (1962), «Қалблардан – қалбларга» (1966), «Ўзбек романи» (1969), «Насримиз давримиз хизматида» (1976), «Тарихийлик ва замонавийлик» (1979), «Роман ва замон» (1983), «Адабиёт – давр даъваткори» (1984), «Ёзувчи ижодхонасида» (1992), «Истеъдоднинг қуш қаноти» (1993), «Ўзбек адаблари» (1993) каби асарлари ўқувчилар эътиборини қозонган.

XX аср миллий адабиёти тарихи истеъодларга бойлиги ва тўлаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Профессор Собир Мирвалиевнинг ушбу «Ўзбек адаблари» китоби (XX аср ўзбек адабиёти) қайта ишланган, тўлдирилган нашри ана шу истеъдод деб аталмиш анвойи гуллардан таркиб топган маънавий гулдаста деса бўлади.

Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 83.ЗЎз

4603010000 – 46

М _____ режага қўшимча – 2000 й.

М (362) 04 – 98

ISBN 5 – 8255 – 0572 – 5

© Собир Мирвалиев,
«Ёзувчи» нашриёти, 2000 й.

СЎЗБОШИ

Янги аср бўсағасида ХХ аср ўзбек миллий адабиёти тарихини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, Истиқлолгача яратилган адабиётимиз тарихи — асосан «коммунистик мафкура ва социалистик реализм» талаблари доирасида эди. Натижада бу давр — ўзбек миллий адабиёти тарихи тўлалигича ёритилмади. Дарҳақиқат, бу давр адабиёти мумтоз адабиётимизнинг тадрижий давоми, айтиб бериш пайтда халқимиз тарихидаги уч буюк ижтимоий-сиёсий воқеалар гувоҳи, иштирокчиси ҳам эди. Жумладан, Уйғониш, Шўролар ва Истиқлол даврларини ўзида сингдирганлиги билан характерланади. Аниқроғи, бу давр адабиёти ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бири-бирига ёнма-ён тарзда раванк топиши билан халқимиз бадиий-эстетик тараққиётининг муҳим бир даври ҳамда босқичи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбек халқи тарихи ва маданияти, санъати ва адабиёти қадим замонлардан буён сермазмун, сержило ва бой тафаккури билан бошқа халқлар маънавиятидан ажралиб туради. Шўролар даврида ўзбек адабиёти ҳар қандай сиёсий-ижтимоий «қолиплар» ичида бўлса-да, ривож топди, энг муҳими, маънавият хазинаси, тарғиботчиси, тарбиячиси бўлиб хизмат эта олди. Айтиб бериш пайтда истеъдодли устоз адиблар каторига ўнлаб, юзлаб ёш, исёнкор ижодкорлар кириб келди. Адабий жараёндаги улар ижодини, қолаверса, адабиёт тараққиёти тарихидаги ўрнини, ролини изоҳловчи, баҳоловчи ўнлаб мақолалар, монография, дарслик ҳамда қўлланмалар яратилди.

Бирок, ўрта умумтаълим ва олий ўқув юртралида адабиёт фанини ўқитиш тажрибалари, умуман, ҳозирги истиқболли Истиқлол талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, истеъдодлар ҳақидаги мавжуд йирик илмий тадқиқотлар, китоблар қатори улар ҳақида ихчам, илмий-оммабоп адабий портретлар

яратиш вақти етилди. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг «Писатели советского Узбекистана» (1977, 1979, 1984 йиллар) каби маълумотномалари ўз маъно ва мазмунига, мақсадига кўра анча тор ва ҳозирги кун талабларига нисбатан эскирганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига мазкур маълумотномаларда Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби Уйғониш даврининг ўнлаб истиқлолчи адибларининг муқаддас номлари учрамайди.

Профессор Лазиз Қаюмовнинг «Замондошлар» (1985 й.) китобида бу борада янги бир ижобий қадам қўйилган. Унда қирқдан ортиқ замондош адиблар ҳақида хотиралар, адабий-ижодий лавҳалар эссе тарзида баён қилинган. Аммо муаллиф ўз тўпламида у ёки бу адибнинг ижодий йўли, таржимаи ҳоли, адабий портрети ҳақида ихчам бўлса-да, изчил маълумот беришни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган.

Мустақиллигимиз шарофати билан фақат олий ўқув юртларининг филология факультетларидагина эмас, балки барча олий билим юртларида, лицей ва гимназияларда ҳам адабиёт фани тўла ўқитиладиган бўлди. Бироқ, ўрта умумтаълим мактаблари учун яратилаётган қўлланма ва дарсликларни бугунги кун талаблари даражасида деб бўлмайди. Уларни қайта яратиш, тўлдириш ва такомиллаштириш учун эса фурсат керак.

Худди шу жиҳатдан ушбу қўлингиздаги «Ўзбек адиблари» қўлланма-китоби Сизнинг бундай эҳтиёжингизга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Мазкур қўлланманинг дастлабки нашри Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти талабалари учун 1992 йили беш юз нусхада чоп этилган эди. Сўнгра «Фан» (1993) нашриёти эллик минг нусхада нашр этди.

Орадан олти йил ўтди. Қўлланмага талаб-эҳтиёж жуда ортди. Биз қўлланманинг мазкур нашрида адабий портретларни қайта ишлаб, янги маълумотлар билан бойитдик, адиблар сони ошди. Биринчи навбатда XX аср ўзбек миллий адабиётига тамал тошини қўйган маърифатпарварлар, жадидчилик ҳаракати бошида турган йирик намояндалар, Шўролар даврида ўзбек адабиёти тараққиётига муҳим ҳисса қўшган ва Истиқлол даври адабиётининг пешқадам вакиллари ушбу китобга киритилди. Шунингдек, ёш, истеъдодли, адабиётимиз тарихининг истиқболини ярата олиши мумкин бўлган кенжа авлод вакиллари ҳам тўпландан ўрин олди.

«Ўзбек адиблари» қўлланма-китобидаги адиблар, одатдагидек, алифбо тартибида эмас, тарихий-таваллуди тарзида берилди. Шунингдек, ушбу адабий портретлар маълумотномасини яратишда адиблар ҳаёти ва ижодига доир мавжуд илмий ишлар, мақола ва қўлланмалардан ҳам самарали фойдаланилди.

Аёнки, адабий-бадиий жараёнда ўз ўрни, ўз оҳанги, ўз номига эга бўлган ижодкорнинг шахсий таржимаи холи ҳам жонли тарихимизнинг бир парчаси — ўз ўқувчиси учун ибрат-намуна бўлаоладиган воқеа-ҳодисадир. Қўлингиздаги ушбу қўлланма-китоб ўзбек миллий адабиётимизни ўрганувчи — ўқувчи-талабалар, муаллим-домлалар, умуман, нафис адабиётимиз ихлосмандлари учун доимий хамроҳ бўлиб қолади, деган умиддамиз. Ўйлаймизки, ушбу қўлланма навбатдаги нашрларимизда янги-янги истеъодлар ҳисобига тўлиб, бойиб боради.

МАҲМУДХҶЖА БЕҲБУДИЙ

(1875 — 1919)



Буюк маърифатпарвар, алома, ёзувчи, драматург ва жамоат арбоби Махмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 20 январиди Самарқанд шаҳрида муфтий оиласида дунёга келди. Оиладаги муҳит ундаги маърифат, адабиёт ва ижтимоиётга бўлган қизиқишнинг тезроқ рўёбга чиқишига имкон туғдирди.

Беҳбудийнинг отаси ислом ҳуқуқшунослиги бўйича йирик мутахассис бўлиб, бу борада кўплаб китоб ва рисоалар яратган эди. Бу ўз навбатида Махмудхўжага таъсир ўтказмай қолмади. У кейинчалик бу ҳақда сўзлаб, ҳатто мақолаларидан бирида отаси ёзган «Хидоя» (Ислом ҳуқуқига шарҳлар) асарининг ўз тақдирида катта рол ўйнаганини алоҳида қайд этган.

Махмудхўжа Беҳбудий адабиёт, тарих фанлари қатори сиёсатшунослик билан ҳам жиддий шуғулланди. Газета ва журналлар орқали жаҳонда содир бўлаётган сиёсий воқеалар билан яқиндан танишиб борди. У Маккага бориш мақсадида араб тилини ўрганиб, ислом тарихи ва назарияси билан шуғулланди. У 1899 йилда ҳажга борди ва муфтий унвонига эга бўлиб қайтди. Ҳаж баҳонасида Миср ва Истамбулда бўлди. Бу ерда давом этаётган ислоҳотлар сўзсиз унинг дунёқарашида бурилиш ясади. Сўнгра Қозон ва Уфа шаҳарларида бўлиб, Оврўпо маданияти билан ҳам қизиқди. Ўша даврда Қозон ва Оренбургда чиқадиган араб имлосидаги журнал ва газеталар билан ҳамкорлик қилди. Унинг қатор мақолалари ҳам мазкур нашрларда чиқа

бошлади. Мактаб, маориф ва маданият масалалари ҳамда маърифатпарварлик гоъларининг тарғиботи ушбу мақолаларнинг марказида турди.

Хусусан, крим-татар алломаси Исмоил Гаспирали (Гасперинский) ва у бош муҳаррир бўлган «Таржумон» газетаси М. Бехбудийни буюк маърифатчи ва ўзбек миллий жадидчилик йўналишининг отаси даражасига кўтарди.

Бехбудий дунёқарашида Россиядаги энг нуфузли бўлган кадетлар партияси аъзолари билан учрашув ва улар ҳаракатномаларининг таъсири ҳам катта бўлган.

1912 — 1913 йилларда Бехбудий Самарқандда «Самарқанд» газетаси, «Ойна» журналига асос солади. У 1914 йилда яна Туркия, Мисрга бориб, у ердан муҳим китоблар, ўқув қўлланмаларини олиб келади, янги усулдаги мактаб дастури устида ишлашга киришади. Бирок, у турли тўсиқларга учраб, «жадидлар раҳнамоси», «дахрий» деб эълон қилинади. Шунга қарамай, у татар мутафаккири Исмоил Гаспиралининг маърифатчилиги борасидаги таълимотини қўллаб-қувватлаб, ўз ўлкасида ҳам шундай ишларни амалга оширишга киришади ва кўп ўтмай маърифатпарвар сифатида ўз халқи ҳурматига сазовор бўлади. У бир қатор Шарқ ва Ғарб тилларини билган юксак маданият соҳиби бўлиши билан бирга, умуминсоний маданиятнинг толмас тарғиботчиси ҳам бўлган.

Бехбудий ўзбек ва форс-тожик тилларида икки юздан ортиқ мақола ва асарлар яратган. Жумладан, «Мунтахаби жуғрофияи умумий» — «Қисқача умумий жуғрофия» (1903), «Китоб-ул-атфол» — «Болалар учун китоб» (1904), «Мухтасари тарихи ислом» — «Қисқача ислом тарихи» (1904), «Амалиёти ислом» (1905), «Русиянинг қисқача географияси» (1908) каби дарслик ва китоблар ёзган. Унинг 1901 йилдан бошлаб «Туркистон вилоятининг газети», «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Тужжор», «Осиё», «Хуррият», «Турон», «Садои Туркистон», «Улуғ Туркистон», «Нажот», «Меҳнаткашлар товуши», «Тирик сўз», «Таржумон», «Шўро», «Вақт», «Тоза ҳаёт», «Самарқанд», «Ойна» каби газета ва журналларда чоп этилган мақоалари эса тараққийпарвар кишилар ва айниқса, ёшларнинг диққат-эътиборини қозонган.

Бехбудий адиб сифатида «Падаркуш» ёки ўқимаган боланинг ҳоли» драмасыни яратган. 1913 йилда Самарқандда нашр этилган бу драмада у ёшларнинг (улар хоҳ камбағал, хоҳ бадавлат оилага мансуб бўлсин) илмли, маданиятли бўлишлари лозимлигини қайд этган.

М. Бехбудийнинг «Падаркуш» ёки ўқимаган боланинг ҳоли» драмаси 1911 йилда ёзилган бўлиб, дастлаб 1912 йилда «Турон» газетасида босилган. 1913 йилга келиб китоб ҳолида чоп этилган. Шундан сўнг тез фурсатда Самарқанд, Бухоро ва Тошкент театри сахналарида ижро этилган. Драма композицион қурилишига кўра оддий бўлган ҳолда, мазмун-ғоя жиҳатдан анча қамровлидир. Хусусан, ундаги характер ва ҳаракат, шакл-шамойил мазкур жанр талабларига анча мос эди. Драмадаги қаҳрамонлар эса икки қутбда — икки хил ҳаракат билан яшайдилар. Бир томонда бой, ўғли ва унинг гумашталари бўлса, иккинчи томонда домла, зиёли образлари асар ғоясини очишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбек драматургиясига, умуман, театрига пойдевор қўйган бу асар ўз даврида А. Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» драмаси, Мирмуҳсин-Фикрийнинг «Бефарзанд Очилдибой», Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Янги саодат» каби қиссаларининг яратилишига тўртки берган.

Албатта, Бехбудийнинг халқ ўртасида ортиб бораётган обрў-эътибори нафақат амирлик раҳбарлари, балки большевикларнинг ҳам режа ва ниятларига зид эди. 1919 йилда хорижий сафарга чиққан Бехбудий улар чақуви билан Қаршида ушланиб, Саид Олимхон фармони билан қатл қилинади.

С. Айний алломанинг фожеали вафоти муносабати билан бундай ёзган: «Жафокаш шоир Бехбудийнинг номини мусулмон Шарқи ҳурмат билан тилга олади, чунки у 20 йил мобайнида ўзининг онги ва инсоний қадру қимматини билган барча мавжудотни эркин ҳаёт, нур ва маърифат учун курашга чорлаб келди».

Қарши шахри 20-30-йилларда Бехбудий номи билан аталган. Бехбудий 1937 йилга келиб қатагон қилинади ва 1956 йили оқланади.

1977 йили алломанинг «Сайланма» асарлари чоп этилди. Асарлари дарслик ва қўлланмаларга киритилиб, кўча ва маҳаллалар унинг номига қўйилди. Ҳозирги кунда аллома қолдирган бой ва ранг-баранг адабий, маданий ва маърифий мерос ўз халқининг Истиклолига хизмат этмоқда.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878 — 1934)



Атоқли маърифатпарвар, истеъдодли шоир ва педагог Абдулла Авлоний Тошкентда косиб оиласида дунёга келган ва эски мактабда таълим олган. У таржимаи ҳолида бу ҳақда шундай ёзган: «12 ёшимдан Ўқчи маҳалласидаги мадрасада дарс ўқий бошладим. 13 ёшимдан бошлаб ёз кунлари мардикор ишлаб, оиламга ёрдам қилиб, қиш кунлари ўқир эдим. 14 ёшимдан бошлаб, ўша замонга мувофиқ ҳар хил шеърлар ёза бошладим. Бу замонларда «Таржумон» газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлдим».

Авлоний мадрасани битириб, мактабдорлик билан шуғулланди. Ўқиш ва ўқитиш усулига ислоҳ киритиб, янги типдаги мактаб ташкил этди ва ёш педагог-ўқувчиларга замонавий билимлар бериш, Шарқ ва Ғарб тилларини ўргатиш каби муҳим таълим-тарбиявий ишларни амалга оширди.

Абдулла Авлоний мактаб ўқувчилари учун «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» (1912), «Тарих», «Туркий Гулистон ёки ахлоқ» (1913) каби замонаси учун ҳодиса бўлган дарсликларни ёзган. 1895 йилдан ижодий фаолияти бошланган Авлоний «Қобил», «Шухрат», «Ҳижрон», «Авлоний», «Сурайё», «Абулфайз», «Индамас» тахаллуслари билан шеър, ҳикоя, фелъетон ва кичик ҳажмли драматик асарлар яратган. Шоир ўз асарларида замонасидаги қолоқликни, жоҳилликни танқид қилади ва кишиларни билимга, маърифатга қақиради.

Абдулла Авлоний 1917 йилгача маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан ношир ва журналист сифатида Тошкентда «Шухрат», «Осиё» каби газеталарни ташкил этади. У «Адвокатлик осонми?», «Икки муҳаббат», «Тўй», «Съезд», «Лайли ва Мажнун», «Ўликлар» каби драматик асарларни ёзиб, уларда жаҳолат, бидъат, билимсизликнинг фожеали оқибатларини, кўпол ва ярамас урф-одатларни фош этади.

Абдулла Авлоний шоир сифатида кўплаб шеърлар битган. Унинг шеърлари хоҳ эски урф-одатларга қарши

қаратилган бўладими, хоҳ муҳаббат ёки мактаб-маориф ҳақида бўладими, ҳамма-ҳаммасида инсон, унинг ахлоқий гўзаллиги ва маънавий бойлиги куйланади. Жумладан, «Ўз мамлакатимизда» шеърида маишат учун пул-бойликни мул-кўл исроф этган, аммо бола тарбияси учун сарик чақани раво кўрмаган ҳасисларни «Илм учун пулни кўзлари қиймас», деб қоралайди. Ёки «Мактаб» шеърида:

Мактаб мисни тилло қилур,
Мактаб сизни мулло қилур,—

дейиш орқали шоир мактабни инсон учун зулм, ноҳақлик, адолатсизликдан халос этувчи нажот йўли эканлигини айтади. Айниқса, унинг «Адабиёт» (1915) китоби бу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради.


Авлоний 1913 йили «Турон» театр труппасини ташкил этди ва шу театр учун оригинал сахна асарларини яратиш билан бирга қардош драматургларнинг пьесаларини ўзбек тилига таржима ҳам қилди.

Абдулла Авлоний 20-йилларда ўзбек халқи маорифи ва маданияти тараққиётида иштирок этибгина қолмай, қўшни афғон халқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муайян рол ўйнаган. У маълум муддат Афғонистон халқ маорифи вазири, сўнг Шўролар Иттифоқининг Афғонистондаги консул-элчиси вазифаларида хизмат қилган.

Авлоний умрининг сўнгги йилларида Ўрта Осиё Коммунистик университетида дарс бериш билан бирга ўзбек адабиётидан қатор дарсликларни яратган. У 1934 йили 56 ёшида вафот этган.

САДРИДДИН АЙНИЙ

(1878 — 1954)



XX аср ўзбек ва тожик адабиётларига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, олим ва жамоат арбоби Садриддин Айний Бухоро амирлигига қарашли Ғиждувон туманининг Соктаре қишлоғида 1878 йилнинг 15 апрелида дунёга келган. Олти ёшидан мактабга қатнай бошлаган. Садриддин 1890 йилда Бухорога келиб, Мир Араб, Бадалбек, Олимхон мадрасаларида таълим олган. Мадрасани

тугатгач, янги усул мактабларида муаллимлик қилган.

Садриддин Айнийнинг адабий фаолияти ўтган асрнинг 90- йилларида шеър ёзиш билан бошланган. Унинг биринчи асари «Гули сурх» — «Қизил гул» 1897 йили яратилган. Шундан сўнг мактаблар учун «Таҳсиб ус-сиёбон» — «Болалар тарбияси» номли ўқиш китобини (1909) тузиб, нашр эттирган.

1917 йил февраль инқилобидан кейин Марказий Осиёнинг турли шаҳарларида истиқлол учун кураш ҳаракатлари бошланиб кетди. С. Айний амирликка қарши курашгани учун зиндонга ташланди. У Октябрь тўнтариши йилларида ўзбек ва тожик тилларида даъваткор шеърлар, маршлар яратиб, уларни «Инқилоб учқунлари» (1923) тўпламида нашр этди.

Ёзувчи «Бухоро жаллодлари» (1922) қиссасида амир-амалдорларнинг даҳшатли жабр-зулмини, гуноҳсиз кишиларни ўрта аср кийноқлари билан қатл этишларини, «Одина» (1927) қиссасида эса меҳнаткаш халқнинг оғир қисмати ва фожеали ҳаётини жонли тасвирлаб берди.

С. Айнийнинг дастлабки «Қуллар» романи 1934 йилда Тошкентда ўзбек тилида, 1935 йилда эса Душанбеда тожик тилида нашр қилинди.

«Қуллар» романининг бош қаҳрамони тарихни ҳаракатга келтирувчи куч — халқ ва унинг содик фарзандларидир, деган хулосага етаклайди.

Тарихнинг маълум бир даврени камраб олган бу роман

халқ тарихини, унинг ҳаёти ва курашини реалистик акс эттирган. Бироқ «Куллар» романининг сўнги, бешинчи қисмидаги жамоа хўжалиги қурилиши йиллари тасвирида жиндақ тарихдан четга чекиниш ҳам йўқ эмас. Чунки романда даврнинг ижобий томонлари бўрттириб кўрсатилгани ҳолда Шўро ҳукуматининг жамоалаштириш сиёсати ҳаспўшлаб ўтилган.

С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» (1937) қиссасидаги бош қахрамон Қори Ишкамба жаҳон адабиётидаги Плюшкин ёки Гобсек каби мумтоз образлар билан бир қаторда туради.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида С. Айний «Марши интиқом», «Муқанна кўзғолони», «Темур Малик» каби ватанпарварлик руҳидаги илмий ва бадий асарларини яратди. У халқ ижодидан, фольклор асарларидан кенг фойдаланган ҳолда «Етти бошли дев» асарини ҳам яратди.

С. Айнийнинг урушдан кейинги тикланиш йилларида яратган асарлари орасида тўрт жилдлик «Эсдалиқлар» (1949 — 1954) алоҳида ажралиб туради.

С. Айнийнинг «Эсдалиқлар», «Судхўрнинг ўлими», шунингдек, «Дохунда» ва «Куллар» романлари болгар, немис, поляк, венгер, хитой, француз, румин, ҳинд, чех ва бошқа тилларга таржима қилинган.

С. Айний ўзбек ва тожик адабиёти тарихи юзасидан катта илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Унинг ўрта осиелик буюк шоир ва олимлар — Рудакий, Саъдий, Ибн Сино, Васфий, Бедил, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби сиймолар ҳақида ёзган илмий асарлари ниҳоятда қимматли. Унга филология фанлари доктори илмий даражаси берилган. Адиб Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси ҳамда Тожикистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланган. Бир неча йиллар давомида Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунининг профессори ва Тожикистон фанлар Академияси ташкил топган кундан бошлабоқ унинг Президенти сифатида хизмат қилган. У 1954 йилнинг 15 июлида Душанбе шаҳрида вафот этган.

МУҲАММАДШАРИФ СЎФИЗОДА

(1880—1937)



Муҳаммадшариф Сўфизода ўзбек демократик ва маърифат-парварлик даври адабиёти анъаналарини давом эттирган адиблар сирасига киради.

Адибнинг таваллуд тарихи шу вақтгача 1869 йил деб кўрсатиб келинган. Буюк Аҳмад Муҳаммад Убайд («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993, 23 июл) берган янги маълумотга кўра, Сўфизода ўз таржимаи ҳолида: «Мен 1880 йилда Чуст

шаҳридаги кўнчигарлик жамоасида туғилганман»,— дейди. Унинг шахсий ишидаги савол варақасида берилган маълумот ҳам шуни тасдиқлайди. Унда: «Сўфизода 1880 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилган, маълумоти ўрта, асосий касби ўқитувчилик, қилиб турган вазифаси ва иши шоирлик бўлиб, оиласи 8 жондан иборат», деб кўрсатилган.

Сўфизоданинг адабиётга ихлоси эрта уйғонган. У онаси Зайнаб хола хоҳишига кўра, қўшниси Манзура отиндан хатсавод ўрганиб, эски мактабда таълим олган. Айниқса, зукко ва хушовоз Манзура отин айтган эртақ, дoston ва кўшиқлар ёш Муҳаммадшарифда адабиётга ҳавас уйғотган. У Ҳофиз, Бедил, Алишер Навоий, Муқимий, Фурқат каби алломалар ижодини чуқур ўзлаштириб, шеърлар машқ қила бошлаган. Тошкентда чиқадиган «Туркистон вилоятининг газети» каби Қозон, Оренбург ва Боқчасаройда чиқадиган нашрлар билан қизиққан. Боку ва Тифлисида чоп этилган озар тилидаги асарларни мутолаа қилган.

1893—1899 йилларда у Қўқонда яшаб, Муқимий, Фурқат таъсирида «Ваҳший» тахаллуси билан ҳажвий асарлар яратди. Унинг айниқса, «Дакананг», «Бедананг», «Айтинг бу сўзимни», «Ўпай», «Ғубор дарду олам» каби ҳажвий ва лирик ғазаллари эътиборга лойиқ. Бирок, ҳали Муқимий ҳажвияси зарбидан қутулиб улгурмаган замона ҳокимлари ёш Муҳаммадшарифнинг кескин танқидига қарши ҳужум бошлайдилар. Оқибатда, у 1899 йили Қўқондан Чустга қай-

тиб келади. Орадан икки йил ўтгач, уни амир-амалдорлар дахрийликда айблаб, қатл этишга ҳукм чиқарадилар.

Сўфизода «Чустдан қочиб, Мир вилоятига ташриф қилиб, муддати 14 йил ҳар мамлакатда юруб» («Туркистон вилоятининг газети», 1914, 10-сон) умр кечиради. Худди шу йиллар (1900-1914) Сўфизода ижодининг янги босқичини ташкил қилади. У «Аввал Боқуга бориб, Жалил Қулизода, Собир Тохирзода, Муҳаммад Ҳодий каби озарбойжон адабиётининг тараққийпарвар вакиллари билан танишади. Сўнг Арабистон, Ҳиндистон ва Туркия мамлакатларида бўлиб, оддий халқ ҳаётини кўради. 1910-1913 йилларда Қўнғиротда муаллимлик қилади, маърифатпарварлик руҳидаги шеърларини ёзиб, Боқу ва Оренбургда чиқадиган газета ва журналларда тез-тез кўрина бошлайди. Унинг шу йилларда яратган шеърлари орасида айниқса, «Ўзбек хонимига», «Хонимлар исминда», «Ватан», «Муслималар» асарлари диққатга сазовордир.

Сўфизода 1913 йилда Чустга қайтиб келиб, етим болалар учун мактаб очади ва унда муаллимлик қилади. Дунёвий фанларни енгил ва янги усулда ўргатишга бел боғлайди. Айни чоғда айрим шариат пешволарини, бой-амалдорларни ҳажв қамчиси билан савалайди. Бунга чидай олмаган ҳоким синф вакиллари уни ўлдириш пайига тушадилар. Буни сезган шоир 1915 йили яна хорижий мамлакатларга кетишга мажбур бўлади.

Кувди мени жоҳиллар ўшандоғ ватанимдан,
Лекин қува олмас суҳанимни даҳанимдан,—

деб ёзади у шу йилларда. Бу сафар давомида у дастлаб Ҳиндистон, сўнг Афғонистонда ўқитувчилик билан машғул бўлади. 1918 йилда Афғонистон маориф вазирининг ўринбосари сифатида Туркистон (Тошкент)га келиб, афғон ваколатхонасида тилмоч бўлиб ишлайди. Сўфизода ўз Ватанига қайтиб келгач, яна ҳажвий шеърлар ёзишда давом этади. У мунофиқ раҳбарлар ва ғанимлар қаршилигига дуч келса ҳам ўз халқига хизмат қилишдан заррача тўхтамайди. Унинг асарлари «Қизил Ўзбекистон», «Муштум», «Фарғона» каби газета ва журналларда тез-тез босилиб туради.

1925 йил 13 августда «Фарғона» газетасида «Хушчакчак қаламлар» сарлавҳаси остида унинг бир қатор ҳажвий шеърлари чоп этилади. Унинг «Ҳақиқатдан кўз юмганлар», «Қалайсизлар?», «Сайловга» каби шеърларида ўша суронли

йиллар нафаси эшитилади. 1934 йилда эса Сўфизода «Байрам нашидалари» номли дostonини ёзган.


Сўфизодага ўзбек адабиёти олдидаги хизматлари учун Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бир кунда 1926 йил 27 февралда Ўзбекистон ҳукумати қарори билан «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвон берилган.

У 1937 йилда «халқ душмани» сифатида отиб ташланади.

Афсуски, Ғайратий муҳаррирлигида нашрга тайёрланган сайланма шеърлари шоирнинг 1937 йилда қамоққа олиниши муносабати билан эълон қилинмай қолган ва куйдириб юборилган. Унинг «Тарона» сарлавҳали ягона шеърлар тўплами 1968 йили нашр этилган.

ФИТРАТ

(1886—1938)



Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат маданиятимиз тарихига шоир ва носир, драматург ва публицист, тилшунос ва адабиётшунос, тарихчи ва файласуф, санъатшунос ва жамоат арбоби сифатида қиради.

У 1886 йили Бухорода зиёли оиласида туғилган. Бухоро, Истамбул мадрасалари ва дорилфунунларида ўқиган. У араб, форс, турк тилларини мукамал билганлиги туфайли Шарқнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштирган.

Адибнинг отаси савдо ишлари билан шуғулланган бўлиб, 1918 йилгача Қашкарда туриб қолган. У асосан, онаси Мустафо биби (Бибижон) тарбиясида бўлиб, у туфайли Бедил, Навоий, Ғузулий, Зебунисо, Увайсий каби улкан шоирларнинг ғазалларидан хабардор бўлган.

Фитрат 1909 йили Туркияга ўқишга бориб, 1913 йилгача Истамбул дорилфунунини таҳсил кўрган. Туркияда ташкил топган «Бухоро таълими маорифи» уюшмасида фаоллик кўрсатган. Унинг илк тўплами 1911 йилда «Сайҳа»

(«Чорлов») номи билан чоп этилган. «Сайёҳи ҳинди», «Мунозара» каби асарлари ҳам шу йилларда Туркияда нашр этилган.

1909—1913 йилларда Туркия дорилфунунда ўқиётганида жадидчилик ғоялари билан танишиб, шу ғоялар билан суғорилган асарлар ёзган. У Туркиядаги таҳсили даврида ўзига Фитрат (зукко, доно, билимдон) деб тахаллус олган.

Фитрат ижоди Туркистонда инқилобий ҳаракатлар кучайган даврларга тўғри келади. У 1913 йили форс-тожик тилида яратган «Мунозара» номли асарида ўз халқини зулм ботқоқидан кутқариб, «нажот йўли»ни излаганлигини тасвирлайди. Бу даврда Оврўпа фани ва маданиятини тарғиб қилиш ҳам Фитрат маърифатпарварлигининг муҳим йўналишини ташкил этган.

Фитрат 1917 йили февраль инқилобидан кейин «Хурят» газетасини ташкил этиб, унда халқни истиқлол учун курашга даъват этувчи шеър ва мақолаларини эълон қилган. Унинг «Хуррият» газетасида босилган «Юрт қайғуси» номли шеър ва сочмаларида Туркистоннинг ҳурлиги учун курашга бел боғлаган лирик қаҳрамоннинг «Мен сен учун туғилдим, сен учун яшарман, сенинг учун ўларман, эй туркнинг муқаддас ўчоғи!» деган даъвати баралла эшитилади. Унинг «Қон», «Бегижон», «Темур сағанаси», «Ўғизхон», «Або Муслим», «Ҳинд ихтилочилари», «Чин севиш» каби драмаларида миллий мустақиллик учун кураш мавзуи табиий ифодасини топган.

1922 йили нашр этилган «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида Чўлпон, Элбек шеърлари билан бирга Фитратнинг шеърий асарлари ҳам илк бор ўзбек ўқувчисига ҳавола этилган. У мазкур тўпламга кирган «Миррих юлдузига», «Бехбудийнинг сағанасини излаб», «Шарқ», «Шоир» каби шеърларида миллатпарвар ва ватанпарварлик позициясида қатъий турганини яна бир бор намойиш этиб, Октябрдан кейинги воқеаларнинг ғайриинсоний моҳиятини фош этади.

Шоир ижоди ва дунёқарашидаги ана шу ҳол кейин ҳам сусаймай, у «Абулфайзхон», «Арслон» ва «Восеъ кўзғолони», «Шайтоннинг тангрига исёни» каби драмаларини яратди. Унинг «Қиёмат» каби ҳикояларида диний фанатизм ижтимоий таракқиётга тўсик бўлган куч сифатида фош этилади.

Фитрат йирик олим, адабиётшунос сифатида ҳам бир қанча асарлар яратган. Жумладан, «Адабиёт койдалари», «Эски ўзбек адабиёти намуналари», «Аруз ҳақида» каби

илмий кузатувлари ўзбек адабиётшунослик фанининг шаклланишида муҳим рол ўйнади. Шунингдек, унинг Умар Ҳайём, Фирдавсий, Навоий, Бедил ҳақидаги тадқиқотлари адабиётимиз тарихини ўрганишда муҳим манбаа бўлиб хизмат этади.

У Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби ўндан ортиқ мумтоз адабиёт вакиллари ҳақида ҳам мақолалар ёзган.

Ў Фитрат айна пайтда ташкилотчилик фаолияти билан ҳам шуғулланиб, 1921—1923 йилларда Бухоро Халқ Жумҳуриятида маориф халқ нозири бўлиб хизмат қилган. 1923—1924 йилларда эса фрунзечилар томонидан қувғин қилинган шоир Москвадаги Шарқ тиллари институтида илмий фаолият билан шуғулланган.

Фитратнинг ўзбек тили грамматикасига оид дарсликлари 1925-1930 йилларда беш марта чоп этилган. Тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича олиб борган тадқиқотлари учун Фитратга ўзбек олимлари орасида биринчилардан бўлиб профессор унвони берилган.

Фитрат 1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари ёзувчилар билан бирга отиб ташланган.

1991 йил 25 сентябрда Фитратга ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди.


ҒОЗИ ЮНУС

(1887—1942)



XX аср миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Юнус — Муҳаммад ўғли Ғози Юнусдир. У моҳир журналист, етук ҳикоянавис ва бир қатор халқона шеърлар муаллифи, кўзга кўринган драматург, ҳажв устаси ҳамда жамоат арбоби сифатида маданиятимиз тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Ғози Юнус 1887 йилда Тошкентнинг Охунгузар маҳалласи-



да зиёли-хунарманд оиласида дунёга келган. Оиладаги тўрт ўғил ота-она тарбиясида ҳам саводли, ҳам устачилик касбига эга бўлишган. Ҳозир Юнус отаси қаторида иморат устаси сифатида янги шаҳар қурилишида қатнашганлиги туфайли рус тилини эрта ва мукамал эгаллаган. Ҳатто маҳаллада уни «ўрис» деб қақиринган. Мадрасада араб ва форс тилларини яхши ўрганган. Унга «Мулла» унвони ҳам берилган.

Ҳозир Юнус 1915 йилларда мадрасани имтиёзли битиргач, халқ қўшиқлари, мусиқасига ҳаваси ортиб, дутор, танбур чалишни ўрганган, хонанда сифатида ҳам танилади. 1916 йилги мардикор олиш баҳонасида Болтиқбўйи фронтда қатнашади ва кўп ўтмай у ердан ногирон бўлиб қайтади. Инқилоб арафасида Эшонгузар маҳалласида ташкил топган «Оғаларга ёрдам қўмитаси»да саркотиб бўлиб ишлайди ва туҳмат орқасидан бироз муддат қамалиб ҳам чиқади. Шу тарзда унинг «Турма хотираси ёки Ҳақсизлик касофати» деган каттагина назмий асари — достони юзага келади. Шундан сўнг у секин-аста ўз шеърлари билан матбуот саҳифаларида кўрина бошлайди, театр сахналарида роллар ижро этади. Хусусан, Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз қувёв» драмасида актёр сифатида иштирок этади. Кейинчалик ўзи яратган «Заҳҳоки марон» драмасида Заҳҳокнинг отаси адолатпеша Темиртош ролида қатнашади. Шунингдек, у миллий ўзбек матбааси, нашриётимиз ташкилотчиси сифатида элга танилган. Бухоро, Боку шаҳарларидан босмахона учун техника воситалари, ҳарфлар келтирилган. Тошкентдаги Эскижува босмахонасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган. «Туркистон», «Қизил байроқ», «Зарафшон» газеталари ва «Муштум» журналининг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. Кўп вақт «Қизил байроқ», «Муштум» каби газета-журналларга муҳаррирлик қилган. Унинг ўзи ёзади: «Мен давлат нашриётида ишладим. Газеталардан «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Қизил Ўзбекистон», «Зарафшон», «Янги йўл», «РОСТА»ларда қатнашдим ва кўпларида муҳаррирлик қилдим». Шундай кенг жаҳадаги фаол хизматлари учун Тошкент шаҳар ижрокўми 1921 йилда унга «Меҳнат ва матбуот қаҳрамони» унвонини беради. Бирок, 1929 йиллардан бошлаб унга бўлган қараш ўзгаради, таъқиб остида қолади. У ҳам бошқалар қатори «халқ душмани», «пантуркист», «панисломист» тамғаси остида 1937 йилнинг 6 августидан ҳибсга олинади. Узоқ Шимолга бадарға қилинади. 1942 йилнинг 5 май куни очлик ва бетоблиги туфайли Вологда шаҳри қамокхонасида оламдан ўтади.

Ғози Юнуснинг ижодкор сифатидаги фаолияти асримиз бошларидан бошланган. У Октябрь инқилоби тўнтарилишигача кўпгина публицистик мақолалар ёзган. Бинобарин, Ғози Юнус адабиётга даставвал публицист-мақоланавис сифатида кириб келган эди. У бутун ижоди давомида юз элликдан ортиқ турли мавзу ва муаммоларга бағишланган публицистик мақолалар ёзган бўлиб, уларда кўпроқ ижтимоий-сиёсий, миллий маданият, миллий маънавият, миллий театрга оид қарашларини ифодалайди. У агар «Касалимиз ва анинг доруси», «Ал уламоу ворисат ул анбиё» («Уламолар набийларнинг ворисидирлар») каби дастлабки мақолаларида исломий ақидалар асосида кишиларни ўзро нифоқлардан қайтариб, бирлик, иттифоқликка даъват қилса, кейинги «Хурриятми ёки истибод?», «Ерлилаштириш теварагидаги лўттибозликлар», «Дин номидан иғво тарқатувчилар», «Ўзбекистон» каби ўнлаб мақолаларида ҳаётдаги ноҳақликлар, нопокликларни аёвсиз тарзда фош этиш йўлидан боради. Оқибатда 1924 йилга келиб (1918 йилда кирган эди) фирка аъзолигидан ўчирилади. Шунга қарамай у «Франция инқилоби натижалари», «Инглиз ҳокимиятининг иккинчи даври», «Сиёсат майдонларида» каби бир қатор мақолалар ёзиб, халқаро масалаларни ҳам кўтариб чиқади. Кенг қамровли моҳир журналист сифатида танилади.

Қолаверса, Ғози Юнус моҳир ҳикоянавис, ҳажвиячи, етук шоир сифатида ҳам эътиборга сазовор. Унинг «Саидзодалар», «Бачажош» каби ҳажвий ҳикоялари ҳар жиҳатдан мукамал бўлиб, ўзбек миллий ҳикоячилигининг туғилиши ва шаклланишида сўзсиз ўз ўрнига эга.

Маълумки, Ғози Юнус ҳам маърифатпарварлик ва жадидчилик ҳаракати даври адабиётининг кўзга кўринган намояндаси сифатида давр олға сурган масала ва муаммоларни ечиш йўлидан борган. Хусусан, унинг ижодида маърифатпарварлик ижодий-тасвирий услубидан фарқли ўлароқ, жадид адабиёти йўналишига мойиллик устувор бўлган. Шу жиҳатдан қараганда у қайси жанрда қалам тебратмасин ва нима мавзуда асар ёзмасин, адиб ижодида жадид адабиётига хос фош этувчи услуб етакчилик қилади. Ҳатто, у яратган шеърий дасталар ҳам ҳажв тигидан бегона эмас. Бинобарин, унинг дастлабки «Кўз очинг, турон эли» деб бошланувчи «Эски мактаблар ҳақида» номли шеъридан тортиб, «Порахўр тилидан», «Савдогар тилидан», «Бир мунофиқ тилидан», «Рамазон айтгувчи

тилидан» каби туркум шеърларигача ана шу фош этувчи усул-услуб, ҳажв етакчилик қилади.

Сарик ёгдек ёкимлидир пора олмок, ёр-ёр,
Қул узатиб, секин олиб, ёнга солмок, ёр-ёр.
Пора олиш қандай яхши, бел оғримас, ёр-ёр.
Менга деса, бергувчилар кокилиб ўлсун, ёр-ёр.
Пора берсанг, Аълам домла фатво берар, ёр-ёр,
Гар бермасанг, ҳалол ишни ҳаром қилар, ёр-ёр,
Қул хўжа «Мих»¹ порахўрни тишла энди, ёр-ёр,
Юртимизни тўғри йўлга бошла энди, ёр-ёр.

Қўриниб турибдики, Ғози Юнус халқона шеърияти билан ҳам ўзбек ҳажвий адабиётининг бойишига хизмат этган.

Ғози Юнус моҳир таржимон ва етук драматург сифатида ҳам танилган. Маълум бўлишича, у ўттиздан ортик саҳна асарлари яратган бўлиб, уларнинг йигирма саккизтаси 1926 йилларда алоҳида-алоҳида китоб ҳолида Тошкентда Ўзбекистон Давлат нашриётида чоп этилган. Улар мавзу ва муаммолари жиҳатдан турли-туман бўлгани ҳолда кузатилган мақсад ягона эканлиги билан характерланади. Яъни, Ғози Юнус драматург сифатида хоҳ тадбил, хоҳ оригинал асар яратадими, ҳамма-ҳаммасида ўз халқининг маънавий-маданий жиҳатдан юксалишини, эркин, озод ва фаровон яшашини орзу қилади. Шу мақсад йўлида гоҳ большевиклар тузуми билан мурсоаи мадора қилади, гоҳ ниқобга киради, гоҳ очик курашда бўлади. Бинобарин, адиб бизнинг миллий уйғонишимизга маъно жиҳатдан яқин асарларни сайлаб, таржима тарзида ёинки мослаштириш — тадбил тарзида ҳам самарали йўл тутади. Жумладан, унинг «Луқмони ҳақим», «Йўлбосар Алим», «Жаҳолат қурбони», «Исломият уйи», «Фарзанд дуоси» (А. Қодирий сўзбошиси билан нашр бўлган), «Саводсизлик балоси» каби бир қатор пьесалари худди уйғониш даври ғоялари, мақсадлари билан ҳамоҳанг бўлганлиги учун муҳим бадиий-эстетик аҳамиятга молик. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ғози Юнус ижодида «Заҳҳоки марон» («Заҳҳокнинг илонлари») асари алоҳида аҳамиятга эга. Асар Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» достони асосида яратилган бўлиб, ундаги «Заҳҳок ва темирчи кова» воқеаси драма марказида туради. Асарда ё тахт ёки ота

¹ Бу ўринда «Мих» Ғози Юнус тахаллуси сифатида қўлланилган.

муаммоси бош қахрамон Заҳҳок тақдирини белгилайди. Отадан кўра тахт Заҳҳок учун афзал кўринади, отани ўлдириб, тахтга чиқади. Аммо қайтар дунё деганларидек, кўп ўтмай оқпадар Заҳҳок Шайтон васвасига учраб, зулм зўрайгач, халқ исёнига учрайди. Ўн етти фарзандини Заҳҳок учун илонларга ем қилган ота Фаридун лашкарларига қарата темирчи Кова халқ вакили сифатида курашга киради. Кова ва унинг ўғилларини ҳам Шайтон йўлдан оздирмоқчи бўлади, эплломайди. Пировардида Заҳҳок енгилиб, ўлимга маҳкум этилади, халқ ғолиб келади.

Драматург эса бу билан шайтон ҳамиша ожиз инсонлар қалбида яшашини эслатиб, ундан доимо огоҳ бўлишга чорлайди. Мазкур асар даставвал 1919 йилнинг 28 сентябрида Маннон Уйғур режиссёрлигида «Колизей» театрида сахналаштирилган эди. Чўлпон ҳам бу асар ҳақида илик фикр билдириб, «халқ соғинадиган» асар деб баҳолаган.

Хуллас, Ғози Юнус ижодини ўрганиш ва баҳолаш унинг тарихдаги ўрнини аниқлаш учунгина зарур бўлмай, балки қатағонлик даври ижтимоий-сиёсий муҳити ва унинг мақсад-моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш, миллий тафаккур жараёнларини тўғри англаш, Уйғониш даврининг муҳим босқичи деб қарашдан ҳам иборатдир. Энг муҳими, Истиклолимизнинг кадр-кимматини янада чуқурроқ англаш ҳамдир.

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ

(1889 — 1929)



Янги давр ўзбек адабиётининг намояндalarидан бири, шоир ва драматург, бастакор ва режиссёр, маърифатпарвар-педагог ва жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 7 мартда Қўқон шаҳрида табиб оиласида туғилди.

Ҳамза аввал эски мактаб ва мадрасаларда ўқиб, форс, араб тилларини, рус-тузем мактабида эса рус тилини ўрганишга муваффақ бўлган.

Ҳамзанинг бадиий ижодга кизиқиши барвақт бошланган. Ҳамза 1903 — 1914 йиллар орасида Ниҳоний таҳаллуси билан 197 та шеър ёзиб, уларни қўлёзма девони шаклига келтирган. Бу девонни ташкил этган шеърларида Ҳамза ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарининг давомчиси сифатида намоён бўлади.

У 1909 — 1910 йилларда Тошкентда бўлганида Мунаввар қори, А. Авлоний, С. Раҳимий сингари маърифатпарварлар билан танишиб, улар таъсирида жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилади. Бу — уч йўл билан амалга оширилади. Аввало, Тошкент, Марғилон ва Қўқонда янги усул мактабларини очиб, муаллимлик қилади. Қолаверса, мазкур мактаблар учун «Енгил адабиёт», «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» каби дарсликлар ҳам яратади. Ва, ниҳоят, ўзининг шеър ва драмалари, публицистик мақолаларида ўз халқини маърифатга қорлайди.

1915 — 1916 йилларда нашр этилган «Миллий ашулар» учун миллий шеърлар мажмуаси, «Оқ гул», «Қизил гул», «Сариқ гул» каби шеърый тўпламларида ва «Янги саодат» каби насрий асарларида унинг маърифатпарварлик ғоялари тўла намоён бўлган. Ҳамза шу даврда ёзилган «Йиғла, Туркистон», «Оқибатсиз Туркистон», «Ватандошларимга хитоб», «Дардига дармон истамас» каби шеърларида халқнинг «руҳсиз тандур, ханжар урса қони сочулмас» ҳолига келганлигидан оҳ-зор чекади, уни хурофот ва жаҳолат ботқоғидан чиқиб, тараққий этган халқлар қаторидан ўрин олишга даъват этади. Шунингдек, «Илм хидояти», «Нормухаммад домланинг куфр хатоси», «Ўч» ва «Заҳарли ҳаёт» каби илк драмаларида ҳам зулм ва хурофотдан халос бўлишнинг бирдан-бир йўли маърифатдадир, деган фикрни олға суришга ҳаракат қилади.

Ҳамза ижодида 1916 йилги мардикорликка олиш воқеалари ҳам ўз аксини топади. Унинг «Сафсар гул» (1917) шеърый тўлами ва «Лошман фожеаси» (1916 — 1918) трилогияси шу жиҳатдан муҳимдир.

1917 йил февраль инқилобидан кейин Ҳамза дунёқаршида ўзгариш пайдо бўлиб, у гоҳ ишчилар, гоҳ мухториятчилар тарафига ўтади. Туркистон мухторияти тор-мор этилгандан кейин большевиклар тарафига ўтиб, сайёр драматик труппаси билан фуқаролар уруши фронтларида хизмат қилади ва 1917 йилда ёзган «Бой ила хизматчи» драмасини ҳамда инқилобий шеърларини ёзади.

Бу даврда у «Ким тўғри» (1918), «Тухматчилар жазоси» (1918) сингари пьесаларини ёзади.

Фаолият доираси бениҳоя кенг бўлган Ҳамза 20- йилларнинг бошларида Хоразм Халқ Жумҳуриятига бориб, мактаб ва маориф ишлари билан шугулланади. У ердан қайтгач, фақат ижодий ишлар билан машғул бўлиш истагида Аввал қишлоғига боради ва драматик ижодининг гултожи бўлган «Майсаранинг иши», «Паранжи сирлари» (1926) асарларини яратади.

Ҳамза 1928 йил август ойида Шохимардонга юборилади. У ерда маданий-оқартув ишлари, хотин-қизлар озодлиги масалалари билан шугулланади. 1929 йил 18 мартда у шу ерда фожеали ҳалок бўлади.

1926 йил 27 февралда Ҳамзага биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилган. Ҳамза асарлари жаҳон халқлари тилларига таржима этилган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номида шаҳар, туман, мактаб, кўча, театр, метро бекати ва кутубхоналар бор.

ГУЛОМ ЗАФАРИЙ

(1889 — 1938)



Гулом Зафарий кўпқиррали ижод соҳиби бўлиб, у ўзбек миллий театри, театр танқидчилиги, муסיқа маданияти, қолаверса, миллий адабиётимиз тарихида муносиб ўрин эгаллайди. У 1889 йили Тошкентнинг Бешёғоч даҳасига қарашли Каттабўғ маҳалласида таваллуд топди. Аввал эски мактабда, хусусий рус мактабида, Қўқалдош мадрасасида таълим олди. У 1912—1924 йилларда Ўш шаҳрида ўқитувчилик қилди. 1914 йилдан бошлаб Тошкентдаги «Турон» труппасида актёрлик қилди, ўқитувчи бўлиб ишлади. 1917 йилдан «Ишчилар дунёси» журнали, шунингдек, билим юртларида фаолият кўрсатади.

Ғулом Зафарий ижоди 1914 йилдан бошланган бўлиб, у дастлаб ўз шеърлари билан танилади. Сўнгра эса «Бахтсиз шогирд» (1914) номли бир пардали пьеса ёзади, кейин «Баҳор», «Гунафша», «Тўскинчилик», «Ёркиной», «Раҳимли ўқитувчи», «Мозорликда», «Мақтанган киши», «Татимбой ота», «Чўпон Темир» (1924) ҳамда «Ешлар энди берилмас» (1926) каби пьеса ва дostonлар яратади.

Бирок Зафарий ёзувчи, драматург сифатида ўзининг «Ҳалима» пьесаси билан машҳур бўлган. «Ҳалима» 1920 йилда ёзилган бўлиб, ўша йилнинг 14 сентябрида «Турон» труппасида Маннон Уйғур томонидан сахналаштирилган. Мазкур асар тўнғич миллий мусикали драма бўлиб, унинг мусиқий безагини ҳам муаллифнинг ўзи машҳур созанда Шораҳим Шоумаров ҳамда мулла Тўйчи Ҳофиз ёрдамида бажарган. Айни чоғда «Ҳалима» ўз даврида миллий опера сифатида баҳоланган. Профессор Фитрат ҳам ушбу асарни опера деб атаган.

Ғулом Зафарий ўзбек миллий куйлари, мақом ва мақом шўъбаларини жуда яхши билган том маънодаги зиёли эди. Унинг «Шарқ мусикалари ва чолгулари», «Мусиқа муаммоси», «Ўзбек мусикаси тўғрисида» каби мақолалари шулар жумласидандир.

Ғулом Зафарий 1937 йилда қатагонга учраб, 1938 йилда қатл этилган.

ҲАБИБИЙ

(1890 — 1982)



Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Ҳабибий мумтоз шеърияти-мизнинг энг яхши анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган шоирдир. У ўз ғазаллари билан халқимизнинг умид ва интилишларини, руҳий камолотини ифодалаб келди.

Ҳабибий 1890 йили Андижон вилоятининг Пахтаобод туманига қарашли Қўқон қишлоқда деҳқон оиласида туғилди. У эски мактабда, Андижон ва Қўқон мадрасаларида таълим олди. Навоий, Ғузулий, Муқимий

ва Фуркат ғазалларини мутолаа қилди, уларга эргашиб, шеърлар ёзди, Шарқ адабиёти анъаналарини давом эттирди.

1919 йилда Ҳабибий Андижоннинг Бўтақора қишлоғида яшаб, деҳқончилик билан шуғулланган. 20-йилларда халқ кўшиқлари услубида кўплаб шеърлар яратган. Ҳабибий ўз замонаси мавзулари, колхоз тузуми, каналлар қурилиши, чўлларни ўзлаштириш, Фарҳод ГЭСининг бунёд этилиши ва бошқа ўзгаришларни қаламга олади.

Шоир ижодида она-Ватан ва халқимиз ҳаёти, кураши ва интилишлари ҳақидаги шеърлар етакчи ўринни ишғол этади. У бир шеърда:

Эй, хур Ватаним, тоза тану жон ила севдим,

Жон ила тану покиза виждон ила севдим,—

дея Собир Абдулла, Чархий, Чустий каби ғазалнавис шоирларга ҳамоҳанг бўлди. Шу ғоя унинг «Ўлкам», «Фарҳод кўшиғи», «Муборак ёш», «Инсон азиз», «Улуғ бурч», «Чеварлар», «Муддао билан» каби шеърларида ўз маромига етказилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида шоир қаламини найзага айлантирди. Унинг бу даврдаги ғазаллари орасида «Жангчи йигит кўшиғи», «Боладан ота-онага хат», «Онадан болага хат» каби ғазаллари, айниқса, характерлидир. Шунингдек, Ҳабибийнинг «Кўнгил тароналари» (1957), «Танланган асарлар» (1967), «Девон» (1971) каби шеъррий тўпламлари ҳам халқ эътиборига сазовор бўлди.

Ҳабибий 1974 йили 85 ёшга тўлиши арафасида Ўзбекистон халқ шоири унвони билан тақдирланган. У ўзбек шеърятининг ғазал ва кўшиқчилик бобида ўзига хос мактаб яратиб, аруз вазнидан муваффақиятли фойдаланган катта истеъдод соҳибидир.

Шоир 1982 йили 92 ёшида вафот этди.

ХУРШИД — ШАМСИДДИН ШАРАФИДДИНОВ

(1892 — 1960)



Ўзбек мумтоз адабиёти билан XX аср янги адабиётини бир-бирига боғлаб турувчи кўприклардан бири Шамсиддин Шарафиддин ўғли Хуршиддир. У ўзбек драматургиясига пойдевор қўйган дастлабки ижодкорлардан бири, шоир, ёзувчи, таржимон ва режиссёрдир. Ана шу кўп қиррали ва самарали ижодий фаолияти учун 1990 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган юксак унвон берилган.

Хуршид 1892 йилнинг 10 майида Тошкентда боғбон оиласида таваллуд топган. Мадраса ва эски мактабда тахсил олган. У асримиз бошларидан, аниқроғи, 1905 — 1906 йиллардан бошлаб жадид адабиётининг навқирон намояндalarидан бири сифатида қалам тебрата бошлаган. Шу маънода у маърифатпарварлик руҳида «Эскилик ва янгилик» деган дастлабки пьесасини, кейинроқ «Ориф ва Маъруф», «Қора хотин», «Кичик аскар» каби пьесаларини, «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сиёвуш», «Ойбону» сингари мусикий драмаларини яратган. Айниқса, унинг Алишер Навоий дostonлари асосида яратган ҳар икки драмаси ўз даврида жуда машхур бўлган. Хуршид катор опералар либреттолари ҳам ёзган.

Хуршид таржимон сифатида ҳам самарали ижод этган. Хусусан, Шиллернинг «Қароқчилар», В. Шекспирнинг «Қора араб», «Отелло», У. Ҳожибековнинг «Аршин мол-олан» каби машхур асарларини ўзбек тилига ағдарган. Шунингдек, Шарқнинг буюк шоирларидан бири Ҳофиз Шерозийнинг юзга яқин ғазалларини она тилига таржима этган. Бундан ташқари у ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намояндalари Мунис ва Оғаҳий каби шоирлар девонларини араб графикасидан ҳозирги ўзбек (кирилл) ёзувига ўтказиб, нашрга тайёрлаган.

Хуршид етук ғазалнавис шоирдир. Унинг «Чоргоҳ», «Гирён», «Баёт», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Сувора»

каби куйларга солинган оҳанграбо шеърлари машҳур ҳофизлар томонидан ҳамон ихлос билан айтиб келинмоқда.

Мохир ғазалнавис шоир, етук драматург ва таржимон Хуршиднинг ижодий мероси анча бой, серкирра ва сермазмун бўлиб, у ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси Х. Сулаймонов номидаги Адабиёт музейида авайлаб сақланмоқда.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

(Жулқунбой)

(1894 — 1938)



Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Абдулла Қодирий 1894 йил 10 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. Унинг таржимаи ҳолидаги қуйидаги сўзлар ёзувчининг 1926 йилга қадар кечган ҳаётига ойдинлик киритади:

«Ҳар ҳолда бемавридроқ бўлса керак, камбағал, боғбонлик билан кун кечиргучи бир оилада... туғилгонман. Ёшим тўқкиз-ўнларга борғондан сўнг

мени мактабга юбордилар. Мактабда икки-уч йил чамаси эски усулда ўқиб, кейинги вақтларда оиламизнинг ниҳоятда қашшоқ кун кечиргани ваҳждан ўн икки ёшимда мени бир бойга хизматчиликка бердилар. Хўжайиним ўзи савдогар киши бўлуб, ўрисча ёзув-чизув билатурғон одамга муҳтож эди. Шу таъма бўлса керак, мени ўрис мактабига юборди... 1912 йилда манфактур билан савдо қилувчи бир кишига йилига 50 сўм баробарига приказчик бўлуб кирдим... Шу миёналарда бозор воситаси билан татарлардан чиқадигон газеталарни ўқиб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтирдим, 1913 йилда ўзбекча «Садои Туркистон», «Самарқанд», «Оина» газеталари чиқа бошлағоч, менда шуларга гап ёзиб юриш фикри уйғонди... 1913 йилда чиққан «Падаркуш» таъсирида «Бахтсиз куёв» деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим

(1915 йилда). Яна шу йилда театрларда чиқиб турғон ҳикоя ва рўмонларга тақлидан «Жувонбоз» отлик ҳикоячани ёзиб, ношир топилмоғинидан, ўзим нашр қилиб юбордим. Николай тахтдан йиқилгондан кейин оддий халқ милициясига кўнгилли бўлиб ёзилдим...

1918 йил бошларида Эски шаҳар озиқ комитети бойлар кўлидан олиниб, комитетнинг раислиғига ўртоқ Султонхўжа Қосимхўжаев тайин қилингон эди ва мен мазкур комитетнинг ўзбекча саркотиблиғига кирдим. 1919 йилнинг аввалларида озиқ комитетининг исмидан чиқарилмоқчи бўлгон «Озиқ ишлари» газетасига муҳаррир бўлиб тайинландим... Шу кунгача шўро идораларида қилгон хизматларимни бирма-бир санаб ўлтиришим узокка чўзилдурғон бўлгонликдин мундан кейин муассаса исмларинигина аташ билан кифояланаман: «Русто» деворий газетасига мухбир бўлиб, «Иштирокиюн» ва «Қизил байроқ» газеталарида сотрудник... «Муштум» журналининг муанниси ва таҳририя аъзоси бўлиб, то 1924 йилгача меҳнаткашлар манфаатига холис ишлаб келдим. Шу ўтган етти йил орасида Шўролар ҳукумати ва фирқадан бир оғиз танбех олмадим. Хулоса — бошқаларнинг хизмати дафтар билан собит бўлса, менинг хизматларим матбуот билан равшандир... Ишчи-деҳқонлар ёзғон асарларимни суюниб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргаздилар ва мени ҳамон ўқирлар ва унутмаслар...».

Адибнинг илк ижоди 1913 — 1914 йилларда бошланган бўлиб, дастлаб у шоир сифатида қалам тебрлатган. Унинг «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Тўй», «Фикр айлағил» (1914 — 1915) каби шеърлари «Садои Туркистон» газетаси ва «Оина» журналида босилган. А. Қодирий шу шеърларида миллатдошларини жаҳолат ва хурофотга қарши курашга чақириб, маърифатпарвар шоир сифатида майдонга чиққан. Бу йилларда у «Бахтсиз куёв» (1915), «Ҳеч ким билмасин» каби сахна асарларини ҳам ёзган. Унинг «Жувонбоз» (1915), «Улоқда» (1916) каби ҳикояларида ўз халқини саводли, билимли, маданиятли ва озод кўриш истаги сезилиб туради.

Адиб дастлабки асарларини турли тахаллуслар остида эълон қилган. Шу тахаллуслардан бири ва халқ ўртасида машҳур бўлгани Жулқунбойдир.

1924 йили Абдулла Қодирий Москвага бориб, Журналистлар институтида таҳсил олди. Москвадан қайтиб, «Муштум» журналида штатсиз мухбир бўлиб ишлай бошлади. Унинг «Тошпўлат тажанг нима дейди?» ва «Калвак

махзумнинг хотира дафтаридан» туркумидаги ҳажвий хикоялари шу журналда илк бор босилди.

Абдулла Қодирий 1917-1918 йиллардан бошлаб «Ўтган кунлар» романи учун материал йиғишга киришди. 1922 йилда биринчи ўзбек романининг дастлабки боблари «Инқилоб» журналида чоп этила бошланди. 1925 — 1926 йилларда «Ўтган кунлар» уч бўлим ҳолида китоб бўлиб нашр этилди.

1928 йил ёзувчининг иккинчи тарихий романи «Меҳробдан чаён» нашрдан чиқди.

1934 йилга келиб, Абдулла Қодирий қишлоқ хўжалиги мавзуйга бағишланган «Обид кетмон» қиссасини яратди. Ундан ташқари, у Гоголнинг «Уйланиш» комедияси ва Ғарб ёзувчиларининг сатирик хикояларини ўзбек тилига таржима қилди.

Абдулла Қодирий «Амир Умархоннинг канизи», «Намоз ўғри», «Даҳшат» каби романлар яратиш орзусида бўлган. Аммо мустабид тузум бу орзуларининг тўла рўёбга чиқишига имкон бермади.

Абдулла Қодирий 1926 йилда «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» мақоласи туфайли қисқа муддат ҳибсга олинган. 1937 йилнинг 31 декабрида эса «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилган.

Унинг асарлари 1956 йилдан бошлаб янгидан нашр этила бошланди. 1990 йилда Республика Президентининг фармони билан А. Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилди. 1991 йили эса А. Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. 1994 йили — Мустақилликнинг учинчи йилида унга «Мустақиллик» ордени тақдим қилинди.

Ҳозирги кунда эса бир қатор кўчалар, боғлар, мактаблар, кутубхона ва институтлар ёзувчининг табаррук номи билан аталади. Адиб номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида энг билимдон талабаларга Абдулла Қодирий номидаги стипендия белгиланган.

ЧЎЛПОН

(Абдулҳамид Сулаймон ўғли)

(1897 — 1938)



Ўзбек адабиётининг ёркин намояндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон 1897 йилда Андижоннинг Қатортерак маҳалласида савдогар оиласида дунёга келган. Отаси Сулаймонқул Мулла Муҳаммад Юнус ўғли (1874 — 1929) дастлаб деҳқончилик, сўнгра базозлик билан шуғулланган. Таниқли журналист ва ёзувчи Мўминжон Муҳаммаджонов «Турмуш уринишлари» китобида

кайд этишича, Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул ўз даврининг етук зиёлиси, маърифатпарвар кишиси бўлган. У «Расво» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган, девон яратган.

Чўлпон аввал эски мактабда, сўнгра мадрасалар ва рус-гузем мактабида таҳсил олиб, араб, форс ва рус тилларини мукаммал ўзлаштиради. Мутолаа йўли билан эса турк, немис ва инглиз тилларини ўрганади. Шарқ ва Ғарб ижтимоий-сиёсий қарашларидан озиқланади. Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Умар Ҳайём, Алишер Навоий каби буюк сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўрганади.

Чўлпон дунёқараши ва ижодининг шаклланишига аср бошларидаги демократик инқилоблар ҳамда жадидчилик ҳаракати катта таъсир кўрсатган.

Чўлпоннинг ижоди 1913 — 1914 йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Қаландар», «Мирзақаландар», «Андижонлик» ва ниҳоят «Чўлпон» (Тонг юлдузи) тахаллуси билан ижод қилди. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти раванкига салмоқли ҳисса қўшади. Чўлпоннинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» каби маҳаллий газеталарда, шунингдек, Оренбургда чиқадиган «Шўро» журналида нашр этилади. Чўлпоннинг «Ишгирокиюн», «Қизил Байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» каби газеталардаги фаолияти ҳам унинг ижодий шаклланишида мактаб бўлиб хизмат этади.

Чўлпон очеркнавис ва публицист сифатида ҳам баракали ижод қилди. Бу борада айниқса, унинг «Адабиёт надир?», «Муҳтарам ёзувчиларимизга» каби мақолалари адабиётнинг мақсад ва вазифаларини англашда муҳим роль ўйнади. У 1914 — 1917 йилларда яратган «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадиёр» сингари ҳикоялари, «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» сингари мақолаларида маданият ва маърифат тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. У Октябрь тўнтаришидан кейинги 1920—1924 йилларда ҳаётда содир бўлаётган хуш ва нохуш ўзгаришларни қаламга олди. «Йўлда бир кундуз», «Йўлда бир кеча», «Шарқ поезди келди», «Шарқ уйғонган», «Қутурган мустамлакачилар», «Йўл эсдалиги» сингари ўнлаб очерклари ва публицистик мақолаларида чоризм мустамлакачилари ва маҳаллий ҳоким синф етказган жабру жафолар етмаганидек, фуқаролар уруши даврида рўй берган фожеаларни коралади.

Чўлпон 1922 — 1926 йилларда ўзининг «Уйғониш», (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) каби тўртта шеърий тўпламини нашр эттирди. 30- йилларга келиб, «Жўр» каби шеърий тўпламини тайёрлади. Аммо «Соз»и чоп этилади-ю, «Жўр» тўплами катагонлик тузоғига илиниб, қолиб кетади. Шоирнинг тўпламлари орасида «Булоқлар» (1923) алоҳида ажралиб туради. Тўплам беш бўлимдан иборат бўлиб, улар «Шарқ учун», «Сезгилар», «Севги», «Қора йўллар» ва «Қор кўйнида» деб номланади. Шоирнинг ўзи қайд этишича, мазкур шеърий гулдаста «жаҳон фотиҳлари чангалида эзилиб ётқон Шарқ ўлкаларига» бағишланган. Жумладан, «Амалнинг ўлими» шеърида шундай мисраларни ўқиймиз:

Кўнглимда йиғлаган малаклар кимлар,
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда инграган бу жонлар кимлар,
Куллар ўлкасининг инсонларими?

Чўлпон 1925 йилларга келиб, «Муҳит кучли экан, эгдим бўйнимни» дея ижтимоий қарашларини ўзгартиришга мажбур бўлганлигини эътироф этади. Аммо шунга қарамай, шоир яратган икки юздан ортиқ шеърий асарлар эл-юрт бахти, келажаги, мустақиллиги, озодлиги учун курашнинг ёрқин солномаси деса бўлади.

Чўлпон етук лирик шоиргина эмас, балки «Новвой киз», «Ойдин кечаларда», «Қор кўйнида лола» каби ўнлаб

ҳикоялар, «Кеча ва кундуз» (1936) каби ажойиб роман ҳам яратган истеъдодли адибдир.

У драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. Унинг «Ҳалил фаранг», «Чўрининг исёни» каби кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» каби драмалари ҳамда кўп вақт сахнадан тушмаган «Ёрқиной» пьесалари машҳур бўлган. Шунингдек, рус ёзувчиси В. Ян билан ҳамкорликда «Хужум» драмасини яратган.

Чўлпон моҳир таржимон сифатида В. Шекспирнинг «Ҳамлет» фожеасини, А. С. Пушкиннинг «Дубровский» қиссасини ва «Борис Годунов» каби пьесаларини, М. Горькийнинг «Она» романини ва бошқа кўплаб асарларни ўзбек тилига ўгирган.

Чўлпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирийлар каби катағонлик даврининг қурбони бўлган. У 1937 йилнинг 14 июлида қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланган.

Чўлпоннинг асарлари узоқ вақт танаффусдан кейин 1991 йили «Яна олдим созимни» номи билан нашр этилди.

Ҳозирги кунда Чўлпон номида нашриёт, кўча, маҳалла, кутубхона ва мактаблар бор.

1991 йил 25 сентябрда Чўлпонга Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилган.

1997 йили адиб таваллудининг 100 йиллиги кунларида кўплаб асарлари нашр этилди, у ҳақда илмий тадқиқотлар яратилди.

ЭЛБЕК

(1898 — 1938)



Қатағонлик даври ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Элбек (Машрик Юсупов)дир. У 1898 йилда Тошкент вилояти, Бўстонлик туманининг Хумсон қишлоғида таваллуд топган.

«Мен, — дейди шоир ўз таржимаи ҳолида, — 1905 йилда эски қишлоқ мактабига кириб ўқидим. Бу мактабда тўрт йил ўқиб, ўқув, ёзувни ўргандим... 1910—1911 йилларда жуда қий-

налдик ва шунинг натижасида бошқа ака-укаларим қатори мен ҳам уйни ташлаб кетишга мажбур бўлдим».

Нихоят, ўша 1911 йили у Тошкентга келиб, бир бойга карол бўлиб ёлланади. Айни пайтда Тошкентнинг Эски шаҳар мавзесидаги Девонбеги маҳалласида жойлашган «Хоний» мактабида, кейинроқ—1914 йили эса Шайхонтоҳур маҳалласидаги «Намуна» номли мактабда ўқишни давом эттиради. Шу билан бирга босмахонада ишлаб, газеталар сотиш билан кун кўради.

Элбек 1919 йили саккиз ойлик муаллимлар курсини битириб, ўқитувчилик қилади. 1921 йилдан бошлаб Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги илмий муассасаларда фаолият кўрсатади. Ўша даврда нашр этилган «Маориф ва ўқитувчи», «Инкилоб», «Билим ўчоғи» каби журналлар билан ҳамкорлик қилади.

Элбекнинг дастлабки шеърлари «Эл байроғи», «Турон», «Турк сўзи», «Улуғ Туркистон» каби газеталарда босилиб чиққан. 1922 йилга келиб, унинг «Бир сўрок», «Ўқсизнинг ўлими», «Қарға», «Бибихоним мадрасаси», «Туркистон» каби шеърлари «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида Фитрат ва Чўлпон шеърлари билан бирга эълон қилинган.

Шоирнинг илк тўплами «Армуғон» 1921 йили нашр этилган бўлиб, у асосан масаллардан иборат эди. Унинг дастлабки шеърларида кўзга ташланган мавҳумлик бу тўпландаги «Қайси бири бўри» масалида ҳам сезилиб туради. Аммо «Кучсизлар дунёси» масалида шоирнинг ният ва мақсади хийла ёрқинлик касб этганки, бу ҳол муаллиф ижоди шаклланиб бораётганидан дарак беради. Мазкур масалда тасвирланишича, энди азоб чеккан эл қонхўрликдан ўч олиш учун курашга киришади. Шундай қилиб, шоир босқичма-босқич маҳорат сари кўтарила борди.

Ўз ижодининг тетапоя ҳолатида эканини сезган Элбек «Менинг ҳикоям» шеърисида «Мен ҳали битта ҳам шеър айтмадим, фақат шеър йўлидан қайтмадим»,— деб бежиз айтмаган. Яна у бундай ёзган:

Шоирликдан мақсад, сўз кучиришмас,

Шеърдан ҳам мақсад ўй ўчиришмас,

Шоирлик маънони тиза билишдир,

Мазмунни расомдек чиза билишдир.

Элбекнинг кейинчалик яратган «Меҳнат куйлари», «Ғунчалар», «Чирчиқ бўйларида» (1935), «Ашулалар тўплами», «Болалар қўшиғи», «Шеърлар тўплами» (1936)

каби китобларидаги шеърларида шоир дунёқарашидаги, бадий маҳоратидаги такомил «мана-ман» деб туради. Айниқса, шоирнинг «Сезгилар» тўпламига кирган қатор шеърлари ўзининг даъваткорлиги билан ажралади.

Элбек қатор шеърый тўпламлар яратибгина қолмай, ўнлаб дostonлар ҳам ижод этган. Унинг «Гўзал қиз» (1927), «Бизники», «Пахта» (1929), «Ўтмишим» (1929), «Чирчиқ» (1929), «Батрак колхозии» (1930), «Тозагул» (1934), «Ўзбекистон» (1934), «Боғбон» (1935), «Этик» (1935), «Мерган» (1935) асарлари шулар жумласидандир.

Элбек — болалар шоири сифатида ҳам анча баракали ижод қилди. Унинг ўша «Армуғон» тўпламидаги бир қатор шеърлари қатори «Ғунчалар», «Чирчиқ бўйларида» ҳамда «Камбағал йигит ва пардастурхон», «Омонат», «Эрксиз полчи», «Она», «Болалар кўшиғи» каби бир қатор шеърлари, дostonлари, баллада ва эртаклари фикримизнинг далилидир. Айни чоғда адиб «Ёзув йўллари», «Ўрнак», «Бошланғич мактаб она тили», «Гўзал ёзғичлар» (1934) каби қатор дарслик ва қўлланмалар муаллифи сифатида ҳам маълумдир.

Элбек ҳикоянавис сифатида ҳам адабиётимиз тарихида из қолдирган. Унинг «Дадамат» (1936) тўпламига кирган «Чирчиқ», «Мен ким бўламан», «Ана», «Аноргул», «Қаҳҳор-хўжа», «Дадамат» каби ҳикоялари адибнинг дурустгина носир бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Элбек бор-йўғи қирқ йил яшади. У ҳам 1937 йилда «халқ душмани» сифатида қамокқа олинган ва Магадандаги лагерларнинг бирида вафот этган. Аммо Элбек ўзи ёзганидек, адабиётимиз бўстониға турфа гул экиб кетди. Бу унинг асарларидир.

Бу менинг қўлим-ла яратилган гул,

Қандай қила олай, менинг совғам шул,—

деб ёзган эди у.

ШОКИР СУЛАЙМОН

(1900 — 1942)



XX аср ўзбек миллий-ижтимоий, адабий ва маданий ҳаракатида фаол қатнашган сиймолардан бири Шокир Сулаймондир. У ҳам шеърят ёки наср билан шуғулланмасин, ҳам публицист ёки адабий мунаққид сифатида қалам тебратмасин ҳамisha маърифатпарварлик ғояларининг толмас тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатган.

Шокир Сулаймон 1900 йилда наврўзи олам арафасида Кўконда таваллуд топти. XIX асрнинг биринчи ва иккинчи яримларида қатор машҳур шоирларни етказиб берган Кўкон адабий муҳити ўзининг адабий-маънавий нуфузини XX аср бошларида ҳам йўқотмаган эди. Бу ҳол Шокир Сулаймоннинг адабий ва ижтимоий фаолиятининг шаклланишига таъсир ўтказмай қолмади. У шу ерда 1916 йилгача янги усулдаги мактабда таълим олди. Сўнгра Оренбургга бориб, машҳур Мадрасаи Ҳусайнияда ўқишни давом эттирди. Бу унинг араб, форс, турк, татар, рус тилларини ўрганишигагина эмас, балки шу тилларда чоп этилган газета ва журналларни ўқишига ҳам имкон берди. Шокир Сулаймон Октябрь тўнтаришидан сўнг Ўзбекистонга қайтгач, маҳаллий матбуот саҳифаларида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш йўлидан борди. 1922—1926 йилларда эса аввал Москвадаги ишчилар факультетида, сўнг Крупская номидаги педагогика академиясида ўқиди.

Шундай қилиб, Шокир Сулаймон 20-йилларнинг ўрталаридаёқ публицист, ҳикоянавис, шоир ва таржимон, адабиётшунос ва мунаққид, шунингдек, дарслик ва қўлёзмалар муаллифи сифатида майдонга чиқа бошлади. Агар у ўнлаб мақола ва очерклар яратиб, уларда ўз халқини маърифатга ва маданиятга чорлаган бўлса, «Қотил», «Хукм», «Фармоза отаси», «Лолазордаги шумғия», «Паразитлар», «Ямо билан Ҳамо» каби бир қатор ҳикояларида янгилик билан эскилик ўртасидаги аёвсиз курашни кўрсатишга ҳаракат қилди.

Шокир Сулаймон шоир сифатида ўз даврида анчагина шуҳрат топган эди. Унинг «Эрк куйлари» (1926), «Ғалаба марши» (1928), «Давр ҳайкириғи» (1932) каби шеърӣй тўпламлари ва дostonларида «янги ҳаёт» қувончи ва ташвишлари баралла куйланди. Шокир Сулаймоннинг шоир сифатидаги фаолиятида унинг чет эл Шарқи мавзуидаги асарлари диққатга сазовордир. У жумладан, «Куллари кўкларга!» шеърӣда ҳинд халкининг мустамлакачилик сиёсатиға қарши олиб борган курашини акс эттиради ва унда:

«Ҳой, Ғарб золимлари! Ўлимдан-да, ўтдан-да қўрқмайди Буюк Ҳиндистон»,— дея қардош мамлакатнинг озод ва ҳур келажағига ишонч билдиради. «Шарқ қизи», «Кул» каби шеърларида буюк Шарқ озодлик кураши манзараларини кўрсатишға интилади.

Шокир Сулаймоннинг ҳаётида унинг педагогик фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади. У ўрта ва олий ўқув юртлари учун бир қатор дарслик ва қўлланмалар яратиб, уларда хусусан, Сўфизода, Ҳамза, Мирмуҳсин, Фитрат, Чўлпон ижодига оид қимматли маълумотларни берди. Унинг А. Саъдий, О. Иброҳимов, Ходи Тоқтош, Ҳасан Тўфон, С. Айний, А. Лоҳутий каби қардош халқлар адабиёти ва илмий намояндалари ҳақида чиқишлари қонқардошлиқни мустаҳкамлаш ва адабий-маданий алоқаларни чуқурлаштириш ишиға хизмат этди.

Ижодий ва ижтимоий-маърифий фаолияти қизгин тус олган уруш йилларида катағонлик нафаси Шокир Сулаймонға ҳам етиб келди. У 1941 йилнинг 25 августида қамоққа олиниб, 1942 йилнинг 8 августида бор-йўғи 42 ёшида жувонмарг этилади. 60-йилларға келиб оқланади ва 1964 йилда унинг «Ўч» номли ҳикоялар туплами нашр этилади.

ЧАРХИЙ

(1900 — 1979)



Мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини янги тарихий даврда давом эттирган шоир Аскарали Хамроали ўгли Чархий Қўқонда 1900 йилда таваллуд топди. Бошлангич маълумотни эски мактабда олган Аскарали отасидан хуснихат машқ қилишни. онасидан шеър ёзишни ўрганди.

Бўлғуси шоир Хофиз, Саъдий, Навоий, Бедил ғазалларини меҳр билан ўқиди. Сулаймонкул

Рожий, Мирза Хўқандий каби қўқонлик шоирлардан аруз қоидаларини ўрганди, кўпроқ ҳажвиётга мойиллик кўрсатди. Аскарали Октябрь тўнтаришидан кейин Чархий таҳаллуси билан шеърлар ёзиб юрган бўлса-да, уларни узоқ вақтгача матбуотда эълон қилмади.

Чархий 1938—1939 йиллардан бошлаб Қўқонда чоп этилган «Янги Фарғона» газетасида, «Муштум» журналида фаол қатнашди. Шоир «Ширин ва аччиқ» (1959), «Шеърлар» (1966), «Алихўжа ва Хўжали» (1970), «Девон» (1972) номли китобларини ўқувчиларга тақдим этди.

Чархий ижодида лирик шеърлар билан бир қаторда, ҳажвий шеърлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Айниқса, у яратган қўшиқлар ўзининг оҳанграбоси ва нафислиги, ҳаё ва андишага лиммо-лимлиги билан тингловчи қалбини ўзига ром этади. Хусусан, унинг Акмал ва Комила исмли икки ёшнинг беғубор муҳаббатига бағишланган «Қиёлаб ўтди» қўшиғи машҳур бўлиб кетган:

Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди,

Тушгач нигоҳи менга, таъзим бажолаб ўтди...

Чархий мумтоз адабиётимизнинг асосий вазни—аруз системасида ва шеърятимизнинг турли жанрларида муваффақиятли ижод этган ва уни ривожлантирган истеъдодли шоирдир. У кўп йиллар давомида Қўқондаги Муқимий уй-музейида илмий ходим бўлиб ишлаб, Муқимий адабий меросини тўплаш ва авайлаб асраш ишига муносиб ҳисса қўшган.

1975 йилда Чархийга Ўзбекистон халқ шоири деган фахрий унвон берилган.

Чархий истеъдодли газалнавис, ажойиб қўшиқчи-шоир, жонкуяр маърифатчи сифатида ихлосмандлари хотирасида ўчмас из қолдирган.

У 1979 йил 18 декабрда Кўконда вафот этган.

ҒАЙРАТИЙ

(1902 — 1978)



Ўзбек адабиёти равнақиға ўз улушини қўшган адиблардан бири Ғайратий—Абдурахим Абдулла ўғлидир.

У 1902 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида хунарманд оиласида дунёга келди. Унинг отаси ўқимишли, адабиётга кизиққан киши бўлган. Онасидаан эрта жудо бўлган Абдурахим маҳалладаги Ойимхон ая қўлида тарбия топган. Унинг адабиётга кизиқишида ҳам ая айтган эр-таклар муайян рол ўйнаган.

1912—1915 йилларда у аввал эски мактабда, сўнг мадрасаларда таҳсил олади. Шу йилларда Навоий, Муқимий, Фурқат асарлари билан танишади. Октябрь тўнтаришидан сўнг Тошкентдаги (Хадра) «Намуна» номли мактабнинг ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқийди, сўнг халқ маорифи соҳасида ишлайди.

Бўлғуси адибнинг илк шеъри 1921 йилда «Болалар ҳафтаси» номи билан «Қизил Байроқ» газетасида босилиб чиқади.

1926 йилда Ғайратий Озарбойжонга бориб, Бокудаги билим юртида ўқийди. У ерда М. Ўрдубодий, М. Мушфик, С. Рустам, Ж. Жаббор каби таникли адиблар билан танишади ва мулоқотда бўлади. Бокудан қайтгач, Тошкентдаги музыкали драма театрида адабий эмакдош бўлиб хизмат қилади. 1929—1931 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир ва бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Унинг биринчи шеърий тўплами 1927 йилда

«Эрк товуши» номи билан нашр этилади. 1928 йилда «Яшаш тароналари» шеърӣй тўплами, «Қутулиш» номли ҳикоялар тўплами чоп этилади. Шеърӣй тўпламга кирган «Шеърим», «Шоир», «Танбурчи қизга», «Менинг туйғуларим» каби шеърларида шоирнинг дунёқараши гавдаланади.

Шундан сўнг адибнинг «Ҳашар» (1929), «Қора юраклар» (1931), «Ошиқ ҳукми» (1932), «Онамга хат» (1933), «Танланган асарлар» (1934), «Шикаста» (1935), «Маҳкам» (1935), «Севги» (1939), «Олтин ёшлик» (1940), «Ҳикоялар» (1957), «Танланган асарлар» (1958) каби қатор тўплам ва дostonлари нашр қилинади.

Ғайратий 50-60-йилларда ҳам баракали ижод қилди. У Фуркат ва Ҳамза каби устозлари ҳақида «Фурбатда Фуркат», «Шоир», «Ўлмас қўшиқ» каби китобларини чоп эттирди. «Тепалик мазор» (1956), «Ҳилола», «Сабаби — тириклик» (1958), «Махсум қочди» (1960) каби ҳажвий ҳикоялар ҳам яратди. «Довдираш» номли ҳажвий ҳикоялар тўпламини нашр эттирди. 1958 ва 1972 йилларда шоирнинг «Танланган асарлар»и чоп этилган. Айниқса, унинг «Рус-тамнинг саргузаштлари» киссаси ёшлар ва ўсмирларнинг сеvimли китоби бўлиб қолди. Ғайратий айна чоғда Э. Воҳидов, Сайёр, Ю. Шомансур, Ҳ. Салоҳ, А. Эшонов каби истеъдодли шоирларга мураббийлик қилди ва устоз унвонини олди.

1972 йилда Ғайратийга Ўзбекистон халқ шоири унвони берилган. У 1979 йил 22 январда вафот этган. Вафотидан сўнг эса «Қуёшга муҳаббат» деган (1980) шеърӣй мажмуаси нашр этилди.

АБДУЛЛА АЛАВИЙ

(1903 — 1931)



Чўлпоннинг яқин дўсти ва шогирдларидан бири Абдулла Алавий 1903 йили Тошкент вилоятининг Пискент туманида зиёли оиласида дунёга келди. Болалик пайтлариданок тарих ва адабиёт билан қизиқди, мадраса таълими билангина чекланиб қолмай, хусусий мутолаа йўли билан ҳам билим доирасини беҳад кенгайтди. Аини пайтда у рус ва немис тилларини ўрганиб, шу тилларда яратилган

адабиёт билан ҳам таниша бошлади.

1917 йилдан кейин у дастлаб Пискент, кейин Тошкентда очилган янги мактаб ва билим юртида ўқиди. Сўнг маълум вақт ўқитувчилик қилгач, Ленинградга бориб, олий тахсил олишда давом этди. Аини пайтда у ердаги дорилфунунларнинг бирида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди.

Абдулла Алавий том маънодаги зиёли бўлиб, замондошларининг айтишларига кўра, араб, форс, турк тиллари билан бирга француз ва лотин тилларини ҳам билган. Катта билим соҳиби бўлган Абдулла Алавий Самарқанддаги Педагогика академиясида хизмат қилган кезларида бу ерда тўпланган ўзбек олимлари ва ёзувчилари билан ижодий ҳамкорликда бўлган ва улар ҳурмати кезонган.

Абдулла Алавий ўзбек мумтоз адабиёти, адабиёт назарияси ва янги алифбо масалаларига бағишланган бир неча мақолалар билан бирга ўнга яқин шеърлар ҳам қолдирган. Бу мақола ва шеърлар—миқдор жиҳатидан кўп бўлмаса-да, сифат нуқтаи назаридан катта эътиборга сазовор. Шоирнинг айниқса, янги руҳ билан суғорилган лирик шеърлари 30-йилларда ўзбек шеъриятига янги тароват олиб кирган. У Чўлпондан кейин шеъриятимиздаги лирик ибтидонинг янада теранлашишига ҳисса қўшган. Унинг «Йўловчи», «Эркин саҳоб», «Арслонбобга», «Денгизга» сингари шеърларидagi янги лирик тамойиллар ўзбек шоирларининг кейинги авлоди, хусусан, Рауф Парфи томонидан давом эттирилди ва қутлуғ натижаларга олиб келмоқда.

Абдулла Алавий XX аср ўзбек адабиётининг баланд сиймоларидан бири бўлиши мумкин бўлгани ҳолда авжи ижоди гуллаган паллада оғир хасталикдан сўнг 1931 йилда вафот этган. Унинг вафоти Чўлпон сингари шоирларни ларзага солган ва улар Абдулла Алавий вафотига бағишланган марсиялар ёзганлар.

ҒАҒУР ҒУЛОМ

(1903 — 1966)



Ўзбек адабиётининг машҳур намояндаларидан бири Ғафур Ғулом 1903 йил 10 майда Тошкент шаҳрининг Кўрғонтеги маҳалласида таваллуд топди. Тўққиз ёшида отасидан, ўн беш ёшида онасидан етим қолган Ғафур аввал эски мактабда, сўнгра рус-тузем мактабида таълим олди. У Октябрь тунтаришидан кейинги йилларда муаллимлар тайёрлов курсини битириб, янги усулдаги мактабларда ўқитувчилик қилди. 1923 йилдан болалар уйида мудир ва тарбиячи, сўнг «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати» газеталари муҳарририятларида ишлади. Газета унинг учун дорилфунун ролини ўтади, халқ ҳаётини ўрганиш, унга фаол аралашиб йўлида муҳим восита бўлди.

Унинг мамлакатни химоя қилиш ҳақидаги тантанавор шеърлари, ўтмиш сарқитларини қораловчи ҳажвиялари ва халқнинг кундалик ижодий меҳнатини олқишловчи асарларидан жамланган «Динамо» ва «Тирик қўшиқлар» номли дастлабки шеърый тўпламлари 1931—1932 йилларда чоп этилди.

Шоир 1930—1935 йилларда «Кўкан» достонини, «Тўй», «Икки васиқа» балладаларини яратди. Бир эъ, шоирнинг бир қатор шеърлари, хусусан, биз кўп йиллар жамоалаштириш мавзуидаги йирик асар деб мактаб келган «Кўкан» достони ҳозирги давр талаблари даражасида эмаслиги сезилиб қолди. Жумладан, унда бошдан-оёқ макталган жамоа-

лаштириш сиёсати маълум ижобий натижалари қаторида чексиз зулм-фожеаларга ҳам сабаб бўлганлиги бор бўйича реалистик ифодаланмаган. Унинг партия, Ватан, Ленин, Октябрь ҳақидаги шеърларида ҳам замонасозлик майллари сезилиб туради. Шу туфайли шоир ижоди бугунги кунда танқидий ёндошишни тақозо этади.

Тўғри, адиб барҳаёт давридаёқ шахсга сиғиниш таъсирида яратилган айрим асарларини қайта кўриб чиққан. Айрим мисраларни янгидан ёзиб, шеърга табиийлик ва ҳаётийлик бағишлаган. Жумладан, «Соғиниш» шеърининг аввалги нусхасидаги:

Богда товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингиз.
Ғолиб келажакни сайр қилайлик...

тўртлигининг сўнги мисраси:

Мушфиқ онагинанг билан иккимиз,—

деб ўзгартирилган. Натижада шеър бир бутун, тугал ва ҳаётий маънога кирган. Энг муҳими, ғофирона фалсафа ўз бадий ифодасини топган. Худди шу ҳол унинг «Кузатиш», «Сен етим эмассан» шеърларига ҳам хос бўлиб, улар ҳам адиб томонидан қайта ишланган.

30- йилларда Ғафур Ғулом ҳикоя, очерк, фелъетонлар қатори «Нетай», «Ёдгор», «Тирилган мурда» каби қиссаларини ҳам яратди.

Уруш йилларида шоир ўз ижодининг бутун ҳароратини фашист босқинчиларига қарши курашаётган халққа қаратди, унинг муқаррар ғалабасига ишонч руҳи билан суғорилган шеърлар яратди. У «Сен етим эмассан», «Кузатиш», «Вақт», «Соғиниш» каби шеърлар, публицистик очерк ва мақолалар ёзиб, халқни жанг ва меҳнат ғалабасига отлантирди.

Ғафур Ғулом урушдан кейинги йилларда ҳам адабиёт жанрларининг кўпгина турларида самарали қалам тебратиб, юксак бадий асарлар яратди, публицистика ва адабиётшуносликка оид қатор ажойиб мақолаларини эълон қилди. Унинг ижоди халқ ҳаётининг шу даврдаги ўзига хос йилномаси ўлароқ намоён бўлди. Агар Ғафур Ғулом бу даврда шеърин асарлари билан файласуф шоир даражасига кўтарилган бўлса, «Шум бола» қиссаси, «Менинг ўғригина болам» сингари ҳикоялари билан халқ турмуши ва руҳини яхши билувчи моҳир носир эканлигини намоён этди.

Ғафур Ғулом ўзбек таржима мактабининг майдонга

келишига ҳам улкан ҳисса қўшган. У «Отелло», «Кирол Лир» сингари жаҳон ва рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига катта маҳорат билан ўгирган.

Ғафур Ғулом Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси (1943) эди. Унга 60 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилган (1963).

Шоирнинг кўпгина асарлари Осиё ва Европа халқлари тилларига таржима қилинган.

Ўзбек шеъриятининг оташин жарчиси, улкан сўз санъаткори Ғафур Ғулом миллий адабиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшган адибдир.

Адиб 1966 йилда вафот этган.

Унинг:

Азиз асримизнинг азиз онлари,
Азиз одамлардан сўрайди кадрин.
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла,
Безамок чоғидир умр дафгарин,—

деган қуйма мисралари ҳамма замонлар ва кишилар учун буюк келажак даъваткори бўлиб янграшига ишончимиз комил.

БОТУ

(Маҳмуд Ходиев)

(1904 — 1938)



Боту истеъдодли шоир ва жамоат арбоби эди. У ўзининг таржимаи ҳолида: «Мен Боту— Маҳмуд Мақсудович Ходиев 1904 йилда Тошкентнинг Қалдирғоч маҳалласида маҳсидўз— камбағал оиласида туғилганман...» деб ёзади. Бошланғич таълимни эски усулдаги мактабда олган Боту дастлаб Москвадаги Покровский номли институт қошидаги ишчилар факультетида (1921), сўнгра Москва Давлат дорилфунунининг иқтисод факультетида ўқиб (1921—1927), олий маълумотли

бўлиб етишади. Шундан кейин у ўша йилларда Республика пойтахти Самарқандга қайтиб, адабий ва ижтимоий фаолият билан машғул бўлади: партия ва давлат муассасаларида фаоллик кўрсатиб, ёшларнинг «Аланга» журнаliga муҳаррирлик қилади.

Шу даврдан бошлаб унинг шеър ва ҳикоялари, публицистик мақола ва очерклари «Билим ўчоғи», «Инкилоб», «Аланга», «Маориф ва ўқитувчи» сингари журналларда чоп этилади. Унинг «Хайит ҳаром бўлди» (1929), «Турсун» (1930) каби ҳикояларида эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш, зиддият ўз ифодасини топган.

Унинг «Умид учкунлари» (1925), «Тўлқинларим» (1929) каби тўпламларидаги шеърларида ёш шоирнинг самимий ва хаяжонли туйғулари ифода этилган. Энг муҳими, унинг шеърларида порлок, озод келажак учун кураш бош мотив даражасига кўтарилган. Шу жиҳатдан унинг «Кўзголиш», «Исён», «Бизнинг тозуш», «У кун», «Ёш юрак тўлқинлари» каби ўнлаб шеърлари эътиборга сазовор. Масалан, шоир қуйидаги сатрларида ўз юрти осмонини мусаффо кўришни хоҳлаб ёзади:

Йиртилдингиз, эй ярамас қора қалин пардалар,
Ҳеч ёвқусиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин!
Йўқолингиз, ёруғликни тусатурган булутлар,
Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилсин!

Боту жамоат арбоби сифатида республикамызда мактаб-маориф, фан ва маданиятни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатган. Бирок, Боту айни пайтда мустабид тузумга садоқат билан хизмат қилиб, Фитрат ва Чўлпон сингари устозларига қарши мафкуравий курашларда иштирок этган. Аммо шунга қарамай, у 1929 йили қамокқа олиниб, Соловейк оролларида сургун қилинган. 1938 йил 8 майда Москвада халқ душмани сифатида отиб ташланган.

Ботудан икки фарзанд қолган бўлиб, уларнинг ҳар иккиси—ўғли Эркил Ходиев ҳам, қизи Наима Маҳмудова ҳам тиббиёт фанлари доктори, профессордир.

ЧУСТИЙ

(1904 — 1983)



Шоир Чустий мумтоз адабиётимиз билан янги давр адабиёти оралиғидаги кўприкни яратган ва арузнавислик санъати анъаналарини ривожлантирган адиблар сирасига киради. Шунга кўра у Хабибий, Собир Абдулла, Чархий каби ғазалнавис ва кўшиқчи шоирлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Чустий шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, у Наманганнинг Чуст туманида таваллуд

топган. Асл исми шарифи Набихон (Набихўжа) Нуриллахўжа ўғли бўлиб, у 1904 йилнинг май ойида тўқувчи-хунарманд оиласида дунёга келган. 1916 йилдаги ўлкада ҳукм сурган ўзгариш ва бебошликлар туфайли ўн тўрт жонли Набихонлар оиласи Қўқонга кўчиб бориб, тўқувчилик ишлари билан шуғулланади. Бўлгуси шоир ҳам ўн икки ёшидан ота касбига меҳр қўяди, оилага ёрдамлашади. Айни пайтда у эски мактаб ва мадрасаларда таълим олади.

Чустий Октябрь тўнтаришидан кейинги қарийб 60—70 йил давомида совет хўжалик тармоқларида, маданий-маърифий марказларда, илмий-адабий ўчоқларда фаолият кўрсатади. Жумладан, 1930—1939 йилларда колхозларда, матлубот жамиятларида масъул лавозимларда ишлайди. 1940—1946 йилларда эса Муқимий номидаги мусиқали драма театрида аввал адабий эмакдош, сўнг директор лавозимида хизмат қилади. 1944—45-йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Адабиёт жамғармасида директор бўлиб ишлайди. Сўнг нашриётларда таржимон сифатида фаолият кўрсатади. 1970—1976 йилларда у Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. 1976 йилдан бошлаб унга республика аҳамиятига молик нафақа тайинланади. Ундаги шеърятга, ижодга ҳавас анча эрта уйғонган бўлса ҳам, мустақил ижод йўлига ўн саккиз-йигирма ёшларида қадам қўяди. Бунда Шарк мумтоз адабиёти намояндалари ижодининг таъсири кучли бўлади. Чустийнинг шоир сифатида шаклланишида «Турабий» тахаллуси билан ғазал, мухаммас

ва маснавийлар яратган отаси Нуриллахўжанинг ҳам таъсири йўқ эмас.

Чустий бутун умри давомида йигирмага яқин шеърий тўплам яратган ва нашр эттирган бўлиб, улар жанр ва услуб жиҳатдан бой ва рангго-рангдир. Унинг «Кўзғол» (1942), «Шамшир» (1943), «Лолазор» (1945), «Ҳаёт завқи» (1951), «Гул мавсуми» (1969), «Ғазаллар» (1978), «Ёд этинг камтарин Чустийни ҳам» (1984) каби қатор шеърий мажмуалари қаторида «Зафарнома» (1939), «Тириклайин жаннатга кирган кампир» (1939), «Кийикнома» (1940), «Гул садоси» (1949), «Уйғуробод» (1948), «Боғи эрам» (1978) каби дostonлари ҳам китобхонлар томонидан илик кутиб олинган. Шунингдек, шоирнинг мумтоз адабиёти-миз анъаналаридан озикланган «Ҳаётнома» (1988), «Садокат гуллари» (1992), «Кўнгил тилаги» (1994) каби девонлари китобхонга Шарқ — мусулмон ахлоқи фалсафасини сингдиришда эстетик роль ўйнайди. Унинг сўнгги «Кўнгил тилаги» девонига кирган бир қатор ғазаллар, мухаммас ва маснавийлар бундан жиҳатдан муҳим кимматга эгадир.

Тўплам ўша даврнинг «Панд-насихат гулшани» деб таърифланиши ҳам бежиз эмас. Унда шоир авлодларга, ўғил-қиз, набираларга, келажакка муурожаат қилар экан:

Жаҳонда бебаҳо гавҳарга ухшанг,
Ҳаёт осмонида ҳулқарга ўхшанг, —

деб даъваткорлик қилади. Девондаги «Васият» номли шеърида ҳам худди шу гоё, шу даъват етакчилик қилади.

Чустий кўшиқчи шоир сифатида айниқса, машҳур эди. Унинг ўнлаб ғазаллари 30- йиллардаёқ граммпластинкаларга муҳрланиб қолган. Шоирнинг «Ёримга савол», «Ноз этма», «Авора бўлма дейди», «Минг балони енгади», «Муҳтож бўлмағай», «Сурмага муҳтож эмас», «Бевафоларнинг иши», «Ошно бўлмай туриб» ва «Онанома» каби ўнлаб кўшиқлари ҳозирги кунда ҳам хонандаларимиз сози ва овозида баралла янграмоқда.

Чустий драматург ва таржимон ҳам эди. У бошқа муаллифлар билан ҳамкорликда «Даврон ота», «Қурбон Умаров» ва «Жасур оила» каби сахна асарларини ёзган. Хофиз, Собир Термизий, Мирза Ғолиб, Али Сардор, М. Гурсунзода асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Чустий 1983 йил 12 августда вафот этади.

ОЙБЕК

(1905 — 1968)



XX аср ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган улуғ адиб, шоир, олим, жамоат арбоби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йили Тошкент шаҳрида бўзчи оиласида дунёга келди. Олдин ўрта мактабда, 1922—1925 йилларда эса Тошкент таълим ва тарбия техникумида таълим олди. Сўнг-ра ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг ижтимоий фанлар факультетида таҳсил кўрди.

1930 йили ўрта Осиё Давлат дорилфунунини тугатиб, олий мактабларда сиёсий иқтисоддан дарс берди.

Ойбек адабиётга 1926 йили чоп этилган «Туйғулар» шеърий тўплами билан кириб келган. Шоирнинг «Дилбар—давр қизи» (1931), «Ўч» (1932), «Бахтигул ва Соғиндик» (1933), «Темирчи Жўра» (1933) дostonлари ўз даврининг шеърий солномаларидир. У тарихий ва замонавий мавзуларда йигирмага яқин дostonлар яратган. Ойбек шеърияти ниҳоятда гузал бўлиб, ўзининг содда, раvon ва ифодали тилда, бой ва ранг-баранг тасвирий воситаларда яратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, «Куёш қўшиги» шеърида:

Куёш, нуринг тукабер мул-қўл!
Баҳор, кетма, бизнинг бошлардан.
Юртимизда колмасин дашт-чўл,
Чаман қулсин хатто тошлардан!

Ёки:

Ёр кетди, қўзим булоғи колди,
Сийнамда тирик фироки колди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг
Ёшликда қўнайган очи колди. . .

Ойбек моҳир шоир бўлгани каби етук романнавис ҳам эди. У яратган «Қутлуғ қон», «Навойи», «Улуғ йўл», «Олтин водийдан шабадалар», «Куёш қораймас» каби эпик полотно-

лар ўзбек реалистик романчилиги тараққиётида муҳим бир даврни ташкил этади.

Ўзбек халқининг 1916 йилги миллий-озодлик кўзғолони ёзувчининг «Кутлуғ қон» (1940) романида зўр маҳорат билан реалистик ифодаланган бўлса, «Навоий» (1944) романида ўзбек адабиётида биринчи бўлиб, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий образини яратди. Унинг «Олтин водийдан шабадалар» (1949) асарида халқимизнинг урушдан сўнгги давр яратувчилик меҳнати, «Қуёш қораймас» (1958) романида иккинчи жаҳон уруши фожеалари ўз ифодасини топган. Адибнинг «Улуғ йўл» (1977) асари эса «Кутлуғ қон» романининг мантиқий давоми бўлиб, унда ёзувчи халқ миллий онгининг шаклланишини кўрсатишга интиланган.

Ойбек 1949 йилда Покистонга саёҳат қилган. Адиб кардош халқ ҳаётини, фикр ва туйгуларини, кураш ва интилишларини «Покистон хотиралари» очерклари, қатор шеърлари, «Зафар ва Захро», «Ҳақгўйлар» достонларида, ниҳоят, «Нур кидириб» киссасида тасвирлаган.

Адибнинг автобиографик киссаси—«Болалик» 1963 йилда яратилган. Киссанинг бош қаҳрамони ёш Мусо, яъни Ойбекнинг ўзидир.

Ойбек истеъдодли шоир, йирик носир бўлибгина қолмай, машҳур олим, публицист, танқидчи ва таржимон, давлат ва жамоат арбоби ҳамдир. Ўзбек китобхони Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърини романи, Лермонтовнинг «Маскарад», Мольернинг «Тартюф» драмалари, шунингдек, антик адабиёти намуналарини Ойбек таржимасида ўқишга муяссар бўлган.

Ойбек 1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланган ва 1950 йилгача академияда ижтимоий фанлар бўлимининг раиси лавозимида ишлаган. У юқори малакали филологлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган устоздир.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори унвонларига сазовор бўлган.

Ёзувчи асарлари ўзбек адабиётининг жаҳонаро шуҳратини янада оширди. Устоз маҳорати ёш ёзувчилар учун ижод дорилфунунига айланди. Ойбекнинг ўлмас асарлари маънавий хазинамиздан мустаҳкам ўрин олди ва умумхалқ мулки бўлиб қолди.

Ойбек 1968 йил 1 июлда 63 ёшида вафот этган. Вафотидан сўнг унинг 20 жилдлик тўла асарлари мажмуаси нашр этилган.

ОТАЖОН ХОШИМ

(1905 — 1938)



XX аср ўзбек адабиётшунослигига асос солган ва танқидчилигининг атокли намоёндаларидан бири бўлган Отажон Хошим (Хошимов) 1905 йилда Тошкентда деҳқон оиласида дунёга келган. У дастлаб эски мактаб ва мадрасаларда, шунингдек, рус-тузем мактабида таълим олган. 1922—1924 йилларда Москвада ишчилар факультетини тахсил кўрган. Қизил профессорлар институтини тугатгач,

Ўзбекистон Маориф комиссарлиги қошидаги Илмий кенгаш раҳбари, кейинроқ эса Ўзбекистон Фанлар Кўмитасининг раиси вазифаларида фаолият кўрсатган. Шу даврда у Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон педакадемиясини ташкил этиб, собик СССРдаги кўзга кўринган йирик олимларни ушбу олий ўқув юрти атрофида бирлаштирган. Ўзи эса 1929—1933 йилларда илмий салоҳиятини чуқурлаштириш мақсадида Ленинграддаги Шарқшунослик институти аспирантурасида ўқиган. О. Хошим аспирантурани тугатгач, 1934—1937 йиллар давомида аввал Ўзбекистон Фанлар Кўмитаси раҳбари, сўнг Тил ва адабиёт институтининг директори лавозимларида хизмат этади. Худди шу йилларда у йирик адабиётшунос мунаққид сифатида ҳам шуҳрат топади. Унинг «Ўзбекистонда илмий ишлар», «А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин» таржимаси ҳақида», «Диалектика ва диалектик усулда ўйлаш», «Ўзбек фольклори ҳақида», «Адабий мерос», «Ўзбек тили ва имлоси» (1929—1935 йиллар) каби мақолалари XX аср бошларида туғилаётган ва шакллана бошлаган ўзбек гуманитар фанларига ҳисса бўлиб қўшилди. Айни чоғда у Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Е. Д. Поливановлар сафида туриб, олий ўқув юртирадининг аспирантура курсларида фалсафа, сиёсий иқтисод ва бошқа фанлардан маърузалар ҳам ўқиди.

У 1937 йил 2 августда қамокқа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида халқ душмани сифатида отиб ташланган.

УЙҒУН (1905 — 1990)



Раҳматулла Отақўзи ўғли Уйғун 1905 йили Қозоғистон жумҳурияти Жамбул вилоятининг Марки қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келди. У қишлоғидаги мактабни тугатгач, Тошкент педагогика техникумида ўқиди. 1925 йилдан бошлаб Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. Уйғун 1927 йили Самарқанддаги Педагогика академиясига ўқишга кириб,

Миртемир, Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлатлар билан танишди.

Уйғун ёшлигидан шеърлар ёзиб, вақтли матбуотда фаол иштирок эта бошлади. 1929 йили шоирнинг «Баҳор қувончлари» номли биринчи шеърлар тўплами чоп этилди. 30-йилларда шоирнинг «Иккинчи китоб», «Куёш ўлкаси», «Шеърлар», «Муҳаббат» каби янги шеърӣ тўплamlари ва бир қатор хикоя ва дostonлари босилиб чиқди.

Уйғун шеърятининг мавзу ва жанр доираси анча кенг. Баҳор, муҳаббат, она-Ватан, тинчлик, дўстлик мавзулари шеърӣ тўпламининг марказида туради. Унинг дастлабки шеърӣ тўпламининг «Баҳор қувончлари» деб юритилиши ҳам бежиз эмас. Ёки «Ватан—она сўзи нақадар азиз» деб бошланувчи «Ватан» номли шеърӣ ўзбек шеърӣятидаги она-Ватан ҳақидаги энг яхши асарлар сирасига киради. У «Дўстлик қўшиғи» шеърӣда:

Ёру биродарлик, меҳру оқибат,
Ҳамкорлик, бирдамлик кўп яхши одат.
Дўстлик—энг инсоний фазилат бизда,
Бизнинг қудратимиз дўстлигимизда,—

деса, «Ўчмас муҳаббат» шеърӣда:

Севгисиз қалб — эгаси йўқ уй,
Севгисиз қалб--вайрона, бўм-буш!
Муҳаббатдан ажралган юрак
Юрак эмас, чорак қадок гўшт,—

деб таърифлайди.

Шоирнинг хусусан, 60-йиллардан кейин яратилган кўпчилик шеърларида кўпроқ умуминсоний, умумбашарий кадриятларни ардоқлаш етакчилик қилади. Бу жиҳатдан «Хиросима такрорланмасин», «Ҳимолай», «Чодир ёпинган аёл», «Шаҳрингга йўл олдим», «Ҳинд раққосасига» каби ўнлаб шеърлари эътиборга лойиқдир.

Уйғун шеърляти жанрига кўра ҳам бой. Унда муҳаббат лирикаси, сиёсий лирика, баллада, кўшиқ, латифаларгача мавжуд. Шунингдек, у «Украина еллари», «Жонтемир», «Гуласал» каби ўндан ортиқ поэма ва балладалар ҳам яратган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг фашизмга қарши курашдаги юксак ватанпарварлик фазилатларини юракдан куйлаган шоир шеърляти янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Уйғун бу даврда «Она» (1942), «Алишер Навоий» (1943, Иззат Султон билан ҳамкорликда) «Қалтис ҳазил» (1944) каби саҳна асарларини ҳам яратди.

Уйғуннинг урушдан кейинги йиллардаги ижодида уруш ва тинчлик, фидокорона меҳнат мавзулари етакчилик қилди. Шоир шу даврда «Ҳаёт чорлайди» (1954) шеърый тўпламини эълон қилди. «Ҳаёт кўшиғи» (1947), «Олтинкўл», «Навбаҳор» (1948), «Сўнги пушаймон» (1955) сингари драматик асарларини ёзди. Унинг кейинги йилларда ижод қилган «Парвона» (1956), «Абу Райҳон Беруний» (1973), «Ибн Сино», «Зебунисо» каби саҳна асарлари ўзбек драматургиясининг яхши намуналари сифатида эътироф этилди.

Шоир ва драматург Уйғун жамоат арбоби сифатида 1952—1954 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлиб ишлади. У ўзбек адабиёти тараққиёти йўлидаги хизматлари учун 1956 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1965 йили эса Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвонларига, шунингдек, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Уйғун 1974 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига мухбир аъзо қилиб сайланган. У Меҳнат Қаҳрамони ҳамдир.

У А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, А. П. Чехов, Л. Н. Толстой, В. Шекспир асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Уйғун 1990 йилнинг февраль ойида 85 ёшида оламдан ўтган.

СОБИР АБДУЛЛА

(1905 — 1972)



Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза мукофоти совриндори, таниқли драматург Собир Абдулла 1905 йили Қўқон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Эски ва янги мактабларда билим олган Собир Абдулла 1924—1926 йилларда ишчилар тайёрлов курсини тамомлади. 1925—1948 йилларда «Янги Фарғона», «Ёш ленинчи» газеталари, «Муштум» журналида адабий ходим, Андижон театри-

да эса адабий эмакдош бўлиб ишлади.

Собир Абдулла ижоди 1925 йилдан бошланган. Шоирнинг «Эрк илҳомлари» номли биринчи тўплами 1931 йилда босилиб чиққан. Унинг «Кўклам нашъаси» (1932), «Тааж-жуб», «Гулшан» (1939) шеърлар тўплами, «Навбахор» (1930), «Дўстлик» (1937) ҳикоялар тўпламларида халқ ҳаёти, шоирнинг маънавий дунёси ўз ифодасини топган.

Собир Абдулла сермахсул драматург эди. Унинг «Боғбон кизи» (1930), «Ойхон» (1935), «Тоҳир ва Зухра» (1939), «Алпомиш», «Муқимий» каби сахна асарлари театрларимизнинг кўрки бўлган.

Уруш йилларида адиб жангчилар ҳаёти ва фронт оркасидаги кишиларнинг фидокорона меҳнатини акс эттирувчи «Агар Ватан буюрса», «Чегарачи», «Олға қадам ташланглар» шеърларини ёзиш билан бирга, «Қурбон Умаров» (1941), «Даврон ота» (1942) каби пьесаларнинг яратилишида ҳам фаол иштирок этган.

Урушдан кейинги йилларда Собир Абдулла яратган «Ватан севгиси», «Бахтим қилур намойиш», «Пахтакор тонги», «Равшан замон» қўшиқлари халқимиздаги ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини улуғлашга хизмат қилган.

Ҳазалнавис шоир умрининг сўнгги йилларида маърифатпарвар шоир Муқимий ҳаётини акс эттирувчи «Мавлоно Муқимий» романини яратган. У Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати. Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла 1972 йилда вафот этган.

НАЗИР САФАРОВ

(1905 — 1985)



Ўзбек адабиётида публицист, очеркнавис ва драматург сифатида танилган Назир Сафаров 1905 йили Жиззах шаҳрида темирчи оиласида туғилди. У совет мактабларида ўқиди, биринчи зиёлилар катори узок қишлоқларга бориб дарс берди. Комсомол сафига кирди. Жиззахда ташкил қилинган «Санойи нафиса» тўғарагидаги иштироки бўлғуси драматург тақдирини бир умрга белгилаб берди.

Назир Сафаров ўзбек драматургиясининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган «Тарих тилга кирди» (1931), «Уйғониш» (1939), «Шарқ тонги» (1954) каби сахна асарларини яратди. «Уйғониш»да 1916 йил кўзғолони, «Шарқ тонги»да Октябрь тўнтариши, «Тарих тилга кирди» (Зиё Саид билан биргаликда ёзган)да миллий низолар, «Кимга тўй, кимга аза»сида ишчилар синфининг янгилик учун жангу жадали асосий мавзу қилиб олинган. Драматургия соҳасидаги катта хизматлари учун Назир Сафаровга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони берилган (1955 йил).

Уруш даврида Назир Сафаров фронтнинг олдинги жабҳаларида бўлиб, жангчиларнинг қаҳрамонлигини, душмanning ёвузлигини ҳикоя қилувчи «Ўқ ўтмас ботир», «Водиллик қаҳрамон», «Комиссар Қорабоев», «Севги», «Сўнги нафасгача», «Ўзбек фарзандлари», «Қаҳрамоннинг туғилиши» каби қатор очерклар ёзди. Унинг ҳаётдаги янгиликлар, яхши ташаббуслар тарғиботчиси сифатида яратган асарлари алоҳида диққатга сазовор. «Узоқни кўзлаган аёл» кинематографи шулар жумласидандир. Ёзувчининг 1954 — 1957 йилларда яратган замонавий мавзудаги катта асарлари «Ҳаёт мактаби», «Элмурод» каби (М. Худойкулов билан ҳамкорликда) пьесаларидан иборатдир.

Назир Сафаров бир қанча ҳикоялар ҳам ёзган. «Олтинной», «Олма олмадан узоққа тушмайди», «Аҳмадали ўз бахтини қандай топди» ҳикоялари ғоявий-бадиий жи-

хатдан пухталиги билан ажралади. Унинг «Бир томчи қон» (1967), «Кўрган-кечирганларим» (1968) номли қиссалари, «Наврўз» (1973) романи 60- йиллар адабиётида сезиларли воқеа бўлган. «Кўрган-кечирганларим» асари учун муаллифга Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган (1968).

Адиб немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб, ўзбек жангчиларининг қаҳрамонликларидан ҳикоя қилувчи «Лукаш ботир» (Я. Худойқулов билан ҳамкорликда) драмасини яратган.

У 1975 йилда 70 ёшга тўлиши муносабати билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига муяссар бўлган.

Назир Сафаров 1985 йилда 80 ёшида вафот этган.

ОЙДИН

(1906 — 1958)



Ўзбек хотин-қизлари орасидан етишиб чиққан адиба Ойдин (Манзура Собирова) 1906 йили Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган.

Ойдин 1919 йили Тошкент хотин-қизлар билим юртига ўқишга қиради. Уни 1923 йили тамомлаб, ўқитувчилик қилади. Ёшлиқдан адабиётга ҳавас қўйган Ойдин кичик-кичик шеърлар билан матбуотда кўрина боради. Самарқанддаги Педагогика ака-

демиясида ўқиб юрган пайтларида (1927—1933) Ҳамид Олимжон, Уйғунлар билан яқиндан танишуви Ойдин ижодида катта роль ўйнайди. Унинг диний бидъатларни фош этиб, хотин-қизларни озодликка чақирувчи «Янгиликка қадам» номли биринчи пьесаси 1925 йилда босилиб чиқади.

Унинг «Тонг қўшиғи» (1931), «Чечан қўллар» (1932), «Ойдин шеърлари» (1937) каби шеъррий тўпламлари эълон қилинган.

Адиба 30- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳикоя жанрида ижод эта бошлайди. Ойдиннинг «Эслаш ёки виговор» (1938) номли дастлабки ҳикоясида озод мех-

натнинг янги инсонни тарбиялаб етиштиришдаги роли, меҳнат жараёнида ўзбек хотин-қизлари онгида рўй берган ўзгаришлар ифодаланган. Унинг «Чакалоққа чакмонча», «Ширин-шакар», «Уялди шекилли, ерга каради», «Садаганг бўлай, командир» ҳикояларида янгича оила, севги-муҳаббат, садоқат мотивлари акс эттирилган. Адибанинг ўтмишга бағишланган «Ямоқчи кўчди», «Ҳазил эмиш», «Гулсанам» (1938) асарларида ўзбек халқининг ҳаққоний ҳаёти тасвирланган.

Ойдиннинг уруш ва ундан кейинги тинч қурилиш йилларида ижод этган «Қизлархон» (1943), «Мардлик-мангулик» (1947), «Ҳикоя ва очерклар» (1952), «Ҳикоялар» (1954) каби тўпламларида замонамиз кишининг ватанпарварлиги, қаҳрамонлик фазилатлари, фронт ва мамлакат ичкарасидаги жонбозликлар, тинч яшаш давридаги меҳнати ўз ифодасини топган.

Ойдин бу даврда очеркнавис сифатида ҳам танилди. Унинг «Чўллари обод, қуллари озод бўлган элда», «Эл қувончи», «Менинг қаҳрамоним», «Ватан учун жон фидо» каби очеркларида замондош, фидойи ўзбек аёллари образи яратилган.

Ойдин «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журналининг биринчи муҳаррири бўлган.

Ойдин 1958 йилда вафот этган.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

(1907 — 1968)



Ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган Абдулла Қаҳҳор 1907 йили Қўқон шаҳрида темирчи оиласида дунёга келди. Ўрта маълумотни Қўқонда олган Абдулла 1925 йили Тошкентга келиб, «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлайди.

У Ўрта Осиё Давлат до-рилфунунининг педагогика факультетида (1930) таҳсил олди. Ёзувчи «Совет адабиёти» журналида масъул котиб,

Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир лавозимларида ишлади (1954—1956).

Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди 1924 йилдан бошланган. Дастлаб «Муштум» журналида, «Янги Фарғона» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида унинг хикоя, фелъетон, хабарлари босилди. Ёзувчининг «Олам яшаради» номли биринчи хикоялар тўплами 1938 йилда чоп қилинди. 30-йилларда адибнинг «Хикоялар» тўплamlари (1935, 1938, 1939) китобхонлар қўлига теғди. Бу даврда Абдулла Қаҳҳор кичик хикоялардан ташқари, «Сароб» (1935) романини ёзди. Уруш йилларида ёзувчининг бир қанча фелъетон, очерк ва хикоялари эълон қилинди. «Асрор бобо», «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Кампирлар сим қокди», «Хотинлар» хикоялари ва «Олтин юлдуз» каби кссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиғи, халқимизнинг меҳнатдағи жонбозлиғи, юксак ватанпарварлиғи ифодаланган.

Ёзувчининг урушдан кейинги йилларда яратган «Қўшчинор чироқлари» (1951) романи жамоалаштириш мавзуига бағишланган. У ўзининг «Шоҳи сўзана» (1951), Оғрик тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962), «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек драматургияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Айниқса, «Шоҳи сўзана» пьесасида драматург қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мавзуини зўр маҳорат билан ёритди. Пьеса республикаимиз ва қатор хорижий мамлакатлар сахналарида муваффақиятли намойиш қилинди.

Ёзувчининг «Синчалак» (1958), «Муҳаббат» (1968), «Ўтмишдан эртақлар» (1965) кссалари ўзбек насрининг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. У «Ўтмишдан эртақлар» кссаси учун Ойбек («Болалик»), Н. Сафаров («Кўрган-кечирганларим») каби адибларнинг автобиографик кссалари қаторида Ҳамза номидағи Давлат мукофоти-га сазовор бўлган.

Ўзбек китобхонлари Абдулла Қаҳҳор таржимасида М. Горкийнинг «Менинг дорилфунунларим», И. В. Гоголнинг «Ревизор», Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романи (I — II китоблари) ва бошқа бир қатор асарларни ўз она тилларида ўқишга муваффақ бўлганлар.

Абдулла Қаҳҳор адабиёт соҳасидағи хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланди. У 1968 йил 25 май куни Москвада 61 ёшида вафот этган.

МИРКАРИМ ОСИМ

(1907 — 1984)



Тарихий мавзудаги асарлари билан эл-юрт оғзига тушган Миркарим Осим 1907 йили Тошкентда зиёли оиласида дунёга келган. 1918—1921 йилларда «Шамс ул-Ўрфон» номли бошланғич мактабда ўқиган. 1921—1924 йилларда эса Наримонов номидаги таълим ва тарих техникумида тахсил кўрган. Дўстлари Ойбек ва Х. Ёқубовлар билан бу техникумда адабиёт сирларини ўрганган. 1926 йилда

эса Москва Давлат педагогика институтининг тарих-иктисод факультетида ўқиб, уни 1930 йилда тугатган. Сўнг Самарқанддаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида, 1932 йилдан эса Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Педагогика илмий-тадқиқот институтида ишлаган. Миркарим Осим ўз фаолиятини шеърлар ёзиш билан бошлади. Тарих фанидан кўлланма, тавсия, дарсликлар яратди. 1940 йилдан Алишер Навоий хаёти ва ижоди ҳақида хикоя қилувчи «Астробод», «Алишер Навоий ва Дарвиш-али», «Бадарға», «Навоийнинг хислатлари», «Улуғбек ва Навоий» сингари тарихий қисса ва ҳикоялар ёза бошлади. Адиб бир умр тарихий қиссалар ёзиш билан машғул бўлиб, янги-янги авлодларни тарихий ўтмиш ва унинг машҳур кишиларига нисбатан муҳаббат руҳида тарбиялаб, ватан-парварлик, инсонпарварлик гояларини улуғлади.

Тарихчи адибнинг асарларини даврий жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Тарихимизнинг қадимги давлари ҳақидаги ҳикоялар (Македонский, араб халифалиги, Эрон шоҳлари босқини, мўғул истилоси).

2. Ўрта асрлар тарихидан ҳикоя қилувчи асарлар (фан ва маданият арбоблари ҳақида қисса ва ҳикоялар).

3. XVIII асрдан то 1917 йилга қадар бўлган давр тарихий хаёти ҳақидаги асарлар.

Айни пайтда Миркарим Осим асарларини мавзу йўнашлиши бўйича уч катта гуруҳда таҳлил қилиш, баҳолаш мумкин:

1. Тарихий-қаҳрамонлик мавзудаги асарлар.
2. Тарихий-маиший мавзудаги асарлар.
3. Тарихий-биографик асарлар.

Қаҳрамонлик мавзуига ижодкорнинг «Ўтрор», «Тўмарис», «Темур Малик», «Александр ва Спитамен» каби асарларини киритиш мумкин.

Маиший мавзудагиларга «Моҳлар ойим ва Хонпошша», «Карвон кўнғироғи», «Элчилар» каби асарлари киради.

Тарихий-биографик асарларнинг намуналари қилиб адибнинг «Зулмат ичра нур» (Навоий), «Жайхун устида булутлар» (Беруний), «Ибн Сино қиссаси», «Алжабрнинг туғилиши» (Ал-Хоразмий), «Синган сетор» (Машраб) каби қиссаларини кўрсатиш мумкин.

Миркарим Осим 40- йилларда Сталин қатағонининг беғуноҳ қурбонларидан бири бўлди. Унинг ватанпарварлик, миллатпарварлик, ўтмишга муҳаббат руҳидаги асарлари ўз муаллифига қаро кунлар олиб келди. Адиб кўп йиллар шўро режимининг азобларини чекди.

50- йилларда ватанига қайтган санъаткор тарихий асарлар ёзишда давом этади. Нашриётларда адабий ходим вазифасида ишлайди.

Миркарим Осим тарихчи адиблар орасида асл тарих ҳақиқатини бузмай, қайта бадиий жонлантириши билан ажралиб туради. Унинг асарлари тарихнавис адиблар учун адабий мактаб вазифасини ўтади.

Бугунги тарихнавис адиблар Миркарим Осимни ҳақли равишда ўзларининг устозлари деб биладилар.

Адибнинг 70 йиллиги муносабати билан унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган. У 1984 йилда вафот этган.

КУДДУС МУҲАММАДИЙ

(1907—1997)



XX аср ўзбек болалар адабиётининг йирик намоёндаларидан бири Қуддус Муҳаммадий 1907 йили Тошкентда деҳқон оиласида дунёга келди. Ўрта мактабдан сўнг аввал қишлоқ хўжалиги билим юртида, сўнг Ўрта Осиё Давлат университетининг биология факультетида таҳсил олди.

Қуддус Муҳаммадий ижоди 30-йиллардан бошланган бўлиб, илк асарлари «Шарқ ҳақиқати» газетаси ва «Ер юзи» журналинда чоп этилган. Унинг машҳур «Сандал ва печка», «Ўз-ўзини танқид» каби дostonлари 1936—1937 йилларда яратилган. Бу асарларда эскилик билан янгилик, эски урф-одатлар билан янгича урф-одатлар қиёсий тарзда ўзининг поэтик ифодасини топган. Ҳаётдаги кишилар, хусусан болалар характеридаги айрим нуқсонлар беғараз ҳажв қилинган.

Қуддус Муҳаммадий 1941—1944 йилларда машҳур баҳши — Ислom шоирга котиблик қилиб, унинг терма ва дostonларини ёзиб олиш билан машғул бўлди. Урушдан кейинги йилларда эса унинг биринчи шеърий тўплами «Синов» (1947) номи билан нашр этилди. Шундан сўнг «Ўқувчига эсдалик» (1947), «Шеър ва эртақлар» (1947), «Орзу» (1948), «Баҳор келди» (1950), «Дунёда энг кучли нима?» (1951), «Қирк ўғил ва қиз» (1951), «Бизнинг дўстларимиз» (1952), «Сен туғилган кун» (1952), «Янги уй» (1953), «Меҳрибон дўстлар» (1953), «Қўнғизбой билан сичқонбой» (1955), «Тугмача» (1956), «Танланган асарлар» (1957) каби ўттиздан ортик китоблари босилиб чиқди. Унинг тўрт китобдан иборат «Табиат алифбоси» китоби айниқса, маълум ва машҳур бўлиб кетди. «Очил дастурхон» (1970) каби халқ оғзаки ижоди анъаналари руҳидаги асарлари ҳам шуҳрат топти ва адибга чексиз шараф келтирди. Унинг «Қанотли дўстлар» номли шеърий китоби 1970 йилда Ҳамза номидаги Республика Давлат

мукофотиға сазовор бўлди. У 1977 йили Ўзбекистон халқ шоири унвони билан тақдирланди.

Қ. Муҳаммадий фақат болалар шоиригина эмас, болалар адабиётининг жонкуяри ва тарғиботчиси сифатида ҳам ўнлаб мақолалар ёзди. Унинг «Болалар адабиётининг янада равнақи учун» (1961), «Болалар адабиётини ўрганайлик» (1963), «Илҳом билан» (1967) каби мақолалари шулар жумласидандир.

Қуддус Муҳаммадий моҳир таржимон сифатида ҳам машҳурдир. Унинг С. Маршак, С. Михалков, А. Барто, К. Чуковскийдан қилган таржималари ўзбек болалар адабиётининг равнақида муҳим роль ўйнади.

Қ. Муҳаммадий ким сифатида фаолият кўрсатмасин, ҳамиша болалар келажаги, уларнинг маънавий камолоти ҳақида қайғурди. Уларнинг ўқимишли, ишбилармон ва етуқ мутахассислар бўлишини орзу қилди ва бундай деб ёзди:

Бўлай десанг боғбон,
Ё Ватанга посбон,
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи,
Нимаики қилсанг тилак
Барига ўқиш керак.

Бу сатрлар унинг ёш авлодга насихатидир.

Болаларнинг буюк ва камтарин шоири Қуддус Муҳаммадий 1997 йили 90 ёшида вафот этди.

МАҲСУД ШАЙХЗОДА

(1908—1967)



Ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, машҳур шоир, забардаст драматург, адабиётшунос олим ва таржимон Мақсуд Шайхзода 1908 йили Озарбойжоннинг Окдош шаҳрида таваллуд топти. Бошланғич ва ўрта маълумотни Окдошда олгач, Боку Олий педагогика институтида сиртдан ўқиди ва 1925 йилдан бошлаб Деркенд шаҳрида муаллимлик билан шуғулланди.

Шайхзода 1928 йилда Тошкентга келиб, турли газета ва журналлар муҳарририятларида, 1935—1938 йилларда эса Фанлар Қўмитаси қошидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, 1938 йилдан то умрининг сўнгига қадар Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасида доцент вазифасида хизмат қилиб, юқори малакали кадрлар тайёрлади.

Шоирнинг адабий фаолияти 1929 йилдан бошланди. Унинг «Ўн шеър» (1932), «Ундошларим» (1933), «Учинчи китоб» (1934), «Жумҳурият» (1935) тўпламларининг нашр этилиши адабиётга ўзига хос овозли шоир кириб келаётганидан дарак берди.

Уруш йилларида шоир бутун ижодий қувватини, қалб ҳароратини душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар этди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ жанг қахрамонларини улуғловчи, фронт орқасидаги кишиларнинг фидокорона меҳнатини ифодаловчи «Кураш нечун» (1941), «Жанг ва қўшиқ» (1942), «Капитан Гастелло» (1941), «Кўнгил дейдики...» каби шеърий тўпламлари, «Жалолиддин Манғуберди» (1944) тарихий драмаси ва бошқа катор публицистик асарларини яратди.

Урушдан кейини тинч қурилиш йилларида қатағонлик жабрини тортган бўлса ҳам, ўз эл-юртига фидойий шоир Ватанимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган зафарли меҳнат, тинчлик учун кураш ҳақида «Ўн беш йилнинг дафтари», «Олқишларим», «Замон торлари», «Шуъла», «Чорак аср девони» каби шеърий тўпламларини яратди.

1958 йили адибнинг кўҳна ва айни чоғда навкирон Тошкент шаҳрига бағишланган, унинг тарихи, ўтмишдаги маданият ва халқаро алоқаларини тасвирловчи «Тошкентнома» лирик достони яратилди. Истеъдодли драматург 1960 йилда ёзган «Мирзо Улугбек» трагедиясида буюк ўзбек мунажжими ва маърифатпарвар подшоси образини яратди.

Шайхзода Пушкиннинг «Мис чавандоз», Лермонтовнинг «Кавказ асири», Маяковскийнинг «Жуда соз» дostonлари ва кўплаб шеърларини, Шекспирнинг «Ҳамлет», «Ромео ва Жульетта» трагедиялари ва сонетларини, Нозим Ҳикматнинг шеърларини, озарбойжон шоирлари асарларини ўзбек тилига ағдарди. Шайхзоданинг ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти, хусусан, Алишер Навоий ижодини тадқиқ этиш борасида яратган илмий ишлари ҳам таҳсинга сазовордир. У филология фанлари номзоди, доцент ҳам эди.

Шайхода асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган. Шоир таржима жараёнида қардош халқлар ва жаҳон адабиёти намоёндаларининг маҳорат мактабидан таълим олиб, илғор анъаналарини ўзида мужассамлаштирган шеърлар ёзган.

Шайхода 1967 йили вафот этди. У Тошкентнинг Форобий қабристонига дафн этилган.

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ

(1908—1986)



Таниқли адиб, моҳир таржимон Мирзақалон Исмоилий 1908 йили Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида дунёга келди. Октябрь тўнтаришидан сўнг у болалар уйида тарбияланди. Тошкентга келиб, Эрлар билим юртида таълим олди. 1928—1930 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетига ўқиди, ўқитувчилик қилди.

Тошкент киностудияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ юлдузи» муҳарриратларида ҳамда Ўзбекистон Давлат нашриётида хизмат қилди. У рус адабиёти намоёндаларидан М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, М. Горький, М. А. Шолохов асарларини ҳамда жаҳон адабиёти намуналаридан кўпларини ўзбек тилига ўгирди. Унинг таржималари ўзбек тилининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ёзувчининг 1927 йилда босилган «8 Март» пьесасида ўзбек хотин-қизларининг озодлик учун кураши акс этган. У 1942—1947 йилларда Армия сафида хизмат қилиб, фашизмга қарши курашда жонбозлик кўрсатган.

Адиб урушдан кейинги йилларда яратилган «Фарғона тонг отгунча» (1958, 1967) трилогиясида Октябрь тўнтариши арафасидаги ўзбек меҳнатқашларининг оғир ҳаёти ва маърифат сари интилишини тасвирлади. Роман ўзининг ғоявий-бадиий хусусиятлари билан 60-йиллар ўзбек

настри равнақига муносиб ҳисса қўшди. М. Исмоилий «Бизнинг роман» (1963) ида ёшлар ҳаётини акс эттирувчи, «Одабийлик қиссаси» (1965) каби маънавият ёғдуларини шарафловчи пухта, гўзал насрий асарлари билан ўзбек адабиётини юксалтиришга ўз улушини қўшди.

У 1986 йилда вафот этган.

ҲАМИД ОЛИМЖОН

(1909—1944)



Истеъодли шоир, драматург, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида дунёга келди. Наримонов номидаги бошланғич мактабни тугатгач, Самарқанд педагогика билим юртида (1923—1926), сўнг Педакадемияда (1926—1931) ўқиди.

Ҳамид Олимжон талабалик йилларидаёқ шеърятга қизиқди. Унинг асарлари 1926 йилдан

«Зарафшон» газетасида чиқа бошлади. 1927 йилда шоир мазкур рўзнома муҳарририятига ишга ўтди.

Ҳамид Олимжоннинг «Кўклам» номли илк шеърый тўплами 1929 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг «Олов сочлар» (1931), «Ўлим ёвга» (1932), «Пойга» (1932) каби шеърый тўпламлари нашр этилди.

Давр билан бирга одим ташлаган, ўз ижодида халқимизнинг меҳнат жабҳасидаги қаҳрамонлигини тасвирлаган шоир 30-йилларда қатор ажойиб лирик шеърлар билан бирга «Зайнаб ва Омон» достонини яратди.

Ҳамид Олимжон шеърятининг лирик қаҳрамони — замон билан баравар одим отувчи, ватанпарвар, шодлик ва бахт тароналарини куйловчи инсондир.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси (1943) Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётининг долзарб масалалари бўйича қатор илмий-танқидий асарлар яратди.

Ҳамид Олимжон А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, М. Горький, В. Маяковский, А. Серафимович, Т. Шевченко, М. Лер-

монтов, Н. Островский, А. Корнейчук асарларини таржима қилди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдонаси «Ал-помиш» дostonи биринчи марта Ҳамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланиб (1938), чоп этилди. У Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш юбилей қўмитасининг аъзоси сифатида улуғ шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Ҳамид Олимжон 1939 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди.

Ҳамид Олимжон «Дарё кечаси» (1936), «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940) тўпламлари, «Икки қизнинг ҳикояси» (1935—1937), «Ойгул ва Бахтиёр» (1937), «Семуруғ» (1939) дostonлари билан ўзбек шеърлятида романтик тасвир тамойилларининг қарор топишига катта ҳисса қўшди.

Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида унинг «Муқанна» номли шеърй драмаси яратилдики, у ҳанузгача драматургиямизнинг гўзал намуналаридан бири бўлиб келаётир. Унинг «Жиноят» драмаси замонавий мавзуда ёзилган. Бу даврда унинг бир неча шеърй тўпламлари билан бир қаторда «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» каби қатор балладалари ҳам яратилди.

Истеъдодли шоир 1944 йилда автомобил ҳалокатига учраб, вафот этган.

КОМИЛ ЯШИН

(1909—1997)



Атоқли адиб ва жамоат арбоби Комил Яшин (Комил Нўъмонов) 1909 йили Андижон шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, 1925 йили Ленинградга бориб, Ўрмон хўжалиги институтига ўқишга киради. Сўнгра мактабда ўқитувчилик қилади. 1930—1936 йилларда Яшин Ўзбек Давлат музыкали драма театрида адабий эмакдош, 1946—1949 йилларда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари қошидаги Санъат

ишлари бошқармасида бошлиқ вазифаларини адо этади. У йигирма йилдан ортик вақт давомида (1958—1980) Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига рахбарлик қилади. Ойбек вафотидан сўнг (1968) «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаliga муҳаррирлик ҳам қилди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси эди.

Яшиннинг ижодий фаолияти 1925 йилдан бошланади. Бу йилларда унинг шеър ва очерклари вақтли матбуотда кўрина бошлайди. Шоирнинг «Куёш» (1930), «Кураш» (1931), «Комсомол» (1933) шеърлий тўпламларига кирган асарларида меҳнаткаш халқ ҳаётида содир бўлаётган янгиликлар, ёшлар тақдири ва келажаги ҳақидаги гоёлар ўз ифодасини топади.

Унинг биринчи драматик асари «Икки коммунист» 1929 йилда сахнага қўйилди. У кишлоқларни жамоалаштириш даврида «Ўртоқлар» (1930) ва «Ёндирамит» (1931) пьесаларини ёзди. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» (1935), «Ҳамза» (А. Умарий билан ҳамкорликда, 1940) сахна асарлари Иккинчи жаҳон урушигача бўлган ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналаридандир.

Яшиннинг ўзбек хотин-қизларининг озодлиги учун кураш мавзусига бағишланган «Гулсара» (1934), «Нурхон» (1940) пьесалари ўз даври учун характерли сахна асарларидир.

Комил Яшиннинг уруш даврида яратилган асарларида дўстларга нисбатан меҳрибонлик, самимий муҳаббат, душманларга эса қаҳру ғазаб туйғулари балкиб туради. Унинг «Ўлим босқинчиларга» (1942), «Офтобхон» (1944), «Даврон ота» (1942, Уйғун, Собир Абдулла, Чустий билан бирга ёзилган) драмаларига шу руҳ сингдирилган. «Генерал Раҳимов» драмасида (1949) биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонлиги акс эттирилган.

Адибнинг 1974 йилда ёзган «Инқилоб тонги» драмасида халқимизнинг етук фарзанди, атоқли давлат арбоби Файзулла Хўжаев сиймоси гавдалантирилган. Адабиёт ва санъат соҳасидаги хизматлари учун Яшин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси, 1974 йилда эса Меҳнат Қаҳрамони унвонлари билан тақдирланган.

Яшин Ҳамзадан кейин ўзбек драматургиясида янги саҳифалар очган, унинг мавзу доирасини кенгайтирган, пухта асарлар яратган адибдир. Унинг ўзбек театри ва

драматургияси тараққиётига қўшган ҳиссаси улкандир.

Яшин умрининг кейинги йилларида «Ҳамза» романини яратди. Унинг сўнгги асарларидан бири «Ёднома» китобидир.

Яшин 1997 йили вафот этган.

ПАРДА ТУРСУН

(1909—1957)



XX асрнинг 30-50- йилларида кўзга кўринган ёзувчилардан бири Парда Турсундир. У 1909 йили Наманган вилояти, Поп туманидаги Чоркесар қишлоғида дехқон оиласида туғилди. Ота-онадан эрта етим қолган Парда Турсун сарсон-саргардонликда ҳаёт кечиради. Аёвсиз йиллар шамоли уни 1918 йилда Чоркесар қишлоғидан Тошкентга етаклайди. Кишилар эшигида хизматкор бўлиб кун кечиради. Ундаги илмга кўрсаткич мактабига, 1927—1928 йилларда Карл Маркс номи педагогика билим юртига олиб келади. Сўнгра, 30- йиллар бошига қадар Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги мактабларда ўқитувчилик қилади.

Унинг адабиётга қизиқиши худди шу даврдан бошланган. 1929—1934 йилларда «Қизил Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида илк хабар ва очерклари чоп қилинган. 1930 йилда унинг «Зўрлик» номи биринчи ҳикояси эълон қилинган.

1934—1935 йилларга келиб адибнинг «Остонада», «Қўлош ва Маруся», «Бир хотиннинг тарихи» каби ҳикоялари яратилади.

Парда Турсун ижодида унинг «Домла» (1937) ҳикояси муҳим ўрин тутаети. Мазкур ҳикоянинг сюжет чизиги, айтиш мумкинки, адибнинг қарийб барча йирик асарлари саҳифаларига кўчган.

Парда Турсун 30- йилларда замондошлари ҳаётидан олинган бир қатор ҳикоялар, ўнлаб очерклар яратди.

Унинг «Дадажон раис» (1932), «Янги раислар» (1933), «Мажлисда» (1934), «Қувнок ҳаёт» (1935), «Яйловда» (1935), «Тракторчи» (1935) каби очерклари шулар жумласидандир. Адиб ҳикояларида бўлганидек, очеркларида ҳам ўзбек зиёлиснинг босиб ўтган йўли, кураши ҳақида ҳикоя қилади.

1941—1945 йилларда адиб Иккинчи жаҳон урушида катнашади. Урушдан кейинги йилларда олий ўқув юртларида талаба, ўқитувчи, нашриётларда муҳаррир бўлиб фаолият кўрсатади. 1947 йили унинг биринчи йирик асари — «Ҳақ йўл» номли қиссаси чоп этилади. Ундаги бош қаҳрамон — Холмурод Дўстматовнинг ҳаёт йўли тимсолида адиб ўзбек зиёлиснинг босиб ўтган машаққатли йўлини гавдалантиради. У кейинроқ «Ўқитувчининг йўли» номи билан чоп этилган. 1950 йилларда мазкур қисса қайта ишланиб, «Ўқитувчи» номи билан роман сифатида нашр қилинган. Ундаги бош қаҳрамон Элмурод образида ўзбек зиёлиснинг ҳаёти ва кураш йўли мужассамлантирилган.

Парда Турсун журналист ва ёзувчи бўлибгина қолмай, таржимон ҳам эди. У Салтиков-Шчедрин, А. Толстой, Эмиль Золя, Ги де Мопассан асарларини ўзбек тилига ағдарган.

У 1957 йилда вафот этган.

МИРТЕМИР (1910—1978)



Ўзбекистон халқ шоири Миртемир 1910 йилда Қозоғистон республикасига қарашли Туркистон шаҳрининг Иқон қишлоғида туғилди. У эски мактабни битиргач, 1921—1923 йилларда Тошкентдаги «Алмаий» номли болалар намуна мактабида тарбияланади. Сўнг 1925 йили ўзбек Эрлар билим юртига ўқишга кириб, уни 1929 йилда тамомлайди ва шу йили Ўзбекистон Давлат Педагогика академиясига ўқишга қиради. Айни вақтда у Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг раиси Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби бўлиб ишлайди.

Миртемир 30-йилларнинг бошларида номаълум сабабларга кўра қатағон этилиб, «Москва — Волга» канали қурилишига жўборилади. Аммо кўп ўтмай, озод этилиб, оз муддат турли ўқув юртларида дарс беради, муҳарририятларда адабий ходим, театрларда адабий эмакдош, Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, нашриётларда муҳаррир бўлиб ишлайди.

Унинг биринчи шеъри 1926 йилда «Танбурим овози» номи билан «Ёш ленинчи» рўзномасида босилган. Шоирнинг «Шуълалар қўйнида» номли биринчи китоби эса 1928 йилда чоп этилган. Унда Ватан мадҳи, меҳнат гашти ва ёш замондошларнинг маънавий дунёси тараннум қилинган.

Шоир халқ ижодидан илҳомланиб, «Аждар», «Дилкушо», «Сув кизи», «Ойсанамнинг тўйида» каби дostonларини яратди. Бу асарлар 30-йилларнинг иккинчи ярмидаги ўзбек шеъриятининг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган.

Унинг уруш йилларида яратилган «Вабо», «Ўч», «Бу — менинг Ватаним», «Она шаҳар», «Денгиз бўйида», «Мард йигит, ёринг бўлай», «Пилла», «Кўзларим йўлингда» каби шеърларида душманга нафрат ҳислари жанговар руҳда ифодаланган.

Урушдан кейинги йиллар Миртемир ижодида замон билан ҳамнафаслик, даврнинг энг муҳим масалаларини, замондошларимизнинг баркамол образларини яратиш таъмоили кенг ўрин тутди.

Миртемирнинг таржимонлик санъати ҳам таҳсинга лойиқдир. У А. С. Пушкин шеърларини, Н. А Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди», Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», Абай, Махтумқули ва Бердақ асарларини ҳамда қирғиз халқ эпоси «Манас»ни таржима қилган.

Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» шеърлар туркуми ўзбек шеъриятининг 60-йиллардаги ютуқларидандир. Шоирнинг «Сурат» достони ўзбек дostonчилигининг энг нодир намуналаридан биридир. Шоирнинг «Мен сени ...», «Чағалай», «Қирғизистон», «Махтумқули тўйида», «Онагинам», «Қозоғим», «Қайдадир булоқ» каби шеърлари халқлар дўстлигини қуйловчи энг яхши асарлардандир.

Миртемир 1978 йил 25 январда вафот этган. 1979 йилда унга «Тоғдай таянчим» шеърий тўплами учун Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилган.

ИЗЗАТ СУЛТОН

(1910)



Йирик адабиётшунос, истеъдодли драматург Иззат Султон 1910 йилда Ўш шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. Отаси вафотидан кейин болалар уйида тарбияланди. 1924 йилда у Тошкентга ўқишга келади. Аввал «Намуна» иш мактаби, сўнгра таълим-тарбия техникумида ўқийди. Техникумни тамомлагач, мактабларда ўқитувчилик килади.

Иззат Султон 1930 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг ижтимоий фанлар факультетида ўқийди. Самарқанд шаҳрида чиқадиган «Батрак» газетаси муҳарририятида масъул котиб бўлиб ишлайди. 1934 йили Тил ва адабиёт институти аспирантурасига кириб, уни 1937 йилда тамомлайди. 1943—1948 йилларда давлат раҳбарлик лавозимларида хизмат қилади. 1948 йилдан буён Ўзбекистон Фанлар академияси А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти) да ишлаб келмоқда.

Иззат Султон 1932 йилдан бошлаб вақтли матбуотда адабиётшуносликка оид мақолаларини эълон қилиб келади. У «Адабиёт назарияси» (1939, 1979) дарслигини яратган. Тадқиқотчининг улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий меросини ўрганишга бағишланган қатор асарлари алоҳида аҳамиятга эга. У кенг камровли олим, адабиётшунос сифатида халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, замонавий адабий жараён, қардош ва жаҳон адабиёти, адабиёт назариясига оид ўнлаб етук асарларнинг муаллифидир.

Иззат Султон бадий адабиёт соҳасида ҳам баракали ижод қилмоқда. Илк драматик асари «Бургутнинг парвози» (1939) замондошларини Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш жихатидан муҳимдир. Уйғун билан ҳамкорликда ёзган «Алишер Навоий» (1940) асари ўзбек драматургиясининг ютуқларидан бири бўлди.

«Номаълум киши» (1963), «Имон» (1960) драмаларида ахлоқ нормалари, замонамиз кишиларининг фазилатлари улуғланган. Ёзувчининг янги дунё билан хурофот олами ўртасидаги курашни, янгиликнинг бу курашда қудратли куч эканини кўрсатган асари «Фидойи»дир (1966). «Кўрмайин босдим тиканни», «Ибн Синонинг болалиги», «Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлари» асарлари унинг ижодида муҳим ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати Иззат Султон ўзининг сермахсул ижодини халққа туҳфа этиб келмоқда.

Ҳозирги кунда у «Адабиёт назарияси» асарини қайта ишлаб, янгидан нашр этиш арафасида турибди.

СУЛТОН ЖҶРА

(1910—1943)



Истеъдодли шоир Султон Жўра адабиётгимизга 30-йилларда Амин Умарий, Усмон Носир, Ойдин, Зулфия, Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий каби адиблар билан бирга кириб келган. У бор-йўғи ўттиз уч йил умр кўрди, шундан ўн уч йилини адабиётга, шеърятга бахшида этди.

Султон Жўра 1910 йилда Бухоронинг Шофиркон туманидаги Қоғолтом қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. Уч-тўрт ёшлигидаёқ ота-онасидан жудо бўлиб, қариндош-уруғлари тарбиясида бўлди. Сўнгра бошланғич таълимни олгач, Бухоро Эрлар билим юртига ўқишга кириб, уни 1930 йилда тугатади. Мактабларда, билим юртларида, шунингдек, Андижон Давлат педагогика институтида адабиётдан дарс беради. Ижоди ҳам шу йиллардан бошланган бўлиб, унинг биринчи шеъри 1927 йилда «Меҳнат қўйнида» номи билан «Янги йўл» журналида чоп этилади. Сўнгра, унинг «Шеърлар» (1933), «Фидокор» (1939), «Москва» (1941) каби тўпламлари,

«Кулги» (1936), «Шодлигим» (1939), «Очиқ чехралар» (1939) каби туркум шеърлари пайдо бўлади.

Шеърлар ва тўпламларнинг номидан кўриниб турганидек, уларда шоир замондошлари дарди, қувончи, шодлигидан ҳикоя қилади.

Султон Жўра қатор лиро-эпик дostonлар, эртақлар муаллифи сифатида ҳам китобхонга таниш. Унинг «Қалдирғоч», «Жаннат» каби эртақ-dostonларида ёш китобхоннинг романтик олами ифодаланади. Шоир «Зангори гилам» шеърий эртагида фольклор мотивларидан кенг фойдаланиш орқали ёшларнинг ички оламини, сир-асрорини очиб беради. «Карим ва Қундуз» dostonида меҳнат ва унинг гашти, роҳати ҳақида сўзлайди.

Шоирнинг «Бруно» dostonи унинг ижодида муҳим босқичдир. Унда Жордано Брунонинг ўлмас образи гавдалантирилган.

Султон Жўра болалар учун бир талай асарлар яратган. «Ҳарфлар паради», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Ёлгончи», «Чўнтак», «Ой нечта», «Соғинчли салом» каби асарлари болалар адабиётининг энг яхши намуналаридир.

Уруш йилларида Султон Жўра ижоди янги босқичга кўтарилди. У ўзининг «Пулемётчи овози», «Тўпчи Муҳаммад», «Найзамиз» ва «Чавандоз» каби қатор шеърларида ватанпарварлик ғояларини баралла қўйлади.

Шоир бу йилларда уруш мавзуида ўзининг «Ирода» драмасини ҳам яратди. Унинг уруш мавзуида яратилган асарлари орасида «Соғинчли салом» шеъри алоҳида аҳамиятга молик. Унда ота-она, ёр ва биродар, йигит ва киз, қавм-қариндош фиरोқиға сабаб бўлган урушга лаънатлар ёғдиради. Шоир:

Соғиндим, чироғим, начора, бироқ,
Ҳар бир айрилиқнинг кўришмоғи бор,—

дея галабадан кейинги висолға ишонч билдиради.

Султон Жўра Иккинчи жаҳон уруши фронтида 1943 йилнинг 10 ноябрида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

МАМАРАСУЛ БОБОВ

(1911—1969)



Истеъдодли шоир Мамарасул Бобов ўз асарларида аниқ воқеликни, инсон гўзаллигини қуйлаб, кишиларнинг ёрқин образини яратишга интилди.

Мамарасул Бобов Самарканд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида 1911 йили туғилди. У дастлабки маълумотни Навоий номли мактабда олди. Шоир 1927 йилнинг кузида Бухородаги қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди.

1934—1938 йилларда Мамарасул Бобов Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетининг сиртки бўлимини тамомлади. 1939 йили «Гулистон» журналида унинг «Улуғбек» тарихий достони босилиб чикди.

У 1941—1946 йилларда Иккинчи жаҳон урушида катнашиб, Эронда хизмат қилди.

Мамарасул Бобов «Ватан шаънига» (1939), «Шодиёна» (1950), «Қуёш йўли» (1951), «Севган кўшиқларим» (1956), «Ота қувончи» (1959), «Янгра, рубоб» (1961), «Айни ёз» (1961), «Юрагимнинг айтганлари» (1963) сингари қатор шеъррий тўпламларнинг муаллифидир.

Лермонтов, Некрасов, Симонов, Вургун, Қулиев, Муса Жалил, Туманян, Расул Ҳамзатов каби шоирларнинг асарлари Мамарасул Бобов таржимасида ўзбек китобхонларига бориб етди. Унинг «Эрон осмони остида» туркум шеърлари хорижий Шарқ мавзуидаги яхши асарлар сирасига кирази.

УСМОН НОСИР

(1912—1944)



30-йилларнинг кўзга кўринган, эл оғзига тушган истеъдодли шоири Усмон Носир 1912 йил 13 ноябрда Наманган шаҳрида дунёга келди. Ёшлиги Қўқонда болалар уйида ўтган Усмон ўрта мактабни битиргач, 1931 йилдан бошлаб Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тил ва адабиёти факультетида Амин Умарий, Адхам Ҳамдамлар билан биргаликда таҳсил олди.

Усмон Носирнинг илк шеърлари мактабда ўқиб юрган вақтларидаёқ матбуотда кўрина бошлаган эди. Шоирнинг «Қуёш билан суҳбат» (1932), «Сафарбар сатрлар» (1932), «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935), «Меҳрим» (1936) каби шеърий тўпламлари, «Норбўта» ва «Нахшон» дostonлари бирин-кетин нашр қилинди. Унинг «Норбўта» (1932) асарида Ўзбекистондаги фуқаролар уруши мавзуи, «Нахшон»да қардош арман халқи фарзандларининг озодлик учун интилишлари қуйланган бўлса, антик дунёдаги қуллар кураши «Нил ва Рим» каби поэтик асарларида ўз аксини топти.

Усмон Носир шеърляти, аввало, ҳаётйилиги, жозибadorлиги ва исёнкорлиги, айни чоғда содда ва равонлиги билан китобхон қалбидан чуқур урин олган. Шундан бўлса керак, шоир шеърлари ҳамон давраларда тез-тез ёд айтилади:

Юрак, сенси менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг,
Кўзимга ойна беркитдинг,
Юрак, сенси ишқибозим.
Сенга тор келди бу кўкрак.
Севинчим тошди қирғокдан,
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Усмон Носирнинг таржима соҳасидаги хизмати ҳам бебаҳодир. Унинг таржимасида Пушкиннинг «Бокчасарой фонтани», Лермонтовнинг «Демон» («Иблис») дostonлари ўзбек китобхонларининг қалбига етиб борган.

Жўшқин истеъдод эгаси Усмон Носирнинг асарлари ҳамиша кишини ҳаяжонга солади. Усмон Носир қатагон даврининг қурбонларидан бири сифатида ёш умрини шўро лагерларида азоб-уқубатда ўтказиб, тутқунликда 1944 йили вафот этган.

Шоир бир шеърда:

Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас мени боғим,
Шеърларим янграб колур...
Бир умрга ўлмайман, —

деган эди. Чиндан ҳам, унинг номи ўлмас ва ўчмасдир. Бинобарин, унинг номидаги маҳалла, кўча, мактаб, маданий-маърифий ўчоқлар шундан далолатдир.

ЗАФАР ДИЁР

(1912—1946)



Ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Зафар Диёрдир. У 1912 йили Наманган вилоятининг Чуст туманида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Аввал эски мактабда, сўнг болалар уйида таълим олди.

Бўлғуси шоир 1927 йилда Наримонов номли ўзбек эрлар билим юртига ўқишга кириб, уни 1933 йилда аъло баҳолар билан тугатиб, ўша ерда адабиёт муаллими бўлиб хизмат қилди. 1941 йилда эса Тошкент Давлат педагогика олий институтини тугатди.

Шоир ижоди гарчи эрта бошланган ва кўпгина шеърлари «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи», «Ёш куч», «Колхозчи болалар» каби газеталарда чоп этилган бўлса ҳам, унинг «Кўшиқлар» номли биринчи шеърый тўплами 1938 йилда

нашр этилади. Шоирнинг ижодий фаолияти журналистика билан чамбарчас bogлиқдир. У аввал «Ленин учқуни» (1936—1941) газетасида масъул котиб, 1941 йилдан умрининг охиригача «Қизил Ўзбекистон» газетасида бўлим мудир бўлиб ишлаган.

Шоирнинг «Қўшиқлар» тўпламидан сўнг «Тантана» (1938), «Шеърлар» (1939), «Бизнинг қуролимиз», «Бизнинг оила» (1942), «Совға» (1944) каби шеърый мажмуалари босилган.

Зафар Диёр Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1941—1945) ранг-баранг жанрларда самарали ижод қилди. Унинг «Қурол беринг менга ҳам!» шеъри Х. Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!» асарига ҳамоҳанг. Шунингдек, «Орзу», «Темурчилар мактуби», «Отам келар яқинда», «Табассум», «Тўққизинчи май» каби шеърлари ёшларни қахрамонлик, ватанпарварлик ва биродарлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

Зафар Диёр моҳир болалар шоири бўлиши билан бирга, болаларнинг суюкли драматурги ҳам эди. Унинг уч қисмдан иборат «Бахтли ёшлик», «Уч оғайни» пьесаларида болалар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ардоқланади. У адабий-танқидий мақолалар муаллифи, таржимон ва носир ҳам эди.

Зафар Диёр 1946 йил 14 апрелда бевакт вафот этди. Унинг вафотидан кейин «Кичкина боғбон ҳақида достон» (1947), «Чаман» (1948), «Гунафша» (1952), «Асарлар» (1954), «Қанотли дўстлар» (1958), «Сув билан суҳбат» каби тўплам ва сайланмалари нашр этилган.

АМИН УМАРИЙ

(1913—1942)



Шўро даври ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакили Амин Умарий 1913 йили Кўконда хизматчи оиласида дунёга келган. Отаси Умар ака эски мактабларда муаллимлик қилган. Онаси Нисобиби дидли, зукко аёл ҳисобланган. Шу сабаб Амин Умарий оилада яхши тарбия кўрган, хатли-саводли бўлиб вояга етган. Унинг болалиги ўлкада инқилобий кўтарилишлар авжга минаётган даврга тўғри келган.

У ўрта мактабни тугатиб, 1930 йилда Самарқанд Давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни 1935 йилда аъло баҳолар билан якунлайди. Бу ерда у Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ойдин каби истеъдодли адиблар билан ҳамнафас бўлади. 1937 йилда Самарқанддан Тошкентга кўчиб келади ва шу йили Ўзбекистон Ёзувчилари аъзолигига қабул қилинади.

Шоирнинг мактаб йилларида бошланган ижоди худди шу даврга келиб гуллай бошлайди. Унинг «Салом, мактаб!» илк шеъри 1930 йилда, «Янғроқ садолар» номли биринчи тўплами эса 1932 йилда нашр этилади. Тўпламдаги кўпгина шеърларда ўша давр учун долзарб бўлган мавзулар етакчилик қилади. Жумладан, «Кайнаётган цехимиз» шеърида саноат мавзуи, «Большевик ҳомийси»да пахтакор деҳқон меҳнати ва «Зарбачи эрлар» шеърида маърифат мавзуи ўз аксини топади.

1938 йилга келиб, Амин Умарийнинг «Давр тантанаси» номли иккинчи шеърий тўплами юзага келади. Мазкур тўпламдаги шеърлар анча пухта, мавзуи жиҳатидан жуда бой эди. Унинг «Ёшлик» (1935) номли тўплами шоир ижодидаги кўтарилишдан дарак беради. «Фарзанд» (1937), «Садоқат» (1938), «Кўшиқлар», «Ижод боғида» каби тўпламлари кетма-кет яратилди. Шоир бу йилларда Тошкент Давлат педагогика институтида муаллимлик қилди. «Гулистон» журналинда, Ўзбекистон Давлат нашриётида фаоллик кўрсатиб, таржимон ва мунаққид сифатида қалам тебратди.

Амин Умарий «Шеърлар», «Болалик кўшиқлари», «Овозим», «Куёш жарчиси» (1939—1941 йиллар) каби тўпламлар яратди, болалар шоири сифатида «Болалик кўшиқлари» (1938) китобини чоп эттирди.

Амин Умарий уруш йилларида яна ҳам жонбозлик кўрсатди. Унинг «Қасамёд» (1942) номли шеърий тўплами ўша даврнинг жанговар руҳи билан тўла.

У драматург сифатида К. Яшин билан бирга «Ҳамза» (1941), Туйғун билан бирга «Қасос» драмаларини ёзди.

Носир сифатида «Асад» (1932), «Қозон йўлида» (1938), «Тошотар» (1939) каби хикоя ва очерклар тўпламларини яратди.

Шоир ва драматург, носир ва таржимон Амин Умарий авжи ижоди қайнаган даврда — 1942 йил 14 ноябрда Бекобод металлургия заводи қурилишидан қайтгач, бетобликдан вафот этади.

ЗУЛФИЯ

(1915—1996)



Ўзбек халқининг сеvimли шоираси, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроилова 1915 йили Тошкентда хунарманд оиласида туғилган. Шоира хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларидаёқ (1931—1934) адабий тўгаракларда шеърлар машқ қила бошлади. 1935—1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт ин-

титуту аспирантурасида тахсил олди. Сўнгра 1938—1948 йилларда Болалар нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон Давлат нашриётида бўлим бошлиғи, 1950—1953 йилларда эса «Ўзбекистон хотин-қизлари» («Саодат») журналида бўлим бошлиғи, 1953—1980 йилларда эса бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Зулфия 17 ёшида ёзган «Хаёт вараклари» (1932)

биринчи шеърлар тўплами билан Ойдин, Музайяна Алавия, Хосият Тиллахоновалар сафига кириб келди.

Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди.

Шоира «Шеърлар» ва «Қизлар кўшиғи» (1938) каби поэтик асарларини она-Ватан ва унинг дала, чўлларига меҳнат қилаётган пахтакорлар, механик, тракторчи қизларнинг қайноқ ҳаётларига бағишлайди. Айни чоғда мазкур тўпламлардаги шеърлари шоиранинг шеърий маҳорат сирларини эгаллаётган даврини характерловчи асарлар сифатида ҳам муҳим эди.

Уруш даврида шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944) каби тўпламларининг нашр этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона эди. Тўпламдаги шеърлар ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва галабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир. Зулфиянинг «Менинг Ватаним», «Кўлимда қуролу устимда шинель», «Бизни кут» каби умидбахш шеърлари уруш даври ўзбек шеъриятининг жанговар руҳини ифодаловчи асарлар қаторидан ўрин олган.

Шоиранинг урушдан сўнги йилларда ёзилган «Далада бир кун» (1948), «Тонг кўшиғи» (1953) каби бир қатор шеърлар туркуми, «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар» (1958), «Куйларим сизга» (1965) тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади. Уни «Сўроқлайди шоирни шеърим» (1960), «Ойдин» (1953), «Қуёшли қалам» (1967) каби очерк ва дostonлари Х. Ҳакимзода, Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжон каби устодларнинг ёрқин хотираларига бағишланган.

Зулфия Х. Олимжоннинг «Семуруғ», «Зайнаб ва Омон» дostonлари асосида пьеса ва опера либреттосини ҳам яратган.

Зулфия «Уйлар», «Шалола» каби шеърий мажмуалари учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. Ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро соврин, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараккийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро «Нилуфар» мукофотига сазовор бўлган.

Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. У 1956 йилда

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Деҳлида ўтказилган биринчи конференциясида қатнашиб, машхур «Мушоира» (1958) асарини яратди.

Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, хинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шоира Некрасов, Лермонтов, В. Инбер, Леся Украинка, Эди Огнецвет, М. Дилбозий, Амрита Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил августида вафот этган. У Меҳнат Қаҳрамони ҳам эди.

ҲАКИМ НАЗИР

(1915)



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳақим Назир 1915 йил 15 октябрда Тошкентнинг Арпа-поя маҳалласида маҳсидўз касиб оиласида таваллуд топди.

Бошланғич маълумотни уйда онаси Малика отин мактабида олган. Меҳнат фаолиятини 15 ёшидан оёқ-кийим фабрикасида бошлаган, ишлаб туриб, кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқишни давом эттирган. 1941 йилда Тошкент Давлат

педагогика институтининг кечки бўлимини, 1954—1956 йилда Москвада Олий Адабиёт курсини битирган.

1933 йилдан «Ленин учқуни» газетасида ишлаб бошлаган. Шундан бери 50 йил давомида узлуксиз болалар матбуотида, республика радиоэшиттириш Давлат қўмитасида, Бадий адабиёт нашриётида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий ходим, бўлим мудирини, масъул котиб, бош муҳаррир, адабий маслаҳатчи вазифаларида хизмат этди.

Ҳақим Назирнинг адабий фаолияти 30-йилларнинг ўрталаридан бошланган бўлиб, дастлабки машқ ҳикоялари 1934 йилда «Ленин учқуни», «Ёш куч», «Вожатий» каби газета-журналларда босилган. Биринчи китоби «Қишлоқдаги жиянларим» 1948 йилда нашр этилган. Катталар ва болалар учун жами чоп этилган китоблари 50 дан

ортик. Уларда одоб-ахлоқ, одамийлик, дўстлик ва меҳнатга муҳаббат, ватанпарварлик ҳақида баҳс боради. Болаларнинг ранг-баранг оламлари гавдалантирилади.

Адибнинг «Пионерлар боғи» (1950), «Беш баҳо» (1955), «Чўл ҳавоси» (1958), «Яхши ном» (1962), «Мени танийсизми?» (1963), «Болажонларим» (1964), «Али билан Шер» (1971), «Бир оғиз сўз» (1982), «Бақалок ва чақалок» (1998) каби ҳикоялар тўпламлари шу жиҳатдан характерлидир.

Адибнинг болалар учун ёзган қиссалари орасида «Кўкорол чироклари» (1954), «Ёнар дарё» (1966), «Кенжатой» (1976), «Тоҳир-Зухра қиссаси» (1985) ва «Дадамни топиб беринглар» (1991) каби асарларида ёшларнинг бой, беғубор ва сирли ички олами, меҳнатга, оила ва муҳаббатга, ҳаётга бўлган муносабатлари ифода этилган.

Ёзувчининг «Лочин канотлари» (1973) романи ўзбек болалар ва ўсмирлар адабиётида жуда кам ёритилган уруш мавзусига бағишланган.

Ҳаким Назир драматург сифатида «Чиранма ғоз—хунаринг оз» пьесаси билан ўзбек болалар драматургияси ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Асар кўп йиллар давомида Ёш томошабинлар театри сахнасида қўйилган ва қўйилмоқда.

Ёзувчи ижодида катталар учун ёзилган ҳикоялар, очерклар ва қиссалар ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, «Мусобақадoshлар» (1950), «Одамнинг қадри» (1958), «Ўтлар туташганда» (1960), «Онаизор» (1961), «Азиз одам» (1964), «Шошилич телеграммалар» (1987) каби ҳикоялар ва очерклар тўпламлари, «Сув гадоси» (1962) ва «Кўктерак шабадаси» (1988) каби қиссалари шулар жумласидандир.

Ҳаким Назирнинг 50 йиллиги муносабати билан икки жилдлик «Танланган асарлари» (1969—1970), 60 йиллиги муносабати билан беш жилдлик «Танланган асарлари» (1977—1981) чоп этилган. Ёзувчининг 80 йиллиги муносабати билан унинг икки янги китоби босилган—бири «Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим» хотира-қиссаси (1995), иккинчиси эса «Ёдимдасиз, азизларим» (1995) эсдаликларидир.

Ҳаким Назирнинг ўнлаб китоблари рус, қозок, кирғиз, туркман, тожик, грузин, арман, украин, белорус, латиш, литва, эстон, немис, француз, испан, булғор, чех, мўғул тилларига ағдарилган.

Унинг нашр этилган асарларининг умумий тиражи бир ярим миллиондан ошиб кетган.

Ҳаким Назир беш жилдик «Танланган асарлари» учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган (1981). 1984 йилда унга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилган. У Ханс Кристиан Андерсен номидаги Халқаро Фахрий диплом билан ҳам мукофотланган (1984).

ИБРОҲИМ РАҲИМ

(1916)



Таниқли ёзувчи ва журналист Иброҳим Раҳим 1916 йилнинг 15 октябрида Фарғона вилоятининг Кува туманида дунёга келади. Уч ёшида отадан етим қолиб, онаси Тўхтабиби тарбиясида вояга етади. Адабиётга илк ихлос ҳам она туфайли уйғонади. Ана шу ихлос уни 1933 йилда Тошкентга етаклаб келади.

Иброҳим Раҳим дастлаб «Колхоз йўли» номли газетада фаолият кўрсатади. Унинг илк асарлари шу даврдан бошлаб дунё юзини кўради. «Ленин учкуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»), «Ёш ленинчи» («Туркистон») газеталарида унинг шеър, очерк, ҳикоялари босилади. У икки урушда — Финляндия, Германия фашизми билан бўлган жангларда (1937—1945) қатнашган.

Иброҳим Раҳим ўзбек тилида чиқадиган фронт газеталарига муҳаррирлик қилган. Жангчиларимизнинг оташин ватанпарварликларини акс эттирувчи очерклар, ҳикоялар, хабарлар ёзган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан қайтган адиб республика миёндаги газета ва журнал муҳарририятларида ишлаб келди.

Иброҳим Раҳим Ўзбекистон Радио комитетида (1946—1947) масъул лавозимда хизмат қилган, Партия Олий мактабида (1947—1950) таҳсил кўргач, «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири (1950—1961), «Ўзбекфильм» киностудияси раҳбари (1960—1966), «Гулистон» (1966—

1970), «Муштум» (1972—1982) журналларининг бош муҳаррири вазифаларида ишлаган.

Ёзувчининг ижодий фаолияти 1938 йилдан бошланади. Биринчи йирик асари чегарачилар ҳаётидан ёзилган «Баҳодир» (1939) достонидир. Иброҳим Раҳим 1953 йили «Ҳаёт булоқлари» романини ёзди. Кейинчалик бу асар адабий танқидчилар фикр ва мулоҳазалари асосида қайта ишланиб, «Ихлос» (1958) номи билан чоп этилди. Иброҳим Раҳим «Чин муҳаббат» (1958), «Фидойилар» (1972), «Генерал Равшанов» (1985) каби романларида Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонларининг жанговар ҳаётини акс эттирди.

1966 йилги Тошкент zilzilasi ва унинг оқибатларини мардонавор тугатиш ёзувчининг «Тинимсиз шаҳар» (1968) романига мавзу бўлиб хизмат этган. Унинг «Тақдир» романи эса янги шаҳар қурилишига бағишланган. Муаллифнинг «Ҳилола» (1960) қиссаси хотин-қизларнинг жамоа ҳўжалигидаги ўрни, уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, жамоа ҳўжалиги иқтисодиётини юксалтириш сингари даврнинг муҳим муаммоларини бадиий ҳал қилишга қаратилган. Ёзувчининг «Зангори кема капитани», «Оловкор» (1960) қиссаларида ҳам кишиларимизнинг юксак маънавий қиёфаси, меҳнатдаги қаҳрамонликлари акс этган. «Оқибат» номли романи учун ёзувчига Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти берилган (1983).

Иброҳим Раҳим «Жоним фидо» ва «Чакмоқ» номли драмалар ҳам яратган (1974). «Чакмоқ»да Белоруссия ўрмонларида немис-фашист босқинчиларига қарши курашган ўзбек йигити Мамадали Топиболдиев образи яратилган. Адиб «Фарҳоднинг жасорати» кинофильмининг автори ҳамдир.

Иброҳим Раҳим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонлари билан тақдирланган.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллигининг беш йиллиги ва туғилган кунининг 80 йиллиги муносабати билан «Дўстлик», сўнг «Эл-юрт ҳурмати» каби орденлари билан мукофотланган.

Иброҳим Раҳим ранг-баранг жанрлардаги асарлари билан ўзбек адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ШАРОФ РАШИДОВ

(1917—1983)



Таниқли адиб, йирик давлат арбоби Шароф Рашидов 1917 йилнинг 6 ноябрида Жиззах шаҳрида деҳқон оиласида таваллуд топган. Наримонов номидаги ўрта мактабда дастлабки маълумотни олгач, Жиззахдаги педагогика техникумида ўқиган. 1941 йилда эса Самарқанд давлат университети тугатган. Шундан сўнг у муаллим ва мухбир сифатида фаолиятини бошлаган. 1938—1941 йилларда

Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасида ишлайди. 1941—1942 йилларда урушда қатнашади. Фронтдан қайтгач, 1944—1947 йилларда Самарқанд вилоят партия ташкилотининг котиби бўлиб фаолият кўрсатади.

1947—1949 йилларда «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетасига муҳаррирлик қилади. 1949—1950 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг раиси, 1950—1959 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши раёсатининг раиси, 1959—1983 йилларда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи котиби бўлиб ишлайди.

Ш. Рашидовнинг ижоди 30- йилларнинг иккинчи ярмида бошланган. У дастлаб шеърятда қалам тебратиб, «Самарқанд куйлари» номи билан биринчи шеърини тўпламини эълон қилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган шеърлари 1945 йилда «Қаҳрим» тўпламида чоп этилган. У айна чоғда адабиётшунос ва мунаққид сифатида ҳам қалам тебратган.

Шароф Рашидов ижодидида мақоланавислик муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам унинг бадиий ижоди намуналарида бу руҳ етакчилик қилади. Адибнинг «Ғолиблар» (1953) қиссаси 1972 йилда қайта ишланиб, «Ғолиблар» романи сифатида нашр этилади. «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўлқин» (1964) романлари яратилади. Уларда ўзбек халқининг урушдан кейинги тикланиш йилларидаги меҳнат жасорати ўз бадиий ифодасини топган.

Ижодкорнинг «Кашмир қўшиғи» (1957), «Комде ва Мудан» (1959) каби лирик қиссалари ва «Коинот» (1960)

каби киноқиссаси анъанавий Шарқ дostonчилиги услубида битилган бўлиб, ёшлик, баҳор, гўзаллик, ҳаёт нашидаси мадҳига бағишланган. Адиб ҳаётининг сўнги йилларида яратган «Дил амри» қиссаси уруш йилларида Беларус заминида кечган жангчиларнинг ғалаба йўлида олиб борган ҳаёт-мамот кураши тасвирига бағишланган.

1981—1983 йилларда адибнинг беш жилдик асарлари рус ва ўзбек тилларида чоп этилган.

У 1983 йилнинг кузида вафот этган.

Шароф Рашидов, шўро даврининг аксар давлат арбоблари сингари, вафотидан кейин қораланди. Ҳаёти ва ижодини ўрганиш таъқиқланди. Президентимиз И. Каримов савийи-ҳаракати туфайли Ш. Рашидов номи қайта тикланди. Эндиликда республикадаги қатор туман, мактаб, маданият саройлари, кўча ва маҳаллалар унинг номи билан аталади.

НАЗАРМАТ

(1917)



Жангчи шоир, оқсоқол адиблардан бири Назармат (Эгамназаров) 1917 йилнинг 7 ноябрида Тожикистон Республикаси, Хўжанд вилояти, Нов қишлоғида дунёга келган. У шоир Аширматнинг укаси бўлиб, 1935 йилда ўрта мактабни тугатгач, Самарканд Университетига ўқишга келган. 1941 йилда дорилфунунни битириб оқ урушга кетган. У ерда взвод командири

бўлиб хизмат қилган. Сўнгра 1944 йилдан 1947 йилгача «Фронт ҳақиқати» газетасида ишлаган. Армиядан қайтгач, 1947—1954 йилларда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози»), 1955—1985 йилларда эса «Тошкент ҳақиқати» газеталарида адабиёт ва санъат бўлимини бошқарган.

Назармат ижоди 30- йиллардан бошланган бўлиб, унинг биринчи шеъри («Кўзичоқ») 1934 йилда «Ленин учқуни» газетасида босилиб чиқади. Биринчи тўплами эса 1941 йилда «Ёшлик завқи» номи билан нашр этилади. Уруш туфайли иккинчи тўплами анча кеч—1949 йилда «Ватан

ишки» номи билан чоп этилган. Ҳозиргача унинг йигирмадан ортиқ шеърий, насрий асарлари ва қўшиқлар тўпламлари чоп этилган. Хусусан, унинг «Яшил далалар» (1955), «Сир бўйи—нур бўйи» (1959), «Тоғдаги гулханлар» (1962), «Най садоси» (1965), «Баҳор қўшиғи» (1968), «Шаҳримиз болалари» (1970), «Мангу олов» (1972), «Достонлар» (1975), «Йўллар ва гуллар» (1977), «Меҳрим-муҳаббатим» (1983), «Танланган асарлар» (1987), «Ғунчалар» (1987), «Муҳаббат тароналари» (1992) китоблари кенг ўқувчилар оmmasига яхши танишдир.

Назармат носир сифатида ҳам анча баракали ижод қилиб келмоқда. Унинг очерк ва ҳикояларидан ташкил топган «Қирғоқдаги жанг» (1965), «Бурч йўли» (1966), «Сайёд жасорати» (қисса, 1972), «Жанггоҳдан қатралар» (1974), «Турналар йўли» (1977), «Она кўрсатган йўл» каби ҳарбий туркумдаги ҳикоя ва очерклари китобхон эътиборини қозонган. Унинг «Оловли тонг» (1995), «Сайёд жасорати» қиссалари ҳам ҳужжатли-ҳарбий насримиз тараққиётида муҳим ўрин тутди. Унинг болалар учун ёзган «Шаҳримиз болалари», «Ғунчалар» каби шеърий тўпламлари ҳам эътиборга лойиқ. Назармат шоир ва носир бўлиши билан бирга таржимон ҳамдир. Унинг Бедил, Жомий, Носир Хусрав, Фирдавсий, Миршакар, М. Турсунзода ижодидан қилган таржималари талайгина.

Назарматга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган. Мустақилликнинг етти йиллиги муносабати билан адибга «Эл-юрт ҳурмати» ордени тақдим этилди.

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ

(1918 — 1988)



Таниқли адиб Раҳмат Файзий 1918 йили Тошкентда Беш-ёғоч даҳасининг 2 нчи тиконли мазор маҳалласида майда косиб оиласида дунёга келди. У ўрта мактабни тугатиб, электр-механика техникумида ўқиди. Сўнг «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталари муҳарририятларида ишлади. Унинг дастлабки шеър-ий машқлари, лавҳа ва очерклариди мазкур газеталар саҳифаларида (1937) эълон қилинди.

Раҳмат Файзий «Кизил Ўзбекистон», «Ўзбекистон маданияти» (1957—1959) газеталари, «Шарқ юлдузи» (1951—1954) журналида ишлаган пайтларида унинг қалами янада чархланди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тинч қурилиш йилларида ёзувчи «Тўй тўёнаси» (1951), Мирзачўлни ўзлаштираётган ёшларга бағишланган «Чўлга баҳор келди» (1951), «Повесть ва ҳикоялар» (1954), «Шоҳи дарпарда» (1958) каби кисса, очерк ва ҳикоя тўпламларини яратиб, элга танилди.

Ижодкорнинг «Текин музқаймоқ», «Менинг бобом», «Чўнтак», «Нафиса» каби ҳикоялари болаларни миллий руҳда тарбиялашга хизмат қилди.

Раҳмат Файзий 1962—1965 йилларда «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлади. Унинг «Сен етим эмассан» (1962), «Ёр-ёр» киносценариялари асосида ишланган фильмлар ўзбек миллий кинеси ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Айниқса, ёзувчининг «Сен етим эмассан» киносценарийси бўйича суратга олинган фильм қатор хорижий мамлакатлар экранларида намойиш этилиб, томошабинларга манзур бўлди.

Раҳмат Файзий 1969 йили шу сценарий асосида яратган «Ҳазрати инсон» романида темирчи Маҳкам ота ва Меҳринисо опа фаолияти орқали оддий кишилар қаҳрамонлигини кўрсатди.

Раҳмат Файзий Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Польша Халқ Респуб-

ликасида хизмат кўрсатган маданият арбоби фахрий унвонлари билан тақдирланган. Ёзувчининг қатор асарлари рус ва бошқа қардош тилларга ўгирилган. У 1988 йилнинг куз кунларида вафот этган.

ТУРОБ ТЎЛА

(1918 — 1990)



Кўшиқчи шоир ва драматург Туроб Тўла 1918 йили Қозоғистон республикаси Чимкент вилоятига қарашли Турбат қишлоғида деҳқон оиласида тугилиб, болалар уйида тарбияланди. 1933—1941 йилларда Тошкент педагогика институтининг кечки бўлимида таҳсил олди. Шу билан бирга, «Ёш куч» журнали, «Ёш ленинчи» газеталарида ишлади. Сўнгра Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон

Радиосида бўлим бошқарувчиси, «Ўзбекфильм» киностудиясида адабий бўлим мудирини, Республика киночилар уюшмаси котибини, Санъат ишлари бошқармасининг бошлиғини, Ҳамза номидаги Академик драма театри директорини, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги адабиёт тарғиботи марказининг раҳбари каби бир қанча масъул лавозимларда фаоллик кўрсатди.

Туроб Тўла шеър ёзишни 1934 йиллардан бошлаган. 1939 йилда унинг биринчи шеърлар тўплами босилган.

1941—1945 йилларда унинг ҳарбий мавзудаги шеърлари халқимизнинг фашизмга нафратини ва ватанга бўлган меҳр-муҳаббатини ифодалади. Шоирнинг «Шодлигим» (1941), «Табассум» (1944) тўпламларидаги шеърлари ҳам қаҳрамон жангчиларга бағишланган.

Туроб Тўланинг «Бахт тонготари» (1948), «Сен ҳақингда», «Қанот қоқинг, кўшиқларим», «Камалак», «Нафосат» тўпламлари кўпгина шеър ва достонларни ўз ичига олган.

У «Болалар достони» (1950) номли асарида мактаб ва дўстлик ҳақида ҳикоя қилади. 1955 йилда Туроб Тўла «Қанот қоқинг, кўшиқларим» шеърлар тўпамини уқувчи-

ларига тақдим этди. Унинг қўшиқ учун ёзилган ёқимли, жангдор шеърлари замонамиз кишиларининг юрагига ҳамоҳангдир. У қўшиқчи шоир сифатида, айниқса, машҳур бўлган.

Бир қанча киноқиссалар, жумладан, «Раис», «Марғилонлик қиз», «Талант», «Мафтунингман», «Фурқат», «Шашмақом», «Тўққизинчи аср монологи», «Қаҳр» фильмлари сценарийси Туроб Тўла қаламига мансубдир.

Туроб Тўла драматург сифатида ҳам машҳур бўлиб, унинг «Қирқ қиз», «Қизбулоқ», «Момо ер» (Ч. Айтматов асари асосида), «Нодирабегим», «Қаҳр» пьесалари республика театрларида қўйилди. Шунингдек, у «Зулматдан нур» (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида) операси ҳамда «Самарқанд афсонаси» балетининг либреттоларини ёзган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла ўз шеърлари, қўшиқлари, музыкали драмалари ва киносценариялари билан ўзбек китобхонлари ва томошабинлари қалбидан чуқур жой олган.

Туроб Тўла 1990 йилда оламдан ўтган.

ШУХРАТ

(1918 — 1995)



Шўро даври ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан бири шоир, носир ва драматург Шухрат (Ғулом Алимов) 1918 йил 19 апрелда Тошкентнинг Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маҳалласида ҳунарманд оиласида туғилди. Эскича ва янгича мактабда таҳсил олгач, транспорт техникумида ўқийди. Бу ерда Юнус Латиф таъсирида шеърлар ёзабошлайди. Сўнг Тош-

кент Давлат педагогика институтида таҳсил олади (1936—1940). Аммо Шухратнинг ҳаёти ва фаолияти анча серташвиш ва нотекис кечади. 1937 йилнинг мудҳиш шамоли ёш Шухратни ҳам четлаб ўтмайди. Уни: «Отангиз савдогарлик қилган экан. Ўзингиз ко-

сибдан чикмаган экансиз, хотинингиз эскича, жиякли лозим билан атлас кўйлак кийиб юраркан, болангиз эса бешикда ётибди. Яқинда хатна килар экансиз, туриш-турмушингиз эскича. Бу нарса шеърларингизда ҳам акс этиб турибди», — деб Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдашди. Иккинчи бор 50-йиллар бошида «Усмон Носирнинг пропагандисти, Абдулла Қодирий билан Чўлпон китобларини ўқиган ва тарғиб қилган»ликда айбланиб, беш йил Сибиру Шимолий Қозоғистондаги қамокхоналарда ўтириб келади. «Жаннат қидирганлар» романи нашр этилгач (1968), айрим кимсалар уни миллатчиликда айблашга уринадилар. Яна ташвиш устига ташвиш келади. Устози Абдулла Қаҳҳор туфайли эса яна бир бор туртки ейди. Шуларнинг ҳаммаси унинг соғлиғига путур етказди.

Шоир Ёзувчилар уюшмасининг маслаҳат бюросида, нашриётда муҳаррир бўлиб ишлайди.

Ўз ижодини 1935 йилда шеър ёзиш билан бошлаган Шухратнинг «Орзу ва қалб» достони ҳамда «Меҳри» достон-эртаги 1940 йили босилди. Шу йили ҳарбий хизматга қақирилган Шухрат Иккинчи жаҳон уруши жангларида офицер лавозимида иштирок этади.

У урушдан кейин республика газета ва журналларида адабий ходим бўлиб ишлайди. Шу йилларда унинг «Ҳаёт нафаси» (1947), «Қардошлар» (1950) шеърӣй тўпламлари нашр этилади.

У умрининг сўнги йилларида ҳарбий мавзуда «Фарзанд», «Сўлмас чечаклар», «Оқибатли кишилар» каби ранг-баранг жанрларда асарлар яратди.

Ёш авлоднинг ахлоқ-одобини, меҳнатсеварлигини, жанговар жасоратини, озодлик ва тинчлик учун курашган ота-боболарга муносиб ворислар бўлиб етишганини ифтихор билан тасвирловчи «Бизнинг кўча», «Балоғат» (1957—1958), «Кудук» (1973) асарлари яратилди. Адибнинг «Сенинг севгинг» (1961), «Ишқингда ёниб» (1964) лирик китоблари, «Кавказ дафтари», «Қиз табассуми», «Буюк муҳаббат» каби шеърӣй туркумлари, балладаларида ватан ва инсон, севги ва муҳаббат, кадр ва қиммат, меҳнат ва меҳнатсеварлик улуғланади.

Ҳаётӣй воқеаларни кенг кўламда тасвирлаш эҳтиёжи иждокорни роман жанрига ундайди. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида орттирган катта ҳаётӣй тажрибаси асосида халқимизнинг жанговар ҳаётӣй, қаҳрамонлиги, ватанпарварлиги, кийинчиликларга

бардошлилиги, келажакка умиди ҳақида ҳикоя қилувчи «Шинелли йиллар» (1947—1957) асарини яратади.

Шухратнинг «Олтин зангламас» (1967) асарида маърифат соҳиби—ўқитувчи деган шарафли касб улуғланса, «Жаннат қидирганлар» (1968) романида ватангадолик фожеалари ўз бадиий ифодасини топган. Шоирнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари ифодаланган шеър ва тўртликлардан иборат «Лирика» (1973) тўплами, «Беш кунлик куёв», «Қўша қаринглар» комедиялари санъаткорнинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган муносиб ҳиссаси бўлди.

Унинг кўпгина асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган.

У Ўзбекистон халқ ёзувчисидир.

Шухрат 1995 йил 23 июнда 76 ёшида вафот этган.

ТОЛИБ ЙЎЛДОШ

(1918)



Болалар ва катталарнинг ардоқли шоири Талиб Йўлдош 1918 йили Тошкентнинг Чилонзор ота мавзеси, Гулбозор маҳалласида оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келган. У турмуш ташвишлари билан бўлиб, илм-билим деган нарсаларни қирқ ёшидан сўнг эгаллади. Тайёрлов ва кечки курсларда ўқиди. Аммо шоирнинг «Сайлайман» деган биринчи шеъри 1937 йилда — 19 ёшида эълон қилинди.

Толиб Йўлдошнинг биринчи шеърий тўплами «Бўри билан чол» эса 1943 йилда чоп этилган. «Шундан бери, — деб ёзади шоир таржимаи ҳолида, — қирққа яқин тўплам нашр эттирдим, ярми болаларга, ярми катталар учун».

Толиб Йўлдошнинг «Бахтиёрлар қўшиғи», «Порлоқ эрта», «Полизда», «Дўмбоқлар», «Копток нега қочади», «Ўсмирлик ўйлари», «Оқ теракми, кўк терак», «Қуёш билан суҳбат» каби йигирмага яқин шеърий тўпламларида беғубор ёшлар қалби, орзу-мақсадлари, интилишлари, қувонч

ва ташвишлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шоирнинг болаларга бағишланган кўпчилик шеърлари З. Диёр, Қ. Муҳаммадий, Қ. Ҳикмат каби шоирларнинг шеърлари каби содда, равон ва аниқ, бадий ифодага эга эканлиги билан эътиборлидир. Масалан, у ҳар бир хонадоннинг оғирини енгил қилган электр нури билан газ ҳақида «Икки дастёр» шеърида:

Уйимизда икки дастёр,
Бир-биридан ўтар чаккон.
Бири уйни нурга пурқаб,
Бири ошга олов ёққан.
Биз уларнинг хизматида
Бир умрга розимиз.
Янги уйда гулдек яшнаб
Ўтар кишу ёзимиз,—

деб, бу табиат мўъжизаларининг кундалик турмушимиздаги бебаҳо аҳамиятини улуғлайди. Қизиғи шундаки, шоир кўп шеърларини топишмоқ тарзида баён этади. Оқибатда боланинг диққат-эътибори шеърга тортилади, ўй-хаёлга чорланади. Топқирлик, шеър маъно ва мазмунини сингдиришга имкон яратилади. Яна «Шодивой» номли шеърида:

Шодивой шошиб қолди:
— Конфетимни ким олди?
Ҳозир тилим тагида —
Турган нарса йўқолди...—

деганда ҳам худди шу топишмоқ, савол-жавоб усулидан маҳорат билан фойдаланиш орқали болалар характеридаги ўзига хослик, хаёлпарастлик ва топқирлик ҳолатларини умумлаштиради.

Болаларга бағишланган яна бир қатор шеърлари эса ўзининг маъно ва мазмунига кўра жиддий, салмоқли, ўй-хаёлга чорлаб туриши билан ажралиб туради. Жумладан, «Тўрт фасл» шеърида йилнинг кўклам, ёз, куз ва киши ҳақида ажойиб бир манзара яратади.

Толиб Йўлдошнинг болаларга бағишланган шеърляти орасида эртақлар, эртақ-достонлар ҳам анчагина. Унинг «Овчи», «Тўқликка шўхлик», «Хумча билан нимча», «Қўрқоқ қуён», «Ўрмонликлар орзуси», «Тошмат учган» каби ўнлаб эртақлари хаёлий-саргузашт жанрига хос услубда яратилган. Бу ҳол эса болаларнинг романтик кайфиятига жуда мос бўлиб, уларнинг ички дунёсини тўлароқ очиб бериш имкониятини яратади.

Шоирнинг кўп асарлари, айтганимиздек, катталарга бағишланган бўлиб, улар жанр жиҳатдан тўртликлар, саккизликлар ва ҳажвлардан иборат. Айниқса, бу жиҳатдан адабнинг «Ошиқ кўнгил» (1974) тўпламига кирган «Етуклик», «Йиллар ва ўйлар» туркумидаги шеърлар ўзининг мазмундорлиги, фалсафий теранлиги, бадий пухталиги билан ўқувчини ўзига жалб этади. Бу туркумдаги шеърлар мавзу ва маъно жиҳатдан ниҳоятда бой ва сержилодир. Жумладан, унинг «Дўстлик ҳурмати» номли шеърида:

Ким дўстсиз яшабди, ҳаётда танҳо,
Фурбатда ғарибу тутаб ўтибди.
Тушқунлик балоси ўртаб бағрини,
Ҳар неки шодлигин мутаб ўтибди,—

каби ажойиб мисраларга дуч келамиз.

Толиб Йўлдош ижодида ҳажв ҳам катта ўринни эгаллайди. Ҳатто, бу мазмундаги асарлари «Муштум» кутубхонаси туркумида алоҳида нашр ҳам этилган. Хусусан, «Ажабсанда» номли ҳажвий асарлардан таркиб топган шеърини тўплам алоҳида эътиборни тортади. Тўпламга кирган «Ҳеч ким билмасин», «Саёқ», «Мода», «Жароҳат», «Бали-бали», «Хушомад» каби ўнлаб асарлар теле ва радио миниатюраларнинг доимий ҳажв қўшиғи бўлиб келмоқда. Масалан, «Хушомад»да:

Ошнангга ошна қилсанг кулиб боқар хушомад,
Минг айланиб, ўргилиб жонни ёқар хушомад.
Хушингни йиғ, кадрдон, қаддингни ростлиги-да,
Мулзам қилмай олдинга ташлаб похол хушомад,—

каби мисраларда «кўзингга парда ташлаб», «ақлни ўғирлайдиган» бетовфиқ ярамас шахслардан огоҳ бўлишга чорлов етакчилик қилади.

Толиб Йўлдош ғазалнавис шоир сифатида ҳам маълум. Унинг бир қатор ғазаллари ва ҳажвий кўшиқлари эл суйган санъаткорлар овозига йўғрилиб, тингловчига эстетик завқ бағишлаб келади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор айтганидек, «у фақат қалб амри билан, ички бир эҳтиёж билан» ижод қилиб, ҳурматга кирган адиб сифатида бугунги адабий жараёнда ўз ўрнига эгадир. Унга Мустақиллигимизнинг етти йиллигида «Эл-юрт ҳурмати» ордени топширилди.

ҲАМИД ҒУЛОМ

(1919)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Республика ва собиқ Иттифок Давлат мукофотлари совриндори Ҳамид Ғулом етук шоир, носир ва драматургдир. Ҳ. Ғулом 1919 йилда тошкентлик музика муаллими оиласида туғилди. Ўрта мактабни битиргач, Ўрта Осиё индустриал институти (1935—1937) ва Низомий номидаги Тошкент Педагогика институти (1938—1941) да таҳсил олди. 1954 йилда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг йўлланмаси билан Москва, М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтига ўқишга борди. Сўнг «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби (1958—1971), «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири ва Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори лавозимларида ишлади.

Ҳамид Ғулом адабиётга ўттизинчи йилларнинг бошларида «Бизнинг лагер», «Одам», «Куёш каби чароғон» (1936) шеърлари билан кириб келди. Ёш шоирнинг ижоди ўзбек адабиётининг катта вакиллари Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода таъсирида камол топди.

У ватанпарварлик, душманга нафрат руҳи ифодаланган «Қасосим бор» (1942), «Катерина» (1942), «Украина еллари» (1943) каби шеър ва балладаларини уруш йилларида яратган.

Ҳамид Ғуломнинг кейинчалик яратган «Қўшиқларим» (1949—1956), «Днепр бўйида» (1949), «Ғалаба йўлида» (1952—1956) асарларида халқимизнинг фашизмга қарши курашидаги қаҳрамонликлари тасвирланган. Унинг «Олмос кизи» (1956), «Тошкентликлар» (1967) асарлари ўзбек пахтакорларининг урушдан аввалги фидокорона меҳнати, халқ ва армиянинг уруш даврида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилади. Икки китобдан иборат бўлган «Машъал» (1959) романида Октябрь тўнтаришининг

дастлабки йилларидаги ўзбек халқи ҳаёти, жамоаларнинг шаклланиши, хўжаликларнинг тузилиши ва маърифатнинг ёйилиши каби ҳаётий масалалар бадий таҳлил этилган.

Ёзувчининг «Сенга интиламан» (1963), «Бинафша атри» каби романи эса Мирзачўлда ташкил этилган биринчи жамоа хўжалиги ҳақида ҳикоя қилади.

У очеркнавис ва публицист сифатида Ер куррасида рўй бераётган воқеалар, жаҳон халқларининг озодлик учун курашлари, тинчлик ва халқаро дўстлик мавзуларини ёритувчи «Қитъалар уйғок», «Куба ҳақида ҳикоялар», «Уй», «Хиросима балладалари», «Европа таассуротлари», «Жазоирда тонг» каби асарларини яратди. Адибнинг «Вафoning узун йўли» номли хотиралар тўплами ҳам китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинган.

Адиб асарлари қирқдан ортиқ жаҳон халқлари тилларида нашр этилган. Биргина «Мангулик» романи хитой тилида ярим миллион нусхада чоп этилган.

Шунингдек, Ҳ. Фулом А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, В. Шекспир, Т. Шевченко, Лоне де Вега каби ёзувчиларнинг асарларини ҳам ўзбек китобхонлари ва томошабинларига ўз таржимасида тортиқ этган. Унинг «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар» каби замонавий мавзуларда яратилган комедиялари республика театрларида намойиш қилиниб, томошабинлар ҳурматига сазовор бўлган.

Адибнинг «Муҳаббат навоси» номли икки парда, беш кўринишли музикали драмасида XVI асрда Уйғуристоннинг Хўтан шаҳрида яшаган Омоннисо билан Рашидхон ўртасидаги муҳаббат можароси ҳақида ҳикоя қилинади.

«Машраб» тарихий романи ҳам Ҳ. Фулом қаламига мансубдир.

Ҳамид Фуломнинг ўзбек аёлини янги ҳаёт қуришдаги фаолиятини улугловчи «Тошкентликлар» (1974) романи Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. Адиб «Эл-юрт ҳурмати» номли Истиклол орденига муяссар бўлганлардан бири ҳамдир.

САИД АҲМАД

(1920)



Ўзбек насрининг пешкадам арбобларидан бири Саид Аҳмад Хусанхўжаев 1920 йили Тошкентнинг Самарқанд дарбоза маҳалласида дунёга келди. 1939 йили ўрта мактабни, 1943 йили эса олий ўқув юртини тугатди. Адабиёт дарслари ва тўғарақларида ижодга бўлган ҳаваси орғиб, кўлига қалам ушлаган. Вақтли матбуот эса унинг ижод дорилфунуни бўлган.

Саид Аҳмад дастлаб «Мустум» журналида, Радио комитетида (1942—1943), «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1943—1947), «Шарқ юлдузи» журналида (1948—1950) ишлаган.

Унинг биринчи ҳикоялар тўплами «Тортик» 1940 йилда нашр этилади.

Уруш ва урушдан сўнгги йилларда Саид Аҳмад кўплаб фелъетон, очерк ва ҳикоялар ёзган. Унинг «Эр юрак» (1942), «Фаргона ҳикоялари» (1948), «Муҳаббат» (1949) каби тўпламлари нашр этилган. У «Ҳазина», «Ҳайқирик», «Раҳмат, азизларим» каби ҳикояларида Иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли оқибатларини ҳаяжонли тасвирлайди, уруш қаҳрамонларини улуғлайди.

Адиб ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Фафур Фулом юмори, Абдулла Қаҳҳор баёнидаги лаконизми мужассамдир.

Саид Аҳмаднинг барча ҳикоялари замонавий мавзуда ёзилган. У ҳикояларида тасвирлайдиган ҳар бир воқеадан фалсафий умумлашма чиқаришга, воқеаларни лирик таъсирчанлик билан ифодалашга, бадиий тасвирларнинг хилма-хиллигига эришишга интилади. «Чўл бургути», «Ўрик домла», «Лочин», «Одам ва бўри», «Бўстон», «Тўйбоши» каби қатор асарлари Саид Аҳмад ижодида ҳам, ўзбек насрида ҳам янгилик бўлган. Адиб ҳикояларининг бош қаҳрамони ички дунёси бой замондошларимиздир. Ёзувчи «Тоғ афсонаси», «Зумрад», «Муҳаббатнинг туғилиши», «Кўзларингда ўт бор эди», «Пойқадам», «Алла», «Иқбол чироқлари» асарларида ҳаётий характерлар яратган.

Саид Аҳмад ўзининг ҳажвий ҳикояларида тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган ярамас урф-одатлар устидан кулади, муҳим маънавий масалаларни ўртага қўяди. Унинг «Ханка ва Танка», «Лампа шиша» каби ўнлаб ҳажвиялари фикримизнинг далилидир.

Саид Аҳмад кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесига қувнок миниатюралар театрига асос солган.

Саид Аҳмад ҳикоялардан аста-секин йирик полотнолар яратишга ўтди. 1949 йилда чоп этилган «Қадрдон далалар» ва «Хукм» (1958) қиссаларидан кейин яратган «Уфқ» романида (1964) Иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида ўзбек дехқонларининг фронт орқасида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликларини ҳикоя қилди. «Уфқ» трилогия бўлиб, ёзувчи унда урушдан олдинги ва кейинги давр муаммолари ҳақида баҳс юритади. «Жимжитлик» (1988) романида эса турғунлик даври иллатларини фош этишга интилади.

Сўнги йилларда унинг «Хандон писта» (1994), «Бир ўпичнинг баҳоси» (1995) каби ҳажвий ҳикоялар тўпламлари чоп этилди. Шунингдек, у Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода, Шуҳрат, Миртемир ва С. Ҷуннуновалар ҳақида хотира очерклари яратган бўлиб, улар тўплам ҳолида нашр этилди.

С. Аҳмад драматург сифатида ҳам танилган. У «Келинлар қўзғолони», «Куёв» каби сахна асарларининг муаллифидир.

Саид Аҳмад ҳам қатағон даврининг иккинчи тўлкинига дучор бўлган, лагерь азобларини тортган ижодкордир.

Адибнинг кўпгина ҳикоялари қардош ва хорижий тилларга ағдарилган.

Саид Аҳмад ўзининг қувнок ҳикоялари ва салмоқли романлари билан ўзбек насри ривожланишига катта ҳисса қўшиб келаётган ёзувчидир. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофоти совриндори унвонларига сазовор бўлган. «Буюк хизматлари учун» ва «Дўстлик» орденлари билан тақдирланган. У “Ўзбекистон қаҳрамони” ҳамдир.

АСҚАД МУХТОР

(1920—1997)



Атоқли шоир, носир ва драматург Асқад Мухтор 1920 йили Фарғона шаҳрида темир йўл ишчиси оиласида туғилган. У 11 ёшида отадан етим қолиб, болалар уйида тарбияланган. Мактабни тугатгач, Асқад Мухтор Ўзбекистон Давлат университетиغا (1938) кириб ўқийди. Сўнг Андижон педагогика институтида ўзбек адабиёти кафедрасининг мудирини бўлиб ишлайди.

Асқад Мухторнинг Тошкентга келиши унинг фаолиятида янги саҳифа очди. У «Ёш ленинчи» (1945), сўнгра «Қизил Ўзбекистон» газеталарининг муҳарририятларида бўлим мудирини, масъул котиб, «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир (1960—1965), Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида котиб (1957) бўлиб ишлайди. «Гулистон» журналига, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига муҳаррирлик қилди.

Асқад Мухтор «Тилак», «Тонг эди», «Тотли дамлар» сингари илк шеърлари (1935—1938) да шеърининг мақсад ва вазифасини, шоирнинг жамият олдидаги бурчини аниқлаб олишга интилади. У шеърининг «Қалбга қанот», «Дардга даво» берувчи деб қарайди. Шоир Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан «Ғалаба ишончи», «Жангчининг байрам кечаси», «Туғишганлар қайтди», «Соғиниш» сингари қатор шеърини асарларини яратиб, халқни фашист босқинчиларига қарши курашга ундайди. Ватан гўзалликларини, туганмас бойликларини, халқ ҳаётидаги катта ўзгаришларни тасвирловчи «Пўлат қуювчи» (1947), «Ҳамшаҳарларим» (1949), «Раҳмат, меҳрибоним» (1954), «Чин юракдан» (1956) шеърини китобларини ёзди.

Асқад Мухтор «Мардик чўққиси» (1948), «Яхшиликка яхшилик» (1949), «Самандар» каби пьесалар ҳам ёзган.

Ёзувчининг «Дарёлар туташган жойда» (1950), «Қорақалпоқ қиссаси» (1958), «Бухоронинг жин кўчалари» каби қиссаларида, «Опа-сингиллар» (1955), «Туғилиш» (1963), «Давр менинг тақдиримда» (1964), «Чинор» (1973), «Аму»

каби романларида замонамизнинг мухим муаммолари ўз ифодасини топган.

«Чин юракдан» (1956) шеърий китоби, «Ҳаётга чаккирик» (1956), «Дунё болалари» (1962) ҳикоялар тўпламлари ўзбек болалар адабиёти хазинасини бойитган.

Шоирнинг «99 миниатюра», «Карвон қўнғироғи» шеърий китоблари 60—70-йиллар ўзбек шеъриятида катта воқеа бўлган. Уларда инсон калбининг тобланишлари чуқур интеллектуал ҳис-туйғу воситасида талкин этилган.

Софокл, Тагор, Пушкин, Лермонтов, Маяковский, М. Горький, Т. Шевченко, Блок, Корнейчук асарлари Асқад Мухтор таржимасида ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланган.

Асқад Мухтор лирик шоир, таниқли адиб, моҳир таржимон сифатида ўзбек маданияти тараққиётига катта ҳисса қўшган. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. Асқад Мухтор 1997 йили вафот этган.

МИРМУҲСИН

(1921)



Ўзбек шеърияти ва насрининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири, сербарака ижодкор Мирмуҳсин (Мирсаидов) 1921 йил 3 майда Тошкентнинг Қўрғонтепа маҳалласида кулол оиласида дунёга келган. Мактабни битириб, 1933 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Ўқишни тугатиб (1941), мактаб-маориф ишларида, Республикадаги етакчи газета ва

журналларда, радиода масъул вазифаларда хизмат қилди. Хусусан, «Шарқ юлдузи» журналида йигирма йил, «Муштум» журналида эса қарийб ўн йил бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Адибнинг ижоди 30-йиллардан бошланган бўлиб, дастлаб «Шералининг мардлиги», «Овчи болалар» (1936) каби

шеър ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Унинг 1939 йилда яратилган «Камар» номли достони кейинчалик йирик эпик жанрга ўтишида кўприк ролини ўйнаган.

Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда Мирмуҳсин ижоди тобора кўпқирралаи ва серунум бўлиб борди.

У уруш йилларида ўзбек халқининг меҳнат ва жанг майдонларидаги қаҳрамонлигини тасвирловчи шеърлар яратди. Унинг «Эр юрак» (1942), «Ватан» (1942) тўпламлари бу жиҳатдан характерлидир.

Мирмуҳсин дostonнавис сифатида ҳам танилди. Унинг «Уста Ғиёс», «Дўнан» (1947), «Яшил қишлоқ», «Кадрдонлар» (1954), «Широк» ва «Невара» каби бир қатор дostonларини чоп этилди. Бу дostonларда замондошлар образи яратилиб, уларга хос меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва маънавий бутунлик каби фазилатлар улуғланди. Дoston жанрида катта тажриба орттирган шоир 1958 йилда «Зиёд ва Адиба» шеърый романини яратди. Худди шу даврдан бошлаб адиб насрий жанрларга ҳам мойиллик билдиради. Унинг «Дорбозлар» (1956), «Жамила» (1957), «Ҳикоялар» (1959), «Қизил дурралар» (1961), «Созанда» (1963) каби насрий китоблари нашр этилди. Унинг бирин-кетин яратилган «Ок мaрмар» (1958), «Чўри» (1959), «Тунги чақмоқлар» каби киссалари эса адибнинг етук шоиргина эмас, моҳир носир ҳам эканлигини кўрсатди. Айниқса, унинг араб дунёсига бағишланган туркум ҳикоя ва киссалари адибнинг насрий истеъдоди катта имкониятга эга эканлигидан дарак берди. Мирмуҳсин кейинчалик халқаро мавзуда «Чодрали аёл» киссасини ҳам яратди.

Мирмуҳсин моҳир романнавис сифатида ҳам сербарака ижод қилиб келди. Унинг тарихий мавзуда яратилган «Меъмор» (1974), «Темур Малик», «Турон маликаси» (1997) каби ажойиб эпик полотнолари адабий жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган. Шунингдек, Мирмуҳсин замонавий мавзуларда ҳам қатор романлар яратди. Унинг «Умид» (1969), «Чиникиш» (1970), «Дегрез ўғли» (1972), «Чотқол йўлбарси», «Илдизлар ва япроқлар», «Илон ўчи» (1995) сингари романлари замон ва замондошлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Айниқса, адибнинг «Умид» романи ўз даврида кизгин баҳсларга сабаб бўлган. Унда ёшлар тақдири, бахти ва фожеаси ўзининг аниқ ифодасини топган.

Хуллас, Мирмуҳсин шоир, дostonнавис, ҳикоянавис, киссанавис, романнавис, болалар шоири, журналист, адиб сифатида уч юздан ортик асарлар муаллифидир. Адиб

қаламига мансуб асарларнинг кўплари рус, украин, козок, инглиз, қирғиз, араб ва бошқа тилларда нашр этилган.

Мирмуҳсиннинг бой ва серкирра ижоди эл-юрт томонидан юксак қадрланган. У 1974 йилда «Умид» романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. Айни чоғда у Республика халқ маорифи аълочиси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон халқ ёзувчиси ҳамдир.

ШУКРУЛЛО

(1921)



Истеъдодли шоир, драматург ва носир Шукрулло (Шукрулло Юсупов) 1921 йилда Тошкентда туғилган. Дастлабки таълимни олгач, педагогика билим юртида (1935), сўнгра Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида, Давлат университети қошидаги аспирантурада ўқиган. У турли газета ва журналларда, бадиий адабиёт нашриётларида ишлади, ўқитувчилик ҳам қилди. Ўзбекистон

Ёзувчилари уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлди. Шукруллонинг дастлабки шеърлари урушдан олдин яратилган бўлса ҳам, у ижоднинг катта йўлига 40-йилларнинг охириларида чиқиб олди. Унинг биринчи шеъри 1939 йилда дастлабки шеърий тўплами «Биринчи дафтар», «Қалб кўшиқлари» эса 1949 йилда нашр этилган. Шоир 1948 йилда чоп этилган «Чоллар» достонида янги ерларни ўзлаштиришга киришган замондошлари образини яратди. Кейинчалик яратилган «Икки қоя», «26-тонг отари» (1970) каби дostonлари билан ўзбек дostonчилиқ ривожига муносиб улуш қўшди.

Шукрулло ижодида маънавий-ахлоқий масалаларни тасвирлаш асосий ўринни эгаллайди. Хусусан, унинг «Ҳаёт илҳомлари», «Умрим борича», «Инсон ва яхшилик» (1961), «Инсон—инсон учун» (1964) каби шеърий тўпламларига кирган кўпчилик шеърларида инсондаги энг муҳим маъна-

вий-ахлокий фазилатлар улуғланади, кўз-кўз қилинади. Шунингдек, кейинчалик яратилган «Зарралар» (1973), «Суянчик» (1977), «Яшагим келади» (1978), «Сенинг бахтинг» (1988) каби шеърий гулдасталарида ҳам ҳазрати инсонга таъзим бош ўринда туради. Айниқса, унинг «Зарралар» тўпламидан жой олган кўпчилик рубоийлари инсон ҳақидаги мадҳия, инсон ҳақида битилган гоҳ мунгли, гоҳ шодон қўшиқни эслатади. Энг муҳими, Инсон ва Ҳақиқат мавзуи шоир шеъриятининг асосини ташкил этади:

Дўстим, ҳақиқату ростини айтиб,
Факат виждонингни буюрганини қил,—

дея виждонли, имонли бўлишга даъват этади. У виждон, имон деб таърифлаган тушунча эса маънавият деган буюк неъматнинг маъзи-мундарижасини белгилайди.

Шукрулло драматург сифатида ҳам қалам тебратиб келади. Унинг «Хатарли йўл», «Табассум ўғрилари» (1977), «Ўғрини қароқчи урди» (1984) каби драмалари Республика театралари сахналарида намоиш этилган.

Шукрулло моҳир публицист ва носир сифатида ҳам кенг китобхонларга маълум. Бу ўринда унинг адабий-фалсафий мақолаларидан ташкил топган «Қасосли дунё» (1994) китобини эслаш kifоя. Чунки, ундаги публицистик мақолалари турли йилларда ёзилган бўлса ҳам, улар замондошимиз маънавиятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, уни камолот сари етаклаши табиийдир.

Шукрулло—носир деганда, унинг икки асарини эслаш етарли. Биринчи — «Жавоҳирлар сандиғи» (1983) қиссаси, иккинчиси — «Кафансиз кўмилганлар» (1989) хотира-романидир. Улар маълум маънодаги автобиографик асар бўлганлигидан ўз маъно ва мазмунига кўра бир-бирини тўлдиради. Бу иккала асарни инсон ҳақидаги, инсонга хос ва уни безаб турадиган фазилатлар тўғрисидаги фожеавий касида дейиш мумкин.

Шукрулло болалар учун ҳам асарлар яратган. Унинг «Баҳор совғаси» (1962), «Юлдузлар» (1964) каби шеърий тўпламларида болаларнинг такрорланмас ички дунёси, орзу-истаклари, интилиш ва мақсадлари Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси билан уйғунлашиб кетади. Уларда дўстлик, она табиат тасвири етакчилик қилади. Шу билан бирга у таржимон сифатида ҳам адабиётимиз ривожига ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

У Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори.

РАМЗ БОБОЖОН

(1921)



Шоир, драматург, таржимон Рамз Бобожон 1921 йили Тошкент шахрида хизматчи оиласида тугилди. Таълим-тарбия техникумини тамом қилгандан кейин Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига кириб ўқиди.

1939—1948 йилларда у «Ленин учкуни» газетасида дастлаб бўлим бошлиги, сўнг муҳаррир, Ўзбекистон Давлат

нашриёти ва Радио комитетига муҳаррир бўлиб ишлади. Республика Ёзувчилари уюшмасида адабий маслаҳатчи, котиб, «Ватан» жамияти раҳбари лавозимида фаол меҳнат қилди.

Рамз Бобожон 1936 йилдан ижод қила бошлаган. Шу вақтгача «Шеърлар» (1939), «Ҳадя» (1940), «Олтин камал» (1949), «Водий бўйлаб» (1949), «Танланган асарлар» (1958), «Севги сирлари» (1963), «Сенга, севгилим» (1969), «Биринчи парвоз» (1980), «Муҳаббатга таъзим» (1980) ва «Сенинг меҳринг» (1996) каби бир неча шеърлар тўпламини ва «Сайланма»ларини нашр эттирди.

Шоирнинг «Қадрдон дўстлар» достони уруш ва ундан кейинги даврдаги қардош халқлар дўстлигини кўрсатишга бағишланган.

Драматургиямиз тараққиётида ҳам Рамз Бобожоннинг ўзига яраша хизматлари бор. У 1961 йилда «Тога ва жиянлар» комедиясини яратди. «Лўлилар» пьесаси Москва театрларида намоиш қилинди. Қолоқ шахслар кескин фош этилган «Инсу жинс ёки тирик мурдалар» (1972) комедияси ҳам мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Драматургнинг айниқса, «Юсуф ва Зулайхо» (1981) драматомошабинлар ва кенг китобхонлар олқишига сазовор бўлди.

Рамз Бобожонни адабиёт шинавандалари фақат шоир ва драматург сифатида эмас, балки таржимон сифатида ҳам биладилар. У А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А.

Некрасов, А. А. Твардовский ва бошқа рус шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Рамз Бобожон 1981 йили Ўзбекистон халқ шоири унвонини олишга сазовор бўлган.

ВАЛИ ҒАФУРОВ

(1922—1995)



Жангчи-ёзувчи Вали Ғафуров ўзининг икки китобдан иборат «Вафодор» романи, «Сўнгги пушаймон», «Ботирга ўлим йўқ» каби қиссалари, «Шохлардаги мезонлар» каби мемуар ва ўнлаб ҳикоялар муаллифи сифатида танилган.

У 1922 йилда Тошкентда туғилган. Таржимаи ҳоли ниҳоятда оддий, айтиб чоғда ҳаяжонли, жасоратга тўла, сермазмун.

У Тошкент Давлат дорилфунунида таҳсил олди. Самарканд вилоят мактабларида ўқитувчилик қилди. 19 ёшга етар-етмас, жангу жадалга йўл олди. Сталинград остоналарида мардлик намуналарини кўрсатди. Навбатдаги разведка вақтида бир йўла икки кўзидан ажралди, бир оёғи ногирон бўлиб қолди.

Жангдан қайтгач, тиришқоклиги, меҳнатсеварлиги ва яхши одамлар кўмагида браил—игна билан ёзиш, ўқиш усулини тезда ўзлаштириб олди. Ўқитувчилик қилди, кўзи ожизларга раҳбарлик қилди. Ва, ниҳоят, 60-йиллар бошларига келиб, унинг игна билан ёзилган «Вафодор» романининг биринчи китоби нашр этилди.

1973 йилда «Вафодор» романининг иккинчи китоби ҳам пайдо бўлди. Асар адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди, рус ва қардош тилларга таржима бўлди. Романда ёзувчининг шахсий ҳаёти тасвири орқали халқимизга хос метин-мустаҳкам ирода, қаҳрамонлик, биродарлик туйғулари улуғланди.

Вали Ғафуров «Вафодор» романидан сўнг «Сўнгги пушаймон», «Ботирга ўлим йўқ» каби қиссалар, «Шох-

лардаги мезонлар» каби мемуар характеридаги полотнолар ва кўплаб ҳикоялар яратди. Улар орасида «Сўнгги пушаймон» киссаси алоҳида ажралиб туради. Унда ёшларнинг маънавий-ахлоқий баркамоллашувига тўсиқ бўлаётган айрим эскича урф-одатлар, нуқсонларни бартараф этиш йўллари изланди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Вали Ғафуров 1995 йилнинг 5 августида вафот этган.

ПҮЛАТ МҮМИН

(1922)



Пўлат Мўмин адабиёт ихлосмандларига, хусусан, ёш авлодга шоир ва драматург сифатида таниш ва яқиндир. У ўзининг қувноқ шеърлари, завқли қўшиқлари, кизикарли дostonлари ва эртаклари билан болаларнинг сеvimли шоирларидан бири бўлиб колган.

У 1922 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топади. Аввал педагогика билим юртида таҳсил олади. Сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тугатиб (1944), ўқитувчилик қилади. 1948—1950 йилларда «Ленин учқуни» газетасида адабий ходим, 1951—1952 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида болалар адабиёти бўлимининг мудири бўлиб ишлайди. 1954—1960 йилларда Ёзувчилар уюшмасида, 1962—1964 йилларда Маданият вазирлиги қошидаги Санъат бошқармасида хизмат қилади.

1949 йилга келиб, унинг «Сайранг, қушлар» номли илк тўплами чоп этилади. Кетма-кет «Бўл, тайёр!», «Тиш чўткаси эртаги» (1955), «Хунардан унар» (1958), «Тўғри ўсган гул бўлар» (1960), «Ақл қаерда бўлар» (1962), «Олтин най» (1967), «Раҳматга раҳмат!» (1969), «Эсон ва Омон» (1971), «Одоб ва офтоб» (1971) ҳамда «Яхшиларга ўхшасам», «Гул ва Пиёз», «Кулди хиёл», «Мен севаман, сен севасанми?», «Олтин бошоқлар», «66 олтин кўл», «Эртакдан

эртакка» (1990) ва «Фардлар китоби» (1993) каби тўпламлари нашр этилади. Уларнинг кўпчилигида ёшларнинг беғубор рухий дунёлари, қалб ҳарорати ва изтироблари ифодаланган.

Пўлат Мўмин драматург сифатида ҳам «Қовоқвой билан Чаноқвой» (1970), «Сукатой ва Конфетвой», «Баҳодирнинг жасорати» каби асарларини яратган. У айниқса, мохир кўшиқчи сифатида элга танилган. Шоирнинг «Индамади», «Онадур ул, онадур», «Эй, муҳаббат», «Сенга бир гап айтаман» каби ўнлаб кўшиқлари ўзининг содда ва равлонлиги, мусиқий ва халқчиллиги билан куйлаб келинади. У мохир таржимон сифатида А. С. Пушкин, В. Маяковский, С. Маршак, С. Михалков, А. Барто, Н. Носов асарларини она тилига ағдарган.

Пўлат Мўминнинг адабиёт олдидаги хизматлари халқ ва ҳукумат томонидан юқори баҳоланган. 1992 йилда унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси фахрий унвони берилган. 1998 йилда эса «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Шоирнинг:

Ери йўқ кўчиб яшар
Эли йўқ чўчиб яшар,—

каби мақол, матал даражасидаги содда, равлон, тушунарли шеърлари ёш китобхонлар қалбида муҳрланиб қолади.

САРВАР АЗИМОВ

(1923—1994)



Таниқли драматург ва адабиётшунос Сарвар Азимов 1923 йили Жиззах шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Машҳур шоир Ҳамид Олимжоннинг укаси Сарвар Тошкентдаги Карл Маркс номли педагогика техникумини тамомлагач, Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетига кириб ўқиди (1942—1946), сўнгра аспирантурада таълим олди.

1946—1947 йилларда Радио комитетида масъул муҳаррир, 1947—1950 йилларда Ада-

биёт музейида илмий ходим, 1950—1954 йилларда Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, директор ўринбосари бўлиб ишлади. 1954—1956 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасида фан ва маданият бўлими мудир, 1956—1957 ва 1980—1985 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг биринчи котиби лавозимларини адо этди. 1957—1959 йилларда Республика Маданият вазири, 1959—1969 йилларда Республика ҳукумати раисининг ўринбосари бўлиб хизмат қилди.

1969—1980 йиллар мобайнида собиқ СССРнинг Сурия ва Покистондаги элчиси, 1986—1990 йилларда Ташқи ишлар вазири бўлиб ишлади.

Ёзувчининг адабий-танқидий фаолияти 1948 йилдан бошланган. У «Ўзбек адабиёти тарихини бузишга қарши», «Ёш ўзбек ёзувчилари ижоди ҳақида» каби мақолаларида шу давр адабиётининг муҳим илмий-назарий масалаларини илгари сурди. Сарвар Азимов Ҳамид Олимжон ижоди бўйича узоқ йиллар илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб, 1953 йилда номзодлик, 1972 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

У ўрта мактаблар учун ўзбек адабиёти дастурлари, дарсликлари ва хрестоматияларини яратишда катта меҳнат сарф этди.

Сарвар Азимов ўзининг сахна асарлари билан 60- йиллар драматургияси ва театри тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. «Қонли сароб» (1961), «Оппок тонг қўшиғи» (1962), «Юлдузлар жамоли» (1964) асарлари ва адабиётшуносликка доир илмий-назарий китоблари ўзбек адабиётининг муносиб ютуқларидандир. «Замон» драмаси (1968) ўзининг ғоявий-бадиий пухталиги билан драматург ижодида алоҳида ўрин тутди. Бу асарда мустамлакачилик кишанларини парчалаб, ўз мустақиллигига эга бўлаётган чет эл халқларининг ҳаёти, миллий озодлик курашининг Шарққа кенг ёйилиб, бораётганлиги тасвирланган.

Сарвар Азимов барча драматик асарларида ўзи гувоҳ бўлган тарихий даврнинг муҳим муаммоларини кўтарди. Хорижий халқлар ҳаётидан олинган асарлари билан ўзбек драматургиясини янги мавзу, янги шакл, янги образлар билан бойитди.

С. Азимов бир қанча радиокиссалар сценарийси муаллифидир. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонлари ҳамда халқаро «Нилуфар» мукофоти билан тақдирланган. У 1994 йилда лафот этган.

ЗОҲИДЖОН ОБИДОВ

(1923—1996)



Жангчи-шоир Зоҳиджон Обидов 1923 йили Тошкентда туғилган. У ўрта мактабни тугатиб, олий ўқув юртига эмас, фронтга — жангга отланди. Ленинград бўсагаларида бўлган жанглarda ярадор бўлиб она юртига қайтди. Шундан сўнг Тошкент Давлат университетига ўқишга кирди. Уни тугатгач, Наманган педагогика институтида дарс берди. Айни чоғда вилоят Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. З. Обидов Тошкентга қайтгандан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Ғафур Ғулом номидаги ва «Ёш гвардия» нашриётларида ҳамда «Муштум» журналида фаолият кўрсатди.

У шоир сифатида 50-йиллардан бери ижод қилиб келди. Шу дамгача йигирмадан ортиқ шеъррий тўпламларни эълон қилган. Жумладан, «Яхши ният» (1957), «Янги ойнинг ўроғи» (1961), «Ошиқ кўнгил билан» (1963), «Хитойдан совға» (1963), «Тонг юлдузлари» (1964), «Сенинг изларинг» (1965), «Кўнгил навоси» (1968), «Хандаларим» (1969), «Умид тўлкинлари» (1972), «Юракдаги мавжлар» (1973), «Куйган куёв» (1973), «Танланган асарлар» (1974), «Талпинур дил» (1977), «Қўлингни бер» (1979), «Кўнгил таронаси» (1983), «Куйла, дилкаш дуторим» (1984), «Дилрабосан» (1984), «Бахшида» (1985), «Сенга талпинаман» (1990), «Қанотли қўшиқлар» (1991) каби китоблари босилган. Агар ушбу тўпламларга кирган шеърларни чуқурроқ кўздан кечирсак, ундаги айрим шеърлар қўшиқ бўлиб янграганини, айримлари ҳажвия сифатида кулгига етаклаганини, яна баъзилари замон ва замондошларнинг ўй-фикрларини ифода этганини кўраимиз.

Зоҳиджон Обидов М. Лермонтов, Т. Шевченко, М. Бажан, Р. Ҳамзатов каби машҳур шоирларнинг асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилган. Уруш фахрийси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган. У 1996 йилнинг 5 августида вафот этди.

СУЛТОН АКБАРИЙ

(1923—1997)



Адабиётимизда бахшиёна услубда қалам тебратган шоирлар анчагина. Султон Акбарий ҳам шулардан бири. Бинобарин, у ўз овози, ўз сози, ўз услубига эга истеъдодли шоирлардандир.

Султон Акбарий 1923 йилнинг кеч кузида Тошкентда туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, меҳнат фаолиятини бошлаган. Аввал «Ленин учкуни», «Ёш ленинчи», «Янги ҳаёт» каби газеталарда адабий ходим бўлиб ишлаган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг сўнгги курсидан фронтга кетган. Жангдан қайтгач, яна журналист сифатида фаолият кўрсатган. У «Хоразм ҳақиқати» газетасида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб юрган кезларидаёқ Қўнғирот темир йўли қурилиши ҳақида «Чўлдан мактублар» номли туркум очеркларини эълон қилган. У 1948 йили Тошкентга қайтиб, 1952 йилгача «Ёш ленинчи» газетасида масъул котиб бўлиб ишлади, сўнг Москвадаги Олий Адабиёт курсида таҳсил кўрди. Яна Тошкентга қайтгач, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида масъул котиб, «Тошкент» нашриётида бош муҳаррир, «Тошкент ҳақиқати», «Гулистон», «Ўқитувчилар газетаси» каби таҳририятларда масъул вазифаларда фаолият кўрсатди.

Султон Акбарийнинг дастлабки шеърий тўплами 1950 йилда эълон қилинди. Шундан буён унинг йигирмадан ортиқ шеърий тўпламлари ва дostonлари чоп этилди. Улар орасида «Имоним, эътиқодим», «Яралган кўшиқлар», «Сулув сулув эмас, суйган сулув», «Шукрона», «Мехриғиё», «Довон ва девон» каби шеърий мажмуалари алоҳида ажралиб туради. Шоир, жумладан, «Кимга керакман» шеърида:

Ёш йўловчи интик, булоқдай
Қайнамасам кимга керакман?
Дардли кушиқ, ширин гуноҳдай
Қийнамасам кимга керакман?

Барк урмасам кимга керакман,
Бахс қурмасам кимга керакман,
Кайф сурмасам кимга керакман
Улгурмасам кимга керакман?—

дея замондошларини эли, юрти учун ҳамиша ёниб яшашга чорлайди. Яна бир шеърида ёш авлодга мурожаат қилиб, бутун борини унга ҳадя этади, саҳоват кўрсатади:

Мен чиқмаган майдонга сен чиқ,
Мен йиғмаган уюрни сен йиғ,
Мен чиқмаган айвонга сен чиқ,
Мен сигмаган дунёга сен сиг,
Рутбанг баланд бўлсин, авлодим!

Султон Акбарий моҳир дostonнавис сифатида ҳам кўплаб асарлар яратган. Улар орасида айниқса «Гирдоб» (1964) достони китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборини қозонган. Шунингдек, унинг «Қатағон» (1992) достони ҳам жиддий асар сифатида шоир ижодидан ўрин олди. Унда тарих билан замонавий руҳ омукта бўлиб кетган. Асар пировардида тарихий фожеалар заминидан униб чиққан Истиқлол чироғи кўз-кўз қилинган.

Султон Акбарий таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилган. Унинг каламига мансуб таржима асарлари орасида кирғиз эпоси «Манас» катта ўринни эгаллайди.

Камтарин инсон, истеъдодли шоир Султон Акбарий 1997 йилнинг баҳорида ҳаётдан кўз юмди.

ҚУДРАТ ҲИКМАТ

(1925—1968)



Ўзбек болалар адабиёти тараккиётига муносиб ҳисса қўшган шоир Қудрат Ҳикматдир. У 1925 йили Тошкентнинг Себзор маҳалласида таваллуд топган. Ониси Муборак ая эрта қазо қилган (1934). Отаси эса деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Қудрат Ҳикмат 1934 йилда ўрта мактабга бориб, уни 1944 йилда тугатади. Шоир сифатида

мактаб деворий газеталарида кўрина бошлайди. Унга Ойбек, Қуддус Муҳаммадий каби устозлар меҳрибонлик кўрсатишади. 1945 йилдан бошлаб Қудрат Ҳикмат шеърлари «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи», «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, «Пионер» («Гулхан»), «Шарқ юлдузи» каби журналларда чоп этилади.

Қудрат Ҳикматнинг 1947 йилдан бошлаб машҳур бахши Ислом шоир Назар ўғлига адабий котиб бўлиб хизмат қилиши ундаги халқчиликнинг камол топишига олиб келади. У 1957 йилда Тошкент Давлат кечки педагогика институтини тугатиб «Ленин учқуни», «Ёш ленинчи» газеталари ва «Ёш гвардия» нашриётида фаолият кўрсатади. Унинг биринчи шеърий тўплами «Менинг ватаним» 1950 йилда нашр этилади. Шундан сўнг унинг «Бахтли болалар», «Тинчлик — ободлик», «Москвага саёҳат», «Дўстлик», «Уч ўртокнинг совғаси», «Набира меҳри», «Онаҳоним», «Алишер ва китоб», «Тошбақалар ҳужуми», «Соатжоннинг соати» каби ўнлаб шеърий гулдасталари ҳамда «Чирчиқ фарзанди» достони ва «Илон шоҳ ва унинг амалдори Ари ҳақида эртак» каби асарлари яратилади.

У қайси мавзуда, қайси жанрда қалам тебратмасин, ҳалол, топқир ва чопқир болалар дунёсини кашф этишга интилади. Дўстлик, тинчлик, ўзаро бирдамлик, ватанпарварлик ғояларини олға суради. Унинг шеърларидаги болаларча самимийлик, беғуборлик ва тўғрилик шоир асарларининг жозибали бўлишини таъминлайди.

Қудрат Ҳикмат моҳир таржимон сифатида С. Маршак, С. Михалков, А. Барто каби рус шоирларининг шеърларини ўзбекчага ағдарган.

У 1968 йили оғир бетобликдан сўнг 43 ёшида вафот этган. Аммо:

Олмос менинг юрагим,
Толмас менинг юрагим.
Ким айтади шеъримда
Қолмас менинг юрагим,—

деганидек, шоир ўз шеърларида яшаш бахтига муяссар бўлди.

САИДА ЗУННУНОВА

(1926—1977)



Истеъдодли шоира, жозибали насрий асарлар муаллифи Саида Зуннунова 1926 йили Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Отадан эрта етим қолган Саида 1941—1943 йилларда Андижон ўқитувчилар институтида таҳсил олди. Андижон мактабларида муаллима, газета муҳарририятларида адабий ходим бўлиб ишлади.

С. Зуннунованинг биринчи шеъри 1945 йили «Пахта fronti» газетасида босилган.

Адабиётга муҳаббат ёш шоирани Ўрта Осиё Давлат Университети (ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунуни) нинг филология факультетига етаклади. У ўқишни тамомлаб, «Гулхан» журнали, «Ўзбекистон маданияти» газетасида ходим ва Бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир, шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди.

Шоиранинг ёшлик сурури, Ватан шукуҳи ва меҳнат нашидасини тараннум этувчи «Қизингиз ёзди» (1948), «Янги шеърлар» (1950), «Гуллар водийси» (1954), «Қизларжон», «Бир йил ўйлари» (1967) шеърий тўпламлари китобхонлар томонидан катта қувонч билан қабул қилинди.

Саида Зуннунова насрда ҳам сермаҳсул ижод этган адибадир. Унинг «Гулбаҳор» ҳикоялар тўплами (1956) да ишчилар ҳаёти, оила ва муҳаббат мавзулари акс этган бўлса, «Гулхан» (1958) қиссасининг асосий қаҳрамони аёллар бўлиб, уларнинг йигирманчи йиллардаги кураши ўзига хос бадиий бўёқларда ифодаланган. Адиба ёзган «Олов» (1962), «Бўйларингдан ўргилай» (1972), «Директор» каби асарларининг қаҳрамонлари ҳам аёллардир.

Сўзга хасслик, бадиий сиқиклик, табиийлик, сунъий образлардан қочиш Саида Зуннунова ҳикояларига хос хусусиятлардир.

Она-Ватанга садоқат, меҳнатга муҳаббат, бахт ва

муҳаббат туйғуларини куйлаган шоиранинг лирик шеърлари, жозибадор кўшиқлари, насрий асарлари адабиётимиз хазинасига айланиб қолган.

Саида Зуннунова айна камолот ёшида, 1977 йили оғир хасталикдан кейин вафот этган.

У ёзувчи Саид Аҳмаднинг севимли рафиқаси эди. Уларнинг ёлғиз қизлари ва набиралари бор.

МАҚСУД ҚОРИЕВ

(1926)



Атоқли журналист ва таникли адиб Мақсуд Қориев 1926 йилда Тошкентда туғилган. Уруш йилларида Тошкент тумани Юнусобод қишлоғи жамоа хўжаликларида оддий меҳнат билан шуғулланган. 1947 йилда эса Тошкент юридик институтини тугатиб, шу институтнинг аспирантурасида ўқишни давом эттирган. Кейинчалик юридик фанлари номзоди деган илмий даражага эга бўлган.

Адибнинг журналистик фаолияти 1949 йил «Қизил Ўзбекистон» газетасидан бошланади. У 1952—1954 йилларда «Ўзбекистон коммунисти» журналида бўлим бошлиғи, 1954—1963 йилларда «Тошкент ҳақиқати» газетасида аввал бош муҳаррир ўринбосари, сўнг бош муҳаррир бўлиб ишлайди. 1963—1984 йилларда «Совет Ўзбекистони» газетасига бошчилик қилди. 1984—1988 йилларда «Муштум» журналининг, ҳозирги кунда эса «Меҳригиёҳ» газетасининг бош муҳарриридир.

Мақсуд Қориев адиб сифатида 60- йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб маҳаллий матбуотда кўрина бошлайди. Унинг «Ойдин кечалар» (1968), «Жийда гуллаганда» (1970), «Афросиёб гўзали» (1974), «Турналар баланд учганда» (1976), «Қиз узатиб борганда» (1978) каби ҳикоя ва қиссалар тўпламларида ёшлар тақдири, орзу-армонлари-ю, оила қувончи, бахти чиройлик, нозик лирик

пардаларда куйланади. Шунингдек, «Спитамен» тарихий романида халқимизнинг минг йиллик миллий-озодлик йўлидаги кураши ишонарли тарзда умумлаштирилса, унинг «Ибн Сино» (1995) тарихий романида мусулмон оламининг файласуфи ва табиби ҳамда буюк алломаси ҳақида мароқли ҳикоя қилинади.

Мақсуд Қориев «Осиё гўзали», «Темур ҳақида ҳикоялар», «Юлдузларда эди ҳаёли», «Қайтар дунё», «Тоғмаҳал» сингари тарихий мавзуларда ҳам қатор бадиҳалар яратган. Унинг «Эзгулик истаб» («Онам айтиб берган ривоятлар ва ҳаётий сабоқлар») эссеси ҳам мохир публицист эканидан далолат беради.

У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимидир. Мустақилликнинг етти йиллигида «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

ОДИЛ ЁҚУБОВ

(1926)



Одил Ёқубов 1926 йили Қозоғистон республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманининг Қарноқ қишлоғида хизматчи оиласида тугилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945—1950 йилларда Армия сафида хизмат қилди. Ёш аскар совет-япон урушида иштирок этди. 1951—1956 йилларда у Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетида ўқиди. 1955—1959 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслаҳатчи, «Литературная газета»нинг (1959—1963, 1967—1970) республикамиз бўйича махсус муҳбири, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва Республика кинематография қўмитасида бош муҳаррир, Фафур Ғулом номидаги нашриётда бош муҳаррир ўринбосари (1970—1982) бўлиб ишлади. Сўнгра «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг (1982—1989) бош муҳаррири, Ёзувчилар уюшмасининг раиси (1989—1996) бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги даврда Ўзбе-

кистон Атамалар қўмитаси раиси ва Туркистон халқлари маданияти арбоблари ассамблеясининг вице-президенти лавозимида ишламоқда.

Одил Ёқубовнинг биринчи йирик асари — «Тенгдошлар» повести 1951 йилда босилиб чиқди. Унинг «Чин муҳаббат», «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди» (1956) каби комедиялари Ҳамза номидаги академик драма театри сахнасида қўйилди.

1956 йилда адибнинг «Икки муҳаббат» номли насрий асарлар тўплами нашр этилди. Кейин бирин-кетин «Бир фельетон қиссаси» (1961), «Муқаддас» (1963), «Қанот жуфт бўлади» (1969), «Биллур қандиллар» (1975) каби қиссалари чоп қилинди. Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» (1969) романи Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги воқеликни акс эттиради.

«Қанот жуфт бўлади» қиссасида (1969) шифокорлар, меъморлар, ишчилар мавзуи билан бирга мураккаб ижтимоий ва ахлоқий муаммолар ўртага ташланган. Муаллиф унда равшан, эса қолувчи образлар яратган.

«Излайман» қиссасида 1945 йилги япон милитаризмига қарши кураш воқеалари акс эттирилади. У маълум маънода автобиографик асар ҳамдир. Чунки, муаллифнинг ўзи ўша воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган.

Ёзувчи кейинги йилларда яратган «Улуғбек хазинаси» романида (1974) улуғ астроном Улуғбек ва унинг ўғли Абдуллатиф ўртасидаги зиддиятларни кўрсатиб, прогрессив ва реакцион қучлар орасидаги курашларни тасвирлаган. Романда Улуғбекнинг истеъдодли шогирди, машҳур олим Али Қушчининг ҳам улуғвор образи яратилган.

Адибнинг бошқа бир йирик асари — «Кўхна дунё» романида Ўрта Осиёнинг икки буюк алломаси Беруний ва Ибн Сино ҳаёти ва фожеали тақдирлари қаламга олинди. Уларнинг жаҳон илм-фани таракқиётига қўшган буюк ҳиссаларини кўрсатишга интилади. Шунингдек, Одил Ёқубов замонавий мавзуларда ҳам «Диёнат» (1973), «Оққушлар, оппоқ қушлар» (1988) каби йирик полотнолар яратган. Агар ёзувчи «Диёнат» романида адолатнинг ноҳақлик, тубанлик устидан ғолиб келишини кўрсатган бўлса, «Оққушлар, оппоқ қушлар» романида эса турғунлик даври иллатларини рўй-рост гавдалантириб берган. Унинг «Адолат манзили» номли янги романида миллий Мустақиллик йўлидаги кураш ва адолатнинг ғолиб ва қутлуғ йўли улуғланади.

Одил Ёқубов республикамиз театрларида сахналаштирилган «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим» (1956), «Юрак ёнмоғи керак» (1957), «Олма гуллаганда» (1960) ва бошқа пьесаларнинг муаллифидир. «Диёнат» романи асосида яратилган кўп серияли видеофильми ҳам муаллифга шараф келтирди. У моҳир таржимон, мунаққид, публицист сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985) Одил Ёқубов «Улугбек хазинаси» романи учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. 1994 йилда эса «Дўстлик», 1998 йилда эса «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган.

САЪДУЛЛА КАРОМАТОВ

(1928—1986)



Моҳир журналист, адиб ва таржимон Саъдулла Кароматов 1928 йили Бухорода туғилди. Ўрта маълумотни ҳам шу ерда олди. 1949 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетини тугатгач, Ўзбекистон Радио Комитетида ишлади.

Саъдулла Кароматовнинг журналистик фаолияти 1954 йилдан бошланди. 60- йилларда у вақтли матбуот саҳифаларида очеркнавис сифатида кўринди. 1963 йилда эса унинг биринчи йирик насрий асари—«Тоғлар табассуми» ҳужжатли қиссаси майдонга келди. Сўнг «Амунинг зар қокиллари», «Гўзаллик рамзи», «Кумуш камар» сингари очерклар тўпламлари босмадан чиқди. Шундан сўнг у моҳир ҳикоянавис ва қиссанавис сифатида қалам тебратди. «Бир томчи қон», «Эътиқод» (1970) каби қиссаларини яратди. У сўнгги йилларда геологлар ҳаётидан олиб ёзилган «Олтин қум» ва чўлларни ўзлаштираётганларга бағишланган «Сўнгги бархан» романларини яратди.

Саъдулла Кароматов моҳир таржимон сифатида ҳам баракали қалам тебратиб келди. У Жюль Верннинг «Сув остида 8000 милл», туркман ёзувчиси Қилич Қулиевнинг

«Қора карвон» романларини, Эрон ёзувчиларининг ҳикоялар тўпламини, тожик ёзувчиси Юсуф Ақобировнинг «Тегирмон тўхтагач» қиссасини, Вадим Кожевниковнинг «Пешин чоғи кунгай томонда» романини ўзбек тилига ўгирган. С. Кароматов жамоат арбоби сифатида ҳам элга танилган эди.

У «Совет Ўзбекистони» да маъсул котиб ва «Тошкент оқшоми» газетаси биринчи муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби ҳам бўлган.

Саъдулла Кароматовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган.

Адиб 1986 йили Тошкентда вафот этган.

ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ

(1928)



Ўзбек насрининг йирик намояндаларидан бири Пиримкул Қодиров 1928 йили Тожикистон республикасининг Ҷратепа туманидаги Кенгўл қишлоғида таваллуд топти.

Пиримкул Қодиров урушдан кейинги йилларда жамоа ҳужалигида, йўл қурилиши, сўнг Бекобод металлургия заводида ишлади.

1951 йили Тошкент Давлат университетини тугатиб, М.

Горький номидаги Адабиёт институтининг аспирантурасига кирди. «Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1954—1963 йиллар у собиқ СССР Ёзувчилар уюшмаси қошида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1963—1976 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими ва-зифасини бажарди.

Адиб ижодининг дебочаси—«Студентлар» ҳикояси 1950 йилда талабалик йилларида эълон қилиниб, толиби илмлар ҳаётини, уларнинг ички оламини ёритди. Шундан кейин унинг «Жон ширин», «Кайф», «Олов» ҳикоялари, «Қадрим», «Эрк», «Мерос» қиссалари, «Нажот» афсона қиссаси,

«Саргузаштлар», «Яйра институтга кирмоқчи» номли кисса ва ҳикоялар тўпламлари бирин-кетин чоп қилинади.

Кейинчалик адиб яратган «Уч илдиз», «Олмос камар» романлари унга катта шуҳрат келтиради.

Аввал «Юлдузли тунлар» (Бобир), кейин «Авлодлар давони» романлари билан Пиримқул Қодиров ўзбек тарихий романчилигини устоз Ойбекдан кейин янги поғонага кўтаради.

Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида адибнинг уч жилдлик танланган асарлари (I том, «Олмос камар» романи, 1977; II том, «Қора кўзлар» романи, «Эрк» киссаси, 1978; III том, «Уч илдиз» романи, 1979) нашр қилинган. Мазкур нашриёт адибнинг «Юлдузли тунлар» романи, «Қадрим» ва «Мерос» киссаларини ўз ичига олган уч жилдлик «Сайланма»сини ҳам босиб чиқарган.

Пиримқул Қодиров илмий фаолият билан ҳам шуғулланиб, «Халқ тили ва реалистик проза», «Тил ва дил» рисо-лаларини яратган.

Адиб сценарийси асосида зангори олов заҳматкашлари ҳақида «Сенинг изларинг» бадиий фильми суратга олинган. Яқинда адиб китобхонларга «Она лочин нидоси» деган янги тарихий романини (1997) тақдим этди.

П. Қодиров таржимон сифатида Л. Толстойнинг «Қазаклар», К. Фединнинг «Дастлабки қувончлар», П. Толин-нинг «Из», Х. Деряевнинг «Тақдир» кисса ва романларини она тилимизга ўгирган.

«Юлдузли тунлар» романи учун Пиримқул Қодиров 1982 йили Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. У Ўзбекистон халқ ноиб, республика Олий Мажлиси фан, маданият ва таълим қўмитаси раиси муовинидир. Адиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланган. 1994 йили «Шуҳрат» медали, 1998 йилда эса «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланган.

ТУРҒУН ПЎЛАТ

(1928—1974)



Ёзувчи Турғун Пўлат 1928 йили Наманганда таваллуд топган. У кўп вақт жамоа ва давлат хўжаликларида ишлаган. Ёзувчи сифатида 50-йилларда матбуотда кўрина бошлаган. Дастлаб «Бизнинг бобо» (1951), «Буюк савдо» (1952), «Мангу кўлдошимсан» (1956), «Фестивал қўшиғи» (1959) каби шеърий асарлар ёзган. Айни чоғда «Аёллар исёни» (1967), «Жигилдон қори» (1970), «Тўра хужжат» (1970) каби ҳажвий ҳикояларини эълон қилган. 1971 йилда унинг «Водийларни яёв кезганда» очерклар, 1973 йилда «Миррихдан келган меҳмон» ҳажвий ҳикоялар тўпламлари, 1975 йилда эса «Ичкуёв» қиссаси чоп этилган. Турғун Пўлат публицист ва очеркнавис сифатида ўнлаб асарлар яратган. Унинг «Табаррук заминда» (1970), «Хотинбоз» (1972), «Яловбардор» (1986) каби асарлари шулар жумласидан.

Ёзувчи ўзининг очерклари, ҳикоя, қиссаларида ҳаётда ва одамлардаги нуқсонлар устидан кулиб, уларни бартараф этиш йўлини излаган. Шу жиҳатдан унинг айниқса, «Ичкуёв» қиссаси эътиборга сазовор. Турғун Пўлатга шу номдаги телевизион бадиий фильм учун 1979 йили (вафотидан сўнг) Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган.

АЗИЗ АБДУРАЗЗОК

(1928)



Азиз Абдураззоқ 1928 йили Тошкентда таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг маданий-оқартув билим юртида таҳсил олган. Москвадаги М. Горький номли Адабиёт институтида ўқиган.

У кўп касбдошлари каби журналист сифатида «Ёш ленинчи» газетаси, «Шарк юлдузи» журналида фаолият кўрсатади. Айни чоғда кўп йиллар давомида Ўзбекистон

Ёзувчилари уюшмасида ишлайди.

Шоирнинг ижоди 50-йиллардан бошланган бўлиб, биринчи шеърий тўплами 1959 йили «Дўстларимга» номи билан чоп этилади. Шундан сўнг унинг «Яна баҳор» (1961), «Мавж» (1965), «Бодом гуллади» (1965), «Лирика» (1970), «Азиз одамлар» (1975), «Шўҳ ёмғир» (1977), «Қалб нури» (1978) каби тўпламлари нашр этилди. «Қалб нури» тўплами шоир эллик йиллик ижодининг ҳисоботи сифатида сайланма тарзида эълон қилинган.

Азиз Абдураззоқ «Ўроқ ва ханжар» шеърисида: «Ёнмоқдамен, ёнмоқдамен, бу аёндир, дўстим бўлсанг, ҳалал берма, сен ҳам ёндир»,— дея замондошларини яратишга, бунёдкорликка чорлаган. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла айтганидек: «Азиз шеърларидан нон ҳиди келади, ўзи кезиб ўтган боғлар, дала-даштлар ҳиди келади».

Азиз Абдураззоқ айни чоғда болалар учун ҳам ижод қилади. Унинг болалар учун «Оҳ, қандай ширин» (1977), «Қиз ва лола» (1979), «Тап-тап элак» (1981) каби ўнлаб асарлари чоп этилган. Уларда беғубор ёшлик манзаралари, гоҳ қувнок, гоҳ кулгили, гоҳ кинояли тарзда ўз ифодасини топган. Катталар учун ёзилган асарларида ўзбек халқининг миллий хусусиятларини ифодаловчи ҳазил-мутойиба баъзан аччиқ киноя билан алмашиб туради. Китобхонга катта завқ-шавқ бағишлашдан ташқари, уни хушёрликка, шижоатга чорлайди.

Сўнгги йилларда унинг «Ёстикдан чиққан эртақлар» (1988), «Боғда битган эртақлар» (1989), «Тўрт оғайни

ботирлар» (1989), «Минг чинор» (1995) шеърий тўплamlари босилиб чиққан.

У таржимон сифатида М. Лермонтов, Т. Шевченко ҳамда америкалик машхур шоир Г. Лонгфелло асарларини ўзбекчалаштирган.

ЖОНРИД АБДУЛЛАХОНОВ

(1929)



Адабиётимизга 50-йилларда бир гуруҳ истеъдодли ёш ижодкорлар кириб келди. Улар орасида бўлғуси адиб Жонрид Абдуллахонов ҳам бор эди. У 1929 йили Наманганда оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келди. Бешафқат уруш унинг мурғак тақдирига ҳам ўз чангалини солди. Аввалига онаси Шаҳрибону ҳамшира сифатида фронтга кетиб, йил ўтмай, қора хат келди. Кўп ўтмай, отаси Муҳиддин

Абдуллахонов жангга кетиб, қайтмади.

Бор-йўғи 14 ёшга кирган Жонрид тақдир сўқмоқларидан ўтиб, Намангандан Тошкентга пиёда йўл олди. Сафар таассуротлари, одамлар билан учрашув оз бўлса ҳам унинг дардига малҳам бўлди. Энг муҳими, йўл-йўлакай М. Горькийнинг «Одамлар орасида» асарини дилида инсценировка қилиб, «Алексей Пешков» номи билан радиога келди.

Жонрид ижоди худди шу асар билан бошланди. Бош ролни ҳам Жонрид актёр бўлиб ижро этди. Айни чоғда ўқиш, билимини ошириш йўлидан борди. Аввал Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини, сўнг Москва Олий Адабиёт курсини тугатди. Бир томондан Ойдин, Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Ҳаким Назир, Туроб Тула, иккинчи томондан Константин Паустовский, Степан Злобин каби адиблар унга устозлик қилдилар. Радио ва телевидение ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги ижодий муҳит унинг ёзувчи бўлиб шаклланишида мактаб вазифасини бажарди. Ҳозир у «Банк ахбороти» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Аста-секин унинг шеърӣ асарлари, ҳикоялари матбуотда кўрина бошлади. Кўп ўтмай, унинг «Мактабдошларим» (1952) номи биринчи шеърӣ тўплами, «Ҳикоялар» (1956), «Тўйга келинлар» (1960), «Тонг ёришган соҳилда» (1962) каби ҳикоялар тўпламлари нашр этилди. Уларнинг деярли ҳаммасида ёшларнинг, тенгдошларнинг ҳаёти, интилиши, муҳаббати ва ташвишлари ўз ифодасини топти. Унинг «Гулчеҳра» (1962) қиссаси йўл ҳақида, қурилиш, бунёдкорлик ҳақида эди. Адибнинг биринчи йирик эпик асари—«Йўл» (1964) романи ҳам худди шу ҳақда ҳикоя қилади. Шундан сўнг муаллифнинг кетма-кет «Борса келмас» (I — II китоб, 1978—1980), «Хонадон», «Суикасд» (1991) каби романлари чоп этилади.

«Тўфон» ишчилар синфи ҳаётидан ҳикоя қилса, «Борса-келмас» романида Орол муаммоси, она табиат муҳофазаси масалалари ўз ифодасини топган. «Суикасд» романида эса меҳнаткашларнинг ҳақиға хиёнат қилган, жамиятни маънавий-иқтисодий инқирозга олиб келган юлғич, порахўр ва кўзбўямачиларнинг афт-башараси фош этилган.

Ёзувчи Жонрид Абдуллахонов ҳамон ижодий изланишда, ҳамон янги-янги ниятлар билан яшамоқда.

НОСИР ФОЗИЛОВ

(1929)



Ёзувчи Носир Фозиллов адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига 50-йилларнинг иккинчи ярми-ларида кириб келган бўлиб, ҳозиргача жаъми етмишдан ортик китоб чоп эттирди. Булар орасида ўттизга яқин оригинал асарлар бўлиб, қолганлари таржима китоблардир.

У 1929 йили Қозоғистоннинг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон туманининг Қориз қишлоғида таваллуд топди.

Унинг ота ва оналари деҳқончилик билан шугулланган бўлсалар ҳам буваси Турсунмуҳаммад Аълам Ғурбатий таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Камий, Хислат, Сидқий

Хондайликий билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб, Тошкентда унинг учта шеърый китоби чоп этилган.

Н. Фозиловнинг болалиги уруш даврига тўғри келганлиги туфайли ҳам ўқиб, ҳам меҳнат қилган. Шу туфайли у ўз тенгдошларидан анча кеч, яъни, 1949 йилда ўрта мактабни тугатади. Сўнг Тошкентга келиб, Дорилфунунга ўқишга киради ва уни 1954 йилда тугатади. Шундан сўнг «Гулхан», «Шарқ юлдузи» каби журналларда ва «Ёш гвардия», Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида турли лавозимларда ишлайди.

Адибнинг биринчи хикояси «Ленин учқуни» газетасида 1953 йилда босилган бўлса, унинг биринчи китоби 1959 йилда «Ирмоқ» номи билан чоп қилинади. Сўнг «Оқим» (1962), «Робинзонлар» (1964), «Қуш қаноти билан» (1965), «Қорхат» (1968), «Кўклам киёслари» (1970), «Дийдор», (1979), «Танланган асарлар» 2 жилдлик (1983—84), «Болалигим—пошшолигим» (1989), «Бир отар тўппонча» (1995) каби ўнлаб китоблари нашрдан чиқади.

Носир Фозилв таржимон сифатида ҳам самарали ижод қилмоқда. У Абай, Мухтор Авезов, Собир Муқонов, Ғабит Мусрепов, Ғабиден Мустафин, Абдулла Тожибоев, Абдихалил Нурпеисов каби кўплаб қозоқ адиблари асарларини ўзбекчага ағдариб, нашр эттирди. Шунингдек, киргиз, қорақалпоқ ва ўзга тиллардан ҳам кўплаб сара асарларни ўзбекчалаштирди. Унинг ана шу ижод соҳасидаги самарали меҳнати зое кетмади. 1985 йилда унга «Шум боланинг набиралари» китоби учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ғ. Ғулом номидаги, 1986 йилда эса қозоқ адабиётидан қилган таржималари учун Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг Байимбет Майлин номидаги, «Устозлар даврасида» асари учун эса Ҳамза номидаги Давлат мукофоти берилди. 1990 йилда у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига сазовор бўлди.

Н. Фозиловнинг кўплаб асарлари ўзга тилларга ҳам таржима бўлиб, нашр этилмоқда. У 1994 йили ўзбек ва қозоқ адабий алоқалари борасидаги катта хизматлари учун Қозоғистон Президенти таъсис этган «Тинчлик ва маънавий ҳамжиҳатлик учун» халқаро мукофотга сазовор бўлди.

ЖУМАНИЁЗ ЖАББОРОВ

(1930)



Шоир ва драматург Жуманиёз Жабборов 1930 йили Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги Пўлоти қишлоғида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетида таҳсил олган. 1952—1953 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиган. Шундан сўнг «Шарқ юлдузи» журналида аввал бўлим бошлиғи, сўнг масъул котиблик қилган (1953—1962—1964 йилларда «Гулхан»

журналига муҳаррир бўлган), 1964—1976 йилларда «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») газетасида бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида ишлаган, 1976—1981 йиллар мобайнида республика партия Марказий Қўмитасида шўъба мудири, 1981—1985 йилларда Фафур Гулом нашриётида директор, 1985—1990 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслаҳатчи, 1990 йилдан то ҳозирги кунгача Ўзбекистон Давлат мукофотлари қўмитасида масъул котиб бўлиб ишлаб келмоқда.

Жуманиёз Жабборовнинг адабий фаолияти 50-йиллардан бошланган. Ҳозиргача ўттиздан ортиқ шеърӣй, насрий тўпламлар, ўнлаб дoston ва драмалар яратган. Айни чоғда, болалар шоири сифатида «Тоғдаги учрашув» (1986), «Гулжаҳон ва Ҳасанжон» (1968) тўпламларини нашр эттирган. Унинг биринчи шеърӣй тўплами эса 1953 йилда «Ватанимни кўйлайман» номи билан чоп этилган. Шундан сўнг «Баҳор нафаси» (1956), «Гулшан» (1957), «Мақсад йўлида» (1958), «Тоғлар садоси» (1961), «Она ер кўшиғи» (1962), «Субҳидам хаёллари» (1964), «Шеърлар» (1966), «Сахро санами» (1967), «Йўлдаги ўйлар» (1968), «Қишлоқдаги ҳайкал» (1970), «Лирика» (1970), «Илҳом дақиқалари» (1971), «Дostonлар» (1974), «Эътиқод» (1978), «Муҳаббат наққоши» (1980), икки жилдлик «Сайланма» (1980—1981), «Кўеш йўрти» (1983), «Хаёлимда ўзинг» (1985), «Кўнглим гўзали» (1991) каби шеър ва дostonларидан иборат тўпламлари: «20 кун дафтари» (1967), «Соҳиллар ҳикояси»

(1974) каби насрий асарлари нашр бўлган. Ж. Жабборов мохир шоиргина эмас, драматург сифатида ҳам баракали ижод қилиб келади. Айниқса, у яратган «Ўжарлар» (1971), «Йиллар ўтиб» (1975), «Тўйдан олдин томоша» (1979), «Менинг оппоқ кабутарларим» каби драмалари Тошкентда, қатор вилоят театрларида, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикалари сахналарида қўйилган. Сўнги йилларда шоирнинг «Ажаб дунё, севги дунё» номли сайланмаси нашр этилди. Шунингдек, у Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си ҳамда А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида мусиқали драмалар яратди.

Жуманиёз Жабборов таржимон сифатида Лермонтов, Байрон ва Фирдавсийлар асарларини она тилига ўгирган.

Шоир ва драматург Жуманиёз Жабборов адабиёт ва халқ олдидаги хизматлари учун 1980 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони билан тақдирланган. Истиқлол даврида эса «Шухрат» медали соҳиби бўлди.

ХУДОЙБЕРДИ ТЎХТАБОВ

(1932)



1997 йилнинг 9 июль куни Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг ихтисослашган илмий Кенгашида «Худойберди Тўхтабоев романларида конфликт ва сюжет хусусиятлари» мавзuidaги диссертация химояси бўлди. Химоядан сўнг мен адибга: «Ўзбек адиблари» нинг янги нашри учун ўзингиз ҳақингизда янги маълумотларни ёзиб берсангиз»,— деб муро

жаат этдим. Адиб эса ушбу «Таржимаи ҳолимдан лавҳалар»ни келтириб бердилар. Мен уни ўчирмай, кўчирмай, худди ўз ҳолида китобхонларга тақдим этишни лозим топдим:

«Мен 1932 йилнинг 17 декабрида Фарғона вилоятидаги Катта тағоб қишлоғида туғилган эканман. Отам

Тўхтавой 21 ёшида кулоқ қилинган бўлиб, қочиб юриб Тожикистоннинг Чорку деган жойида вафот қилган экан. Икки йилдан сўнг онам Сорабиби холаси Аширбиби ўлиб, беш боласи етим қолгани сабабли, унинг эри Уста Қодирга турмушга чиққан экан, қариндошларнинг қарори шундай бўлган экан. Менинг тарбиям бобом Эркавой, энам Робияби-биларнинг ихтиёрида бўлган. Руҳим, хулқи-ахлоқим ва характеримда неки бўлса боғбон бобом, эртақчи энам туфайли шаклланган.

Ўсмирлик йилларим Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган. 1949 йили Қўкон педагогика билим юртини, 1955 йили Тошкент Давлат Университетини (илгари САГУ, деб аталган) битирганман. 1955—1958 йиллари Фарғона вилоятининг Бағдод, Ўзбекистон туманларидаги мактабларда ўқитувчи, илмий бўлим мудири, директор лавозимларида ишлаб, болалар ва ўсмирлар дунёсидаги гўзаллик, тарбиядаги номукамаллик билан яқиндан танишиб, умримни ана шу муаммоларга бағишласам, деб қайта-қайта ўйлаганман, сўнг бир синф ёки бир мактаб доирасида айтаётган фикр-мулоҳазаларимни кенгроқ майдонда айтсам, деб орзу қилиб, газета ёки журналга ишга киришни мақсад қилиб, 1958 йили Тошкентга келдим. Аввал «Тошкент ҳақиқати», сўнг «Совет Ўзбекистони» газеталарида ҳаммаси бўлиб 14 йил ишладим. Айрим кишилардаги камчилик ва иллатлар йиғиндиси охир-оқибатда жамиятдаги иллатни келтириб чиқаради, иллоти бор жамият яхши ривожлана олмайди, шу жамиятга уюшган кишилар тўлиқ маънода бахтли ҳам бўлолмайди, демак, кишилардаги иллатга қарши курашиш керак, деб ўйладим, енгимни шимариб, фельетон ёзишга киришдим. Занглаган темирни оловга солсангиз, занги тўкилгани каби, фельетон оловида ёнган иллатли шахснинг иллоти ёнади, покланади, деб қаттиқ ишондим. 14 йил давомида Х. Тўхтабоев, Т. Худойбердиев, Н. Бозоров, Н. Каримов фамилиялари остида 300 дан ортиқ фельетон ёздим. Йўқ, барибир, кўнглим тўлмади. Бостириб келаётган танкага қарши рогатка- (чўзма) га кесак солиб отганимиз билан таъсир қилмаганидек, жамиятдаги иллатларга қаратилган фельетонларимнинг ҳам ҳеч таъсири бўлмагандек эди.

Руҳи-дунёси пок бўлган, тарбияга кулоқ соладиган, савоб ва гуноҳни билишга интилаётган, руҳи гўзалликка талпинаётган болалар дунёсида ишласам қалай бўларкан, деб ўйлай бошладим ва қарор ҳам қабул қилдим.

Болалар, ўсмирлар дунёсига паққос ўтиб кетдим. «Ёш

гвардия» нашриёти, «Гулхан», «Ёш куч» журналлари, «Истеъдод» жамғармаларида раҳбар лавозимларида ишлаб, бола ва ўсмир руҳидаги гўзалликни ҳимоялашга эътибор бердим.

Эълон қилинган ҳикоя тўпламларим:

1. «Шошқалоқ» — 1961 йил,
2. «Сўқмоқлар» — 1966 йил,
3. «Муҳаббат қўшиғи» — 1967 йил,
4. «Жонгинам, шартингни айт» — 1969 йил.

Қиссаларим:

«Сир очилди» — 1963 йил,
«Жонгинам, шартингни айт» — 1966 йил,
«Омонбой билан Давронбой саргузашти» — 1974 йил.
Романларим:

«Сариқ девни миниб» — 1968 йил,
«Сариқ девнинг ўлими» — 1973 йил,
«Беш болали йигитча» — 1976 йил,
«Қасоскорнинг олтин боши» — 1981 йил,
«Йиллар ва йўллар» — 1983 йил,
«Ширин қовунлар мамлакати» — 1986 йил,
«Мунгли кўзлар» — 1988 йил,
«Жаннати одамлар» — 1996 йил.

Мукофот ва унвонларим:

Собиқ Иттифок Ёзувчилар уюшмасининг йиллик мукофоти — 1971 йил.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг мукофоти — 1972 йил.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони — 1982 йил,

«Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони — 1991 йил.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти — 1989 йил ва бошқалар. Асарларим тожик, қирғиз, туркман, озарбойжон, арман, рус, украин, белорус, молдован, эстон, латиш, литва, фин, болгар, венгер, немис, чех, итальян, жаъми 24 тилга таржима бўлган.

«Сариқ девни миниб» асаримнинг жаҳон тилларига таржима қилинишига сабаб — 1971 йили Италиянинг Рим шаҳрида ўтган жаҳон болалар ёзувчиларининг кенгашида Жанни Родарининг шу асар ҳақида айтган илиқ гаплари бўлган.

Шу кунларда болаларга эртақ ёзиш билан машғулман. Мақсадим, болалар эртақчилигига худди Жанни Родарига

ўхшаб янги замон техника ва технологияси нафасини олиб кириш.

Босиб ўтган йўлимда, яратган асарларимда турмуш ўртоғим Санобархон ҳамиша бирга бўлган, олти фарзанд катта қилдик, 13 набиранинг бобоси бўлдик».

ОЛИМ ҚҶЧҚОРБЕКОВ

(1932)



XX аср ўзбек ҳажвий адабиётининг ўзига хос бой ва сермазмун анъаналари бор. Буюк Абдулла Кодирий ва Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ва Собир Абдулла, Чархий, қолаверса, Саид Аҳмад ҳажвияларини ўқиб, мириқиб-мириқиб кулмаган, завқ олмаган китобхон бўлмаса керак. Таниқли шоир ва носир Олим Қўчқорбеков ҳам ана шу анъаналарни қарийб қирқ йил давомида узлуксиз ва самарали

давом эттириб келаётган ҳажвий адабиётимиз намояндаси десак, хато бўлмас.

Адибнинг шу кунгача қарийб йигирмага яқин китоблари чоп этилган бўлиб, уларнинг айримлари шеъррий тўплам ҳолида, баъзилари насрий мажмуалар тарзида нашр қилинган. Улар жанр жиҳатдан қисса ва ҳикоя, очерк ва шеърятдан иборат бўлса ҳам мазмун жиҳатдан ҳажвий асарлардан ташкил топган.

Олим Қўчқорбеков асли тошкентлик. У 1932 йилнинг 12 августида Занги ота туманининг Қатортол қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Ўрта мактабдан сўнги 1951—1957 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиган. Адабиётнинг қутлуғ даргоҳига талабалик йилларида кириб келган. У ўқишни тугатгач, қарийб қирқ йил давомида «Муштум» да фаол ва изчил меҳнат қилди. Оддий адабий ходимликдан бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари даражасига кўтарилди.

У бир вақтнинг ўзида ҳам болалар, ҳам катталар ада-

биёти ривожига хизмат қилди. Унинг биринчи шеъри 1948 йилда ёзилиб, «Ленин учкуни» — болалар газетасида босилди. Шундан сўнг унинг «Чоричамбар» (1963), «Сирли хум» (1969), «Қайсар бузоқча» (1974) каби бир қатор китоблари нашр этилди. Бу китоблари орасида катталар учун битилгани кўпчиликти ташкил этади. Адибнинг бу борадаги илк тўплами «Шеър ва масаллар» номи билан 1957 йилда нашр этилди. Сўнгра кетма-кет «Куйларим ва ўйларим» (1960), «Умрим боғида» (1970), «Кўнгил мезони» (1972), «Ваъзхон ва Зағизғон» (1974), «Нозик кўнгил» (1983) каби шеърий тўпламлари юзга келди. Шу даврда унинг «Биринчи сорт бўйдоқ» (1969), «Саломига яраша» (1982) каби «Муштум кутубхонаси» туркумидаги насрий асарлари босилди. Унинг «Лўли бола» номли илк қиссаси эса 1978 йилда босмадан чиқди. 1980 йилга келиб адибнинг Бухоро амири Олимхоннинг сўнгги канизи тарихи, ахлоқи ҳақидаги «Сўнгги каниз» романи «Шарқ юлдузи» журналида «Инқироз» номи билан эълон қилинди. Ҳозирги кунда эса унинг «Амирликдан маҳбусликка» деган янги романи тугалланиш арафасида.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Олим Қўчқорбековнинг бир қатор ҳажвий асарлари машҳур сатирик кино журнал «Наштар» саҳифаларидан ҳам мустаҳкам ўрин олган. Айниқса, улар орасида «Лента таққан қўйлар», «Суюнчи», «Туморли машиналар» ҳамон экран тасмалари орқали намойиш этиб келинмоқда. Умуман олганда, ҳажвий адабиётимизнинг ёрқин намояндаси, шоир ва носир Олим Қўчқорбеков қандай жанр ва турда, қандай мавзуда қалам тебратмасин, ҳамиша ўз замондошларини покликка, ҳалолликка ва қолаверса, комил инсон бўлишга даъват этиб келди ва келаётир. Бу борадаги самарали хизматлари учун эл-юрт ва ҳукуматимизнинг кўплаб мукофотларига сазовор ҳам бўлди. Унга 1973 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилди.

САЙЁР

(1932)



Сайёр (Сайёрпўлат Файзуллаев) тошкентлик, 1932 йилда туғилган. Ҳам шоир, ҳам носир сифатида қалам тебратиб келади. Унинг биринчи шеъри 1953 йилда эълон қилинган. Биринчи «Қалб ҳарорати» номли китоби эса 1960 йилда чоп бўлган. Шундан буён унинг ўзбек, рус ва бошқа тилларда ўттизга яқин шеърий ва насрий асарлари босилиб чиққан. Жумладан, «Бошсиз ҳайкал» (1961), «Фидойингман» (1962), «Қачон катта бўламан» (1965), «Бир кеча хаёли» (1965), «Ўттиз ёшим» (1968), «Ҳулкар» (1969), «Парвона» (1970), «Денгиздан томчилар» (1972), «Йиллаб куйганим» (1973), «Мусаффо фасл» (1978), «Болға зарби» (1982), «Одам борки...» (1981), «Анча катта боламан» (1982), «Чорраҳа» (1985), «Умр қўшиғи» (1986), «Ҳалоллик ва фаоллик» (1989), «Уйқудаги тош» (1989) каби шеърлар, қиссалар тўпламлари ва болалар учун ёзилган асарларини санаб ўтиш мумкин.

Ҳозирги кунда унинг 1977 йилдан бери ёза бошлаган «Мулоқот сабоқлари» китоби яқунланиш арафасида. Мазкур китобда муаллиф ўзи билан мулоқотда бўлган таниқли кишилар, шоир ва адиблар характериға хос чизгиларни жонли, қизиқарли ҳолда тасвир этади. Адибнинг яна бир китоби «Йигит ҳоври» деб аталади. Бу асарда эса, муаллиф ёшликнинг гурури, гўрлиги, севги саргузаштлари, муҳаббат билан ҳавасни ажрата билмаслик оқибатида юз берадиган иш, алданишлар, аёл макри, уни енгиш йўлидаги қийинчиликлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. Бу асар ҳам нашр арафасида. Бинобарин, Сайёр яратган кўпгина насрий асарлар—ҳикоя ва қиссалар асосан ёшлар ҳақида, уларнинг келажаги ва ҳаётдаги ўрни ҳақида эканлиги билан характерланади.

Сайёр шоир сифатида китобхонга яна ҳам яқин. Унинг шеърияти инсон гўзаллиги, инсоний бурчи, виждон ва имон тушунчаларини бадий «шарҳлаши» билан ажралиб туради.

Шоирнинг «Ҳалоллик ва фаоллик» номли сўнги тўпламига кирган кўпчилик шеърлар шу жиҳати билан характерлидир. Айни чоғда уларда инсоннинг Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи, ҳақиқий ва ростгўйлик фазилатлари улуғланади. Шеър унга доимий ҳамроҳ, доимий сирдошдир.

Шеърим, менга ўзинг кулок сол,
Елғиз сенга кўнгил ёрайин.
Елғиз ўзинг сирдош бўлиб кол,
Ранжитмагин мени ёрдайин...

Шоир шеъриятида сиёсий лириканинг яхши намуналари қатори муҳаббат лирикаси муҳим ўрин эгаллайди.

Сайёр суюкли шоирамиз Гулчехра Жўраеванинг турмуш ҳамроҳи. Уларнинг тўрт нафар фарзандлари ва қўша-қўша набиралари бор.

ОҚИЛЖОН ҲУСАНОВ

(1932)



Ёзувчи Оқилжон Ҳусанов 1932 йилнинг апрелида Жиззах туманининг Равотлик қишлоғида дехқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргач (1940—1949), Самарқанд университетида таълим олади (1949—1954). Сўнгра Самарқанд вилояти газетаси «Ленин йўли»да ишлаб, мусахҳиҳликдан масъул котиб лавозимида кўтарилади. 1960 йилда Тошкентга келиб, «Муштум» журналида адабий ходим,

бўлим мудирини, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатади. 1967 йилда «Шарк юлдузи» журналига ишга утади ва у ерда то 1979 йилгача аввал бўлим мудирини, сўнг масъул котиб бўлиб хизмат қилади. 1980 йилдан 1992 йилгача у «Гулистон» журналида турли лавозимлардан сўнг бош муҳаррир ўринбосарини вазифасини бажаради.

Оқилжон Ҳусанов ижоди талабалик давридаёқ бошланган бўлиб, шу кунгача унинг кўплаб шеърини, насрий асарларини, қисса ва романларини чоп этилган. Улар орасида

«Кўшиқчининг тақдири» (1963), «Самарқанд булбули», «Меҳри дарёлар» (1971), «Бўлмаганга бўлишма» (1973), «Қашқар гўзали» (1976), «Тоғда ўсган бола» (1975), «Тоғда ўсган бола ёхуд жияннинг янги саргузаштлари» (1980), «Сирли одам» (1980), «Булбулнинг гўшти» (1977), «Тақилмаган узук» (1983), «Бахт қаерда» (1987), «Қишлоққа саёҳат» (1988), «Учолса ҳам учолмаган турна» (1990), «Устанинг муҳаббати» (1991), «Сўз навбати» (1998) каби китоблари ҳамда «Гўрўгли киссаси» каби асарлари мавжуд. Ёзувчи мазкур асарларида покиза ва беғубор ёшлик хотираларидан, ёшларнинг ечилган ёхуд ечилмай қолган орзу-армонларидан, муҳаббат саргузаштларидан хикоя қилади. Ёзувчи 1982 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвонига сазовор бўлган.

ОЛИМЖОН ХОЛДОР

(1932)



Шоир Олимжон Холдор 1932 йил 18 сентябрда Андижон вилояти Булоқбоши туманининг Кулла қишлоғида туғилган. Аввал тўлиқсиз ўрта мактабда, сўнг Андижондаги педагогика билим юртида ўқийди. Фарғона Давлат педагогика институтини тугатгач, аввал мактабда ўқитувчилик, Андижон радиосида муҳаррир, сўнг «Коммунист» ва «Ёш ленинчи» газеталарининг муҳбири бўлиб ишлайди. 1968—

1983 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Андижон бўлимига бошчилик қилади. Ҳозирги кунда «Андижоннома» газетасида хизмат қилмоқда.

О. Холдор ижоди 60-йиллардан бошланган бўлиб, биринчи шеърлар китоби «Армугон тағида» номи билан, 1965 йилда устоз Миртемир таҳрири остида чоп этилди. Ҳозиргача ўн бешга яқин китоби, публицистик мақолалари нашр этилган. Жумладан, «Андижон сулуви» (1968), «Кафтимдаги тупроқ» (1970), «Ошикона» (1972), «Андижон баҳори» (1976), «Субҳидам кўшиқлари» (1977), «Кумуш коса» (1979), «Тўёна-тўёна» (1982), «Ер фарзанди» (1986), «Сенга интиламан» (1986), «Даврани кенгрок

олинг» (1990), «Кўнгил», «Кўз тегмасин» (1992) сингари тўпламлари нашр этилган. Шунингдек, у «Мен— Андижонман», «Андижон самоси», «Келажакдан бир садо», «Субҳидам қўшиқлари», «Роз» каби лиро-эпик асарлар ҳам яратган.

О. Холдор қўшиқчи шоир сифатида ҳам маълум бўлиб, унинг элликдан ортиқ ғазалларига куйлар басталанган.

Шоир драматургия соҳасида ҳам қалам тебратиб «Қотил ким?», «Севги афсонаси» каби драмалар яратган. Шоирнинг юқорида тилга олинган тўпламларига кирган аксар шеърларини бепоеён водий ва унинг заҳматкаш кишилари ҳақидаги қасида деса бўлади. Унинг катор асарларида инсон гўзаллиги, маънавий олами, меҳр-муҳаббат ва садоқат ҳақида баҳс юритилади.

О. Холдор сўнги йилларда йирик эпик жанрларга ҳам қўл уриб, «Кўнгил» киссаси, «Аросат» ва «Миркомилбой» романлари ва бошқа асарларини китобхонлар ҳукмига хавола этди.

ФАРҲОД МУСАЖОНОВ

(1933)



Фарход Мусаҷонов—қўп киррали иждокор. У носир, драматург ва киносценаристдир. 1933 йилнинг 19 декабрида Тошкентда таваллуд топган. 1956 йилга келиб, Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетини муваффақиятли тугатган. Республика радиоси, телевидениеси ҳамда «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Ғунча» ва «Шарқ юлдузи» журналларида ишлаган. «Ўзбекфильм»

(1967) студиясида хизмат қилган. 1968—1970 йилларда Москвада сценаристлар Олий курсида ўқиган. 1976 йиллари «Ўзбекфильм»да турли лавозимларда ишлади. 1995 йилдан бошлаб «Ўзбеккино» акционерлик кампаниясида хизмат қилмоқда. Ф. Мусаҷонов адабий ижодининг бошланиши 50-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Ўз ижодини болаларга шеър ва хикоялар ёзишдан бошлайди. Биринчи «Дарадаги кишлоқда» хикояси 1956 йилда

чоғ бўлган. Унинг «Офтобни қувалаб», «Бўш келма, Аликулов!», «Бир қултум булоқ суви» каби қиссалари ва олтмишга яқин хикоялари дунё юзини кўрган. Ҳозиргача унинг «Ҳамлет» (1984), «Боғ кўча» (1987) каби ҳикоя ва қиссалардан иборат 30 га яқин тўплами нашр этилган. Айни чоғда у «Бу кўзларга ишонса бўлади», «Зўраки кашанда» каби катталар учун ҳам асарлар яратган. Бундан ташқари, у драматург сифатида «Оқ кабутар», «Нажот истаб», Ҳамза театрида қўйилган «Олифта», «Хизматингга ҳозирман», «Талваса» (Муқимий театри саҳналаштирган) каби драмалар яратган. Шунингдек, «Жазирама офтоб остидаги уй», «Бировнинг боши», «Миноралар остидаги цирк», «Кўзларим йўлингда», «Хувайдо», «Аския», «Қизиқчи», «Сўнмас зиё» каби сценарийлар муаллифи ҳамдир. Булардан ташқари у кўплаб ҳажвий хикоялар, интермедиялар, болалар учун ранг-баранг жанрда асарлар ҳам яратган. Жумладан, «Офтобни қувалаб», «Бўш келма, Аликулов!», «Бир қултум булоқ суви» каби китобларини эшлаш мумкин. Унинг «Душанба, нонуштадан сўнг» (1974), «Боғ кўчамни кўмсайман» (1977), «Қилич ва шамшир», «Кўргулик» каби қиссалари ўз ўқувчисига эга.

Истеъдодли болалар адиби, драматург ва сценарист Ф. Мусажонов сўнги йилларда кўпроқ ўзбек миллий киносанъатини яратиш муаммолари билан банддир.

ХУСНИДДИН ШАРИПОВ

(1933)



Истеъдодли шоир ва драматург Хусниддин Шарипов 1933 йил 10 февраль куни Наманган вилоятининг Поп шаҳрида тугилди. У Наманган қишлоқ хўжалик техникумини битиргач, 1949—1954 йилларда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг ўрмон-мелиорация факультетида таҳсил олди. Сўнгра у Наманган ўрмон хўжалик идорасида инженер (1954—1956), «Наманган ҳақиқати» вилоят газетасида адабий ходим ва масъул котиб (1956—1960), «Ўзбекистон маданияти»да адабий котиб (1960—1962),

«Шарқ юлдузи» журналида (1962—1969, 1976—1977, 1982—1983) бўлим мудир, 1984—1993 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди.

Хусниддин Шариповнинг «Навой» номли биринчи шеъри «Наманган ҳақиқати» газетасида 1948 йил апрелида, «Ниҳол» деган илк шеърий тўплами эса 1956 йилда нашр этилди. Шоирнинг «Кўнгил буюргани» (1961), «Қуёшга ошиқман» (1963), «Тупрокка қасида», «Ернинг қалби» (1965), «Мен сизга айтсам» (1968), «Лирика» (1970) каби асарлари кенг китобхонлар оммасининг меҳрини қозонди. У фаол ижодий меҳнат қилиб, ўз ўқувчиларига «Ҳаяжонли дақиқалар» (1980), «Ох, гўзал» (1981), «Хирмон» (1985), «Яна висол» (1987), «Ёр истаб» (1992) шеърий китобларини, икки жилдлик «Сайланма»сини (1983) тақдим этган.

Шоир ҳозиргача 18 та дoston яратиб, адабиётнинг бу жанрини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Унинг «Сотволдидан салом» (1968), «Қуёшга ошиқман» (1961), «Инсоф диёри» (1978—1979), «Қилмиш-қидирмиш» (1975-1976) каби дostonлари ранго-ранг жилваси билан ҳар бир қалбга йўл топа олди. Шоирнинг «Боғ кўча болалари» (1962), «Тановар» (1965), «Минг иккинчи кеча» (1992) каби дostonлари халқимиз ҳаётининг ёркин лавҳалари ҳақида ҳикоя қилади. Айниқса унинг «Бир савол» (1972) деб номланган шеърий романи алоҳида диққатга сазовордир.

Хусниддин Шарипов моҳир драматург ҳамдир. Унинг «Сени севаман» (1958), «Ота ўғли» (1984), «Афсона» (1975), «Чоллар ва кампирлар» (1979), «Карвон бехатар бўлмас» (1986), «Ёр истаб» (1993) каби пьесалари республика марказий ва вилоят театрларида сахналаштирилган.

У қўшиқчи шоир сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. Шоирнинг «Наврўзим келур», «Жонимиз Ўзбекистон», «Ифтихор» сингари қўшиқлари Наврўз ва Мустақиллик байрамларида мунтазам янграб туради. Бастакорлар Мардон Насимовнинг «Дилбарим», «Дехқонга таъзим», Икром Акбаровнинг «Тўйлар муборак» лирик вокал-сюиталари ҳам шоир Хусниддин Шарипов шеърлари асосида яратилган.

У болалар адабиёти ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, шоирнинг «Укажонларимга» (1963), «Бу ёғи нима бўлади» (1973), «Чавандоз» (1974) каби китоблари ёш китобхон қалбидан чуқур ўрин эгаллаган.

Хусниддин Шарипов мохир таржимон сифатида И. Тургенев, У. Уитмен, В. Маяковский, Р. Рождественский, Б. Васильев пьесаларини ўзбекчага ўгирган бўлса, унинг шеър ва дostonлари рус, урду, поляк, турк каби бошқа кардон халқлар тилларига таржима қилинган.

Шоир ўз асарларида даврнинг энг муҳим масалаларини, халқимиз меҳнатини, халқ ва Ватан бахт-саодатини куйлаб келмоқда. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони ва Ёшлар иттифоқи мукофотининг соҳибидир.

ОХУНЖОН ҲАКИМОВ

(1934)



Охунжон Ҳакимов Фарғона водийсининг булбулларидан бири. Сир эмас, водийдан кўп булбуллар чиққан. Ҳар бирининг ўзгача хониши, ўзгача овози бор. Охунжон Ҳакимов ҳам ўз сози, овозига эга. Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, у теран, ёркин шеърят эгаси. У 1934 йилнинг 20 февralида Фарғонанинг Лоғон қишлоғида дунёга келган. Ўрта мактабдан сўнг Фарғона Давлат педагогика институтини тугатган. «Коммуна» номли вилоят, «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») республика газеталарида, «Меҳнат ва турмуш» журналида фаолият кўрсатган.

Охунжон Ҳакимов ижоднинг қутлуг даргоҳига 50-йилларнинг охирлари ва 60-йилларнинг бошларида кириб келди. Шундан буён унинг йигирмадан ортиқ шеърый тўпламлари ва бир қатор қиссалари яратилди. Шоирнинг «Илҳом водийси», «Фарғона рубойиси», «Ватан қасидаси», «Лирика», «Достонлар», «Тафаккур бокий», «Ўшал кун келур», «Кўзларининг ўзи қора», «Қизлар хаёл сурсалар» каби ажойиб шеърый гулдасталари қўлдан-қўлга ўтиб, ўқилиб келинади. Унинг «Муҳаббатни кўзлардан изланг» (1996) номли шеърый мажмуаси эса маълум маънода «Сайланма» ҳамдир. Унда бир қатор янги шеър, кўшик,

газал ва ҳажвиялар катори китобдан-китобга ўтиб, давр синовига бардош берган, Истиклол даври талабига хизмат қила оладиган «ок соч» асарлари ҳам мавжуд.

Қахрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу тўпламга ёзган сўзбошисида шундай жумлаларни учрата-миз: «Бу мажмуага... ёшлик ва муҳаббат туйғулари билан лиммо-лим тўла шеърлардан тортиб сўнгги йилларда яратилган ва шоирнинг чинакам камолотидан далолат бериб турувчи кўплаб лирик, фалсафий шеърлари, нафис ғазаллари, лабингизда табассум пайдо қилмай қўймайдиган шўх, фарғонача ҳазил ва юморлари ўрин олган».

Охунжон Ҳакимов лирик шоир сифатида адабиётимиз ривожи йўлида хизмат қилиб келмоқда. У қайси мавзуда, қайси жанрда, қайси вазнда асар яратмасин ҳамиша одамларнинг бахт-саодати, имони, маънавияти ҳақида гоҳ лирик йўсинда, гоҳ фалсафий оҳангларда ўз қарашларини олға суради. Агар у дастлабки ижодида бағри муҳаббат билан тўла одамлар ҳақида:

Бағри гўё поёнсиз, уммон,
Муҳаббати оташ одамлар.
Ҳотамларни қолдирган хайрон
Эй, юраги куёш одамлар,—

дея куйлаган бўлса, кейинроқ:

Имонинг бут эрмас эса,
Омадинг омонат,
Давронларинг, ёронларинг
Рохатинг омонат,—

деган муҳим бир фалсафий фикрни ўқувчига ҳавола этган.

Охунжон Ҳакимовнинг ҳазил-мутойибалари ҳам ажойиб. Уларда ўша водий қизиқчилиги, аскиячилиги анъаналари янгидан туғилган, жонлангандай бўлади. Бу жиҳатдан шоирнинг «Яшасин, довдирлар», «Яша, сўргич», «Қатикхўр», «Қадр», «Хотинимнинг муовини» каби ҳикоялари эътиборга лойиқдир.

Шоир яратган «Қўлларим кўксингда», «Тафаккур боқий», «Ўшал кун келур» каби дostonлар ҳам китобхон томонидан илиқ қарши олинган. Ҳозирги дамда Охунжон Ҳакимов она-Ватан, Истиклол ва унинг самараси, имонли, эътиқодли замондошлари ҳақида лиро-эпик асарлар ёзишда давом этмоқда.

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ

(1934—1994)



Истеъдодли адиб Ўлмас Умарбеков барҳаётлигидаёқ ўз тенгдошлари ва замондошларининг ҳурмат-эътиборини козониш бахтига муяссар бўлганлардан. Бунинг устига ўз замондош устозлари эъзозидан ҳам баҳра топган. Бундай ҳолат фақат ўша истеъдоднинг бахтигина бўлиб қолмай, балки у мансуб бўлган адабиётнинг ҳам омади, равнақидан бир далолатдир.

Ўлмас Умарбеков 50—60-йилларда ўзбек адабиётига кириб келган, ёзувчилар орасида муносиб ўринни эгаллаган, сермахсул ва ҳозиржавоб адиблар сирасига қиради. У 1934 йили Тошкентда туғилган. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатгач, Тошкент Давлат университетининг филология факультетига кириб, 1956 йилда уни аъло баҳолар билан битирди. «Мен ҳам ёшлигимда кўп нарсага қизикқанман,— деб ҳикоя қилган эди ёзувчи.— Кейинчалик, учувчиликни орзу қилган эдим, боғбон ҳам бўлмоқчи бўлганман. Аммо адабиёт, ҳамма орзуларимдан кучлилик қилди. Шунинг учун бўлса керак, ўрта мактабни тугатганимда, ҳеч иккиланмасдан Тошкент дорилфундунининг филология факультетига кирдим.

Назаримда, адашмаган эканман. Энди бўлса адабиётсиз, бадий ижодсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман».

Ў. Умарбеков қарийб қирқ йил тинимсиз изланиш, ижод билан банд бўлди. Шу кунгача унинг ўнлаб ҳикоялари, қиссалари. «Одам бўлиш қийин» романи, «Қиёмат қарз», «Шошма, куёш», «Оқар сув», «Сут», «Комиссия», «Кузнинг биринчи кунни», «Аризасига кўра», «Курорт», «Ер ёнганда» каби драматик асарлари яратилди. Шунингдек, «Икки солдат ҳақида қисса», «Ўзгаларни деб», «Калин қорлар бағридаги учрашув» каби кинофильмлар учун сценарийлар ёзди. «Одам бўлиш қийин» романи республика Ёшлар мукофотига (1971), «Икки солдат ҳақида қисса» фильми Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига (1977), «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссаси эса Н. Островский номидаги адабий мукофотга (1984) сазовор бўлди.


Унинг туғилганига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилди. Ва, ниҳоят, 1992 йилда «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак наарафга эга бўлди.

Республика радиосида оддий муҳаррир сифатида иш бошлаган Ўлмас Умарбеков узок йиллар давомида шу ерда бош муҳаррир бўлиб ишлади. 1971—1974 йилларда эса республика партия Марказий Қўмитасида аввал йўриқчи, сўнг сектор мудири бўлиб хизмат қилди. Қарийб ун йилга яқин «Ўзбекфильм»га бошчилик қилди. 1982 йилга келиб, Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари, кейинроқ вазир бўлиб фаолият кўрсатди. Кўп ўтмай, у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раис этиб сайланди (1985). Айни чоғда Осиё ва Африка ёзувчилари бирдамлик қўмитасининг раиси, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгаши ноиби этиб сайланди. Ниҳоят, 1989—1991 йилларда у Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. У қайси жабҳада, нима ишда ишламасин, ҳамиша эл-юрт гами билан яшади. Айниқса, бадиий асарларида—улар хоҳ ҳикоя, хоҳ роман, хоҳ саҳна асари бўладими, ҳамма-ҳаммасида инсонлардаги маънавий-ахлоқий фазилатларни ардоқлашга, улуғлашга интилди.

Афсуски, у оғир хасталикдан сўнг, 1994 йил 10 ноябрда ҳаётдан кўз юмди. Унинг вафотидан кейин «Фотима ва Зухра» романи нашр этилди ва шу асар Муқимий театрида сахналаштирилди. Унинг «Қизимга мактублар» туркумидаги эссеси ҳам китобхонлар эътиборини қозонди.

НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ

(1934)



Нормурад Нарзуллаев (Нарзий) 1934 йилнинг 7 июлида Қашқадарё вилояти Қасби туманидаги Хўжахайрон қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келди. У етти йиллик маълумотни ўз қишлоғидаги мактабда олди. 1948 йилда Охунбобоев номи Қарши педагогика билим юртига кириб ўқиди. 1956 йилда Самарқанд Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан битирди.

Меҳнат фаолиятини 1956 йилдан бошлади. «Ленин йўли» — ҳозирги «Зарафшон» (Самарқанд), «Қашқадарё ҳақиқати» (Қарши) вилоят газеталарида мусахҳиҳ, адабий ходим, бўлим мудири ва масъул котиб вазифаларида ишлади. 1968—1969 йилларда Алишер Навоий номи Самарқанд Давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедраси аспирантурасида ўқиди.

Нормурад Нарзуллаев 1969—1974 йилларда Самарқанд ва Тошкентда масъул лавозимларда хизмат қилди. 1974 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди, 1976—1981 йилларда мазкур уюшмада котиб вазифасини адо этди.

Шоир 1981 йил «Ёш гвардия» нашриётига бош муҳаррир этиб тасдиқланди. 1991—1996 йилларда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмасининг бош муҳаррири, 1996—1997 йилларда эса шу нашриёт директори вазифаларини бажарди. Нормурад Нарзуллаев 1997 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси ёшлари «Камолот» жамғармасининг «Қаторгол — Камолот» ишлаб чиқариш-нашриёт корхонасида бош маслахатчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Нормурад Нарзуллаевнинг ижодий фаолияти 1954 йилдан бошланган. Шу йилларда вақтли матбуот саҳифаларида унинг илк шеърлари босилган. Орадан ўн йил ўтгач, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида шоирнинг илк шеърый тўплами — «Суюнчи» (1965) босилиб чиққан.

Бугунга қадар шоирнинг ўттизга яқин китоблари чоп этилган. Шоир «Сизни Ватан эркалар» (1966), «Меҳр чашмаси» (1970), «Зарафшон зарлари» (1970), «Уфқларда кўзларим» (1973), «Ёғду» (1974), «Нигоҳлар» (1976), «Лаҳза ва ларза» (1973), «Севги сеҳри» (1981), «Оқ саманим» (1982), «Тонг элчиси» (1984), икки жилдли «Сайланма» (1984—1985), «Шамолни ушлаган бола» (1985), «Яхшилик деб яшайман» (1987), «Аник вақт» (1989), «Бош майдон» (1991) каби тўпламларнинг муаллифидир.

Сўнги йилларда шоирнинг қатор шеърӣ китоблари республика нашриётлари томонидан чоп этилди ва ижодий-адабий жамоатчиликка манзур бўлди. Нормурод Нарзуллаевнинг «Оқ фариштам, оппоқ фариштам» (1995), «Юрт ишқида ёнаман» (1996), «Бола кўзи билан кўринг дунёни» (1998) номли шеърлар, кўшиқлар тўпламлари шоир ижодида сезиларли из қолдирди.

Нормурод Нарзуллаевнинг шеърлари инглиз, вьетнам, гурк, хинд, испан, француз, немис, чех, поляк ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Нормурод Нарзуллаев «Халқ булбули», «Дўстлик мушоираси» ҳужжатли фильмлари сценарийси, «Виждон исёни» драмаси, «Севги сурури», «Доиранинг довруғи» каби видеофильмларнинг муаллифидир.

Нормурод Нарзуллаев (Нарзий) кўшиқнавис шоир сифатида ҳам машҳур. Унинг шеърлари асосида яратилган кўплаб кўшиқлар халқаро ва республика ташкилотларида совринли ўринларни эгаллади. Айни пайтда шоирнинг 500 дан ортиқ кўшиғи муваффақият билан ижро этилмоқда.

«Мерос», «Узилган торлар», «Тошкентда туман», «Севги нидоси», «Фотима ва Зухро» каби сахна асарлари ва кинофильмлардаги кўшиқлар ҳам шоир Нормурод Нарзуллаев қаламига мансуб.

Нормурод Нарзуллаевнинг Хенрих Хейне, Михаил Дудин, Максим Танк, Евгений Ёвтушенко, Мўмин Қаноат, Георго Виеру, Жобир Наврўз, Қайсин Қулиев, Иброҳим Юсупов, Андрей Дементьев, Анатолий Передреев, Мавжуда Ҳақимова каби атоқли шоирлар ижодидан қилган таржималари ҳам ўзбек китобхонларига манзур бўлди.

Нормурод Нарзуллаев 1971 йилда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлган. Унга 1984 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», 1994 йилда «Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси» фахрий унвонлари берилган. 1998 йилда «Шухрат» медалига сазовор бўлди.

Нормурод Нарзуллаев ўз овози ва ижод дастхагига эга ижодкор бўлиб, унинг асарларида юксак фуқаролик, самимият, бурчга садоқат, Ватанга муҳаббат, жонажон ўлка табиатига мафтункорлик туйғулари етакчи ўринни эгаллайди.

УЧҚУН НАЗАРОВ

(1934)



Учқун Назаров кўп қиррали ижод соҳиби. У ёзувчи, кинодраматург, кинорежиссёр. 1934 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент театр ва рассомчилик институтининг режиссёрлик бўлимида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини Қўқон шаҳридаги Ҳамза номли драма театрининг бош режиссёри сифатида бошлаб, кейин кинорежиссура билан шуғулланган.

Унинг адиб сифатидаги ижодининг бошланиши 60- йилларга тўғри келади. У дастлаб «Одамлар» (1961) ҳикояси билан китобхонларга танилган. Улкан адиб Абдулла Қаҳҳор ўша йилларда Ўлмас Умарбековнинг «Бобоёнғок» ҳикояси билан Учқун Назаровнинг «Одамлар» ҳикоясини ёшларнинг энг яхши асарлари қаторига қўшган эди. Шундан буён, У. Назаровнинг «Ғурур» (1965), «Журъат» (1977), «Адоқат» (1965) номли ҳикоя ва қиссаларидан иборат тўпламлари чоп этилди. Учқун Назаров «Иқрор», «Одамлар», «Ғурур» каби ҳикоялари билан китобхонлар оmmasига манзур бўлган. Унинг йирик асари — «Чаён йили» романи ҳам ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Учқун Назаров бир қанча сахна асарлари ҳам яратган бўлиб, унинг «Ойна» драмаси (1977) Ҳамза номли академик драма театрида муаллиф томонидан сахналаштирилган.

У кинорежиссёр, киносценарист сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Унинг «Сурайё», «Қиз ва йигит», «Шиддат», «Алангали соҳил» ва уч бўлимдан иборат «Қўқон воқеаси» каби бадиий фильмлари томошабинлар эътибо-

рини козонган. Сўнги фильми учун унга 1977 йилда Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист ҳамдир.

Энг муҳими, ижодкор қайси жанрда, қандай мавзуда асар ёзмасин ҳамиша инсонийликни улуглашга, улар ўртасидаги меҳр-оқибат ва садоқатни эҳтиёт қилишга, ўзаро бир-бирига мурувватли, шафқатли бўлишга чорлаб келади. Унинг «Ёнғин» номли қисса ва ҳикоялардан таркиб топган китоби (1996) ахлоқий, маънавий муаммоларни яна ҳам ўткир, яна ҳам кескин қўйганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

ТўРА СУЛАЙМОН

(1934)



Тўра Сулаймон бахшиёна шоир бўлиб, асли Жиззахнинг Бахмал тумани, Ёйилма қишлоғида туғилган. 1936 йилда Мирзачўлга кўчирма қилинган. сирдарёлик «унвон»ини олган. «Менинг қайси йили туғилганим аниқмас, — деб ёзади у ўз таржимаи ҳолида. — Энамнинг айтишларига қараганда, ўзининг қачон мактабга бориб, қачон рўзғор ишлари билан катталардай жиддий шуғуллана бошлаганимни эсласам, туғилган йилим ўттиз иккинчига тўғри келади. Бундай дейишимнинг сабаби кулоқ қилинганимизда энамнинг қўлида бўлган эканман».

Хужжатларда эса, унинг туғилган йили 1934 йил, деб кўрсатилган. Бинобарин, шоир 1936 йилдан то шу дамгача Мирзачўл (Сирдарё)нинг «Малик» совхозида истикомат қилиб келади.

Тўра Сулаймон ўрта мактабни 1952 йилда тугатган, мактабларда ўқитувчилик қилган.

У 1958—1964 йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини сиртдан ўқиб, битирган. Аввал «Гулистон» номли туман, сўнг «Сирдарё ҳақиқати» номли вилоят газеталарида масъул котиб бўлиб ишлаган. 1972—1977 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоятининг масъул котиби, 1986 йилдан ҳозир-

гача эса адабий маслаҳатчи бўлиб хизмат қилиб келади.

Бўлғуси шоирда адабиётга, ижодга ҳавас анча эрта уйғонган. Бунда халқ ижоди, халқ китобларини яхши билган зукко ота-онасининг хизмати катта бўлган. «Айниқса,— деб эслайди шоир,— отамдан эшитган эртақларим орасида «Болдирбой» деган эртақ мени мафтун қилар эди».

Тўра Сулаймон шоир сифатида матбуотда 1958 йиллардан кўрина бошлади. 1962 йилда эса унинг биринчи шеърий мажмуаси «Истар кўнгил» номи билан чоп этилади. Шундан буён унинг ҳозиргача йигирмадан ортик шеърий тўпламлари нашр бўлган. Булар орасида «Қорасоч» достони (1964), «Ҳамқишлоқларим» (1968), «Жаҳонгашта» (1970) достони, «Менинг қора кўзгинам» (1972), «Мен қайта борар бўлсам» (1976), «Алҳазар» (1979), «Интизор» (1980), «Сизни эслайман» (1982) ва «Истар кўнгил» (1982) сайланма тўпламлари адабий жамоатчилик ва китобхон томонидан илиқ кутиб олинган. Мазкур китоблари орасида унинг «Алҳазар» номли ҳажвий шеърлар тўплами 1979 йилда «Муштум» журналининг совринига сазовор бўлган. Шоирнинг «Ёв қочди» асари Республика Давлат матбуот кўмитасининг совринини олган. Бу асар 1998 йилда «Ёзувчи» нашриётида чоп этилди. Асар истиқлол руҳида ёзилган бўлиб, ўқувчиларга манзур бўлмоқда. У “Ўзбекистон халқ шоири” (1999) дир.

ХАЙРИДДИН САЛОХ

(1934—1969)



50-йилларда ўзбек шеъриятига кириб келган умидли шоирлар орасида Хайриддин Салох алоҳида ажралиб туради. У 1934 йили Тошкентда тугилиб, ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ шеъриятга бўлган қизиқишини намойиш эта бошлаган. Ана шу қизиқиш уни 50-йилларнинг бовларида Н. Островский номли Пионерлар саронидаги Ғайратий раҳбарлик қилган адабиёт тўғарагига бошлаб келган. У шу ерда Э. Воҳидов, Ю. Шомансур, Сайёр сингари ёш шоирлар билан бирга шеърият алифбосини ўрганган.

Хайриддин Салоҳ Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлимини 1957 йилда тугатгач, турли газета ва журналлар таҳририятларида адабий ходим лавозимида хизмат қилган. Унинг сўнгги хизмат жойи «Гулхан» ва «Гунча» журнали бўлди.

Хайриддин Салоҳнинг илк шеъри 1950 йили «Ёш ленинчи» газетасида босилган бўлса-да, унинг ижоди асосан 1957 йиллардан бошланди. Шу йили устоз Миртемир ёш шоирга оқ йўл тилаб, унинг «Нефть булоқлари», «Кўли Куббон» ва «Олма» шеърларини «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилган. Орадан бир йил ўтгач, Ҳ. Салоҳнинг «Чашма» (1958) деб номланган илк шеърлар тўплами нашр этилган.

Ёш шоир айниқса, 60- йилларда самарали ижод қилиб, ўзининг «Иккинчи имтиҳон» (1961), «Ишким ва рашким» (1965), «Туғён» (1969), «Наъматак» (1969) каби бир қатор шеърый тўпламлар нашр эттирди. Вафотидан сўнг эса, «Излар ва ҳислар» (1974), «Лирика» (1985) каби шеър ва дostonлардан таркиб топган китоблари босилиб чиқди.

Романтик тасаввурлар ва лирик кайфиятлар куйчиси бўлган шоир «Наъматак», Султон Жўра ҳаётига бағишланган «Янгроқ ҳаёт» сингари дostonларини яратдики, улар 60- йиллар ўзбек шеърятининг катта ютуқларидан эди.

Хайриддин Салоҳнинг истеъдоди куйидаги сатрларда ёрқин намоён бўлади:

Нафис қора хол бўлгунча
Бирор қатра бўлгим бор.
Табассум-да ошно, гунча —
Дудокларга кўнгим бор.

Зумрад — кўз, кош,
Минг хил лаъл тош,
Ракс этади қатрада.
Окшомлар — ой,
Кундуз — қуёш
Акс этади қатрада.

У ўзининг «Бир чўққини забт этдим» деган шеърида:

Рухим тетик, унча-мунча
Тоғу доvon писандмас,—

деб келажакка катта ишонч билан боқса, яна бир шеърида:

«Нега шамол бўлмадим?», «Нега бир парча нур бўлма-

дим?» деб кетма-кет саволлар қўйиб, саволларига шундай маъноли, ихчам жавоб беради:

Инсон бўлдим,
Шунинг учун —
Ел ҳам, нур ҳам бўлмадим.

Бундай нафис туйғулар куйчиси бўлган шоир чиндан ҳам ўта самимий ва дилбар инсон эди.

У таржимон сифатида Байрон, Пушкин, Лермонтовнинг қатор лирик шеърларини ўзбек тилига ўгирган. Айниқса, унинг Хенрих Хейненинг лирик шеърларидан қилган таржимаси китобхонлар оммаси томонидан самимий кўтиб олинган.

Шоир авжи истеъдоди чаман бўлиб очилган вақтда 1969 йили фожеали равишда ҳалок бўлган.

ЙЎЛДОШ СУЛАЙМОН

(1935)



Йўлдош Сулаймон 1935 йили Қўқоннинг Ойдинбулоқ қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни битиргач, ёшлар етакчиси, муаллим бўлиб ишлаган. 1960 йилларга келиб, Фарғона Давлат педагогика институтини тугатган. Шундан сўнг мактабда, маданият ўчоқларида, газеталарда турли лавозимларда фаолият кўрсатган. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона бўлимини ҳам бошқарган. Ҳозир

эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи муовини вазифасида ишламоқда.

Йўлдош Сулаймоннинг ижоди 50- йиллардан бошланган бўлиб, шу кунгача унинг ўн бешдан ортиқ шеърӣй, насрий тўпламлари ҳамда «Субҳидам» (1973), «Вафо» (1979) романлари чоп этилган.

Йўлдош Сулаймон адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига аввало, болалар шоири сифатида кириб келган. Унинг «Биз саёҳатчилармиз», «Ҳамма ҳавас қилади», «Раҳима-чи, ваҳимачи» каби шеърӣй мажмуалари бегубор болалик,

беғараз дўстлик, самимийлик, табиатга меҳр-муҳаббат туйғулари билан тўлиб-тошгандир.

Йўлдош Сулаймон очеркнавис ва хикоянавис сифатида ҳам баракали ижод қилади. Унинг «Катта йўлга чиккунча», «Даъватингни эшитяпман, ҳаёт» (1967—1971) каби очерклари ва «Боқий умр» каби ҳужжатли қиссалари бадиий пухталиги, ҳаётийлиги, эҳтиросли ҳис-туйғуларга бойлиги билан ажралиб туради. Адибнинг «Сен менинг кўёшимсан» номли очерклар тўпламига кирган асарлари шу жиҳатдан, айниқса, эътиборлидир. Унда асрлар мобайнида сув, эрк, ер, ватан учун олиб борилган жангу жадаллар қатнашчиси бўлган халқ ҳақидаги самимий туйғулар китоб-хон қалбига чироқ тутаети.

Йўлдош Сулаймоннинг «Субҳидам» ва «Вафо» романлари ёзувчи ижодида ҳам сезиларли из қолдирди. Ҳар икки асарда ҳам халқимизнинг Октябрь тўнтарилиши давридаги ҳаёти ва кураши ёритилган.

Хусусан, «Субҳидам» романидаги воқеалар анча тир-банд, мураккаб, сюжет чизиғи ҳам шунга яраша жиддий. Унда 20-йиллардаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт фониде икки севишган ёшнинг руҳий драмаси тасвир этилган. Асарнинг бош қаҳрамони Қўлдошали ўз севгилиси Саодатни йўқотиб кўяди. Қўлдошалининг душманлари эса уни Саодат бой отаси билан хорижга ўтиб кетган, деб алдашади. Қўлдошали ҳам севиқли ёри дарди билан Афғонистонга ўтади. Ёзувчи Қўлдошалининг мусофирчиликда тортган азоб ва изтиробларини, ёр дардида куйганлигини ишонарли лавҳаларда тасвирлайди.

Йўлдош Сулаймон кейинги йилларда яна ҳам баракали ижод қилиб, бир қатор «Нома»лар яратди. «Қўқоннома» (1992), «Марғилоннома» (1994), «Гулнома» (1994), «Фарғонаноме» (1995) шулар жумласидандир. Адиб булардан ташқари «Шаҳризод бўл бир кеча» (1993), «Фарғонанинг қулиман» (1998) каби шеърлий тўпламлар, «Ҳиротга саёҳат» (1996) каби болаларга бағишланган шеърлий гулдаста, «Жалада қолган гул» (1997) каби ҳужжатли қиссалар ҳам яратди. Мазкур қиссада Тожихон Шодиеванинг аянқли тақдири ҳикоя қилинади. Й. Сулаймон «Армон» (1998) номли романида водий аҳолисининг уруш арафасидаги ҳаёти, кайфияти, ҳолати, таъбир жоиз бўлса, маънавий-ахлоқий қиёфасини тасвирлашга ҳаракат қилган.

Ҳамиша хушқачқак, чехрасидан табассум аримайдиған беғубор ва самимий қалбли адиб ҳозирги кунда янги ижодий режалар билан банд.

ЭРКИН САМАНДАР

(1935)



Шоир, драматург ва носир Эркин Самандар 1935 йили Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Навхос қишлоғида дунёга келган.

У ўз тенгдошлари каби ўрта мактабни тугатгач, Хоразм Давлат педагогика институтига ўқишга кириб, уни 1957 йилда битиради. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Алишер Навоий

номли Тил ва адабиёт институти) аспирантурасида ўқишни давом эттиради. «Хоразм ҳақиқати» газетасида ҳамда вилоят партия ва маданий қурилиш ишларида масъул вазифаларни бажаради. 70-йиллар охирида Тошкентга ишга таклиф этилиб, Ўзбекистон телевидениеси адабий-драматик кўрсатувлар бўлимининг бошлиғи лавозимида хизмат қилади. Сўнг яна Хоразмга қайтиб, вилоят газетасига муҳаррирлик қилади. Орадан кўп ўтмай, яна Тошкентга кўчиб келиб, Республика Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатади.

Эркин Самандар 50-йилларнинг ўрталарида адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига кириб келган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Аму жилолари» номи билан 1966 йилда чоп этилган. Сўнгра «Осмон тўла нур», «Дунёнинг ёшлиғи» (1970), «Вафо деган гавҳар» (1975), «Севги фасллари» (1973), «Менинг йигит вақтим» (1979), «Қабул соатлари» (1980), «Соҳилдаги болалар» (1982), «Сайланма», «Юракка йўл» каби ўндан ортиқ шеърий мажмуаларини эълон қилган. Мазкур тўпламларга кирган деярли барча асарларда яхши одамлар, гўзал табиат, инсоний муҳаббат, сеvgи ва вафо, меҳнат ва ҳаёт ташвишлари, армонлару гумонлар, кискаси, чуқур маънавият илдизларини очишга интилиш сезилади. У яратган юздан ортиқ кўшиқлар тингловчилар қалбида ҳам муҳрланиб қолган. Унинг «Франция дафтари», «Тўқсон дақиқа» (саккизликлар), «Шом кўшиқлари» каби туркум шеърларида жаҳонгашта шоирнинг ҳаёт ва одамлар ҳақидаги фалсафий хулосалари бадий инъикосини топган.

Эркин Самандарнинг «Баҳор фасли, ёр васли» деб номланган асари тўксонта саккизликлардан таркиб топган. Шунингдек, у драматург сифатида «Жавоҳир», «Аждодлар қиличи», «Олма пишганда келинг» каби сахна асарларини яратган. Улар Огахий номли театр сахнасида ҳамон қўйилиб келади.

Эркин Самандар кўплаб публицистик асарлар ва очеркларнинг ҳам муаллифидир. Унинг «Дарёсини йўқотган қиргоқ» (1989) романи етук романнавис сифатида ҳам шаклланаётганидан дарак беради. Унда табиат, Орол экологиясигина эмас, энг муҳими, маънавият экологияси соҳасида содир бўлаётган қашшоқлик, фожеа ва уларнинг илдиzlари, оқибатларини ечиш, муҳаббат билан қабоҳат ўртасидаги кураш ҳаётий тарзда ўз ифодасини топган. Чин муҳаббат, чин дўстлик ҳамиша оғир бўлса ҳам, қабоҳат, хоинлик, хиёнатдан устун келиши умумлаштирилган. Худди шу туйғу, худди шу ғоя Э. Самандарнинг «Тангри кудуғи» (1996) романида тарихий заминда ўзгача материал, ўзга қаҳрамонлар ҳаракати ва характерлари орқали умумлаштирилади. Муаллиф қайд этганидек, мазкур асар «...Инсон ҳақида, унинг тақдири, муҳаббати, нафрати, ушалган, ушалмаган орзу-умидлари ҳақида»дир. Албатта, ушбу етакчи ғоя, мақсад тарихда машхур бўлган ва маданиятимизга «Шажараи турк» асарини берган Абулғози Баҳодирхон ва у яшаб, ижод этган давр ҳақидадир. Бу ҳақдаги иккинчи китоб эса «Абулғозининг армони» деб номланган.

РАЗЗОҚ АБДУРАШИД

(1935)



Раззоқ Абдурашиднинг ҳаёт йўли ўз тенгдошлари ҳаёт йўлидан унча фарқ қилмайди. Аксинча, ушбу авлоднинг барчаси шўро даврида туғилиб-ўсди, бокча, мактаб тарбиясини кўриб, олий ўқув юртларида ўқиди.

Раззоқ Абдурашид 1935 йилнинг ёзидан (расмий ҳужжатларда 1936 йил, 4 январь) Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Шопайизкулоқ маҳалласида таваллуд топди.

Отаси — Абдумажид Абдурашид ўғли, 1895 йилда туғилган. Ўзига тўқ савдогарнинг ўғли, 20- йилларда савдо иши билан шуғулланган, ўз дўкони бўлган, дўкони тортиб олингач, хизматчи, колхозчи бўлган. Саводли эди, араб, лотин, кирилл алфавитларида ўқиш, ёзишни биларди.

Онаси — Нуриниса Исроилбой қизи, асосан уй бекаси эди, эски мактабда ўқиган, саводсизликни тугатиш курсларига қатнашган, ўзига яраша саводи бор эди. Машраб, Яссавий, Фузулий ғазалларини ёд ўқирди.

Кўзи очик, ўзига тўқ одамлар «кулок» қилинган замонларда булар ҳам ўз уй-жойларига ҳақсиз, деб топилганлар ва бошлари оққан томонга кўчиб кетишга мажбур бўлганлар. 1933—34- йилларнинг қаҳатчилик кунларида Кўкча даҳасидан бир ташландик бошпана топиб, шу ерда яшай бошлаганлар.

Навбатдаги, яъни еттинчи фарзандлари ана шу янги манзилда дунёга келади. Унга Абдураззоқ деб исм қўйганлар. Улар Абдураззоқдан сўнг яна 4 фарзанд — икки қиз, икки ўғил кўрадилар. Хамма мушкулларга Худодан бардош сўраб, оғирликларни енгиб, қўша қариб яшашди. Абдумажид ака 1969 йил, февралда 74 ёшда, Нуриниса она эса 1982 йил, апрелида 82 ёшда вафот этдилар.

Раззоқ Абдурашид 1953 йилда 10- синфни битириб, Тошкент Давлат Университетининг филология факультетига ўқишга кирди. Талабаликнинг қизғин беш йили ҳа-хув дегунча ўтиб кетди. Унинг шеърлари илк марта, ана шу талабалик кезларида матбуот юзини кўрди. Айрим машқлари «Ўзбекистон маданияти», «Ёш ленинчи» газеталарида босилди. Шу йилларда факультетдаги, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги адабий тўғарақларда фаол қатнашиб, бадий сўз сирларини пухта эгаллашга интилди.

1958 йилда университетни битириб, журналист ихтисосига эга бўлди ва шу йили «Гулхан» журнаliga адабий ходим сифатида ишга қабул қилинди.

Шу йилдан бошлаб, унинг мустақил ижод ва хизмат фаолияти бошланди. Вақтли матбуотда бирин-кетин шеърлари эълон қилинди. 1962 йилда эса шоирнинг биринчи китоби—«Йўл бошида» бадий адабиёт нашриёти томонидан чоп этилди. Бу китобга кирган шеърларини саралашда устози, шоир Шухратнинг хизмати катта бўлганини муаллиф ҳурмат ва эҳтиром билан қайд этади. Шундан бери ўттиз беш йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда шоирнинг «Кафтимда олам», «Кайфият», «Бодом гули», «Мусаффо

осмон», «Ёруғик», «Эҳтирос», «Оталар чироғи», «Йўл ўртаси», «Приток», «Отчий порог» (Москва, «Советский писатель»), «Бабушка — сказка» («Детская литература», Москва) каби 20 га яқин китоби нашр этилди. У «Куёшга қўл кўтарган», «Тошфарёд», «Юлдузлар хаёли», «Умрдан лавҳалар», «Тириқлар» каби катор дostonлар яратди.

Раззоқ Абдурашид ҳам бошқа шоирларимиз каби Ватан, она юрт, муҳаббат мавзуларида шеърлар ёзди. Инсоннинг мураккаб туйғуларини, руҳиятини куйлади. Аммо, у ўзича, ўз имкониятидан келиб чиқиб, куйлади. Акс ҳолда у ҳозиргидек ўз ранги, ўз овозига эга шоир бўла олмас эди.

Раззоқ Абдурашиднинг таржимон сифатидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. У Пушкин, Н. Ҳикмат, Расул Ризо, Р. Ҳамзатов, Муса Жалил шеърларини, Самад Вурғун, Егор Исаев дostonларини ўзбек тилига таржима қилди. Айниқса, Самад Вурғуннинг ҳароратли таржимони сифатида ўқувчилар эътиборига тушди. Машҳур озар шоирининг учта китобини таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этди. Булар орасида «Асримиз байроқдори» дostonи, «Вокиф» драмаси ҳам бор.

Раззоқ Абдурашид иктидорли шоир, таникли таржимон, жонкуяр муҳаррир—журналистдир. У кейинги 18 йилда 100 дан ортик китобга муҳаррирлик қилди. У ўзига хос ижоди, ҳалол меҳнати билан нашриётда ҳам, китобхонлар орасида ҳам обрў-эътибор қозонди.

Шоир «Бу умр нимадир...» деган шеърда айтганидек, «дарахт экиб», «кўприк қуриб», «фарзанд орттириб», яъни юртда из қолдириб яшашга интилади.

Чунки, у инсонга берилган бу қиска умрни қазосидан кейин ҳам яшаб қолишга имкон яратиш учун берилган фурсат, деб билади. Ана шу фурсатни эса беҳуда ўтказмасликка сиз-у бизни ҳам чақиради.

ЭРКИН ВОҲИДОВ

(1936)



Ўзбек миллий адабиётининг ёркин юлдузларидан бири атоқли шоир Эркин Воҳидовдир. У 1936 йилнинг 17 декабр санасида Фарғона вилояти, Олтиарик туманида ўқитувчи оиласида туғилган. Отаси фронтда ҳалок бўлгач, Эркин Воҳидов 1945 йилда онаси билан Тошкентга кўчиб келади ва ўрта маълумотни шу ерда олади. 1960 йилда эса Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетини

тугатиб, аввал «Ёш гвардия», сўнг Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир ва раҳбар ҳам бўлиб ишлайди. Айни чоғда «Ёшлик» журнаliga муҳаррирлик қилади. Ҳозирги кунда у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасига бошчилик қилмоқда.

Унинг биринчи шеърлари 14 ёшида 7-синфда ўқиб юрган кезларида чоп этилган. Унинг «Манзара» номли шеърисида табиат гўзаллиги, беғубор манзара самимий, оддий тасвирга кирган бўлса, кўп ўтмай, у дўстларига карата:

Истайманки, хуррамлик бўлсин,
Шўх қаҳ-қаҳа боғласин қанот.
Куй шалола янглиғ куйилсин,
Кўшиқ бўлиб туюлсин ҳаёт.—

деб, ижоднинг улкан карвонига ўзининг яхши нияти, буюк тилаги ва катта умиди, покиза қалб изҳори билан кириб келган эди.

Шоирнинг «Тонг мадҳияси» (1961), «Қўшиғим сизга» (1962), «Ақл ва юрак» (1963), «Менинг юлдузим» (1964) каби тўпламларига кирган кўпчилик шеърларида унинг бадий тафаккурида ҳам, поэтик услубида ҳам ўсиш, улғайиш сезила бошлайди. Энди шоир оддий ҳаётий тасаввурлардан анча чуқур фикрлаш сари кўтарилади. Айниқса «Фурсат—олтин», «Инсон» каби шеърларида шоирнинг ҳаёт ҳақидаги тасавури яна ҳам чуқурлашади. У инсон

ҳақида мадҳия ўқиб: «Ерни гўзал қилгани сайин, гўзал бўлар ўзи ҳам инсон», деган хулосага келади. Меҳнатни, гўзалликни, эзгуликни улуғлайди. Худди шу даврда шоир ижодида яна бир муҳим интилиш пайдо бўла бошлайди. У энди мумтоз адабиётимиз анъаналаридан озик излаб топади. Унинг «Фунча», «Азгануш», «Фузулий ҳайкали ёнида» каби шеърлари бу борадаги дастлабки дадил янги-ланиш эди. Бинобарин, шоир ижодида жанр ва услуб ранг-баранглиги қатори мавзулар доираси ҳам кенгайди. «Чирчиқ», «Дўстим», «Олимларнинг рафиқаларига» каби шеърларида шу ҳолат кўзга яққол ташланади.

Шундай қилиб, Э. Воҳидов ижодида ғазал, қасида, мухаммас каби жанрлар шаклланиб боради. У мумтоз адабиётнинг бу соҳадаги тажрибаларини бойитиш, мукамаллаштиришга интилади. Айниқса, «Ёшлик» (1969) девонига кирган шеърлар бу жиҳатдан эътиборлидир.

Шоир худди шу даврдан бошлаб дунё кезди, дунёни кўрди, дунёни таниди. Ана шу таассуротлари асосида «Тирик сайёралар» (1978), «Шарқий қирғоқ» (1981) каби янги шеърларини ташкил этган шеърий тўпламларини яратди. Инсон тақдирини, унинг бахти ва келажаги шоир ижодининг мавзусига айланади.

Унинг «Келажакка мактуб» (1983), «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» (1992) тўпламларига кирган шеърларида буюк, покиза, озодбахш инсон учун кураш гоҳи етакчилик қилади. Худди шу ўринда файласуф шоирнинг келажак ҳақидаги башорати ўзининг ёрқин ифодасини топган сатрларини четлаб ўтолмаймиз. Унинг «Ватан истаги», «Девона ҳақгўй», «Изтироб» каби шеърлари бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятли. Шоир «Ватан истаги» шеърида ҳам собиқ СССР мавжудлигидаёқ:

Бу ватандан бир Ватан
кўрмоқни истайдир кўнглим,
Ўзни озод куш каби
кўрмоқни истайдир кўнги,—

дея бўлғуси мустақил Ватан—Ўзбекистонни кўради.

Шоирнинг «Буюк ҳаёт тонги» (1960), «Орзу чашмаси» (1964), «Нидо» (1964), «Палаткада ёзилган дoston» (1966), «Чордеvon» (1970), «Қуёш маскани» (1972), «Рухлар исёни» (1980), «Кўҳиндор» (1982) каби лиро-эпик асарлари, қолаверса, «Олтин девор» ва «Истамбул фожеаси» каби шеърий драмалари катта ижодий меҳнатнинг самараларидир.

Ана шундай самарали ижоди Эркин Воҳидовга эл-юрт эъзозини олиб келди. У таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан «Буюк хизматлари учун» (1995) ордени билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда шоирнинг тўрт жилдлик «Сайланма асарлар»и чоп этилмоқда.

Хуллас, Эркин Воҳидов бадиий маҳорат жихатидан муттасил ўсиб, камол топган, чуқур фалсафий умумлашмалар даражасига кўтарилган ижодкордир. У Ўзбекистон халқ шоири, “Ўзбекистон қаҳрамони” ҳамдир.

ЮСУФ ШОМАНСУР

(1936—1978)



Истеъдодли шоир ва носир Юсуф Шомансур 1936 йилда Тошкентда ишчи оиласида туғилган. У бор-йўғи қирқ икки йил умр кўрган, аммо анчагина адабий бой мерос қолдирган.

У ҳам, одатдагидек, ўрта мактабни тугатиб, Олий ўқув юртларида ўқишни ҳавас қилди. Тенгдошлари каби Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига борди. Унда 1955—1960 йилларда ўқиб, ту-

гатди. Ундаги адабиётга, хусусан, шеъриятга бўлган ҳавас анча эрта уйгонган бўлиб, биринчи шеърий тўплами 1957 йилда «Горн садолари» номи билан чоп этилди.

Юсуф Шомансур мактаб кўрган шоирлардан эди. Аввал, у Ўзбекистон халқ шоири Ғайратий бошчилик қилган адабий тўғарақларда Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Тўлқин каби дўстлари билан ижод сирларини ўрганди. Сўнг Мақсуд Шайхзодадек буюк алломанинг маърузалари унга адабий билим ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди. 1965—1967 йилларда у Москвадаги Олий адабиёт курсларида ўқиди. Тез фурсатда серҳосил шоирлар қаторидан ўрин эгаллади. Унинг «Меҳрингга тўймайман» (1962), «Ойдан келган болалар» (1964), «Шеър дардида» (1965), «Ақром ва макарон» (1966), «Қалам ва умр»

(1968), «Юрагим» (1970), «Табассум» (1971), «Ҳолва» (1972), «Кизик-кизик» (1975), «Достонлар» (1977) каби бир қатор шеър, достон ва эртақлардан ташкил топган китоблари босилиб чиқди. Буларнинг айримлари болаларга бағишланган бўлиб, уларда беғубор ва покиза ёшлар олами тасвир доирасига тортилади. Шоирнинг катталарга бағишланган кўпчилик шеърларида бўлса халқимизнинг заҳматли меҳнати, бунёдкорлик ишларидан нақл юритилади, меҳнат азобидан қадди дол бўлган кишиларга ҳамдарадлик билдирилади, кўп ҳолларда севишган-севилганлар бахтию, фожеаси қаламга олинади, гоҳо эса табиат шайдосига ҳам айланади. Унинг вафотидан кейин нашр этилган «Кулгига не етсин» (1979), «Кўш юрак» (1981), «Мен ўтқазмаган дарахт» (1986), «Кўзивой» (1987) каби тўпламларини бу жиҳатдан эътиборли, деса бўлади.

Юсуф Шомансур етук шоир бўлиши билан бирга, романнавис сифатида ҳам қалам тебратган. У «Қора марварид» романида нефть ёқилғиси бунёдкорларининг фидойи меҳнати ва заҳмати ҳақидаги анча жиддий мушоҳадаларини баён қилган. Юсуф Шомансур умрининг сўнгги йилларида драматург сифатида ҳам қалам тебрата бошлаган. Бу борадаги биринчи машки «Ёр қайрилиб боқмади» комедияси бўлди. Унда босар-тусарини билмаган, кибр-ҳавога берилган айрим ёшларнинг ахлоқий киффаси устидан кулиш устуворлик қилади.

Юсуф Шомансур адабиётшунос сифатида ҳам ўнлаб илмий-танқидий мақолалар ёзиб эълон қилган. Бадиий ижод билан илмий фаолиятнинг муштарак нуқталарига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

У 1978 йилнинг 8 декабрида фожеали ҳалок бўлган.

МАЪРУФ ЖАЛИЛ

(1936)



Одатда секин ва сокин оқадиган дарёлар чуқур бўлади. Шоир Маъруф Жалил ижодини ҳам шундай дарёларга қиёслагим келади.

Эргаш Жалил ўғли Маъруф 1936 йил 10 октябрда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманига қарашли Пайшанба кўрғонида туғилган. Зарафшон дарёси Самарқандда икки ирмоққа бўлинади. Шимолий ирмоғи Оқдарё, жанубий ирмоғи Қорадарё деб аталади. Икки дарё оралигини эса Миёнқўл дейишади. Пайшанба кўрғони Миёнқўлнинг этагида жойлашган табиати файзли, тупроғи баракали ва серунум жойлардан.

Маъруфнинг отаси Эргаш Жалил саводхон, китобсевар, камсуқум, камтарин одам бўлган. У айниқса, ўзбек халқ эртақлари, дostonлари, мумтоз адабиётга ихлоси баланд киши эди. У Алишер Навоий девони, турли баёзлар, «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Орзигул» каби дostonларни мутолаа қилар, баъзи-баъзида Абдулла Қодирий билан Чўлпон асарларини ҳам севиб ўқирди.

Маъруф 6-синфда ўқиб юрганида адабиётга қизиқиб, шеърлар машқ қила бошлайди. 8-синфдалигидаёқ унинг туман газетасида «Орзу» сарлавҳали биринчи шеъри босилиб чиқади. 10-синфни битиргандан сўнг ҳарбий хизматдан бўшаб, 1958 йили Тошкентга келади ва Бирлашган нашриёт босмахонасига ҳарф терувчи—шогирд бўлиб ишга қиради. 1961 йилнинг март ойида «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Баҳор» сарлавҳали шеъри босилади. Шу йили Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультети сиртки бўлимига ўқишга қиради. Шеър ва мақолалари газета ва журналларда тез-тез кўрина бошлайди. Шундан бери Маъруф Жалил таҳририят ва нашриётларда, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ишлаб келмоқда.


Бирин-кетин шоирнинг «Мен сизни севардим», «Раҳмат, одамлар» (1970), «Сени ўйлаб» (1973), «Нотаниш йўллар» (1975), «Қўшиқ иштиёқи» (1979), «Мен сув ичган дарёлар»

(1981), «Паризодим» (1984), «Дарёни излар шамол» (1987), «Бахтимга сен борсан» (1989) каби шеърий китоблари, «Бунёдкор қалб» (1984), «Орол мадад сўрайди» (1987) очерк ва публицистик тўпламлари босилиб чиқади.

Маъруф Жалил «Дарёни излар шамол» тўплами учун Ҳамид Олимжон мукофотига, қуриётган Орол денғизи ҳақидаги публицистик мақолалар туркуми учун эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мукофотига сазовор бўлган. Унинг тасвир услуги, овози ва созига келганда шуни алоҳида қайд этиш жоизки, шеърлари ортиқча жимжимадор ҳам эмас, баландпарвоз ҳам эмас. Унинг ижоди оддий, самимий ва табиий сокин дарёлардек чуқур, пурмаъноли эканлиги билан қимматлидир.

МИРАЗИЗ АЪЗАМ

(1936)



Миразиз Аъзам ҳам болалар, ҳам катталар шоири, айна чоғда таржимон ҳамдир. У 1936 йили Тошкентда таваллуд топган. Тошкент Давлат университетини тугатгач, Тошкент телестудиясида, «Гунча» болалар журналида, сўнгра «Ёш гвардия», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида муҳаррир бўлиб ишлаган. Кўп йиллар Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслаҳатчи, бошқарув котиби вазифасини бажарган.

Миразиз Аъзам ижоди талабалик йилларидаёқ бошланган. Унинг биринчи шеъри 1960 йилда «Металлург» номи билан чиққан. Биринчи шеърий тўплами эса 1964 йилда чоп бўлган. Шундан сўнг шоирнинг болалар учун «Ақлли болалар» (1969, дoston), «Сенга нима бўлди» (1970), «Бир чўнтак ёнғок» (1990, сайланма) каби бир қатор шеърий тўпламлари босилиб чиқди. Уларда шоир болалар қалби ва туйғулари тасвири орқали оламни, одамни билишга, яхшилик билан ёмонликни фарқлашга, ҳалол ва покиза меҳнатни улуғлашга интилади.

Адиб катталар учун ҳам бир қатор салмоқли шеърий

гулдасталар яратган. Жумладан, «Севаман» (1977), «Туйгулар» (1980), «Сабот» (1983) каби тўпламларидаги кўпчилик шеърлар ўзининг ҳаётийлиги ва жозибалилиги билан ўқувчи қалбини забт этган. Шоир ана шу шеъррий тўпламларидаги энг яхши шеърларини ва янги ёзилган асарлари сарасини ўзининг «Ҳақиқатнинг кўзлари» (1988) сайланмасига жамлаб, талабчан ўқувчисига ҳавола қилган.

Миразиз Аъзам ҳароратли, шижоатли публицист ҳамдир. Унинг маданий-адабий меросни кўз қорачиғидек асрашга даъват этувчи бир қатор мақолалари мавжуд. Унинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилган Ҳамза ҳақидаги сўровларга жавоблари, «Шарқ юлдузи»да босилган «Амир бобомиз уфқлари»даги муаммоли мақолалари, «Сирли олам»да йил бўйи эълон қилинган Мурод Ўрознинг «Турк асотирлари» китобининг таржимаси каби ишлари халқаро Маҳмуд Кошғарий мукофотиغا сазовор бўлган.

Шунингдек, у Н. Ҳикмат, Нажиб Ҳожи, Маҳмат Осиф, Бадиуззамон Али Окбош, Урфон Камол каби ўттиздан ортиқ турк адибларининг ҳикоя, шеър, роман, дoston ва рисоаларини таржима қилган. У Туркия адабий жамоатчилиги эътирофига ҳам киради. 1993 йил декабрида Туркия ёзувчилари Бирлиги уни Ўзбекистондаги ўзининг тамсилчиси этиб тайинлади.

Миразиз Аъзам кейинги йилларда аруздаги машқларини давом эттириб, «Кузги япроқлар» деган тўпламини нашрга тайёрлади.

ҲАЙДАР МУҲАММАД

(1936)



Ҳайдар Муҳаммад аввало кўшиқчи шоир, қолаверса, мусиқали драмалар муаллифи сифатида адабиётимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкордир. У асли тошкентлик бўлиб, 1936 йилда таваллуд топган. 1966 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг кечки филология бўлимини тугатиб, Ўзбекистон телерадиосида (1965—1976) муҳаррирлик қилган. 1976—1980 йилларда

Маданият ишлари вазирлигида масъул вазифаларни бажарган. Кўп йиллар Ҳамза номли Академик драма театрида адабий эмакдош вазифасида хизмат қилган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Кўнглим менинг» номи билан 1975 йилда нашр бўлган. Шундан сўнг «Олчамнинг туғилган куни» (1978), «Йўлларингга муштоқман» (1979), «Ипак гиламлар» (1990), «Ҳазилкаш шоҳ» (Сайланма, 1994) каби шеърий ва драматик асарлари, тўпламлари чоп этилган. У кўшиқчи шоир сифатида икки юз элликдан ортиқ асар яратган бўлиб, улар Ўзбекистон радиосининг хазинасида сақланади ва кундалик эшиттиришларда мунтазам фойдаланиб келинади. Айниқса, «Дилбаримсан», «Хатларим етмасмикан», «Ёзган хатинг кўлимда», «Севги баҳори», «Самарқанд», «Нозик савол», «Тош қабрлар», «Томчилар» каби кўшиқлари кўп йиллардан бери ижро этилиб келинади.

Унинг болалар учун ёзилган бир қатор кўшиқлари мактаб, боғча дасталари томонидан куйланади.

Ҳайдар Муҳаммад мусиқа жанрининг жуда кўп турлари учун шеърлар ёзган, «Шоир овози» достони (Сайфи Жалил мусиқаси), «Ёшлигим» сюитаси (Д. Зокиров), «Менинг оппоқ кўшигим» каби туркумлари (Баҳрилло Лутфуллаев мусиқаси) шулар жумласидандир. Унинг «Тошкентнинг нозанин маликаси» (Манас Левиев мусиқаси), «Кўнгил—чинни пиёла» (1987, Комил Кенжаев мусиқаси), «Куёвлар конкурси» (1991, Р. Азизхўжаев билан Т. Ҳасанов мусиқаси), «Ҳар кимки вафо қилса...» (1994, Бобур ҳақида.

А. Исмоилов, С. Ҳайитбоев мусиқаси) каби мусиқали драма ва комедиялари томошабинларга манзур бўлган.

Ҳ. Муҳаммаднинг «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома» (1990), «Сабъаи сайёр» (1991, Навоий достони асосида), «Ҳазилкаш шоҳ» (1994), «Сехргар ва айёр» (1994), «Жиноят устида ушлансин» (1996), «Элёр ботир» (1985) каби драма ва комедиялари Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри, Муқимий номли республика мусиқали театри, вилоят театрларида саҳналаштирилган. «Тошкентнинг нозанин маликаси», «Кўнгил — чинни пиёла», «Куёвлар конкурси» асарлари эса Тожикистон, Қирғизистон театрларида ҳам саҳна юзини кўрган.

«Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома» комедияси асосида суратга олинган «Темир эркак» фильми республика миқёсда энг кўп томошабин кўрган асарлардан бирidir.

Ҳайдар Муҳаммаднинг қатор латифа, интермедия, ҳажвий ҳикоялари «Муштум» журнали ва газеталарида чоп этилиб, «Табассум» радиостудияси ҳамда телевизион миниатюралар театрида фойдаланиб келинади.

Республикаимиз халқ театрлари адибнинг «Ипак гиламлар», «Навоий бир куни», «Улуғбек шарофати», «Берунийнинг бахт эшиги», «Севги жазаваси», «Собир Раҳимов ва хоин», «Чиройли аёлнинг илтимоси» каби асарларини ҳам саҳналаштирган.

Ҳ. Муҳаммад таржимасида озарбойжон драматурги Анорнинг «Занжир ёки қиёфалар» (Муқимий театри), туркман драматурги Ҳ. Мухторнинг «Неварали келин» (Самарқандаги Ҳ. Олимжон номли театр), бошқирд драматурги Фарид Богдановнинг «Тунги меҳмон» (Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театри) каби асарлари ўзбек саҳнасига чиққан.

НЕЪМАТ АМИНОВ

(1937)



Хажвий адабиётимизнинг йирик ва истеъдодли вакили Неъмат Аминов 1937 йил 17 июлда Бухоро вилоятининг Ромитан туманида темирчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро педагогика олий билимгоҳининг тарих-филология факультетида таҳсил кўрган (1954—1959 йилларда). Неъмат Аминов меҳнат фаолиятини Бухоро вилояти радиомухбирликдан бошлади. 1973 йилда у Тошкентга—«Муштум» журнаliga ишга таклиф этилади ва 1985 йилгача шу журналда масъул котиб бўлиб ишлайди. 1989 йилда «Шарқ юлдузи» журнаliда бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажаради, сўнг «Муштум» журнаliga бошчилик қилади.

Ҳозирги кунда у Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази раҳбаридир.

Унинг дастлабки ҳажвияси 1965 йилда «Устоз, аълам?» номи билан «Муштум» журнаliда босилиб чиққан. Адибнинг биринчи ҳикоялар тўплами — «Икки пуллик обрў», кейин эса «Қирк учинчи почча» (1970), «Лабиҳовуз хандалари» (1977), «Чинорлар қўшиғи» (1984), «Елкасиз полвон» (1986), «Ўғри мушукча» (1987), «Қаҳ-қаҳа» (1987), «Яллама ёрим» (1988), «Чол боланинг эртаклари» (1990) китоблари босилиб чиқди.

Неъмат Аминов (Шакар Деҳқон) устозлари Фафур Гулом ва Саид Аҳмадлар сингари оғзаки ҳикоя санъати устаси ҳамдир.

Неъмат Аминов ҳақида гапирганда, унинг «Ёлгончи фаришталар» (1976—1984) деб номланган йирик сатирик асари биринчи бўлиб тилга олинади. Асар яхлит бир мақсадга қаратилган «Елвизак» ва «Суварак» қиссаларидан иборат.

Неъмат Аминов ўзининг «Ёлгончи фаришталар» китоби учун 1987 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек номидаги мукофотига сазовор бўлган.

Унинг «Бир аср ҳикояти» асари ўзининг ибратомуз ҳикоятлари билан замондошлар дунёқарашини Миллий гоё руҳида шакллантиришда, маънавиятини кўтаришда катта бадиий-эстетик аҳамият касб этади.

Неъмат Аминовнинг ҳикоялари рус, украин, белорус, тожик, туркман, озарбойжон, грузин, қолмик, шунингдек, поляк, болгар, румин, чех, мўғул, афғон, уйғур, урду тилларида ҳам босилган.

Ҳажвчи адиб ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлган (1992).

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ

(1937)



Бугунги ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири Барот Бойқобилов 1937 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган.

У меҳнат фаолиятини 1955 йилда Самарқанд педагогика билим юртида ўқитувчиликдан бошлаган. 1962 йилда Самарқанд Давлат дорилфунунини тугатгач, 1973 йилгача Тошкентда турли нашриёт ва газеталарда муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир муовини бўлиб ишлади. 1974—1984 йилларда партия органларида, 1989—1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматида масъул лавозимларда хизмат қилди. 1990 йил сентябрь ойидан буён «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишламоқда.

Барот Бойқобиловнинг биринчи шеърий китоби— «Самарқанд сатрлари» 1962 йилда нашр қилинди. Шундан буён унинг 40 дан ортиқ шеърий китоби, 10 дан зиёд дostonи чоп қилинди. «Висол» (1965), «Сени излайман» (1968), «Самарқанд ушшоғи» (1970), «Афросиёб» (1970), «Сонетлар» (1971), «Шарқ камалаги» (1974), «Мени кутинг, юлдузлар» (1976), «Висол ва ҳижрон» (1987), «Ватан тупроғи» (1982), «Шарора» (1983), «Замон зайли» (1987), «Ким сокин яшайди Ўзбекистонда» (1990) ва бошқаларни айтиш мумкин.

Б. Бойқобилов шеърятда сонет жанри алоҳида ўрин тутди. У ўзбек шеърятда биринчи бўлиб сонетлар гулчамбари ва 100 сонетдан иборат «Мен кашф этган Ўзбекистон» дostonини яратган. 1972 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлаган. Унинг «Адибнинг ижодий йўли», «Ижоднинг юлдузли онлари» (П. Шермухамедов билан ҳамкорликда) «Шеърят бонги» (А. Абдурахимов билан ҳамкорликда) монографиялари нашр қилинган.

У ўзбек адабиётида биринчи бўлиб улуг шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида «Кун ва тун» (1968) шеърӣ қиссасини яратган. Мовароуннаҳр тарихи ҳақидаги «Афросиёб ёхуд Самарқанд шажараси» (1966) дostonи шоирнинг ўз она шахрига беқиёс муҳаббатининг далилидир.

Барот Бойқобилов ижодида Алишер Навоӣ мавзуи алоҳида ўринни эгаллайди. Шоир 1975—1990 йиллар мобайнида Алишер Навоӣ яшаган ва ижод этган даврнинг бутун мураккабликлари ва қарама-қаршиликларини қамраб олган улкан «Навоӣнома» асарини яратди. «Навоӣнома» беш китобдан иборат (биринчи ва иккинчи китоблари 1981 ва 1985 йилда нашр қилинган). 1992 йилда «Навоӣнома» нинг учинчи ва тўртинчи китоблари—«Сокин Хуросон» ва «Қонли Хуросон» номи билан чоп қилинди.

У 1994 йили Алишер Навоӣ номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотига сазовор бўлди. Шундан сўнг шоир яна мозийга қайтиб, «Навоӣнома»нинг бешинчи китобини ёзишга киришади. Оқибатда «Ҳайратул-Аҳрор» (Аҳрор ҳайрати) номли шеърӣ романи юзага келди. У «Янги Ҳамса»нинг сўнги китобидир. Шоир ана шу асари билан 1997 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвонга эришди.

ЭРМАМАТ НУРМАТОВ

(1937)



Наманганлик шоир Эрмамат Нурматов тоғга туташ Чуст туманининг Олмос қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. У 1955 йилда Наманган Давлат педагогика институтига ўқишга киради. Институтни тугатгач, ўз қишлоғидаги ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс беради. Мактабда раҳбарлик ҳам қилади. Кейинчалик «Наманган ҳақиқати» номли вилоят газетасига ишга ўтади.

Аввал адабий ходим, бўлим мудир ва қарийб йигирма йилдан буён бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлайди. Сўнгги йилларда вилоят телерадио компанияси раисининг ўринбосари ва вилоят нашриётининг бош муҳаррири бўлиб хизмат қилмоқда.

Эрмаматнинг шоир сифатидаги ижоди талабалик йилларидаёқ бошланган бўлиб, унинг шеърлари вилоят ва республика газета, журналларида изчил босилиб туради. Шоирнинг илк шеърий тўплами унинг туғилган қишлоғи шарафига «Олмос» деб номланган ва 1970 йилда чоп этилган. Мазкур тўпламга ўттизга яқин шеърлар киритилган бўлиб, уларда аксари қишлоқ кишиларидаги оддий, аммо улғу инсоний фазилатлар, табиатнинг гўзал манзаралари ўз ифодасини топган. Шоир ўз қишлоғи ҳақида куйлар экан, ҳатто «чангли кўчаси ҳам мен учун азиз», деб ёзади.

Шундан сўнг шоирнинг кетма-кет «Боқий бахт» (1977), «Яхшилик» (1985), «Муҳаббат боғи» (1991) ва «Соғиниш» (1993) каби бир қатор шеърий гулдасталари олам юзини кўрди. Шоир тўпламдан тўпламга муҳаббати ортиб, дунё, табиат ва одамлар ҳақидаги фикр-туйғулари тобора қуюқлаша борди. Жумладан, «Соғиниш» мажмуасига кирган шеърларида шу ҳолат яққол кўзга ташланади. У ҳаёт ҳақида, унинг қувончи-ю, ташвишлари тўғрисида ўй сурар экан:

Севинч берсанг севиб,
Ташвиш берсанг гоҳ,
Шаънингга тош отган одам-одамми?

Онажоним ҳаёт, ўзинг умрбод

Шундай қабоҳатдан сақлагин мени,—

деган қатъий ҳулосасини ўртага ташлайди. Ёки бошқа бир шеърида «шеъру куйсиз ўтган ҳаёт ғафлат уйқуси» деб билади.

Қолип билмас инсоний тилак,

Чекланиш ёт ҳису туйғуга,

Шеъру куйсиз умр кечирмок,

Ўшар ғафлат босган уйқуга!

1978 йилда шоирга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилган.

ГУЛЧЕҲРА ЖЎРАЕВА

(1937)



Гулчеҳра Жўраева 1937 йилда Бухоронинг Шофиркон тумани, Дўрмон қишлоғида зиёли оилада туғилган. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетини (1954—1959) тугатган. Меҳнат фаолиятини эса «Ёш ленинчи» газетасидан бошлаган. «Ўзбекистон маданияти» газетасида ўн йиллар давомида фаолият кўрсатган. Ижоди ҳам худди шу йилларда қанот ёзган. Сўнгра

«Ёшлик» журналида (1982), Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасида (1991), 1996—1997 йилларда эса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган.

Шоира ижодининг бошланиши 50-йилларга тўғри келади. Биринчи шеъри «Ташаккур» номи билан 1954 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган. «Бахтим борки...» номли биринчи китоби 1961 йилда нашр бўлган. Сўнгра «Гул шайдоси» (1969), «Боғимда баҳор» (1968), «Ҳаяжон» (1971), «Умр—дарё» (1974), «Салом дўстлар» (1975), «Энг яқин юлдуз» (1979), «Достонлар» (1981), «Иқбол» (1983), «Меҳрим сизники» (1984) каби ўнлаб тўпламлари қатори «Чавандоз», «Надюша», «Имтиҳон»,

«Зухро юлдузи» каби дostonларни ҳам эълон қилган. 1987 йилга келиб «Гулшанаро» номи билан шеър ва дostonлардан иборат «Сайланма» асари чоп бўлган. Қисқаси, шоиранинг ҳозиргача йигирмадан ортиқ тўпламлари китобхонлар қўлига етиб борган.

Шоира шеърларида она-Ватанга муҳаббат, висол ва ҳижрон, рашк ва ҳаёт каби туйғулар ўзаро уйғунлашиб, шеърият камалагини яратади. Шоира Ватанни, унинг табиатини бундай ёниқ сатрларда чизади:

Чўққидан чопқиллаб тушган шалола
Дарё дебочаси—қўшиғи сенсан.
Кахрабо тоғлару, биллур пиёла
Жарангидай кулгу ошиғи сенсан.

Шоиранинг дostonларида ёш замондошлар тақдири, бахти, фожеаси, келажаги, кураш ва интилишлари ўзига хос оҳангда ифодаланади.

Гулчехра Жўраевага 1992 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган.

АНВАР ЭШОНОВ

(1937—1996)



Етук шоир ва носир Анвар Эшонov 1937 йилда Тошкентда таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетиде таълим олган. Уни 1960 йилда тугатиб, меҳнат фаолиятини Республика радио кўмитасида муҳаррирликдан бошлаган (1960). Аввал «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») газетасида (1965—1972) муҳбир бўлиб, кейинрок эса газетанинг Фаргона вилояти бўйича махсус муҳбири бўлиб хизмат қилган. 1972—1975 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Адабиётни тарғиб этиш бюросида ва кейинчалик «Гулистон» (1975—1976) журналида фаолият кўрсатган.

Анвар Эшонovнинг адабий фаолияти талабалик йилларидан бошланган бўлса ҳам, дастлабки асарлари 60- йилларда

пайдо бўлган. Унинг биринчи шеърий тўплами «Бир оғиз сўз» (1963) деб номланган бўлиб, бу ҳақда шоирнинг ўзи бундай ёзган: «Бир оғиз сўз билан одам подшо бўлиши мумкин, бир оғиз сўз билан одам гадо бўлиши мумкин. Мен адабиётга бир оғиз сўз айтгани келдим. Шунинг учун китобимни «Бир оғиз сўз» дея номладим».

Адибнинг «Дутор» (1967), «Регистон» (1971), «Европада қолган қабрлар» (1975), «Йигирма миллион оппоқ кабутар» (1976), «Нон иси» (1977), «Бу йиллар» (1982) каби шеърий ва насрий тўпламларида ўзи айтиб кетмоқчи бўлган ана шу бир оғиз сўзнинг жилоси, маъно-мазмуни яна ҳам ошиб-тошиб боради. Айниқса, шеърларга кийдирилган бадий либос фақат шоир қаламига, шоир услубига, шоир туйғусига монанддир. Қаранг:

Қайда ялпиз бўйлигим, қайда булоқ кўзлигим,
Йўллар айри тушганда унутдим-ку ўзлигим.
Ёниб ўтди ҳажрида болалигим — бўзлигим,
Турналардай қайтмасми ўшал оташ кўзлигим.

Ёки:


Соғинчларнинг бокира дардини шабнамга чай,
Олис хотираларнинг гардини шабнамга чай.

Хуллас, шоир шеъриятида сўзлар маржондек терилиб, унинг қалбида уйғонган ва кечинмаларида тўлғонган турфа рангларини ифодалаб туради.

Анвар Эшонов ҳаётда ҳам, дўстлар даврасида ҳам ана шундай бир оғиз сўздай самимий, камтар ва камсухан бўлган.

ЧЎЛПОН ЭРГАШ

(1937)



Чўлпон Эргаш кўшни Қирғизистон республикасининг Ўш шаҳрида 1937 йил ёзида таваллуд топти. Унинг болалиги бир томондан қатағон йиллари, ташвишлари, иккинчи томондан, уруш даври қийинчиликларига тўғри келиб, оғир кечган. Бинобарин, у ўз тенгдошлари каби, бола бўлиб яшади-ю, аммо болалик нашидасини сурмади. У саккиз ёшидан ишлаб, кетмон чопди. Тўккиз ёшидагина мак-

табга борди. Аскарлик бурчини ҳам адо этди. 60-йилларга келиб Тошкентдаги маданий-оқартув техникумини тамомлади. Сўнг театр ва расмчилик институтига кирди. 1965 йилда уни тугатиб, саҳнага эмас, матбуот сари йўл олди, шеърлар машқ қила бошлади. Унинг биринчи шеъри «Ўзбекистон» журналида чоп бўлди. 1970 йилда эса унинг биринчи шеърий тўплами «Тонг юлдузи» номи билан босилиб чиқди. Аммо шоир бундан ортиқча суюнмади. Негаки, ўша даврдаги коммунистик мафкура у яратган шеърларнинг қанотларини юлиб чиқарди. Шу нарса кейинги тўпламларида ҳам такрорланди. Бирок, адабиётга, эл-юртга бўлган муҳаббат унинг илҳомига илҳом бағишлаб келди.

Чўлпон Эргаш кетма-кет «Бизнинг уйимиз» (1972), «Муборак кунлар» (1972), «Умид чироғи» (1979), «Баҳор орзулари» (1980), «Тонг отар садолари» (1982), «Сеҳрли кўнғироқ», «Ой чодир тикмоқда» (1985), «Энг баланд қаср» (1986), «Карвон келар» (1990), «Орзунинг оғир киприклари» (1990) каби ўндан ортиқ шеърий мажмуаларни китоб-хонга инъом этди.

Шоир шеърларини кузатар эканмиз, унда ортиқча бақирикдан ҳоли, оғир, вазмин ва «гап тагида гап ётар» кабилидаги туйғуларга дуч келамиз.

«Ўша маҳаллар,— деб ёзган эди шоир ўз таржимаи ҳолида,— ёзганларим, эзгу ниятларим тезроқ ўзимга ўхшаганларга етиб борсин учун, ҳар хил «йилтироқ», аммо узокқа бормай, йиртилиб кетадиган «Чиройли зар қоғозларга» ўраб, бураб ёзар эдим...»

Чўлпон Эргаш машаққат ва назорат остида туриб бўлса-да, Истиклол шамчироғини ёқишга интилган шоирдир. У бу орзуларига эндигина эришиб, энди очикчасига, жўшиб, қувониб ёзишга киришди. Унинг айниқса, «Орзунинг оғир киприклари» тўпламига кирган «Ўтмиш ўйини» каби дostonида инсониятнинг асрий орзу-истаклари, армонлари бўлмиш эрк, озодлик, мустақиллик, ўз-ўзлигини топиш, она-Ватан муқаддаслиги, муҳаббатнинг поклиги, бахтнинг бутунлиги, юртнинг тинчлиги ҳақида баҳс юритади, қўшиқ айтади. Бир қўшиқки, умрга умр, ҳаётга мазмун бағишлайди, келажакка даъваткорлик қилади, ишонч уйғотади. Шунинг ўзи шоир қалбининг пок ва беғуборлиги эмасми?

ЎКТАМ УСМОНОВ

(1938—1990)



Истеъдодли адиб ва журналист Ўктам Усмонов қисқа умр кўрса-да, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин оладиган «Гирдоб» каби ажойиб роман қолдириб кетган санъаткордир.

У 1938 йилда Тошкент вилоятининг Қибрай тумани, Байтқўрғон қишлоғида боғбон oilасида туғилди. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент педагогика институтига кириб ўқиди. Уни муваффақиятли тугатгач, аввал «Ленин учкуни» (1960—1965), сўнг «Совет Ўзбекистони» (1965—1972) газеталарида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1972—1982 йилларда республика партия Марказий кўмитасида масъул вазифада, сўнг Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида котиб ҳамда «Совет Ўзбекистони» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлади.

Адиб ижодининг бошланиши 50-йилларнинг сўнги, 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. У аввал ҳикоянавис сифатида эл-юртга танилди. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами 1964 йилда «Гулдаста» номи билан чоп этилди. Шундан сўнг 1965 йилда «Бас бойлашган бола», 1970 йилда эса «Баҳор чақмоқлари» номли ҳикоялари ва илк қиссаси нашр этилади. Сўнгра адибнинг «Нотинч кеча» (1976), «Сирли соҳил» (1981) каби ҳикоялар тўплами ўқувчига тақдим этилади. Ушбу ҳикояларда адибнинг инсон ва

инсонийлик ҳақидаги мушоҳадалари ранг-баранг образлар, ҳаётий деталларда умумлаштирилади.

У қиссанавис сифатида «Баҳор чақмоқлари» дан сўнг «Кишан», «Қисмат» каби бир қатор жиддий асарлар ҳам яратди. Сўнги икки асар ҳам китобхон ва адабий танқидчилик томонидан яхши баҳоланди.

Ўқтам Усмонов ижодида «Гирдоб» (1979) романи алоҳида ўрин тутади. Унда адолат билан ноҳақлик, садоқат билан хиёнат ўртасидаги кураш маҳорат билан тасвирланган. Шунинг учун ҳам мазкур роман 1980 йили Ойбек мукофотиغا сазовор бўлган.

Ёзувчининг бир қатор асарлари, жумладан, «Честь» (1977), «Рассказы» (1983) рус ва қардош тилларда чоп этилган.

Адиб 1990 йил 3 январда вафот этган.

ЖАМОЛ КАМОЛ

(1938)



Шоир ва таржимон Жамол Камол 1938 йили Бухоро вилоятининг Шофиркон туманидаги Чикарон қишлоғида туғилди. Ота-онадан эрта айрилган Жамол тоғаси қўлида тарбияланди. Ўрта мактабни тугатиб, Бухоро педагогика институтининг филология факультетида ўқиди. Сўнг шу ерда муаллимлик қилди.

Жамол Камол 1965—1969 йилларда «Бухоро ҳақиқати» газетаси муҳарририятида ишлади.

1970—1972 йилларда Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлимида масъул котиб вазифасини бажарди. 1972 йилда Тошкентга кўчиб келиб, Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти) аспирантурасида ўқиди ва «Лирик шеъриятда композиция» деган мавзуда номзодлик диссертациясини химоя қилди.

У 1986—1988 йилларда Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир, 1991—1996 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раҳбари бўлиб ишлади.

Жамол Камолнинг ижоди 60- йиллардан бошланган бўлиб, унинг илк шеърий тўплами «Олам кирар юрагимга» номи билан 1968 йилда босилиб чиқди. Сўнгра «Чўққиларга

ёғилди ёғду» (1971), «Тош тугён» (1973), «Ҳасан ва ой» (1974), «Күёш чашмаси» (1975), «Достонлар» (1978), «Тафаккур» (1979), «Сувайдо» (1983), «Умидли дунё» (1988) ва бошқа бир қатор шеърий тўпламлари нашр қилинган.

Жамол Камол мумтоз шеърий анъаналар билан замонавий шеърий жараённи ўзаро уйғунлаштирган истеъдодли шоирдир.

Жамол Камол публицист сифатида кўплаб асарлар ёзган бўлиб, уларда асосан Истиқлол ғояси илгари сурилади. Жумладан, «Жаҳон тарозисининг икки палласи», «Миллатнинг кўрғони», «Миллатнинг шарафи», «Миллатнинг хусни», «Мустақиллик сафларига тўрт даъват», «Америка чироқлари» каби асарлари шу жиҳатдан характерлидир.

Жамол Камол бадий таржима билан ҳам фаол шуғулланди. У француз мумтоз адабиётининг намояндаси Буалонинг «Шеърий санъат» асарини, озарбойжон шоири Бахтиёр Ваҳобзоданинг Муҳаммад Фузулий ҳақидаги «Шабиҳижрон» достонини ўзбек тилига таржима қилган. Унинг таржимачилик фаолиятида В. Шекспир асарлари етакчи ўринда туради.

Ж. Камол 1992 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонига муяссар бўлган.

ГУЛЧЕҲРА НУРУЛЛАЕВА

(1938)



Ўзбек адабиётининг ҳозирги тараққиётини бир қадар истеъдодли адиба ва шоираларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар орасида Гулчеҳра Нуруллаева алоҳида ўринни эгаллайди.

У 1938 йилда Тошкент вилоятининг Чоштепа қишлоғида туғилган.

Гулчеҳра Нуруллаева 1946—1956 йилларда ўрта мактабда ўқиб, уни олтин медаль билан тугатган. 1956—1964 йилларда

эса Тошкент университетининг журналистика бўлимида таҳсил олган. Сўнгра «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат», 1961—1967) журналида ишлаган. 1967—1969 йилларда Москвадаги икки йиллик олий адабиёт курсида ўқиган.

Унинг ижоди 60- йиллардан бошланган бўлиб, биринчи шеърый тўплами «Куёш табассуми» (1965) номи билан чоп этилган. Шу кунгача ўндан ортик тўплamlари эълон қилинган.

Гулчехра Нуруллаеванинг «Орзуларим қоқади қанот» (1969), «Ташнаман» (1972), «Иккинчи баҳор» (1973), «Лирика» (1975), «Багишлов» (1977), «Пахта ҳиди» (1981), «Нурли нуқталар» (1986), «Муҳаббатнинг суврати» (1988) каби тўплamlарига кирган ўнлаб шеърлари ўзининг оташ нафаси, даъваткорлиги, самимий ва исёнкор руҳи билан ўз халқи юрагидан чуқур жой олган.

ТЎЛАН НИЗОМ

(1938)



Тўлан Низом Андижон вилояти, Бўз туманининг Бешгул қишлоғида 1938 йилда таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, Андижон Давлат педагогика институтига кирган. Уни 1965 йилда тугатган. Кўп вақт вилоятда ўқитувчилик қилган. Жамоат ишларида қатнашган. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Андижон вилояти бўлимига бошчилик ҳам қилган. Ҳозир Бўздаги Саида Зуннунова номли педагогика билим юртига раҳбарлик қилади.

Унинг илк шеърый тўплами 1970 йилда «Сенинг эртақларинг» номи билан чоп этилган. Мазкур тўпламга кирган шеърларда беғубор туйғулар, покиза орзулар ифодаланган бўлса-да, ҳали уларнинг кўпчилиги бадий жиҳатдан анча ғўр эди. Бундай ҳолат, ҳатто «Ифтихор» (1982) номли иккинчи тўпламида ҳам кўзга ташланган. Бирок, шоир йиллар ўтган сайин изланишлари самарасини кўрабошлайди. Энди у чинакам қалб шеърляти, руҳият

шеърятини яратиш сари кўтарила боради. Инсоннинг маънавий оламини, ўй ва хаёллари, орзу ва умидларини тараннум этишга интилади. Бу жиҳатдан унинг «Ой қизлар» шеъри эътиборни тортади. Шоир қалбидан қалқиб чиқаётган мисраларда энди эл-юрт қайғуси, она-Ватан муҳаббати, халқига бўлган меҳр туйғуси мустаҳкам ўрин олабошлайди.

Суйганимга жафо қилсам мабодо,
Дўстларимни кўролмасам дамо-дам,
Ҳам узатган қўлим қолса ҳавода
Ва имоним бут бўлмаса зиёда,
Оллоҳ, шу дам жонни олгил, кечирма,—

дея фидойи бир шоир сифатида намоён бўлади. Пироварди, шоир «Ишқим—Ватан, ишқим—тупрок, ишқим—халқ, дўстим эса дунёдаги ҳақ инсон», деган хулосага келади. Ўз сози ва овозини давр оҳангларига ҳамоҳанг қилиб маҳорат чўққилари сари кўтарила боради. Энди шоир яратаётган лирик қаҳрамонлар аввалгидек меҳнат жасорати билангина намоён бўлмай, балки бир тирик инсон, оддий одам, шахс сифатида ички оламини, рухий кечинмалари ва маънавий гўзаллигини кўз-кўз қилабошлайди. Худди шу паллада унинг «Муқаддас руҳ» (1992) номли шеърини тўплами пайдо бўлади. Айниқса, ундаги она мавзуида яратилган шеърлар ўзининг самимийлиги, беғубор ва меҳроқибат туйғуларига лиммо-лимлиги билан китобхон қалбидан чуқур ўрин эгаллайди. Хусусан, «Онам суврати» номли шеърдаги лирик қаҳрамон ҳаётининг тасвири, рухий олами ифодаси онадан бевақт ажралган фарзанд изтиробларига айланади, мангу ҳижрон азобларига кўчади.

Тўлан Низом ижодида «Бўзтўрғай» шеъри ҳам алоҳида ўрин тутаяди. У халқ йўлида битилган бўлиб, шоирни бахшиёна бир мақомга кўтаради.

Тўлан Низом болалар ҳақида ҳам ажойиб шеърлар ёзган. Унинг «Андижонда бир қуш бор», «Қалдирғоч», «Офтоб ишқи» каби шеърлари болаларнинг беғубор сирли оламини очишга, тўлдиришга кўмаклашади.

Тўлан Низом моҳир дostonнавис ҳамдир. Хусусан, унинг «Чўлпон», «Мажнунтол йиғиси», «Гиря», «Руҳи равоним», «Бобур» каби эпик асарлари китобхон ва адабий жамоатчилиги эътиборига кирганлиги билан характерланади. Гарчи мазкур дostonлар турли давр маҳсули бўлса ҳам улар маъно ва мазмун жиҳатдан қандайдир бир умумийликка эга. Бу умумийлик ҳар бир дoston заминида ифода-

ланган фожейликка бориб боғланади. Жумладан, «Чўлпон» (1993) достонида у шоир ва давр фожеасини умумлаштиради, Миртемирга бағишланган «Мажнунтол йиғиси», шунингдек, «Гиря» ва «Бобур» каби дostonларида ҳам фожей тақдирлар ҳақида баҳс юритади. «Руҳи равоним»да эса шоир Машраб қисмати фожеасини умумлаштиради. Умуман, Тўлан Низом гўзал инсоний фазилат ва удумларни ардоқлаш билан бирга ҳаётдаги фожеавий ҳолатларни тасвирлашга ҳам интилади.

Шоирнинг яқинда ёзган янги асарлари—Усмон Носирга бағишланган «Ботмай қолган ой» достони ва «Чўлпон» драмаси унинг ижодий камолатига далилдир. Тўлан Низомнинг «Сайланма» асари «Шарк» матбаа нашриёт концерни томонидан 1998 йилда чоп этилди. Унга шоирнинг сара шеърлари, рубойлари қатори ўнта энг яхши достони ҳам киритилган.

У 1998 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвонга эга бўлди.

САФАР БАРНОЕВ

(1938)



Биз навбат болалар ва ўсмирлар адиби Сафар Барноевга келганда бир тажрибани қўллашга жазм этдик. Яъни адиб ўз қўли билан ёзиб берган «Менинг таржимаи ҳоли»ини шундайлигича келтиришни афзал билдик. «Одатда таржимаи ҳол ёзган ёки бирор расмий ҳужжат тўлдирган одам, «мен фалон йил, фалон ойнинг фалон кунда туғилганман», деб аниқ ёзади. Афсуски, мен бундай қи-

лолмайман. Сабаби: то мен мактабни битиргунимча раҳматли онам Рўзигул Собир қизининг қўлида ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган. Туғилган қишлоғим Бухоро яқинидаги Дилқушо деган жойда қишлоқ шўроси раиси бўлиб ишлаган одамдан ҳужжат сўралганда, у ҳеч иккиланмай «болайиз менинг ўғлим билан баравар» деб гувоҳнома тўлдириб берган. Унда менинг туғилган йилим 1938 йил 6 май деб

кўрсатилган. Мана шу ҳисоб билан яшаб келаман. Биров суриштиргани ҳам йўқ... Аслида эса онам сен тут пишғида, кимнингдир тўйи кунни туғилгансан, дер эдилар. Яна онам сен олти ойга тўлганинга отанг урушга кетди: «Менинг кафаним бўйнимга ўралган, қайтиб сенларни кўролмайман, деб сени бағрига босиб йиғлади» дер эди. Отам биз билан абадий хайрлашганини кейин тушундим. Бу энди менинг мангу армоним—«Соғинч», «Чехралар» номли шеърлар, балладалар тўпламимни варақласангиз, бу дардни сезарсиз. «Биз, уруш болалари», деб шеърлар ёзишим шундан. Бу рост.

Бухорон Шарифда ўнинчи синфни 1959 йили тугатдим. Бир фурсат қурилишда ишладим. Озгина ҳарбий кийим кийдим. 1966 йили эса Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика бўлимини тугатдим. Биринчи шеърим «Лагер кўйнида» номи билан «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») да 1959 йилда эълон қилинган. Худди шу газет ўқишимни тугатар-тугатмас, мени ишга таклиф этди. Болалар шоири, ёзувчиси бўлишимни худди шу газетдан кўраман...»

Сўнг адиб «Ёш гвардия» (ҳозирги «Камалак») нашриётида, Республика Ёзувчилари уюшмасида, сўнг Халқ таълими вазириликда масъул вазибаларда ишлади. Ҳозирги кунда «Гулхан» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишламоқда. Унинг биринчи шеърий тўплами 1970 йилда «Тоғдамен» номи билан чоп этилди. Шундан сўнг унинг «Биринчи табассум» (1972), «Дадамнинг қўллари» (1974), «Соғинч» (1975), «Юлдузхон ва Баҳоржон» (1977), «Солдат қайтган кун» (1979), «Оқ лайлақлар» (1982), «Эгизаклар» (1985), «Мукофот» (1983), «Тинчликни улуғлаймиз» (1986), «Дадам ҳақида қўшиқ» (1989), «Каримжон—кармон» (1988), «Белые аисты» (1990) каби ўнлаб шеърий, насрий асарлари чоп этилди. Буларнинг кўплари рус, украин, белорус, латиш, молдован, поляк, чех, арман, озор, тожик, қозок, қирғиз, туркман ва қорақалпоқ тилларига ҳам ағдарилди. Мазкур тўпламларга кирган асарларнинг бош қаҳрамонлари ёшлар, ўсмирлар, бош мавзуи эса уруш қолдирган жароҳатларни кўрсатиш орқали ҳозирги ёшларни истиқлол руҳида тарбиялашдан иборат. Унинг «Ота ўғли», «Қирқ еттинчи йил» ҳақоялар туркуми худди шу мақсад, шу ғояни илгари суради.

Адиб: «Менинг таржимаи ҳолим»да ёзишича яна: «1987 йил Афғонистонга бордим. Боришдан бош ният, йигирманчи йилларда бизнинг ота-боболаримиз инқилобни қай тарзда

қабул қилганини кўриш, ҳис этиш эди. Савр инқилоби, Октябрь инқилобининг иккаласига ҳам жаллод босқинчилар бош бўлганини афғон тупроғида кўриб қайтдим. «Афғон ҳикоялари» туркуми ана шу йўсинда дунёга келди. «Шайтон эргашган бола» ҳам ана шу сафар меваси».

Сафар Барноев ўзининг «Тинчликни улуғлаймиз» китоби учун Рафур Гулом мукофотига сазовор бўлган.

САЪДУЛЛА СИЁЕВ

(1939)



Ёзувчи Саъдулла Сиёев 1939 йил 25 мартда Қозоғистоннинг Туркистон шаҳри яқинидаги Қарноқ қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1946—1956 йилларда Қарноқдаги ўрта мактабда, 1957—1962 йилларда Тошкент Давлат университетида ўқиди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаган С. Сиёев дастлаб Тошкент радиосида, кейинчалик республика вақтли матбуоти, «Муштум» ҳажвий журналида ишлади. Сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармасига раҳбарлик қилди. Ҳозирги вақтда у республика телевидениесида ишламоқда.

Саъдулла Сиёев ўз ижодини шеър ёзишдан бошлаган. Унинг дастлабки шеъри 1956 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилади. У шеърлар билан бир қаторда «Қиз боланинг панди» (1963), «Минг бир қилиқ» (1964), «Чархпалак» (1965), «Уйимизга меҳмон келди» (1966) каби ҳикояларини ҳам эълон қилди. Бу ҳикояларида бугунги қишлоқларимиз ҳаёти, ёшлар севгиси, яхшилик ва мурувват каби инсоний туйғулар улуғланади.

Ёзувчининг биринчи ҳикоялар тўплами—«Қасам ичмаган йигит» 1970 йилда чоп этилди. Бу тўпламга унинг лирик ва ҳажвий ҳикоялари киритилган. Шундан сўнг С. Сиёевнинг «Садағанг кетай» (1972), «Тўйлар муборак» (1975), «Ой бориб, омон келинг» (1976), «Оғир вазнли жанжалкаш», «Эркақлар учун эртақлар» каби ҳикоялар тўпламлари босилиб чиқди.

Уларда ёзувчи замондошларимизнинг меҳнат фаолиятини, характери ва инсоний ҳис-туйғуларини ардоқлайди.

Кейинги йилларда унинг қисса ва ҳикоялардан иборат «Ёруғлик» (1986), «Бепарво бўлмоқчиман» (1990) китоблари ҳамда «Аваз» (1987) романи ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди.

1993 йилда унинг «Яссавийнинг сўнги сафари» романининг биринчи китоби, 1997 йилда эса «Ҳақиқат йўли» деб номланган иккинчи китоби чоп қилинди. Бу китобларда улкан бобокалонимиз Аҳмад Яссавий ҳақида ҳикоя қилинади.

С. Сиёев ҳикоялари рус, қозок, қирғиз, тожик тилларига таржима қилинган. Айни чоғда у Михаил Зошченко, Леонид Ленч, Арк. Арканов, Г. Горин каби рус ёзувчиларининг кўплаб ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган.

АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ

(1939)



Абдуқаҳҳор Иброҳимов моҳир публицист ва таниқли драматург сифатида замонавий адабий ҳаракатда муносиб ўринни эгаллайди. У Тошкентнинг Кўкча даҳасида 1939 йилнинг 16 августида дунёга келган. Унинг бобоси Иброҳим ҳожи асримиз бошида Тошкентда масжид, мадраса қуриб, маърифатпарлик фаолияти билан элга танилган. Абдуқаҳҳорнинг отаси Абдусамат

Иброҳимов Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, 1945 йилда бедарак кетган. Онаси Офтоб оyim уй бекаси бўлиб, бўлғуси адиб ҳаётида бош-қошлик қилган.

Абдуқаҳҳор 1957 йилда ўрта мактабни битиргач, 1957—1962 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида таҳсил олган. 1975—1977 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиган. 1982—1986 йилларда «Ўзбекистон маданияти» газетасида, сўнг «Гулистон» журналида ишлайди. Республика Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Санъат ишлари бошқармасида

бош муҳаррир, 1992—1993 йилларда Республика Президенти Девонида масъул вазифада ишлади. 1994 йилдан буён эса Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказида хизмат килмоқда.

Абдуқаҳҳорнинг ижоди 60- йиллардан бошланган бўлиб, у асосан публицист ва драматург сифатида қалам тебратади. Шу вақтгача адибнинг «Қаср остида», «Тусмол», «Сўнгги нур», «Осмон яқин, ер юмшоқ», «Биринчи бўса», «Тил— тақдир демак» каби китоблари чоп этилган бўлиб, уларда замон ва замондошлар тақдири, тил ва қадрият, адабиёт ва маданият муаммолари, истиқлол ва келажак ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари бош ўринни эгаллайди.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов драматург сифатида ҳам элга ва адабий жамоатчиликка танилган. Унинг «Арра», «Мени айтди деманг», «Зўлдор», «Бир ўликка бир тирик», «Бу замон ўғлони», «Тусмол», «Соқи», «Майли-майли», «Офарин», «Пуч», «Шайтон йўли» каби комедиялари Тошкентда ва вилоят театрлари сахналарида қўйилиб келинади. Шунингдек, уларнинг айримлари Русия, Украина, Грузия, Арманистон, Молдова, Озарбойжон, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон театрлари сахналарида ҳам ўйналган. Уларнинг айримлари эса инглиз, олмон ва турк тилларига таржима қилинган. Адибнинг айниқса, публицист сифатидаги фаолияти эътиборга сазовордир. Муаллиф мақолаларида кўтарилган сиёсат, иқтисод ва маънавиятга оид даврнинг долзарб муаммолари кўп ҳолларда ўзининг пухта ечимини топади. Шу туфайли ҳам адибга 90- йилларда Республика матбуотида эълон қилинган энг яхши публицистик мақолалари учун «Йилнинг энг яхши журналисти» деган махсус диплом берилган (1996). Ёзувчи «Туркистон япроқлари» (1993) номли ҳужжатли кассаси учун «Туркистон—умумий уйимиз» халқаро танловининг ғолиби бўлган. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвони ҳам берилган.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОВ

(1939)



Таникли болалар шоири Турсунбой Адашбоев 1939 йилда кардош Қирғизистоннинг Ўш вилоятига қарашли Олабуқа туманида туғилган. У Тошкент Давлат дорилфунунини ҳамда Москвадаги Жаҳон адабиёти институтини битирган. Шоир «Олатоғ—лолатоғ» китобида:

Ўзбек, қирғиз қони синган,
Сизга айтсам тўғрима.
Шу боисдан икки халқнинг —
Эрка шоир-ўғлиман,—

деб ёзганидек, икки элнинг фарзандидир.

Турсунбой Адашбоев ўзбек ва қирғиз тилларида ижод қилади. «Қамолнинг олмаси» деб номланган биринчи китоби 1967 йилда, талабалик чоғидаёқ нашр этилган. Кейинчалик Тошкентда ва Бишкекда «Биз саёҳатчилар» (1969), «Ала Толук боломун» (1971), «Арслонбобо шаршараси» (1973), «Сурнай» (1975), «Нур дарё» (1977), «Гулдаста» (1979), «Олатоғ — лолатоғ» (1982), «Оқбура тўлқинлари» (1985), «Совга» (1987) тўпламлари босилиб чиққан.

Кичкинтойларга қисқа ва лўнда ёзиш, қиссадан ҳисса чиқариш Турсунбой Адашбоев ижодининг муҳим фазилатларидан биридир. Ижодкорнинг «Сумалак» сарлавҳали шеъри шу жиҳатдан характерли:

Бойчечак ниш уриб,	Баҳор қишни тарновга
То тургунча ўрнидан	Осиб қўйди бурнидан...

Турсунбой Адашбоевнинг ҳазил-мутойиба билан йўғрилган қатор асарлари рус, латиш, қозоқ, тожик тилларида чоп этилган. Энг сара шеърлари эса қирғиз ва ўзбек болалар шеърияти анталогияларидан ўрин олган. 1989—90-йилларда унинг «Арслонбоб афсонаси», «Сичқоннинг орзуси», «Уч бўғалоқ ва сирли қовоқ» тўпламлари босилиб чиққан.

Шоирнинг ижодий учрашувлари, шеърят мухлислари билан қилган мулоқотларида одатда бундай савол ва жавоблар бўлиб ўтади:

— Нима учун болаларга шеър ёзасиз?

— Эзиб ёмгир ёққанидан кейин, етилган ерни, завқ-шавқ билан ҳайдаган қўшчининг меҳнатини сира кузатганмисиз? Кичкинтойларга шеърлар машқ қилар эканман, ана шу деҳқонга ўхшаб, тер тўкишга ҳаракат қиламан. Ҳар ким қўлидан келган юмушни удаллаши керак. Қисқаси, болаларга шеър ёзишдан ўзга иш қўлимдан келмайди.

— Сизда шеърнинг туғилиши қандай кечади?

— Асосан ҳаётни, болаларнинг сўнгсиз оламига алоқадор икир-чикир воқеа ва ҳодисаларни синчиклаб кузатишдан туғилади. Масалан, оддий бир тугмани чумолининг йўлига қўйиб, хатти-ҳаракатини кузатсангиз, тахминан қуйидагича машқ қоғозда пайдо бўлиши мумкин:

Чарчаб, ҳориб	Ташладим
Юмушдан,	Уни йўлга.
Қайтар эди,	У ён-бу ён,
Қумурсқа.	Бўйлади.
Тугмани	Тоғ экан, деб
Олиб қўлга	ўйлади...

— Шеърингизда манзара яратиш маҳоратини кимдан ўргангансиз?

— Ҳар бир мисра устида ишлаш ва манзара яратиш санъатини устоз Қудрат Ҳикматдан ўрганганман. Қудрат аканинг лампочка ҳақидаги мисраларига эътибор беринг:

Тўлқинжоннинг нок нусха	Патронга солиш билан
Лампочкаси бор эди.	Уйнинг ичи ёриди.

Устоз назаридан ўтган, эндиликда шоирнинг энг яхши машқлари қаторидан ўрин олган «Насибанинг олмаси» сарлавҳали шеъри шу жиҳатдан ибратлидир:

Насибанинг олмаси	Содиқжон кўриб қолиб,
Тушиб кетди ариққа.	Олмани ушлаб берди.
Тутқич бермай ўйнайди	Раҳмат айтиб Насиба
Ўхшаб худди балиққа	Ярмини тишлаб берди...

Шоирнинг «Уч бўталоқ ва сирли қовоқ» тўпламига кирган шеърларини ўқир эканмиз, унинг қувноқ, енгил кулги билан суғорилган мисралар орқали кичкинтойлар дунёсини маҳорат билан очиб беришини кўрамиз. Чунончи, «Аҳил дўстлар» шеърида тасвирланишича, Сухроб билан Жаҳонгир деган, ҳатто музқаймоқни ҳам тенг бўлиб ейдиган икки дўстга тўп совға қилганларида, улар ўртага кўнгил-

хиралик тушмаслиги учун коптокни ҳам икки бўлакка
ёриб, ўйнайдилар:

Совгага келган тўпни
Ётсирамай олишиб,

Тенг шерикка бўлишди
Шарт иккига ёришиб...

Т. Адашбоевнинг 60- йиллардаги дастлабки машқларини кузатган киши шоир баъзан тайёр кулгили воқеалар асосида шеър битганлигининг ҳам гувоҳи бўлади. Хайрият-ки, ижодкорнинг ўзи буни тезда англаб етди ва ўз устида жиддий ишлади. Натижада «Ховучингиз каттароқ» шеъри сингари пухта асарлари майдонга кела бошлади:

- | | |
|--------------------------|------------------------|
| — Отинг нима, кизалок? | — Йўқ, одобли боламан. |
| — Менми, тоға, Лоламан. | Ховучингиз каттароқ, |
| — Ол майиздан бир ховуч, | Сиз берсангиз оламан. |

Шоирнинг болалик хотиралари асосида яратилган ўнлаб машқлари ҳам ҳаётий воқеаларнинг ҳосиласи эканлиги билан ажралиб туради. Уруш ва урушдан кейинги даврларда кичик овулда рўй берган ҳодисалар силсиласи Турсунбой Адашбоев шеърларининг ўзагини ташкил этади.

Турсунбой Адашбоев жаҳон ҳамда қардош халқлар болалар шеърини вакилларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш борасида ҳам фаол иш олиб бораётир. Уолтер Дэ Ламер, Ян Бжехва, Корней Чуковский, Самуил Маршак, Муса Жонғозиев, Қодир Мирзалиев, Оғагелди Алланазаров, Леонс Бриедис каби шоирларнинг шеърларини ёш китобхонлар Турсунбой Адашбоев таржимасида севиб ўқимокдалар.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

(1940)



Шукур Холмирзаев 1940 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топди. У ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат университетиди таҳсил кўрди.

Шукур Холмирзаев ҳозирга қадар китобхонларга жуда кўп ҳикоялар, бир неча қисса ва романларни тақдим этди. Унинг илк қиссаси «Оқ отли» тоғ болалари ҳаётидан ҳикоя қилади.

Шукур Холмирзаевнинг талабалик йилларида ёзилган «Тўлкинлар» (1963) қиссаси замондошларимизнинг мураккаб тақдирини қаламга олиши ва ўзига хос маҳорати билан Абдулла Қаҳҳорнинг эътиборини тортган ва улкан адиб Шукурга мактуб битиб, уни қутлаган эди.

Ёзувчининг «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» (1965) қиссаси авлодлар қисматига, аниқроғи, ўз авлоди — тенгқурлари ҳаётига бағишланган.

Муаллифнинг кейинги асарлари—«Олис юлдузлар остида», «Ҳаёт абадий», «Огир тош кўчса...» ҳикоялар тўплами, «Сўнгги бекат», «Қил кўприк», «Йўловчи», «Олабўжи» романларидир.

Шукур Холмирзаев ўзбек ҳикоячилик санъатини устози Абдулла Қаҳҳордан кейин янги, юқори босқичга кўтарди. Унинг ҳикоя, қисса ва романлари ҳеч бир қолипга сиғмас, теша тегмаган образ, характерларга бойлиги билан ажралиб туради.

Санъаткор драматургияга ҳам қўл уриб, «Қора камар» пьесасини ёзган ва унда босмачиларнинг миллий озодлик ва мустақиллик учун олиб борган курашини акс эттирган.

Кейинги йилларда адибнинг «Бодом қишда гуллади» (1968), «Сўнмас олов» (1985), «Тоғларга қор тушиди» (1987) асарлари яратилди. Яқинда эса унинг «Олабўжи» романи нашр этилди. Нега энди Олабўжи? Ким ўзи — Олабўжи? Асарни ўқиганингизда, англайсизки, Олабўжи — Шўро тузумининг яшаш тарзига бўйин эгмаган, миллий қадриятларимизга ихлоси баланд бир девонадир. Девона? Йўқ, ундай эмас: бу девона — буюқ археолог (қадимшунос), айни чоғда ўзига хос ўжар бир инсондирки, ҳаётнинг зарбаларидан қочиб, табиат бағрига чекинади. Шу боис «жинни» лақабини олади. Оқибат, жиннихонага жўнатилади.

Асарнинг охири жумлаларига эътибор қилинг: ўша жинни юртини узоқдан томоша қилиш учун онда-сонда келади ва уни итлар ҳуриб, одамлар ҳайдаб юборади.

Чунки у — «Олабўжи»!

Шукурнинг яна бир романи «Динозавр»дир. Муаллифнинг айтишича, «Кучлилар енгади, кучсизлар енгилди», дейилган назария нотўғри! Агар кучлилар энгиш қобилиятига эга бўлганларида, аввало Динозавр енгган бўларди. Йўқ, у ўлади. Сабаб? У шаклланиб бўлган. Шундоқ-да: кўп мардлар майдонга қирадилар. Улар ўлимларини билишади. Аммо улар учун орқага йўл йўқ. Қўрқоқлар-чи? Улар ҳамиша қавақларига кириб олишганлар...


Бундай қараш қанчалик мунозарали бўлмасин, муаллифнинг бугунги кун — янги асрни қабул қилишдаги зиёлилар фожеаси ва изтиробларини акс эттиришда ўзига хос бир йўлни тутгани сезилиб туради.

Ёзувчи ҳозир ушбу асарнинг давомини ёзиш билан банд. Айни чоғда суйган жанри ҳикоя ёзишни ҳам бир дам тўхтатмайди. У адабиёт соҳасидаги хизматлари учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига, 1991 йилда эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига мушарраф бўлган.

Шукур Холмирзаев ўзбек адабиётининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган улкан ижодкордир.

МАҲКАМ МАҲМУД

(1940)



Шоир, носир, адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд (Маҳмудов) Андижон вилоятининг Асака туманида туғилган. 1947—1957 йилларда Андижон шаҳридаги Муқимий номи мактабда таълим олган. 1957—62-йилларда Тошкент Давлат университетиде ўқиган. У 60-йиллардан то шу кунгача газета ва журнал таҳририятлари ҳамда нашриётларда ишлаб келади. Ҳозирги кунда эса «Мулоқот» журналида ада-

бий ходим сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маҳкам Маҳмуд дастлаб шоир сифатида қалам тебратган. Кейинчалик у насрга ўтиб, тарихий мавзулар ва фантастик жанрда ижод қилиб келади. Агар унинг «Бибихоним», «Шоҳлар маликаси», «Мовароуннаҳр юлдузи», «Султон Маҳмуд Ғазнавий», «Бойсунғур ибн Шоҳруҳ», «Имом Зайниддин Ғаззолий» каби қисса, ҳикоя ва бадиалари тарихий мавзуларда яратилган бўлса, «Мен—мен эмасман», «Тесқари кўзлар сайёраси», «Сирли қаср», «Мангу куй излаб» сингари асарларида эса фантастик унсурлари устуворлик қилади.

Маҳкам Маҳмуд адабиётшунос сифатида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Унинг «Талант ва ижод фалсафаси» (1976), «Абадият лаҳзалари» (1981), «Ҳайрат ва тафаккур»

(1992) каби асарлари адабий ва илмий жамоатчилик эътиборига тушган. У филология фанлари номзоди сифатида М. Уйғур номидаги Санъат институти, А. Қодирий номидаги Маданият институтларида ўзбек ва чет эл адабиёти курсларидан маърузалар ўқийди.

Маҳкам Маҳмуд таржимон сифатида ҳам қалам тебратиб, Аристотелнинг «Поэтика» рисоласи, Бальзакнинг «Сағри тери тилсими» романи, Андерсен эртаклари, Стефан Цвейгнинг «Куйган қўнғил фарёди» новеллалар тўплами (Ўткир Ҳошимов билан ҳамкорликда) Оскар Уайлднинг «Юлдуздан тушган бола», «Садоқатли дўст» ҳикоялари ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўғирган. У ҳозир «Эҳ, одамлар» деган ҳажвий асарни яқунлаш арафасида турибди. Адабиёт ва эл олдидаги ана шу хизматлари учун унга «Эл-юрт ҳурмати» (1998) ордени берилган.

ОМОН МУХТОР

(1941)



Шоир ва носир Омон Мухтор 1941 йили Бухорода таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, бир неча вақт газеталар таҳририятларида адабий ходим, Ўзбекистон радио ва телевидение Давлат Қўмитаси, «Ўзбекфильм» ҳамда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда эса «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир ўринбосари сифатида

фаолият кўрсатмоқда.

Унинг ижоди гарчи 50-йилларнинг охириларидан бошланган бўлса ҳам, биринчи «Чорлар қуёшли йўллар» шеърый тўплами 1966 йилда чоп этилади. Шундан сўнг у шоир, ҳикоянавис, қиссанавис, романнавис сифатида йигирмадан ортиқ китоб нашр эттирди. Жумладан, «Нигоҳ» (1968), «Қушлар ва тушлар» (1971), «Шаҳарлик келинчак» (1973), «Ҳаёт дарвозаси» (1978), «Бухоролик донишманд» (1973), «Болаликка саёҳат» (1984) каби ҳикоялар тўпламлари, шунингдек, «Учқур поездлар» (1981), «Вазифа» (1988) каби ҳикоялар, қиссалар мажмуасини чоп эттирди. У айна

чоғда «Йиллар шамоли» (1976), «Эгилган бош» (1989), «Минг бир қиёфа» (1992) каби романларини яратди. Шунингдек, «Оҳанг» (1974), «Ёғду» (1979), «Марварид» (1985), «Шиддат» (1990) каби шеърый тўпламлар ҳам О. Мухтор қаламига мансуб.

Омон Мухтор сўнги йилларда «Минг йилдан сўнг» (1991), «Минг бир қиёфа» (1994), «Ўлмаган жон» (1995), «Кўзгу олдидаги одам» (1996) каби ҳикоя, қисса ва романларни ҳам яратди.

Унинг «Тепаликдаги одам», «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам» романлари яхлит ҳолда «Тўрт томон қибла» трилогиясини ташкил этган. Яна «ФФУ», «Аёллар мамлақати ва салтанати», «Афлотун» романлари ҳам чоп этилган.

Унинг «Тўрт томон қибла» трилогияси янгича услубда ёзилган бўлиб, китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборини тортмоқда.

Айни чоғда у болалар учун «Бувим эртақ айтади» (1971), «Кунлардан бир кун» (1985), «Минг йилдан сўнг» (1991) каби шеър, эртақ ва ҳикоялар тўпламларини ҳам ёзган. Омон Мухтор «Эгилган бош» романи учун 1990 йилги Ёзувчилар уюшмасининг йиллик адабий мукофотига сазовор бўлган. Адиб таваллудининг эллик йиллигида (1991) унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилган.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

(1941)



Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов 1941 йили Қашқадарё вилояти, Косон туманидаги Неқўз қишлоғида дунёга келди. Ўрта мактабни 1958 йили олтин медаль билан тугатгач, Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика бўлимига кириб, уни 1963 йили муваффақият билан битирди.

1963 йилдан буён турли нашриётларда муҳаррир, Ёзув-

чилар уюшмасида котиб, муаллифлар ҳукукини ҳимоя қилувчи уюшмада раҳбар вазифаларида хизмат қилиб келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раисидир.

Абдулла Ориповнинг ижоди талабалик йилларидан бошланган бўлиб, унинг биринчи шеърлар тўплами «Митти юлдуз» 1965 йили чоп этилган. Шундан буён шоирнинг «Кўзларим йўлингда» (1967), «Онажон» (1969), «Руҳим» (1971), «Ўзбекистон», «Қасида» (1972), «Хотирот» (1974), «Юртим шамоли» (1974), «Ҳайрат» (1979), «Ҳаким ва ажал» (1980), «Нажот қалъаси» (1981), «Йиллар армони» (1983) шеърӣ тўплamlари босилиб чиққан. Мазкур тўплamlарга кирган шеърларни кўздан кечирар эканмиз, уларда шоирнинг шеърдан-шеърга, тўпламдан-тўпламга, йилдан-йилга ўсиб, ижоди баркамоллашиб борганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, 60-йиллардан кейинги асарларида ҳаёт ва инсон ҳақидаги, жамият ва табиат тўғрисидаги фалсафӣ мушоҳадаларининг тобора чуқурлашиб бораётганлиги сезилади. Кучли эҳтиросли туйғулар уларда ўзининг юксак талқинини топиб боради. Бу бора-бора теран фикр билан юксак бадийликнинг омухтасига айланиб, шоирнинг ижодий камолотига эришганидан дарак беради. У она образини чизадими, биринчи муҳаббатга содиқ лирик қахрамон образини яратадими, Ўзбекистон ҳақида куйлайдими, олам ва одамлар ҳақида шеър тўқийдими, ҳамма-ҳаммасида ҳаёт ҳақиқати билан бадий ҳақиқат ўзаро уйғунлашиб кетади.

Абдулла Ориповнинг «Сайланма» (1996) тўплами билан танишар экансиз, шоирнинг бадий маҳоратини йиллар давомида сайқаллашиб, камол топганига гувоҳ бўламиз. Ундаги фикрлар тугёни, тугёнлар уммони бизни ҳайратга солади. Айниқса, Истиклол ғояси, эл-юрт мустақиллиги, она-Ватанини озод ва обод кўриш истаги сатрдан-сатрга парвариш топиб, ажиб бир порлоклик ҳосил қилади. Шоирнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистонда куз», «Куз» каби 60-йилларда ёзилган шеърларидаёқ Истиклол нурлари жилва қилгандек бўлади.

Хуллас, Ватан ва халққа меҳр-муҳаббат, табиатни севиш, ардоқлаш, имонли, виждонли инсонларга мадҳиялар ўқиш, гоҳ йиғлаб, гоҳ кувониб куйлаш шоир туйғулари уммонини ташкил этади.

А. Орипов ижодининг ҳозирги босқичи яна ҳам туйғуларга бой, файзли ва сербарақадир. Жумладан, «Ҳаж дафтари» (1992) туркумига кирган шеърларида энди

шоир маънавиятимиз манбаларини кашф этиш йўлидан боради, Куръони Карим, Ҳадису Шарифлардан замонавий маънолар излайди ва топади.

У дostonнавис ва драматург сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. Хусусан, унинг «Жаннатга йўл» достони ва «Соҳибқирон» (1996) шеърий драмаси шоирга катта шуҳрат келтирган асарлардир. Аини пайтда у Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи ҳамдир.

Абдулла Орипов истеъдодли таржимон сифатида Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўттирган. Некрасов, Л. Украинка, Шевченко, Р. Ҳамзатов, Қ. Қулиев асарларини ҳам она тилига таржима қилган.

Ижодкорнинг шеърий мажмуалари қатор хорижий тилларга таржима қилинган ва алоҳида китоб ҳолида нашр этилган.

Абдулла Орипов — ноёб истеъдод эгаси. Чуқур фалсафийлик, миллий рух, диний-ахлоқий мезонларга садоқат шоир шеърияти асосларини ташкил этади. Ўзбек халқининг миллий тикланиши, ҳурфикрлик ва мустақиллик учун курашида Абдулла Орипов шеърияти катта ўрин тутди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотининг совриндори, Калифорния (АҚШ) Фан, Таълим, Саноат ва Санъат Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзосидир. Мустақиллигимизнинг етти йиллигида унга биринчилардан бўлиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон берилди.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

(1941)



Ҳозирги адабиётимизнинг кўзга кўринган намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовдир. У қарийб қирқ йилдан буён ўзининг ажойиб публицистик мақолалари, хикоя, қисса ва романлари билан адабиётимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиб келмокда.

У Тошкентнинг Дўмбиробод даҳасида 1941 йилнинг 5 августида таваллуд топган

бўлиб, болалиги уруш қийинчиликлари, муҳтожликлари даврида кечган. Шу туфайли у ўрта мактабни аъло баҳолар билан битирган бўлса ҳам оилавий шароити юзасидан ишлаб туриб ўқишга мажбур бўлган. Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг сиртқи бўлимида ўқиш билан «Темирўлчи», «Тошкент ҳақиқати», «Қизил Ўзбекистон» каби газеталарда турли юмушларни бажарган. 1966—1982 йилларда «Тошкент оқшоми» газетасида бўлим мудири, 1982—1985 йилларда Ғ. Фулом номидаги нашриётда бош муҳаррир ўринбосари, 1985 йилдан бошлаб эса «Шарк юлдузи» журнаlining бош муҳаррири бўлиб ишлаб келади. Айтиш жоизки у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты ҳамда Матбуот ва ахборот кўмитасининг раиси.

Ўткир Ҳошимов ижоди публицистикадан бошланган бўлиб, биринчи китоби 1962 йилда «Пўлат чавандоз» номи билан босилиб чиққан. Унинг илк хикояси эса 1963 йили «Тўрт мактуб» номи билан чоп этилган. Кейинчалик мазкур хикоя асосида «Чўл ҳавоси» (1963) қиссаси яратилган. Мазкур қисса ҳақида устоз Абдулла Қаҳҳордан олинган мактуб, ёш адиб илҳомига илҳом қўшди, далда берди. Шундан сўнг унинг «Одамлар нима деркин», «Шамол эсаверади» қиссалари майдонга келди. Айниқса, адибнинг «Баҳор қайтмайди» (1970), «Қалбинга қулоқ сол» (1973) каби қиссалари ёзувчига шухрат келтирди. 1976 йилда мазкур асарлар муаллифи Республика Ёшлар мукофотига сазовор бўлди.

Адиб «Нур борки, соя бор» (1976) романида жамият ижтимоий ҳаётидаги иллатларни, турғунликнинг моҳиятини очиш асносида даврнинг муҳим маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқди. Шундан сўнг у яна бир гўзал асарни — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек мукофоти билан тақдирланган «Дунёнинг ишлари» (1982) қиссасини яратиб, маънавият ҳақидаги баҳсни давом эттирди.

Ўткир Ҳошимов ижодида «Икки эшик ораси» романи алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Унда адиб қарийб қирк йиллик даврни ўз ичига олган ва бир қатор чигал ҳамда мураккаб тақдирлар мисолида ўз халқининг тарихий қисматини маҳорат билан умумлаштириб берди. Шу тўғрисида ҳам Ў. Ҳошимов романи 1986 йилда Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотида сазовор бўлди.

Ўткир Ҳошимов ҳикоя жанрида ҳам унумли ижод қилмоқда. Хусусан, унинг «Муҳаббат», «Дехқоннинг бир куни», «Урушнинг сўнгги қурбони», «Ўзбек иши» каби асарлари ўзбек ҳикоячилиги ривожига салмоқли ҳисса бўлиб кўшилди. Унинг «Қалбнинг оппоқ дафтари», «Муқаддас қасамни бузганлар», «Авлодларга нима деймиз», «Мантқиқани?», «Давлат сири» каби мақолалари эса сўнгги йиллар ўзбек публицистикасининг ютуқларидан бири бўлди.

Ўткир Ҳошимов моҳир ҳикоянавис, қиссанавис, романнавис ва публицистгина эмас, драматург сифатида ҳам замонавий адабиёт ривожига таъсир кўрсатиб келмоқда. Унинг «Ҳазон бўлган баҳор», «Тўйлар муборак», «Виждон дориси», «Инсон садоқати», «Қатағон» драма ва комедиялари Республика театрлари сахналаридан муносиб ўрин эгаллаган.

Ўткир Ҳошимов таржимон сифатида О. Берггольц, С. Цвейг, Мустай Карим, В. Шукшин асарларини ўзбек тилига ағдарган. Унинг энг яхши ва сара асарлари рус ва бошқа тилларга таржима этилган. Адибнинг жаъми нашр этилган асарлари эликдан ортик бўлиб, уларнинг умумий тиражи қарийб икки миллиондан ошади. Ў. Ҳошимовга самарали ижодий меҳнати учун 1991 йили «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилган.

МУРОДЖОН МАНСУРОВ

(1941)



Муроджон Мансуров адабиёт деб аталмиш кошонага 60-йилларда кириб келган. У тошкентлик, Чўлпон отанинг ёнбағридаги Қатортолда боғбон оиласида 1941 йил 15 мартда таваллуд топган. Отаси Мансурхўжа Тўрахўжа ўгли миришқор боғбон бўлган-у, ўгли Муроджоннинг болалигида оламдан ўтган. Бўлажак ёзувчи онаси Кароматхон Умархўжа қизининг тарбиясида voyга етган. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент Политехника институтининг қурилиш факультетига ўқишга кирган. Уни тугатгач, инженер-лойиҳачи бўлиб ишлаган. Шу йиллардан бошлаб унда ижодга майл уйғониб, очерк, лавҳа, ҳикоялар ёза бошлаган. «Қаламимни кўриб, республика марказий газетаси «Қизил Ўзбекистон»га (ҳозирги «Ўзбекистон овози») чақириб олишди»,— деб ёзади муаллиф ўз таржимаи ҳолида. Шундан сўнг ўша газетанинг Фарғона вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлайди. Кейин «Ёшлик» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб хизмат қилади. Ҳозир эса «Шарқ юлдузи» журналида наср бўлимини бошқариб келади.

Муроджон Мансуровнинг биринчи асари «Азиз инсон» (1963) деб аталган бўлиб, у ёзувчининг муштипар, меҳрибон ва заҳматқаш онаси ҳақида эди. Асар босилмай туриб А. Қаҳҳор, О. Ёкубов каби адиблар назарига тушган. Шундан буён адибнинг ўндан ортик қисса ва романлари чоп этилган. Унинг «Садарайхон» (1965), «Умр чорраҳалари» (1972), «Қиргоқлар» (1975), «Ҳамманинг яшагиси келади» (1980), «Ёмби» (1988) каби қиссалари, «Мангу жанг» (1985), «Гуноҳи азим» (1995) каби романлари талабчан китобхон томонидан илиқ қарши олинган. Унинг «Жудолик диёри» романи эса нашр этилиш арафасида турибди. Мазкур романда адиб ўша дастлаб босилмай қолган «Азиз инсон» қиссасини қайта ишлаган. Унда 1966 йилдаги

Тошкент zilзиласи туфайли ўзи туғилиб, вояга етган мавзедаги бог-роғлар ўрнида кўп қаватли уйларнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Муроджон Мансуров яратган қиссалар ва айниқса, «Мангу жанг» романи ўзининг ҳаётлиги ва самимийлиги, тилининг содда ва ширалилиги билан ажралиб туради.

МИНҲОЖИДДИН ҲАЙДАР

(1941)



Минхожиддин Ҳайдар 1941 йилнинг 3 май кунинда Андижон вилоятининг Олтинқўл туманида таваллуд тогган. 1947—1957 йилларда ўрта мактабни тугатиб, Андижон медицина билим юртида (1958—1960) ўқийди. 1963—1968 йилларда эса Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил кўради. 1968—1972 йилларда «Ёш гвардия» нашриётида, 1972—1981 йилларда «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида, 1982—1991 йилларда Ғафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб хизмат қилади. 1992 йилдан бошлаб у «Минхож» саҳоват нашриётини очиб, унга раҳбарлик қилиб келмоқда.

Унинг биринчи шеърини 1971 йилда «Инсон юраги» номи билан чоп этилади. Сўнгра унинг «Нина учидидаги қаср» (1979), «Ўчмас бўрон» (1979), «Тирик аланга» (1984), «Булбулсўз» (1991) каби тўпламлари ва 1992 йилда «Мусалло» номли публицистик асари босилиб чиқади. У «Онаизор» (1970), «Дўзахдаги шайтон» (1976) каби шеърини драма ва памфлетларнинг ҳам муаллифидир.

МАШРАБ БОБОЕВ

(1941)



Машраб Бобоев кўпқир-
рали ижодкор. У шоир, публи-
цист, драматург ва носир
ҳамдир. «Мен, — дейди у ўз тар-
жимаи ҳолида, — 1941 йилда
Самарқанд вилоятининг Челак
тумани ҳудудида туғилганман.
1956 йилда ўрта мактабни туга-
тиб, колхозда тракторчилик қил-
ганман, кейин кутубхонада иш-
лаганман. 1958 йилда Тошкент-
га келиб, Маданият техникумига
ўқишга кирганман. 1960 йилда
техникумни тугатиб, Санъат институтининг актёрлик
факультетига ўқишга кирганман. Таҳсил давомида завод-
ларда, Республика халқ ижоди уйида ишлаганман.
1965 йилда институтнинг кечки бўлимини тугатганим-
дан сўнг Самарқандга қайтиб, вилоят Халқ ижоди уйида
бош мутахассис, сўнгра директор бўлиб ишлаганман. Ви-
лоят газеталарида ишлаб, 1967 йилда Тошкентга келганман.
«Ёш гвардия» (ҳозирги «Камалак») нашриётида муҳар-
рир, радиода режиссёр, муҳаррир бўлиб ишлаганман. «Шарк
юлдузи» журналида, Ф. Ғулом номидаги нашриётда, Ёзув-
чилар уюшмасида, Маданият ишлари вазирлиги, Ҳамза
номидаги театрда, Ёш томошабинлар театрларида иш-
лаганман. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Миллий ахборот
агентлигида хизмат қиламан».


Машраб Бобоев адиб сифатида 60-йиллардан бошлаб
матбуотда кўрина бошлаган. Унинг «Онамга хат» (1971),
«Баҳор кайфияти» (1974), «Пахта менинг — бахтим
менинг» (1975), «Гурунг» (1975), «Кечки троллейбус»
(1977), «Бағишлов» (1978), «Олисдаги чирок» (1980),
«Сўз» (1982), «Мен билган сир» (1990), «Қани менинг
юлдузим?» (1991), «Номсиз юлдузлар» (1991) каби ўнлаб
китоблари нашр бўлган. Шунингдек, у «Ўттиз ёшлилар»,
«Ер томири», «Тошкентдан келган меҳмон» («Гурунг»),
«Тунис президенти» («Мушкул савдо»), «Бизнинг ҳовли»
(«Онаизор»), «Ўз уйингдасан», «Қани менинг юлдузим?»,
«Суянч тоғлари» каби бир қатор сахна асарлари ёзиб,
томошабинлар эътиборини тортган.

Машраб Бобоев бир қатор ажойиб видеофильмлар муаллифи сифатида ҳам яхши таниш. Унинг «Ирода», «Севги нидоси» («Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида миллий балет) ҳамда «Кўнгил кўчалари» деб аталмиш кўп қисмли видеофильмлари намойиш этилган.

У моҳир таржимон ҳамдир. Хусусан, В. Катаевнинг «Хаёл чечаклари» романи, Муин Бисунинг «Ташриф қоғози», Отар Чиладзенинг «Рангин дунё» шеърӣй китоби ва йигирмадан ортиқ драматик асарлар фикримизнинг далили деса бўлади. Бинобарин, Машраб Бобоев истеъдодли адиб сифатида ҳозирги адабий жараёнга ўз сози ва овози билан баракали таъсир ўтказиб келмоқда.

МУҲАММАД АЛИ

(1942)



Истеъдодли адиб Муҳаммад Али (Аҳмедов Муҳаммадали) Андижон вилоятининг Бўз туманида 1942 йили дунёга келди. Ўрта мактабни 1959 йили Бекобод туманида тамомлади. 1960 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга юборилди. Муҳаммад Али 1966 йилда институтни тамомлаб, Тошкентга қайтади ва Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлай бошлайди. Кейинчалик шу нашриётда ва Ўзбекистон телевидениесида бош муҳаррир вазифаларида фаолиятини давом эттиради, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бадиий таржима ва адабий алоқалар марказини бошқаради.

Адибнинг биринчи шеъри ўн беш ёшлигида вақтли матбуотда эълон қилинган. Биринчи китоби «Фазодаги ҳислар» 1967 йилда нашрдан чиққан. Сўнг «Шафақ» (1968), «Оталар юрти» (1970), «Алвон чечаклар» (1973), «Достонлар» (1974), «Ниначи ҳақида эртак» (1976), «Оқ нур»

(1977), «Илҳом париси» (1980), «Севсам, севилсам» (1983), «Сен бир гулсан» (1989), «Она дуоси» (1994) шеърӣй китоблари чоп этилган. Китоблари қозок ва қорақалпоқ тилларида дунё юзини кўрган.

Муҳаммад Али серқирра ижодқордир. Унинг «Боқий дунё» шеърӣй романи бунга мисолдир. Унда ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Дукчи эшон кўзғолони қаламга олинган, Жиззах кўзғолонига янги кўз билан қаралган.

1990 йилда «Шарқ юлдузи» журнали Муҳаммад Алининг насрдаги йирик асари «Сарбадорлар» тарихий романини эълон қилди. XIV аср воқеаларини эпик кўламда тасвир этган бу асарда биринчи марта адабиётимизда сарбадорлар ҳаракати мавзуга қўл урилган. Адиб, умуман, янги мавзуларга биринчи бўлиб мурожаат қилишга интилади. У Машраб ҳақида биринчи бўлиб йирик асар ёзди. («Машраб» достони, 1966), Амир Темури образини тасвир этди («Гумбаздаги нур», 1967), Дукчи эшон образини чизиб берди («Боқий дунё» шеърӣй романи, 1979), ва х. к. «Сарбадорлар»да эса адиб ёш Амир Темурининг ёрқин образини яратди.

«Сарбадорлар» тарихий роман сифатида халқимиз кечмишидаги энг ёрқин тарихий-ижтимоий воқеаларни — сарбадорлар ҳаракати тарихини қамраб олганлиги билан характерланади. Энг муҳими, бугун халқимиз эришган — мустақиллик учун кураш илдизларини, манбаларини тушуниб, англаб етишга йўл очади. Шу ҳол романининг замонавий қимматини белгилаб беради.

Муҳаммад Али публицист сифатида «Ўз-ўзингни англаб ет», «Ҳақиқатдан чекинма, тарих!» каби эсселарни ёзган. Адибнинг «Ошиқ бўлмай, Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» (1992) китобида ана шундай эссе ва мақолалар жам бўлган.

Муҳаммад Али ижодида бадиий таржима ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Ҳинд эпоси «Рамаяна» (1978), қорақалпоқ эпослари «Шаҳриёр» (1977), «Маспошо» (1985), шунингдек, Роберт Бёрнс (1971), Галактион Табидзе (1982) китоблари, Хоқоний, Шиллер, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Махтумқули, Абай, Тагорларнинг айрим асарлари унинг таржимасида маълумдир. «Рамаяна» эпоси поэтикасининг ўзбек тилидаги талқинига бағишланган тадқиқоти учун унга филология фанлари номзоди илмий даражаси берилган (1992).

Адиб асарлари жаҳон халқларининг 25 дан ортиқ тилларига таржима қилинган.

Муҳаммад Али илмий-педагогик фаолият билан ҳам

шугулланади. У 1993—96- йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети этика ва эстетика кафедраси мудир, профессори лавозимида ишлади. 1992 йилдан бошлаб ҳар йили АҚШдаги Вашингтон университети таклифи билан Америка талабаларига ўзбек тили ва адабиётидан сабоқлар бериб келади. -

Муҳаммад Али адабиётимиз ривожига катта хизматлари учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлган (1992). У — Бердак номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти (1984) соҳибихамдир. Ҳозирги пайтда «Олтин мерос» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси бўлиб хизмат қилмоқда.

ОЙДИН ҲОЖИЕВА

(1942)



Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева 1942 йили Бухоро вилоятининг Қизилтепа тумани Бўстон қишлоғида туғилган. 1960 йили ўрта мактабни, 1966 йили Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатган. 1965—1976 йилларда «Шарқ юлдузи» журналида адабий ходим, бўлим мудир, 1976—1985 йиллар «Саодат» журналида бўлим мудир, 1985 —1995 йилларда

«Гулхан», 1995 йилдан эса «Саодат» журнали муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда. У 20 дан ортиқ шеърий тўпламларнинг муаллифидир.

Ойдин Ҳожиева ижоди гарчи 60- йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса-да, унинг биринчи шеърий тўплами 1970 йилда «Шабнам» номи билан чоп этилган. Сўнгра унинг «Манзиллар» (1975), «Мен севган кўшиқ» (1972), «Зар кокил қиз ва қуёш» (1972), «Наво» (1977), «Тароват» (1978), «Бувисининг ўз қизи» (1979), «Достонлар» (1980), «Тамал тоши» (1980), «Сайланма» (1989), «Нажот» (1991), «Олисдан келган овоз» (1991) каби қўплаб шеърий гулдасталари дунё юзини кўрган. Улар орасида «Чашмаларни излайман» (1987) каби публицистик асарлар мажмуаси, болалар учун ёзилган ажойиб шеърлари ҳам бор.

Унинг деярли барча тўпламларида покиза ва меҳрибон, кечиримли ва садоқатли она туйғулари, вафодор ёр, дидли, фаросатли ва нозиктаъб шоира қалби жўш уриб туради. Айни чоғда дунё воқеаларига ҳамдардлик, инсонлар мушкулни енгилатиш учун кураш, ўз она халки, она тупроғи, маданий меросига меҳр туйғуси балкиб туради.

Шоиранинг «Кўзимнинг оқу қароми» (1996) номли шеърининг гулдастаси Истиклол руҳи, истиқлол орзуси билан лиммо-лимдир. У моҳир шоирагина эмас, публицист ва таржимон ҳамдир. Унга Ўзбекистон халқ шоираси (1992) унвони берилган.

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

(1942)



Шоир Ҳабиб Саъдулла замонавий шеъриятимиз камолида муносиб ўринни эгаллайди. У 1942 йилнинг 5 апрелида Наманганда таваллуд топган, уруш даври фарзанди. Шу туфайли у ўқиш билан меҳнат фаолиятини узвий боғлаган. Махсус техника билим юртларида ўқиш билан бирга Тошкентдаги эксковатор заводида электр пайвандчи бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматни адо этгандан сўнг «Муштум», «Ленин учкуни», «Наманган ҳақиқати» каби журнал ва газеталарда мусахҳих, адабий ходим, муҳаррир ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатган. 1971 йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини сиртдан битириб, вилоят миқёсида адабий-маданий ишлар ташкилотчиси сифатида хизматни давом эттирди.

1973—1990 йилларда Ҳабиб Саъдулла Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Наманган вилоят бўлимининг масъул котиби бўлиб ишлади. Ҳозир эса у Наманган вилоят матбуот марказида фаолият кўрсатмоқда.

Унинг ижоди 60-йилларнинг охирида бошланган бўлиб, дастлабки шеърлари вилоят, туман газеталарида пайдо бўлди. 1969 йилга келиб, унинг «Океандан шабада» номли биринчи китоби нашр этилди. Шундан сўнг унинг «Баҳор билан суҳбат», «Мулоқот», «Яна остонангда»,

«Эхтиром», «Усмон атлас», «Нур кадри», «Боғлар юртин боласимиз», «Тазарру», «Кўчамдан жонон ўтганда» каби шеърини тўпламлари нашр бўлди. Шоир «Тонг мусаффо бўлса...» номли публицистик қисса ва мақолаларидан ташкил топган тўпламида ёшликни мусаффо тонгга ўхшатади, одамлардаги меҳнатсеварлик, ҳалоллик, имонлилик, сабот, эътиқод, виждонлилик фазилатларини ардоқлашга даъват этади.

Ҳабиб Саъдулла ўзбек замонавий дostonчилиги ривожига ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Унинг «Туғилган йилим», «Онаизор», «Тирик қурбонлар», «Замин садоси», «Еттинчи китъа», «Эътиқод» ва «Чуст ривояти» каби ғоявий чуқур, бадиий пухта дostonлари шундан далолат деса бўлади.

У драматург сифатида ҳам ижод қилган. Унинг «Юсуф ва Зулайхо», «Меҳр қуёши» драмалари, «Раҳмат, игвогар» комедияси ҳам эътиборга сазовор. Ҳабиб Саъдулла моҳир кўшиқчи, ғазалнавис шоир сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. Унинг «Кўчамдан жонон ўтганда» (1992) номли тўпламига кирган шеърлари шундан далолат бериб туради.

Адибга эл-юрт ва адабиёт олдидаги самарали ва баракали хизматлари учун 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган. У дилбар инсон, меҳрибон ва садоқатли дўст, қолаверса, ширинсухан шоир сифатида ўқувчи, китобхон қалбига кирган. Ана шу ҳурмат ва масъулият ҳисси шоирни доимо ижодга чорлайди:

Бир шеър ёзмоқчиман, биттагина шеър,
Ўша шеърни истаб келдим дунёга!

У 1999 йилда “Ўзбекистон халқ шоири” бўлган.

ОМОН МАТЖОН

(1943)



Истеъдодли шоирларимиздан бири Омон Матжон 1943 йили Хоразм вилоятининг Гурлан туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, Самарканд Давлат университетига тахсил олади. Шўро армиясида хизмат қилади. 1969-1980 йиллар мобайнида у Ғафур Ғуллом номи Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим бошлиғи, сўнгра «Ёшлик» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг «Чўлпон» нашриёти директори вазифасини бажармоқда.

Омон Матжон 60-йиллардан бошлаб матбуотда ўз шеърлари билан кўрина бошлайди. Кейинчалик шоирнинг энг яхши шеърлари «Очик деразалар» (1970), «Карвон кўнғироғи» (1973), «Ёнаётган дарахт» (1977), «Ярадор чакмоқ» (1979), «Ҳаққуш кичкириғи» (1979), «Сени яхши кўраман» (1983), «Гаплашадиган вақтлар» (1986) каби тўпламлардан ўрин олди. Хусусан, «Сени яхши кўраман» тўпламига муҳаббат ҳақидаги шеърлари қаторида санаб ўтилган мажмуаларидаги энг яхши асарлари ҳам сайлаб олинган. Шунга кўра мазкур шеърини тўпламни шоирнинг кичик «Танланган асарлари» деса ҳам бўлади. Бу тўпламлардаги «Аму», «Ойбек», «Шуълалардан ҳайратланиш», «Она деган сўз», «Турналар», «Мезон», «Чорлов», «Ўн учинчи эшик», «Умримиз ҳақида» каби шеърлари ҳозирги ўзбек шеърятининг энг яхши намуналаридан бўлиб, уларда инсон қалбининг турфа кечинмалари ва жилоларини ранг-баранг ташбеҳларда, жозибали образларда ифодалаган.

Омон Матжон ижодига унинг «Чўлдагилар» номи дoston-хроникаси, айниқса «Гаплашадиган вақтлар» номи шеърини қиссаси алоҳида ўринни эгаллайди. Улар ўзининг янгича шакли, оҳанги билан китобхон эътиборини тартади. Қолаверса, қиссада юксак инсоний эътиқод, маънавият ва кадриятлар ҳақида қизгин баҳслар давом этади.

Шоир ижодиди «Имон ёғдуси» (1994) — «Сайланма»си (1997) алоҳида ўрин эгаллайди.

Омон Матжон таржимон сифатида қардош ва чет эллар адабиётларидан кўплаб асарларни она тилига маҳорат билан ағдарган. Хусусан, унинг Ф. Шиллер, Ш. Бодлер каби жаҳон намояндалари ижодидан қилган таржималари эътиборга лойиқдир. У адабиёт олдидаги хизматлари учун Ёшлар мукофоти, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. Омон Матжон Ўзбекистон халқ шоиридир (1993).

РАУФ ПАРФИ

(1943)




Истеъдодли шоир Рауф Парфи 1943 йилда Тошкент вилоятининг Шўралисой қишлоғида дунёга келди. 1960—1965 йилларда Тошкент Давлат университетиди таҳсил олди. Республика кино кўмитасида, Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлади. Ҳозирги кунда «Ёзувчи нашриётида хизмат қилмоқда.

Унинг илк шеърлари 50-йилларнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган бўлса ҳам у 60-йилларнинг ўрталарига келиб, шоир сифатида танилди. Унинг «Карвон йўли» (1968), «Акс-садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1981), «Сукунат» (1991) каби ўнлаб шеърӣ тўпламлари босилиб чиқди. Сўнги йилларда шоирнинг «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» каби журналларда, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон» газеталарида Мустақиллик даврини куйловчи ўнлаб ажойиб шеърлари босилди. У моҳир таржимон сифатида Байроннинг «Манфред», Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», Карло Каладзенинг «Денгиз хаёли» каби асарларини ўз она тилига ўғирди.

Рауф Парфи «Сабр дарахти» (1986) шеърӣй тўплами учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ҳамид Олимжон номидаги совринига мушарраф бўлган. Шунингдек, Туркияда ўтказилган туркигўй шоирлар танловида биринчи ўринни кўлга киритган. 1999 йилда унга “Ўзбекистон халқ шоири” деган юксак унвон берилади.

АБДУЛЛА ШЕР

(1943)



Абдулла Шер 1943 йил 5 августда Тошкент вилояти Чиноз туманининг мискар оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, аввал бошланғич синф ўқитувчиси, сўнг туман газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. 1965—1970 йилларда ТошДУ журналистика факультетида ўқиди. 1969 ва 1978 йилларда «Гулистон» журналида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб ҳамда «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. 1979—1981 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида таълим олиб қайтгач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, «Ёшлик» журналида масъул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котибининг ижодий ишлар бўйича муовини, уюшманинг Тошкент вилоят бўлимининг масъул котиби вазифаларида ишлади.

Абдулла Шернинг дастлабки шеъри 1959 йили Чиноз тумани газетасида босилган. Шундан буён у «Кўклам табассуми» (1973), «Алёр» (1977), «Атиргул сояси» (1979), «Роз» (1980), «Куз ҳилоли» (1983), «Алый шиповник» (1987), «Қадимги куй» (1987), «Нуктадан сўнг» (1989), «Тоқат» (1997) каби ўндан ортик шеърӣй тўпламларини нашр эттирди.

Абдулла Шер шеърӣяти билан танишар эканмиз, у асардан-асарга, тўпладан-тўплагга, йилдан-йилга ижоднинг катта юксак йўли сари интилганига гувоҳ бўламиз. Агар шу маънода унинг дастлабки «Кўклам табассуми» тўпламига кирган шеърлари билан танишсак, унда шоирнинг оддий, аммо беғубор туйғулари, ёшлик орзулари самимий ифода-ланганлигини сезиш қийин эмас. «Атиргул сояси» тўпламида

эса шоирнинг поэтик фикрлари тобора куюклаша бошлаганлиги кўринади:

Мен эзгу куйга ўзни чоғладим
Лекин мос тушмади оҳангга йўлим.
Умримни пардадек созга боғладим,
Йилларки, тор узра муаллақ қўлим.

Асқад Мухтор қайд этганидек, Абдулла Шернинг ўз олдига қўйган ижодий вазифаларидан бири ҳам чуқур замонавий фикрчанлик, айти пайтда замондошларга хос ҳиссий бойлик, шеърятимизнинг анъанавий мусикий раванлигини йўқотмасликдир. Худди шу жиҳатдан шоирнинг «Нуктадан сўнг» тўпламига кирган дoston ва шеърлари эътиборни тортади. Энди шоир ҳаётнинг рангин лаҳзаларини тийраклик билан кузатади, ўзига хос бадий топилмалар воситасида муҳим фалсафий фикрларни ўртага қўяди. Ундаги лирик қаҳрамон гоҳ ўз дарди, ташвиши, гоҳо қувончи билан ҳам сизга яқин бўлиб қолади, сиз уни суйиб қола-сиз, дардлашгингиз келади. «Рух» шеърисида:

Тугилганда мен йиғладим—кулдилар,
Мен энди жим—йиғлашди хўп улар.
Оппок юзим, қонсиз юзим, жонсиз тан,
Аъло тўним—оппоқ кафан,
Тебранади, уҳ!...—узлатнинг бешиги!

Ҳа, мазкур шеър устоз Мақсуд Шайхзода хотирасига шоир қўйган мунгли, армонли бир ҳайкалдир. Хуллас, Абдулла шеървати ўзи бир олам, фикрлар, туйғулар, мушоҳада ва баҳсларга тўла:

Мен олис чорловга тутаман кулок,
Оҳанглар руҳимни чорлаб яшайди:
Учар, гўё бизга ишониб бир чоқ
Боболар қолдирган найга ўхшайди.

Шоир шеърлари ўзбек китобхонигагина эмас, балки козок, қирғиз, озарбойжон, турк, рус, булғор, қолмик, қрим-татар каби халқлар китобхониға ҳам яқин, чунки улар шоир шеърларини ўз тилларида ўқишга муяссар бўлишган.

Абдулла Шер таржима билан ҳам муваффақиятли шуғулланиб келади. У Байроннинг «Дон Жуан» шеърый романини инглиз тилидан, Ҳ. Ҳайненинг «Олмония» достони ва «Қўшиқлар китоби»ни олмон тилидан, Пушкин,

Некрасов, Анна Ахматова асарларини рус тилидан ўзбекчага ўгирган.

Абдулла Шер 1989 йилдан буён Тошкент Давлат университети фалсафа факультетининг этика ва эстетика кафедрасида домлалик қилади. У фалсафа, эстетика ва этика муаммоларига бағишланган қатор мақолалар муаллифидир.

ДАДАХОН НУРИЙ

(1943)



Дадахон Нурий моҳир публицист, лирик қиссалар устаси ва ажойиб ҳажвий ёзувчи сифатида миллий адабиётимиз тараққиётида ўзининг муносиб ўрнига эга. У 1943 йилда Наманган шаҳрида туғилган, урушдан кейинги йилларда Тошкентга келиб, Ҳамза номидаги musiқа билим юртида ўқиди. 1960 йилдан Тошкент Давлат дорилфунунининг Шарқ факультетида ўқиб туриб, Ҳамза номидаги академик драма театрида rassom бўлиб ишлади. Бир неча йиллар давомида махсус мактабларда хинд тилидан сабоқ берди, сўнг «Гулистон», «Гулхан» журналлари ва Ўзбекистон телевидениесида адабий ходим ва муҳаррир бўлиб ишлади.

Унинг дастлабки «Оқшом кўшиқлари» китоби 1962 йилда босилиб чиқади. 1964 йилда унинг «Бегона» деган қисса ва ҳикоялар тўплами чоп қилинади. Мазкур асар Абдулла Қаҳҳордек талабчан устоз эътиборига тушиб, унга адиб оқ йўл беради. Ёзувчининг «Боғларда баҳор» номли қиссаси 1969 йилда нашр қилинади.

Адиб ана шундай ҳикоя ва қиссалар ёзишдан орттирган тажрибасига таяниб, ўзининг «Осмон устун» (1976) номли романини ёзди. Шундан сўнг адибнинг роман, қисса ва ҳикояларидан ташкил топган «Бегона» номли китоби, «Шаҳар тегирмони» қиссаси алоҳида китоб ҳолида чоп этилади. Хуллас, адиб ҳикоя ёзадими, қисса ёки роман ёзадими, у замон ва замондошлар тақдирини умумлаштиришга ҳаракат қилади. Гоҳо лирик йўсинда, гоҳо жиддий.

вазмин эпик услубда фикр юритади. Энг муҳими, Дадахон Нурий яратган деярли барча насрий асарларда ёшлар ҳаёти, орзу-интилишлари, муҳаббат ва садоқат туйғулари ўз ифодасини топади. Айтиш керакки, Дадахон Нурий ўзи яратган ҳикоя, қисса ва романлари билан қанчалик китобхонга яқин ва эътиборга кирган бўлмасин, у моҳир публицист сифатида яна ҳам обрўсига обрў қўшди, ўқувчи доираси янада кенгайди.

У Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Ойбек номидаги мукофотиغا сазовор бўлган. Адиб яратган «Отга қўнғирок», «Раддия», «Буйруқ», «Пском осмонида қора булутлар», «Шаҳар гилдираги», «Тошкентга бомба керакми?», «Мушоҳада», «Биздан кейин нима қолади?», «Ёв чиққон»да нима гап?», «Катта карвон йўлидаги сунъий ғовлар», «Саботаж», «Тўнкарилган дарахт» каби ўнлаб публицистик асарлар ўз мавзуининг долзарблигидан, ҳужжатлилиги ва фош этувчи қуввати билан ҳам ҳозирги ўзбек публицистикасининг ёрқин намуналари бўлиб қолди.

«Хумсондан чиққан пошшо» асари эса адибнинг моҳир ҳажвчи сифатидаги маҳоратидан далолат беради. Ҳозир у маънавий-ахлоқий муаммони кўтарган «Бадном» деган янги асарини тугатиш арафасида.

ЗОҲИР АЪЛАМ

(1943)



Ёзувчи Зоҳир Аълам уруш даври фарзанди. У 1943 йилда Тошкентда туғилди, аввал мактабда, сўнгра Тошкент Давлат университетиде ўқиди. Университетнинг кечки бўлимида ўқишнинг туфайли кундузи «Ўзбек трактор йигув» заводида чархчи бўлиб ишлаган. Аммо ўқишга бўлган иштиёқи уни ишдан бўшаб, ўқишнинг кундузги бўлимига ўтишга чорлайди ва уни 1965 йилда битиради. Армия сафида хизмат қилади, кичик лейтенант унвони билан армиядан бўшатилади. Шундан сўнг у 1967 йилдан бошлаб «Ўзбекистон» нашриётига ишга ўтади. Аини чоғда

Тошкент Давлат дорилфунунининг сиртки аспирантура-сида ўқийди. Зоҳир Аъламнинг биринчи китоби «Бахтли билет» номи билан 1972 йилда чоп этилган. У «Шарқ юлдузи» журналида ишлаб турган даврида «Муқаддима» (1978), «БAM манзаралари» (1978), «Кийик қўзлари» (1981) каби китоблари нашр этилади. Шу даврда у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига аъзо ҳам бўлади (1978). 1981 йил унинг ижодида муҳим бурилиш лаҳзаси бўлди. Адибнинг «Ўсма кетар, қош қолар» ҳикояси «Шарқ юлдузи» журналининг декабрь сонида эълон қилинган, анча баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Зеро, асар араб халифалигининг Ўрта Осиёни босиб олиши мавзусига бағишланган бўлиб, хусусан, унда Бухоронинг забт этилиши кўрсатилган эди. Аслида мазкур ҳикоя «Бухородаги биринчи номоз» номли яратиладиган роман учун бир ижодий тайёргарлик ҳам эди. Бирок, ўша даврдаги ҳукмрон мафкура мазкур асарнинг юзага келишига имкон бермади, адиб орзулари чилпарчин бўлди.

Шундан сўнг у таржима билан шуғуллана бошлайди. Хусусан, болгар мумтоз адабиёти намояндаси Павел Васильевнинг «Тўсиқ», «Ўлчамлар» каби кинисаларини, рус адиби Сергей Залигиннинг «Комиссия» романини ўзбек тилига ағдарди ва чоп эттирди.

1985 йилда адибнинг яна бир янги ҳужжатли қиссаси юзага келади. Қисса «Ота ўғитлари» деб аталган бўлиб, унда Ўрта Осиёда илк бор лимонни «ўтроклаштириш» устаси З. Фахриддинов ҳақида ҳикоя қилинади. Шу йилларда унинг «Афандининг қирқ бир пашшаси» номли пьесаси болалар кўғирчоқ театрида саҳналаштирилади. Асар рус ва болгар тилларида ҳам саҳналаштирилади. Кўп ўтмай мазкур пьеса асосида ва шу номда қисса (1989) юзага келади.

Зоҳир Аълам моҳир публицист сифатида ҳам анча самарали ижод қилади. Унинг «Боёвут» (1986), «Майиз атрофидаги гаплар» (1990), «Жомбой хангомалари» (1991) каби публицистик маколаларида даврнинг катта ва долзарб муаммолари ўз ифодасини топади. Хусусан, иктисодиёт, хўжалик ишлари, ҳуқуқ тарғиботлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этилади. Бу борадаги камчиликлар очиб ташланади.

Зоҳир Аъламни ҳаётнинг энг қизғин нуқта томири доимо ўзига тортиб келади. У Собик Иттифокнинг Бухоро—Урал газ қурилиши, БAM қурилиши, Болтик бўйи ва Кавказ орти республикаларида ўзи кўрган, кузатган ва мушоҳа-

дасига сигган воқеалар ҳақида асарлар яратган. З. Аълам ҳозирги пайтда Мустақиллик ғояси ҳақидаги янги фалсафий эссесини ёзмоқда.

ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА

(1944)



Шоира Турсуной Содикова асли андижонлик. Кетма-кет фарзанд доғида ёнган онаси унга умид билан «Турсуной» деб исм қўйган. У уруш даврининг фарзанди. 1944 йил кузида таваллуд топган. Сўнг Тошкентга кўчиб келишган. Ўрта мактабни ҳам шу ерда тугатган. 1961—1966 йилларда Тошкент Давлат дорилфунунида таҳсил олган. Оилали, тўрт фарзанди бор. Шоира кулиб: «Иккитаси ок,

иккитаси кизил» (икки ўғил, икки қиз), дейди. «Уйим куёшига» шеърларида эса «Нурларга белайин энди икки ўғил, икки қизимни» деб фотиҳа тортади.

Турсуной Содикованинг меҳнат фаолияти ўрта мактабларда дарс беришдан бошланган бўлиб, ёшлар ташкилотларида, кейинчалик Андижон Давлат тиллар институтида давом этади. Ҳозирги кунда эса Республика «Маънавият ва маърифат» марказида бўлим бошлиғи сифатида фаолият кўрсатмоқда. У филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Турсуной Содикованинг ижоди 60- йиллардан бошланган бўлса ҳам унинг илк шеърий тўплами «Куй» номи билан 1976 йилда чоп этилган. Шундан бери «Гул фасли» (1981), «Иқбол» (1984), «Дил гавҳари» (1985), «Излай-излай топганим» (1988), «Гиря» (1994) каби ўнга яқин шеърий гулдасталар яратиб, ўз ўқувчиларига тақдим этди. Шунингдек, одоб-ахлоқ мавзуларида битилган мақолаларини «Андиша» (1988), «Меҳригиё» (1989), «Бахтли бўлинг» (1989), «Бахт нима?» (1994), «Ўзбек шеъриятида анъана ва ўзига хослик» каби номлар билан тўплам ва қўлланмалар тарзида нашр эттирди.

Шоира сифатида ҳам куйган, ҳам суйган қалб изтиробларини куйга солишни ёктиради:

«Шеър битмадим, аммо бағрим токи тигланмагунча, шеърмас дедим, ёзганимдан ўзим йиғламагунча!»

Яши шеър оромбахш куйдек кишига ҳузур бағишлайди. Туйғуларни китиклаб, орзу-ўйларга, хаёлларга етаклайди. Турсуной «Ўқувчимга» шеърда меҳрибон мураббий, кечиримли она сифатида намоён бўлади.

Маълумки, она мавзуи муҳаббат мавзуи каби боқийдир. Шоира она ҳақида куйлар экан, ҳеч кимни такрорламайди. Тўпلامдаги кўпчилик шеърлар катта бир дард билан, зўр зарб билан ёзилганлигини ҳис этиш қийин эмас.

Турсуной шеърлари гоҳ ўйноқи, шўх шалолалардек завқли, қудратли, гоҳ оғир, вазмин, ўй-хаёлга толдирувчи, инсон, ҳаёт, муҳаббат ва тақдир ҳақида яна ҳам чуқурроқ фикрлашга даъват этувчидир. У «Фирок» деган бир шеърда дарёга мурожаат этиб: «Бетоқатсан, тошқин оқасан», деган эди. Шоиранинг кейинги «Иқбол», «Дил гавҳари», «Гиря» каби шеърий тўпلامларидаги кўпчилик асарларида ҳам ана шу ҳолат кўзга яққол ташланиб туради.

Турсуной Содиқова шоирагина эмас, публицист сифатида ҳам эл-юрт ардоғига кирган. Хусусан, унинг «Андиша», «Бахт нима?», «Меҳригиё» каби публицистик мақолалар тўплами ўқувчини ҳаяжонга солмай, фикр-ўйларини кўзғотмай қолмайди.

Бу тўпلامлар билан танишган китобхон бир вақтда ҳам шоира, ҳам олима, ҳам тарбиячи, ҳам вафодор аёл ва меҳрибон она билан суҳбат кургандек бўлади.

ЖОНИБЕК СУБҲОН

(1944)



Жонибек Субҳон (Жонибек Сувонкулов) 1944 йил 9 июнда Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган. Аввал шу кишлоқдаги етти йиллик, кейин Ёмдаги ўн йиллик мактабни 1959 йилда битирди. 1962 йилда Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди ва уни ҳарбий хизматдан кейин 1970 йилда битирди.

1970—1980 йилларда «Сирдарё ҳақиқати» газетасида ишлади, 1980—1984 йилларда ЎзТАГнинг (ҳозирги «ЎЗА») Сирдарё вилояти бўйича ўз муҳбири бўлди. 1984—1986 йилларда Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлади. 1986 йилдан бери Ғофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб келади.

Шеър ва ҳикоялари 1962 йилдан бери вилоят ва республика матбуотида эълон қилинади. 1982 йилда Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган.

Биринчи шеърӣ тўплами «Зангори уфқлар» 1978 йилда чоп этилган. «Қирралар» (1988), «Ота макон» (1991), «Тазарру онлари» (1993), «Силсила» (1994), «Рўё» (1994) шеърӣ тўплamlари нашр этилган. Шунингдек, у «Сенга интиламан» (1987), «Катта ҳаёт бўсағасида» (1987), «Замон кўнғироғи» (1990) тўплamlарининг ҳам муаллифи.

Жонибек Субҳоннинг аруз вазнида ёзилган «Безовта рух» достони буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган.

Ҳозир у аруз вазнида ижод қилишга эътибор бермоқда. «Париқишлоқ» ривояти, Қуръони Карим мавзуларида биттилган «Мадянлар фожеаси» достони, қатор ғазаллари бунга мисолдир. Болаларга атаб ёзилган шеърлари, «Суваракнома» мажозий достони бор.

Жонибек Субҳоннинг таржимаи ҳоли, тақдири, босиб ўтган ижодий йўли оддий. Бирок унинг шеърятини

товланувчан, маъно моҳиятига кўра чуқур фалсафий шеърят деса бўлади. Айниқса, унинг «Силсила» тўпламига кирган кўпчилик шеърлари шеърят ишқибозларини бефарқ қолдирмайди. Хусусан, мазкур тўпламга кирган бир қатор ғазаллар ўқувчи хаёлини тарихга, замонга, келажакка очиқ ҳақиқат, инсоф, диёнат кўзи билан боқишга даъват этади «Дунё экан» шеърисида:

Кўнгли очикларга ёпикдир бу дунё копкаси.

Ким мунофиқроки, унга сирри фош дунё экан,—

деган қарорга келади.

Хуллас, Жонибек Субҳон ижоди маънавиятга, гузалликка, нафисликка чорловчи шеърятдан иборат.

ХОЖИАКБАР ШАЙХОВ (ХОЖИАКБАР ИСЛОМ ШАЙХ)

(1945)



Ҳожиакбар Шайхов 1945 йилда Хитой Халқ Республикасининг Шинжон вилоятидаги Чугучак шаҳрида туғилган. Отабоболари асли тошкентлик. Улар 20-йилларда большевикларнинг «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсатидан қочиб, Шарқий Туркистонга кетишган. 1955 йилда она юртга қайтишга муваффақ бўлишган. Ҳ. Шайхов олий маълумотли—Тошкент Политехника институ-

тининг энергетика факультетини тугатган.

Меҳнат фаолиятини Ўрта Осиё электр тармоқлари қурилиши корхонасида муҳандислик лавозимидан бошлаган. 1981—1983 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида етакчи муҳандис вазифасида хизмат қилган. 1983 йилдан у адабиёт соҳасига ўтиб, «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий ишлар бўйича муовини лавозимларида ишлаган. 1990 йилдан «Сирли олам» журнали ва унинг иловаси—«Қалб кўзи» газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишлаб келади.

Ҳожиакбар Шайхов 30 дан зиёд илмий-фантастик ҳикоялар, қиссалар ва романлар муаллифи. Айрим асарлари хорижда, жумладан, Франция, Чехословакия, Венгрия, Испания, Булгория, Ҳиндистон ва бир қатор бошқа мамлакатларда чоп этилган.

Ҳожиакбар Шайховнинг «Олмос жилоси», «Телба дунё», «Туташ оламлар» номли фантастик қисса ва романлари ўқувчи ёшларнинг сеvimли китобларига айланган. Унинг «Туташ оламлар» романи эса адабий танқидчилик томонидан ўзбек адабиётидаги биринчи мистик асар сифатида эътироф этилган.

Ҳожиакбар Шайхов асарларида ҳозирги жаҳон фантастик адабиётининг ҳамма зарур белгилари мавжуд, яъни ундаги воқеалар Ердагина эмас, бутун Коинотда, қўшни Галлактикаларда содир бўлади. Ҳожиакбарнинг қаҳрамонлари роботлар, ўзга сайёраликлар, одамларга ўхшаган ёхуд ўхшамаган махлуқотлар. Бирок, воқеалар силсиласи қанчалик ғайритабиий, қаҳрамонлар эса қанчалик ғаройиб бўлмасин, улар охир-оқибатда қай бир томонлари билан одамларнинг бугунги ҳаётига, бугунги ташвишларига боғланиб кетади. Адиб бир-бирдан қизиқ, мароқли саргузаштлар тўқиб, китобхон ҳаёлини банд қилиши эмас, балки инсоннинг мангу муаммоларини ўртага ташлаб, инсон виждонига мурожаат қилиб, уни гафлат уйқусидан уйғотишни ва баркамолроқ бўлишини ўйлайди. Шунинг учун Ҳожиакбар асарларининг замирида инсон ҳаётининг маъноси, инсон имони, эътиқоди, ҳалоллик, поклик масалалари ётади. Адиб илмий-фантастик шаклларда эзгулик ва ёвузлик, тўғрилиқ ва эгрилик, бағрикенглик ва худбинлик ўртасидаги курашни кўрсатади. Худди шу жиҳатлари билан Ҳожиакбарнинг асарлари адабиёт ва санъат ҳодисасига айланади, китобхонларнинг юрагини забт этади.

НОРТЎХТА ҚИЛИЧ

(1946)



Нортўхта Қилич 1946 йили Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган. 1971 йилда Тошкент Давлат университетини тугатгач, «Бухоро ҳақиқати», «Хоразм ҳақиқати», «Тошкент окшоми» газеталарида, «Шарк юлдузи» журналида, Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаган. Ҳозир у хусусий корхонада фаолият кўрсатмоқда.

Нортўхта Қиличнинг илк ҳикоялари 60-йиллари туман газетасида босилиб чиққан. Унинг «Оппоқ тонг» номли биринчи ҳикоялар тўплами 1981 йилда нашр қилинган. Ўшандан бери унинг «Ёронгул» (1981), «Мўъжиза» (1984), «Чиғирик» (1988), «Байрам» (1991), «Илтижо» (1992) номли ҳикоя ва қиссалар тўплamlари нашр этилган.

Нортўхта Қиличнинг «Байрам» тўпламига кирган қисса ва ҳикоялари адиб ижодининг сараси бўлиб, унда муаллиф инсон тақдири ва ҳаёт маъноси ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Асар марказидаги воқеалар кўп ҳолларда драматик ўткир теранлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Айниқса, ундаги қаҳрамонлар ўзларининг маънавий-ахлоқий поклиги билан ўқувчига маънавий озик беради, эстетик завқ бағишлайди. Шунингдек, адиб асарлари бадий соддалиги ва раволиги билан уларнинг ўқимишли бўлишини таъминлайди.

Ёзувчининг «Виждон ҳукми» номли қисса ва ҳикоялар тўплами 1993 йилда қорақалпоқ тилида чоп қилинди.

ТОҲИР МАЛИК

(1946)



Тоҳир Малик 1946 йили Тошкентда, зиёли оиласида дунёга келган. У ўрта мактабни тугатгандан кейин кундузи қурилишда ишлаб, кечқурун Тошкент Давлат университети-нинг журналистика бўлимида ўқиди. Мактабларда ўқитувчилик қилди, нашриётларда хизмат этди. «Ленин учқуни» газетасида, Республика радио ва телевидение кўмитасида, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналларида адабий ходим, масъул

котиб ва бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида эса котиб бўлиб хизмат қилди.

Тоҳир Маликнинг биринчи асари 1971 йилда «Хикмат афандининг ўлими» номи билан чоп этилган. Сўнгра у «Захарли гўбор» (1978) илмий-фантастик асари, «Сомон йўли элчилари» (1979), «Чорраҳада қолган одамлар» (1985), «Қалдирғоч» (1987), «Бир кўча, бир кеча» (1988), «Алвидо, болалик» (1989), «Сўнгги ўқ» (1990) каби ўнлаб ҳикоя ва қиссалар тўпламларини чоп этди. У яратган насрий асарлар ўзига хос услуби билан ажралиб туради. Ёзувчи кўпинча фантастик, илмий-фантастик ва саргузашт жанрларда ёзади. Шу билан бирга у «Қалдирғоч» каби эпик асарлар ҳам яратган. Мазкур қисса Абдулла Авлоний тақдири мисолида 20-йиллар ўзбек зиёлиларининг шаклланиши ҳақида баҳс юритади. Ёзувчининг «Сўнгги ўқ» қиссаси асосида 1994 йили телефильм суратга олинган.

Тоҳир Малик моҳир романнавис сифатида ҳам адабий жараёнга ўз хиссасини қўша бошлади. Унинг «Шайтанат» (I китоб, 1992), (II китоб, 1995), (III китоб, 1997) романи ўзининг маънавий-ахлоқий муаммолари билан талабчан китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборини қозонди. Шунингдек, муаллиф «Ёв» (1995) номли қисса ҳам яратган.

Тоҳир Малик моҳир ҳикоянавис, қиссанавис ва романнависгина эмас, моҳир журналист ва таржимон сифатида ҳам фаол хизмат қилиб келмоқда.

ИСФАНДИЁР

(1946)



Исфандиёр Кимсан ўгли Маткаримов асосан рус тилида ижод қилувчи адиблар сирасига киради. У Фарғонанинг Марғилон шаҳрида 1946 йилда таваллуд топган. 1963 йилда ишчи-ёшлар мактабини тугатиб, Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтига ўқишга киради ва уни 1969 йилда тугатади. 1971 йилда эса Фарғонадаги муסיқа ўқув юртини ҳам битиради. Шундан сўнг Москва-

даги М. Горький номли Адабиёт институтининг наср бўлимида атокли адиб Юрий Трифонов кўлида таҳсил олади. 1978 йилда институтни тугатгач, Тошкентдаги «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарист бўлиб ишлай бошлайди. 1979 йилда яна Москвага бориб, «Давлаткино» қошидаги Олий сценаристлар курсида ўқийди ва уни 1981 йилда тугатади. Тошкентдаги «Ёш гвардия» наشريётида хизмат қилади. 1992—1997 йилларда Тошкент юридик институтида таҳсил олади. 1996 йилдан эса адвокатлик лавозимида ишлаб келмоқда.

Исфандиёрнинг ижоди 70- йилларнинг ўрталаридан бошланган бўлиб, дастлаб ҳикоя, мақола ва тақризлар ёзабошлайди. Қарийб йигирма йил (1978—1997) давомида адибнинг «Саратон», «Мени тонгда уйготинг», «Қасам», «Қасоскор», «Хун», «Қайтиш», «Ўғри», «Инқироз ёхуд генераллар ўйини» каби ўнга яқин қисса ва романлари чоп этилади.

У драматург—комедиограф сифатида эса «Отасининг қизи», «Ишонмасанг ўламан, хотин», «Ғаройиб дори», «Сенинг тақдиринг» каби саҳна асарларини яратади. Унинг пьесалари республика вилоятлари театрларида ва қардош халқлар саҳналарида муваффақият билан қўйилиб келинмоқда.

Исфандиёр сценарист сифатида ҳам баракали ва самарали ижод қилиб келмоқда. «XX аср динозаврлари», «Қон ила йўғрилган муҳаббат» ва «Лоқайдлик мезони» фильмлари томошабин ва мутахассислар эътиборини қозонган. Исфан-

диёрнинг «Инқироз ёхуд генераллар ўйини» номли романи адиб истеъдодининг камолат сари кўтарилаётганлигидан далолат беради.

ЁҚУТХОН РАҲИМОВА

(1947)



Инсон нур ортидан кетаётган йўловчи каби юксак чўққи сари интилади. Бу машаққатли ва узок йўлда неча-неча довларни ошиб ўтади. Йўлда учраган, оёғига ботган чагир тошларга эътибор бермайди. Ахир олдинда Нур бор!

Шундай эзгу истак ила адабиёт майдонига кириб келган, ажиб қисса ва ҳикоялари билан одамлар қалбидан ўрин олган Ёқутхон Раҳимова 1947 йил

1 январда Тошкентда зиёли оиласида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, у одатдагидек, филология ёки журналистика факультетларига эмас, Тошкент Давлат Политехника институтига боради. Уни муваффақиятли тугатиб, муҳандис мақомини олади. Бирок, унда адабиётга уйғонган ҳавас устун келиб, бадиий ижод соҳасига етаклаб келади.

Унинг ҳикоя, қисса ва бадиҳалари республика газета ва журналларида тез-тез босилиб туради.

Ёқутхоннинг дастлабки «Кўришгунча, хайр!» номли қиссаси «Шарқ юлдузи» журналида (1979) босилгач, у адабий жамоатчилик ва китобхон эътиборига тушади. Адибанинг «Ғурур» номли илк ҳикоялар тўплами (1978) «Камалак» (собиқ «Ёш гвардия») нашриётида чоп этилган. Шунингдек, унинг ёшлар ва ўсмирлар учун ёзилган «Кўнгил» номли қисса ва ҳикоялар тўплами ҳам нашр қилинган.

Ёқутхон Раҳимованинг ўзбек ва рус тилларида чоп қилинган «Бу Сизга, ойижон!» (1987) номли ҳикоялар тўплами болаларга бағишланган. Адибанинг ушбу «Бу Сизга, ойижон!» номли тўпламидаги жажжи кичкинтойларга аталган ҳикоялари ўзининг бегубор ва ширин тили, содда

ва аниқ ифодалилиги билан ёш китобхонларни ўзига ром қилади.

Унинг кўпгина ҳикоялари чет ва қардош халқлар тил-ларига ҳам таржима қилинган.

Ёқутхон Раҳимова 1980 йилдан буён Ёзувчилар уюшма-сининг аъзоси, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

У ҳозирги кунда “Ғунча” журналида бош муҳаррир бўлиб ишламоқда.

АНВАР ОБИДЖОН

(1947)



Ҳажвий адабиёт анъанала-рини муваффақият билан ри-вожлантириб келаётган истеъ-додли адиблардан бири Анвар Обиджон шоир, носир ва драматург сифатида ўнлаб тўп-ламлар, китоблар нашр этиб улгурди.

Анвар Обиджон Фарғона ви-лояти, Олтиариқ туманининг Полосон қишлоғида 1947 йил-нинг 25 январида оддий хизмат-чи оиласида таваллуд топган.

У ҳамкасблари каби тўғридан-тўғри ижодга кириб келмади. 1964 йилда ўрта мактабни тугатгач, Самарқанд молия техникумида ўқиди. Ҳарбий хизматдан (1966—1969) қайт-гач, 1969—1971 йилларда жамоа хўжалигида ҳисобчи, клуб мудири, туман газетаси, вилоят радиосида турли вазифаларни бажарди, Тошкент Давлат университети-нинг журналистика факультетини сиртдан тамомлади. 1981 йилдан бошлаб у Тошкентга кўчиб келиб, «Ёш гвардия» нашриёти, «Ёш куч», «Муштум» журналларида ишлади.

Анвар Обиджон ижоди гарча 60- йиллардан бошланган бўлса ҳам, унинг биринчи китоби 1974 йилда «Она ер» номи билан «Ёш гвардия» нашриётида босилиб чиқади. Шундан буён қарийб 20 йил давомида «Масхарабоз бола» (1980), «Баҳромнинг ҳикоялари» (1984), «Оловжон ва унинг дўст-лари» (1983), «Эй, ёруғ дунё» (1983), «Кетмагил» (1985), «Безгакшамол» (1985), «Жуда қизиқ воқеа» (1987),

«Олтин юракли автобола» (1988), «Даҳшатли Мешполвон» (1990) каби шеърӣй ва насрий китоблари чоп этилади. Булардан ташқари, адибнинг «Қўнғироқли ёлғончи», «Паҳлавоннинг ўғирланиши» каби пьесалари саҳна юзини кўради. Мазкур асарларда ҳаётдаги нопок томонлар, иллатлар, нуқсонлар гоҳ аччиқ, гоҳ истеҳзоли, гоҳ майин кулги воситасида фош этилади.

Анвар Обиджон кейинчалик «Рамазон ва Гулмат ҳангомаси» (1992), «Мешполвоннинг жанглари» (1994), «Алишер ила Ҳусайн ёки уч доно ва ўғри» (1996), «Тўтиқуш», «Топсанг ҳай-ҳай...» каби қисса, пьеса ва шеър, дostonларини ҳам яратди. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллигида «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлди.

ИСМОИЛ ТЎЛАК

(1947)



Исмоил Тўлак ҳам истеъдодли шоир, ҳам таниқли адабиётшунос олим сифатида миллий ўзбек адабиёти ривожига ўз улушини қўшиб келаётир. У Андижоннинг Хорабек қишлоғида 1947 йилда таваллуд топган. Бўтақора қишлоғидаги мактаб-интернатни тугатиб, Андижон Давлат педагогика институтида ўқиган. Уни 1969 йилда тугатиб, ҳарбий хизматда бўлган. 1971—1995 йилларда ўзи таҳсил олган

олий ўқув юртида фаолият кўрсатган. Ҳозирги кунда Андижон Давлат Тиллар институтида дарс беради. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест марказида масъул вазифани ўтайди.

У шоир сифатида 60-йилларнинг иккинчи ярмида кўзга ташланган бўлса ҳам, биринчи шеърӣй тўплами «Сени ўйлаб» номи билан 1977 йилда чоп этилган эди. Шундан сўнг шоирнинг «Тўрғай» (1983), «Кенгликлар» (1984), «Яшил сабо» (1989), «Муҳаббат шеваси» (1995),

«Соғинч довони» (1997) каби бир неча шеърӣй мажмуалари яратилди. Мазкур тўпламлар бир-бирининг давоми бўлиб, шоир айтмоқчи, фикрларни тўлдириб, бойитиб келади. Шоирнинг «Муҳаббат шеваси» (1993) тўпламида шоир ижодининг илк давридан ҳозиргача бўлган ижодий йўли кўзга яққол ташланиб туради. Мазкур шеърларда шоир инсон қалби гўзалликлари-ю, фожеаларигача чизишга интилади. У чизган манзара инсон маънавиятидаги имон, виждон, инсоф, диёнат, бурч, масъулият, эътиқод маъноларига омукта бўлиб, қадрият, оқибат деган ноёб тушунчаларни ҳам ифодалайди. Бунинг учун катта-катта манзара, характер, қаҳрамоннинг бутун ва яхлит қиёфасини яратиб ўтирмайди. Бир зум, бир дақиқа, бир лаҳза — унинг шеърлари ифодасида абадиятга киради. Жумладан, шоирнинг «Муҳаббат шеваси» шеърисидаги:

Муҳаббатнинг қадим шеваларида
Битилган севгининг битик тошини
Қолдириб кетаман.
Муҳаббатнинг содик беваларига,—

каби мисраларда ҳам лаҳза, ҳам абадиятга дахлдорлик битиктош тимсолида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Шоирнинг «Нидо», «Исёнкор руҳлар», «Кўксимдаги ҳақиқат», «Дўстимга деган сўз» каби ўнлаб шеърларида эса ўзгача ҳаёт кечади. Ҳақиқат, адолат, самимийлик, беғуборлик, инсонийлик, армон туйғулари ушбу шеърлар мағзи-мағзини ташкил этади. Бинобарин, шоир ҳеч кимни ва ҳатто ўзини ҳам такрорламасликка интилади, ўз сози, овозини эҳтиёт сақлайди, мустақилликка интилади. Ўзига хос шоир сифатида бадиий маънавиятимиз камолига сезиларли ҳисса қўшади.

Исмоил Тўлак адабиётшунос олим ҳамдир. 1981 йилда номзодлик ҳимоясини ёқлаган. 1994 йили эса «Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва лирик қаҳрамон талқини» мавзuida докторлик ҳимоясини ёқлаб, филология фанлари доктори деган илмий даражага эга бўлган.

Муаллиф, бундан ташқари «Нурли манзиллар» (1992), «XX аср ўзбек адабиёти» (1993), «Шеър—қалб ёлқини» (1994) каби рисоаларини эълон қилган.

МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВ

(1947)



Маматқул Ҳазратқулов адабиётимизга 60-йилларнинг иккинчи ярмида кириб келган бўлса ҳам унинг асарлари 80-йиллардан нашр этила бошлаган. У журналист, носир ва таржимон сифатида маълум.

Маматқул Ҳазратқулов 1947 йили Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Мингбулоқ қишлоғида туғилган. 1964 йилда ўрта мактабни битириб, ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга кирган. Кечки бўлимда ўқиш билан бирга 1965 йилдан эътиборан «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакциясида ишлаган. 1981 йилдан 1991 йилгача «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида масъул котиб вазифасида хизмат қилган. 1991—1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифада ишлаган. 1993 йил мартдан Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги—ЎзАнинг бош директори лавозимида хизмат қилган. Ҳозир эса Ўзбекистон кинокомпаниясида масъул вазифада ишлайди.

Унинг дастлабки машқлари талабалик йилларида эълон қилинган. Ҳозиргача «Оқ қуш» (1981), «Чўли ирок» (1983), «Ҳаётнинг бир парчаси» (1983), «Интизор» (1985), «Қуёш мен томонда» (1986), «Қўзичоқнинг кўз ёшлари» (1987), «Журъат» (1988), «Эшиклар очик» (1995) каби ҳикоя ва қиссалар тўпламлари нашр этилган. «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Звезда Востока» журналларида бир неча ҳикоя ва қиссалари босилган. «Меҳр кўп кўргаздим» (1985), «Меҳмон» (1986), «Қадрим» (1992), «Афандининг янги саргузаштлари» (1993) номли пьесалари республикамизнинг марказий ва вилоят театрларида саҳналаштирилган. Бир неча новелла ва ҳикоялари, телефьесалари телевидение орқали намойиш қилинган.

Адибнинг ҳикоя ва қиссалари рус, татар, озарбойжон, қорақалпоқ тилларига ҳам таржима қилинган. Таржимон сифатида у Л. Толстой, В. Шукшин каби рус адиблари,

шунингдек, озарбойжон, тожик, татар ва япон ёзувчиларининг хикоя ва киссаларини ўзбек тилига ўгирган.

«Лев Толстой ва ўзбек адабиёти» (1978) деган рисола ҳам нашр эттирган.

Адибга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» унвони берилган.

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

(1947)



Шоир ва носир Қамчибек Кенжа Андижоннинг Избоскан туманида деҳқон оиласида туғилган. Бўлғуси адиб етуқлик шаҳодатномасини олгач, 1964—1969 йилларда Тошкент Давлат университетининг аввал журналистика, сўнг филология факультетларида ўқиб, битирган. «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати») газетасида ишлаган. 1979 йилда ўз юртига қайтиб, мактабларда ўқитувчилик қилган. 1980 йилдан эса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадий адабиётни тарғиб этиш бюросининг Андижон вилоятидаги вакили бўлиб ишлаган. 1983 йилда яна Тошкентга келиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи лавозимларида фаолият кўрсатган. 1985 йилдан то шу кунгача у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлимининг масъул котибидир.

Қамчибек адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига дастлаб шоир сифатида кириб келган. Унинг биринчи шеърий тўплами 1975 йилда «Согинч» номи билан босилган. Адибнинг «Яшил барг» деган биринчи ҳикоялар тўплами эса 1977 йилда чоп бўлган. Агар унинг шеърий асарлари ўзининг жозибadorлиги ва самимийлиги билан ўқувчини мафтун этса, насрий асарлари, хусусан, ҳикоялари замондош ёшлар характериға хос ёқимли, ҳам нохуш қирраларни ишонарли тарзда очиб бериши билан ажралиб туради. Адиб ким ва нима ҳақда ҳикоя қилмасин, ёшлар характе-

рига хос ички кечинма ва ҳолатларни бутун нозиклиги билан умумлаштириб беришга ҳаракат қилади.

Мана шу ҳолат адибнинг кейинги йилларда нашр этилган бир қатор китобларига ҳам файз ва маъно бағишлаб туради. Хусусан, унинг «Кўнгил кўчалари» (1979), «Ишқинг тушса» (1981), «Орзумандлар» (1989), «Соҳилдаги сув париси» (1993) каби насрий ва шеърий китоблари талабчан ўқувчининг маънавий камолотига хизмат этади. Шунингдек, адибнинг «Соҳибжамол аёл сири» (1992), «Муҳаббатни гуноҳ десалар...» (1997) каби ҳикоя ва шеърлар тўпламлари ҳам чоп бўлган. Айни чоғда янги таржималари ҳамда Бобур номи Халқаро экспедиция аъзоси сифатида «Ҳинд сориға саёҳат» номли сафарномаси нашр этилиш арафасида турибди. У моҳир таржимон ҳамдир. Ана шу хизматлари учун адиб юртимизнинг «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган.

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

(1947)



Эҳтиросли ва истеъдодли шоира, мушоҳаданавис журналист, фаол жамоатчи, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева 1947 йилнинг 17 майида Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида деҳқон оиласида тугилган. «Отам, — деб эслайди шоира, — адабиётга ихлосманд одам бўлиб, ўртоқлари билан тез-тез йиғилишиб туришарди. Улар чақчақлашиб суҳбат қуриб, китобхонлик қилган-

ларида уйимизда тонготар базм бўларди. Қиблагоҳим отам китоблар кироатини жойига келтириб ғалати, юракни ларзага келтирувчи бир хониш билан ўқирдилар. Ижодкор бўлиб, озгина нимагадир эришган бўлсам бунинг учун мен аввало ўз онам Шарофат Хонназар қизи, отам Умнатқулбой Худойберди ўғлини... кейин онаизорим Қаршигул Хонназар кизини пойига қўйиб, кўнглимни изҳор қилмоғим лозим», дейди шоира. Ҳа, айтганча, Ҳалимахон

икки ёшида онаси Шарофат опа (35 ёшида) ҳаётдан қўз юмади. Бўлғуси шоирага холаси—Қаршигул Хонназар қизи оналик қилади. «Эс-эс биламан,— дейди Ҳалимахон,— Қаршигул ая—кечалари чироғ ёруғида қарсиллатиб, қилич солиб, пат тўкир, мен у кишининг ёнида ўтириб, басма-бас патнинг турини чалишардим. Пат гилам гулининг бирор жойи бузилмай чиқаётганини кўрган онам «Ўзимни чевар қизим», деб пешонамдан ўпиб қўяр ва кўнгиллари ийиб кетса, ўзининг қаттиқ бошидан кечган бир-ярим воқеаларни ҳикоя қилиб берардилар. Менинг анчагина асарларим, шулардан, «Бир ўрим соч тарихи», «Сайрам бахши айтимлари», «Ҳиндиқушдан нола келди» шеърларим, «Илинж» дostonим айнан онаизорим таъсирида битилгандир». Ҳозир эса Ҳалимахоннинг оиласида «Кўш олчадай икки қиз, уч ўғил ўсаяпти»..

Ана шу беш фарзанднинг онаси Ҳалима Худойбердиева ўрта мактабдан сўнг 1968—1972 йилларда Тошкент Давлат университетиде таълим олди. Сўнгра, «Саодат» журналида аввал бўлим бошлиғи, муҳаррир ўринбосари ва кейинчалик бош муҳаррир сифатида самарали фаолият кўрсатди. Бунинг орасида 1975—1977 йилларда эса Москвада Олий Адабиёт курсида таҳсил олди. 1978—1982 йилларда «Ёш гвардия» нашриётида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. У Республика халқ ноиб, Президентлик Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси кенгашининг раиси лавозимларида хизмат қилди. 1995—1996 йилларда «Ёзувчи» нашриётида етакчи муҳаррир ва ҳозирги кунда эса «Санаш» журналида бош муҳаррир ўринбосаридир.

Ҳалима Худойбердиеванинг ижоди 60- йиллардан бошланган бўлиб, шу кунгача у йигирмадан ортиқ шеърый тўпламлар, дostonлар ва ўнлаб ажойиб публицистик мақолалар яратди. Хусусан, унинг «Илк муҳаббат» (1968), «Оқ олмалар» (1973), «Чаман» (1974), «Суянч тоғларим» (1976), «Гордость» (1976), «Бобо қуёш» (1977), «Иссик қор» (1979), «Белые яблоки» (1979, Москва), «Садоқат» (1983), «Решимость», «Муқаддас аёл» (1987), «Юрагимнинг оғриқ нуқталари» (1991), «Ҳурлик ўти» (1993), «Бу кунларга етганлар бор» (Сайланма, 1994), «Тўмариснинг айтгани» (1996) каби шеърый, насрий мажмуалари кенг китобхон оммасининг маънавий мулкига айланган.

Ҳалима Худойбердиева шеърыйатининг мавзу ва маъно қўлами ниҳоятда кенг ва чуқурдир. Унинг шеърларида гўдак, аёл, ота-она, ер-сув, табиат ва тоғу тош ва қушлар тақдири, уларнинг яшаш тарзи, табиати, ҳолати ифодала-

нади, деса бўлади. Яхлит ҳолда инсон, табиат ва жамият муаммоларининг деярли барча кўринишлари шоирани ҳаяжонга солади. Тупроқ, она-ер ва инсон тақдири бир бутунликни ташкил этади. Шу боисдан ҳам у бир шеърда «Мен шу тупроқ куйчисиман», деб ғурурланади. Энг муҳими шоира нима ҳақида, ким тўғрисида ёзмасин, кўпинча ички ёки ташқи, руҳий ҳолатларни чизишдан кўра, ўй-мушоҳадалар зиддиятларини чизишга иштиёқи кучли. Шу боисдан бўлса керак, шоирани мушоҳаданавис адиба ҳам дейишади.

Ҳалима Худойбердиева ўзининг «Муқаддас аёл» (1990) номли шеърини тўплами учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотиغا сазовор бўлган. 1992 йилда эса унга Ўзбекистон халқ шоираси деган юксак унвон берилди. Хуллас, Ҳалима шоира Зулфия сўзлари билан айтганда «Туйғу, ўйлар, тошқин ҳислар» билан тўла шеърини ижодкоридир.

АЗИМ СУЮН

(1948)



Азим Суюн исёнкор ва ҳақиқатгўй шоир. 1948 йил Самарқанд тасарруфидаги Нурота тизма тоғлари этагига жойлашган Кўлтўснинг Қудукча қишлоғида туғилган. Накурт қишлоғида Суюн бобоси тарбиясида ўсиб, улғайди. Шу туфайли бўлғуси адибнинг исми шарифи отаси Олимнинг эмас, балки бобоси номи билан расмийлашиб кетган. Унинг отаси саводхон киши бўлганига қарамай, «қулоқнинг ўғли» бўлгани учун қўлига чўпонлик таёғини олишга мажбур бўлган. Ёш Азим чўпон отаси кетида юриб, табиат сирлари билан ошно тутинган. Шу нарса бўлғуси шоирнинг шаклланишига таъсир ўтказган.

«... Кейин аскар бўлдим,— деб ёзади у ўз таржимаи холида.— Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика

факультетини битирдим. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Халқ сўзи» газеталарида хизмат қилдим. Айни пайтда «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳарририман. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ноибиман. Пешонамни Мустақиллик ёруғ қилган шоирман! Жаҳон Маданият ва санъат Академияси аъзосиман. Шеърларим, шеърий туркумларим инглиз, араб, рус, қозок, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, турк ва бошқа тилларда чоп этилган. Шу пайтгача ўзбек тилида нашр этилган тўпламларим:

1. «Менинг осмоним» — 1978.
2. «Зарб» — 1979.
3. «Замин тақдири» — 1981.
4. «Хаёлот» — 1984.
5. «Зиё йўли» — 1986.
6. «Жазо» — 1987.
7. «Олис тонглар» — 1989.
8. «Куйганим — суйганим» — 1992.
9. «Қора кўзинг сенинг» — 1994.
10. «Сарбадорлар» — 1994.

Биринчи халқаро Чўлпон мукофотининг совриндориман. Шунингдек, 1992 йил Туркия Ёзувчилари Бирлигининг дипломи билан ҳам тақдирланганман.

Сўнгги йилларда Азим Суюннинг «Сайланма» (1995) китоби чоп этилди. Унга турли даврда яратилган энг яхши шеърлар ва «Сарбадорлар» достони киритилган. «Сайланма» билан танишар эканмиз, унда давр ва замон, замондошлар ва тенгдошлар, улусифат нуруний отахон ва онахонлар тақдири, фожеаси, орзу-интилишлари, кураш ва тўқнашувлари чинакам ҳаёт ҳақиқати даражасида ифодаланганлигига тўла ишонамиз.

МУРОД МУҲАММАД ДҮСТ

(1948)



Истеъдодли адиб Мурод Муҳаммад Дўст 1948 йили Самарқанднинг Жом қишлоғида туғилди. У Тошкент Давлат университетини тугатгач, Москвада Адабиёт институтида таҳсил олди. Сўнгра, «Ўзбекфильм» киностудиясида, «Шарқ юлдузи» журналида фаолият кўрсатди.

Унинг ижоди 70-йиллардан бошланган. Ёзувчининг дастлабки ҳикоялар тўплами 1976 йили «Қайдасан, қувонч садоси» номи билан нашр этилган. Сўнгра унинг «Мустафо», «Истеъфо», «Дашту далаларда», «Галатепа қиссалари», «Чоллардан бири», «Бир тойчоқнинг хуни» каби ҳикоя ва қиссалари чоп этилган. 1983 йилга келиб, унинг «Галатепага қайтиш» номли қиссаси яратилди. Шундан сўнг у турғунлик даврининг маънавий, иқтисодий ва сиёсий таназулидан ҳикоя қилувчи «Лолазор» (1988) романини яратди. Бу роман 1990 йилда Ҳамза мукофотига сазовор бўлди.

У ўзбек журналистикасининг халқаро обрўси учун фаол кураш олиб бормоқда. Мурод Муҳаммад Дўстнинг айниқса, «Галатепага қайтиш» номли қиссаси талабчан китобхон ва адабиётшунос—мунаққидлар эътиборини қозонди. Зеро, ундаги Ғайбаров ҳам адабиётда учрамаган янғича дунё, янғича тафаккур кишиси сифатида эндигина кириб кела бошлаган эди. «Лолазор» романида эса ана шу янғича тафаккур тиғида емирила бошлаган коммунистик мафқуранинг чириши, истиклол шамчироғининг эса ёна бошлаганлигига имо-ишора бор эди.

ТОҒАЙ МУРОД

(1948)



Тоғай Мурод (Менгноров) 1948 йили Сурхондарё вилоятининг Денов тумани, Хўжасоат кишлоғида туғилган. Шу кишлоқдаги 43-ўрта мактабни 1966 йилда тугаллаб, ўша йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирган. 1972 йилда университетни муваффақиятли тамомлаган, республика радиосида муҳаррир бўлиб 1976 йилгача хизмат қилган.

Тоғай Мурод 1976—1978 йилларда «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида таржимон, 1982—1984 йилларда эса «Фан ва турмуш» журналида бўлим муҳаррири бўлиб ишлади. 1985—1987 йилларда Москвада М. Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил олиб, қайтди.

Ёзувчи ўз ижодини 1976 йили «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси билан бошлади. Бу қисса ўзбек адабиётига тума истейдод эгаси кириб келаётганидан дарак берди. Қиссадаги Бўри полвон, Тиловберди, Обид полвон образларида ўзбек миллий кураши бадий ифодасини топди. 1979 йилда битилган «От кишнаган оқшом» қиссасининг бош қаҳрамони Тарлон номли от китобхон калбига кадрдон бир одамдай кириб борди.

Ёзувчининг 1980 йили чоп этилган «Ойдинда юрган одамлар» қиссаси адибнинггина эмас, ўзбек миллий адабиётининг ҳам ноёб намунаси бўлди. Қисса қаҳрамонлари Қоплон ва Оймомо фарзанд орзу-илинжида кун, ой, йилларни бир-бирига улаб яшашади. Ҳали туғилмаган боланинг бобоси, момоси бўлиб, зурриётни, бир-бирларини ардоқлашади. Асар қаҳрамонлари фожеаси умид ва ёруғликка тўла мунгли, ҳазин қўшиқ қилиб куйланади.

Мазкур асар учун адиб Ойбек мукофотиغا сазовор бўлган.

Тоғай Муроднинг 1985 йили битилган «Момо ер қўшиғи» қиссаси ўз ғояси ва услуби билан ўзга қиссалардан ажралиб туради. Унда миллий заминдан оёғи узилган, Ватан тупроғида яшаб, юрагида юрт туйғуси бўлмаган

кишиларнинг образлари ғарб адабиёти сиғинди бандаси бўлиб қолган ижодкор мисолида ўзбекона киноя билан тасвир этилади.

Ижодкор истеъдодли таржимон ҳамдир. У 1974—1975 йилларда Ж. Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси ва кўпгина ҳикояларини ўзбек тилига ағдариб, нашр эттирди. 1989 йили Э. Сетон—Томпсоннинг ҳайвонлар ҳақидаги машхур «Ёввойи йўрга» китобини маҳорат билан таржима қилди.

Тоғай Мурод 1986—1992 йиллар давомида ўзининг илк романи «Отамдан қолган далалар» асарини битди. Унда бутун умр кетмон чопиб, мустамлака юртда касоסי оқармай келган ўзбек халқи Деҳқонқул образи тимсолида тасвир этилади. Шу асари 1994 йилда Абдулла Қодирий номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган. Мазкур асар асосида кинофильм ҳам яратилди.

Ёзувчи аини камолот ёшида бўлиб, янги асарлар устида ишламоқда. 1999 йили унга “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унсонни берилди.

АБДУЛЛА ЖАЛИЛ

(1948)



Шоир ва публицист Абдулла Жалил (Абдулла Абдужалилов) 1948 йил 15 майда Наманган шаҳридаги «Маърифат» маҳалласида оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келган. Абдулла дастлаб 18- мактабда ўқиб, сўнг 3- ўрта мактабда ўн биринчи синфини тугатди. Бадиий адабиётга ҳавас Абдуллада анча эрта уйғонди. У ўн тўрт ёшиданоқ шеър машқ қила бошлаган эди.

Абдулла Жалил 1966 йилда Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультети кечки бўлимига ўқишга кириб, уни 1972 йилда муваффақиятли битирди. 1973 йилда Армия хизматида бўлди. Унинг меҳнат фаолияти 1974 йилда Тўрақўргон туманидаги «Машъал» рўзномасида адабий ходимликдан бошланди. 1984 йилда Тошкент

Сиёсатшунослик институтининг оммавий ахборот воситалари бўлимига ўқишга кириб, 1986 йилда тугаллади. 1986 йилдан 1990 йилгача Поп туман рўзномасига муҳаррирлик қилди. У Республикада энди шаклланган Поп тумани жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази кенгашининг раиси ҳам бўлди.

Абдулла Жалил Попда ишлаётган вақтда Фарғона, Қўқон фожеалари рўй берди. Шу муносабат билан унинг 1989 йилда «Ешлик» журналида «Бўхтон ва ҳақиқат» номли публицистик мақоласи эълон қилинди. Бу мақола Абдулла Жалил номини бутун дунёга танитди. Мақола бошқа тилларга таржима қилинди. 1992 йилда Туркиянинг энг йирик «Заман» рўзномаси Абдулла Жалил ҳақида катта мақола босиб чиқарди. Мақолада ёзувчининг таржимаи ҳоли билан биргаликда, унинг «Бўхтон ва ҳақиқат», «XX аср риёкорлиги» публицистик мақолалари ҳамда «Уйғоқ руҳлар» достонидан парчалар эълон қилинган эди. Шундан кейин республика матбуотида унинг «Нифок нимадан келиб чиқади?», «Серфарзандлик гуноҳми?», «Қонун ва қонунсизлик тўғрисида» сингари публицистик мақолалари босилиб чиқди.

Бу асарлар ўзининг исёнкорлиги, жасоратлилиги, ҳаққоний ва теран таҳлилий куч-қувватга эгалиги билан ажралиб туради.

1990 йилда Абдулла Жалилнинг «Қуёшга мактуб», 1992 йилда «Уйғоқ руҳлар», 1993 йилда «Бўхтон ва ҳақиқат», 1994 йилда «Ўтаётган кун», «Ватаним онам» номли китоблари кетма-кет босилиб чиқди. Айниқса, унинг «Уйғоқ руҳлар» номли шеърый тўплами халқ орасида кенг тарқалди. Зеро бу китобда чинакам ҳур фикр билан битилган шеърлар жамланган бўлиб, улар эл қалби тўридаги орзу ва армонларини, дарду аламларини тараннум этади.

Китобдаги «Ҳамият», «Армиядан келган тобутни кўриб ўйлаганларим», «Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса», «Ватан» сингари шеърларни таъсирланмасдан, ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди.

Бинобарин, «Армиядан келган тобутни кўриб ўйлаганларим» шеърисида ўз ўгли жасади солинган темир тобутни кучоқлаб, «сочларини юлиб йиглаётган» муштипар она образини шоир ўзига хос, такрорланмас бўёқларда маҳорат билан тасвирлайди. Мазкур шеър орқали шоир собиқ Иттифокнинг сўнгги йиллардаги ўтиш даврига хос яна бир катта фожеасини умумлаштириб беради.

Шоирнинг «Ўзгалар юртингга ҳукмрон бўлса» шеъри

эса мустамлакачилик, истибоддга қарши бир исён тариқасида юзага келган.

Абдулла Жалилнинг «Уйғоқ руҳлар» достони Ўрхун Энасой битиклари асосида яратилган. Шоир қадимги Турк хоқонлари тилидан халқимизнинг ҳозирги кундаги дарду аламларини ифода этган. Асар халқни ахил-иттифок бўлишга, мустиқил давлатчиликни ривожлантиришга, игвогарликларни фож этишга даъват этади. Вақтни қўлдан бой бермаслик, имкониятдан фойдаланишга, истиқлолни мустиқкамлашга чақиради.

Пироварди шоир: «Хатто тушда дуч келмангиз душманга!» деб даъват этади. Абдулла Жалил ҳозир Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимининг масъул котиби, ижодий кенгаш раисидир. Унинг айна камолга етган пайти. Яқинда у «Дунганлар жожеаси», «Уч ҳукм ёки Соғунийнинг уч васияти» номли достонларни ёзиб тугатди. Ҳозирги пайтда «Соғуний» номли достони устида ижодий иш олиб бормоқда.

МИРПЎЛАТ МИРЗАЕВ

(1949)



Шоир Мирпўлат Мирзаев 1949 йил 20 августда Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғида тугилди. Ўрта мактабни тугатгач, ўз тенгдошлари каби Тошкент дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кирди ва уни 1971 йилда тугатди. Унинг меҳнат фаолияти «Ёш гвардия» (1971) нашриётдан бошланган. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, «Ёзувчи» нашриётида бош муҳаррир, Ёзувчилар уюшмасида котиб вазифаларида ишлаб келди. Ҳозирги кунда «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррирининг ўринбосаридир.

Мирпўлат Мирзаевнинг ижоди талабалик йилларида бошланган эди. Унинг дастлабки шеърий туркуми 1971 йилда «Гулистон» журналида нашр этилди. Илк шеърий

тўплами 1975 йилда нашр этилган бўлиб, сўнг «Ишк фасли» (1978), «Яхши кунлар» (1981), «Сунбула» (1985), «Мовий дарё» (1988), «Атиргул ва юлдузлар» (1990) каби бир қатор тўпламлари чоп этилган. Мазкур шеърий тўплamlарида муаллиф ўз халқи, она-Ватан дарди ва келажак-гини, галаёдли давр кишиларининг мураккаб ички олами, ҳис-туйғуларини, озод ўлкасида, халқ руҳиятида шаклланаётган Истиқлол нафасини куйлашга интилади.

Кураш уммонининг бир мавжиман—мен,
Мавжларнинг баланди, баравжиман—мен,
Тағор шеъри, Иқбол садоси—менман,
Эрк учун ёнганнинг нидоси—менман!

Янги замон келди!
Келди янги замон!

Ҳа, шоир давр овози, истиқлол даъваткори, нурли келажак ошиғидир.

Шоирнинг «Таскин» шеърий гулдастасида ана шу туйғулар яна ҳам авж пардасига кўтарилади. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ЎТКИР РАҲМАТ

(1949)



Ўткир Раҳмат тафаккур дунёси бой, туйғулари самимий ва беғубор шоирлар сирасига киради.

У 1949 йилда Самарқанд вилояти Тойлоқ туманининг Узун кишлоғида туғилган. Шу кишлокда ўрта мактабни олтин медал билан тугатиб, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг ўзбек ва тожик филологияси факультетига ўқишга киради. 1972 йили дорилфунунни муваффақиятли тугатгач, ҳарбий хизматни ўтайди. 1974 йилдан бошлаб у оммавий ахборот воситаларида, жамоат ва давлат идораларида фаолият кўрсатади. Ҳозирги кунда у «Кишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири вазифасини бажармокда.

Ўткир Раҳмат адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига 60- йилларнинг иккинчи ярмида кириб келади. Унинг биринчи шеъри 1966 йилларда чоп этилади. Шундан сўнг унинг шеърлари бирин-кетин газета ва журналларда, китоб ва альманахларда нашр этилади.

Ўткир Раҳмат шу кунгача кўплаб шеърий мажмуалар яратган бўлиб, унинг биринчи шеърий тўплами 1987 йилда «Ирмоқ» номи билан чоп этилади. Шундан сўнг шоирнинг «Соғинч» (1991), «Жилға» (1992), «Райҳон ҳиди» (1993), «Шукрона» (1996) ва «Ой ёғдуси» (1998) каби шеърий гулдасталари нашр этилган.

Шоир бир шеърида бундай ёзган:

Омонатдир севинч ила ғам,
Бири меҳмон, бири мезбондир.
Севинч кулса бахтлидир одам,
Ғам юз тутса юраги қондир!
Юрт талашиб кўплар овора,
Кин ва ҳасад дилларда қат-қат,
Кетиб борар она Сайёра.
Омонатлар ичра омонат!

Яна:

Тириклик бу—топилмас бир бахт,
Икки қайта яшамас одам!

Ҳа, бу мисраларни ўқиб, шоир рост сўзлаяпти, қалбдан сўзлаяпти, куйиб-тошиб куйлаяпти дегинг келади, киши! Шоир доимо уйғоқ, сезгир, ҳозиржавоб ва жўшқин. У қайси мавзунини, қандай образни қаламга олмасин, халқона ифода, содда, равон, ширали тил билан китобхон қалбига кириб боради.


Хуллас, Ўткир Раҳматнинг кўпчилик шеърларида она юртнинг истиқлоли ва истиқболи, гўзал ва бетакрор табиати, тарихий қадриятлар, Ватанга меҳр-муҳаббат, вафодор ёрга садоқат, буюк келажакка ишонч туйғулари устуворлик қилади.

Шоир айтгандай:

Умрим бари сизга аталган
Албат бир кун шодон қайтаман.
Дил ҳаприкиб, қувончга тўлган
Сўзларимни албат айтаман!

УСМОН АЗИМ

(1950)



Истеъдодли шоирлардан бири Усмон Азимовдир. У 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида туғилган. 1972 йилга келиб, Тошкент Давлат дорилфунунини тугатган. У даставвал журналист сифатида республика радиосида, бир қатор газета ва журналларда, нашриётларда фаолият кўрсатган. Республика Президенти девонида Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаган. Ҳозирги кунда у

«Савдогар» газетаси бош муҳаррири ўринбосаридир.

Усмон Азимов шоир сифатида 70-йилларда матбуотда кўрина бошлаган. 1978 йилга келиб, шоирнинг биринчи тўплами «Инсонни тушуниш» номи билан нашр бўлган. Шундан сўш унинг «Ҳолат» (1979), «Оқибат» (1980), «Сурат парчалари» (1983) каби шеърий тўпламлари чоп этилди. Унинг «Бир қадам» номли радиопьесаси, болалар учун «Ғаройиб аждаҳо», «Боғдаги боғча» каби бир қатор эртаклари мавжуд. Шунингдек, «Ғусса», «Дарс» (1987), «2 апрель» (1988), «Бахшиёна» (1988), «Уйғониш азоби» (1991) сингари шеърий тўпламларни яратган. У яратган ўнлаб шеърлар, дostonлар фақат мавзу, жанр ва услуби жиҳатидан эмас, балки жўшқинлиги, шиддатлилиги ва беғуборлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга унинг асарлари ҳаётдагидек кучли драматизм ва фожавийлиги билан ўқувчини ҳаяжонга солади. Энг муҳими, унинг шеър ва дostonларида она-Ватан ишки, она-халқ ташвишлари, келажак муаммолари гоҳ замонавий мавзуларда, гоҳ тарихий-қиёсий тарзда, гоҳ фольклор анъаналари руҳида ўзининг чуқур ифодасини топади. Шоир ўзи ҳақида айтганидек:

Ўйнок-ўйнок, оғир-оғир окмокда умрим.

Гоҳ куз юмиб, гоҳ уфкка ботмокда умрим.

Бор жонини садқа айлаб шеърга, қўшиқка,

Сиз йўқотган сурурларни топмокда умрим.

Усмон Азимов кейинги йилларда бир неча шеърӣ туркум ва дostonлар яратди, унинг «Сайланма»си (1995) чоп этилди. Агар ундан ўрин олган асарларнинг бир қисми аввал яратилганлари бўлса, бир туркуми истиқлол даври шеърларидир. Тўпلامдан яна ўнлаб баллада ва дostonлар ҳам ўрин олган бўлиб, уларда шоир қалби, давр руҳи, уйғониш сирлари ва оқибатлари ҳақида баҳс давом этади. Шунини ҳам алоҳида қайд этиш керакки, шоир шеърӣяти кўп ҳолларда халқ йўлида, бахшиёна услубда, баъзан қаҳрли, баъзан шўх-шодон, ўйноқи, баъзан монолог, баъзан диалог бўлиб, куюлиб тугилади. Усмон Азимов бир шеърӣда бундай ёзган:


Ўлди дединг—ерга кўмдинг —
Илдиз бўлдим.
Кўкка отдинг—йўк бул дединг —
Юлдуз бўлдим.
Тилим кесдинг -- дилим айтди
Рост калима...
Кийин бўлди сенга шўрлик
Душманам-а!
Душманам-а, гошлар отиб
Тўймайдурсан —
Тупрок бўлай десам, нега
Унутмайдурсан?..

Шоир сўнгги йилларда айниқса фаол ижод қилиб, янги шеър ва қўшиқлар билан бирга қатор хикоялар, шунингдек, «Бир қадам», «Бозор», «Кундузсиз кечалар» пьесаларини ва «Алпомиш» киносценарийсини яратди.

У адабиёт соҳасидаги хизматлари учун «Дўстлик» орденни билан тақдирланган. Айни чоғда у В. Маяковский номидаги Грузин Давлат мукофоти совриндоридир.

ШАВКАТ РАҲМОН

(1950—1996)



Истеъодли шоир Шавкат Раҳмон 1950 йилнинг 12 сентябрида Ўш вилоятининг Қорасув туманига қарашли Помир маҳалласида хизматчи оиласида туғилган. 1966 йилда ўрта мактабни тугатгач, қурилишларда, вилоят босмахонаси ва газетасида ишлайди. 1973 йилда Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт институтини битиргач, Тошкентга келиб, Ғ. Ғулум номли адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир ва бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул ходим бўлиб ишлайди. У шоир сифатида ўзининг такрорланмас овози, она-Ватан ва халқига тақдирдошлик ҳисси билан тенгдошларидан ажралиб туради.

Шоирнинг дастлабки шеърлари Ўш вилоят газеталарида чиқа бошлайди. Биринчи шеърый тўплами «Рангин лаҳзалар» (1978) номи билан босилади. Шундан кейин шоирнинг «Юрак қирралари» (1981), «Очиқ кунлар» (1983), «Гуллаётган тош» (1984), «Уйғоқ тоғлар» (1986), «Хулво» (1988) каби бир қатор шеърый тўплamlари босилиб чиқади. Шоирнинг ўз қўли билан тайёрлаган, аммо вафотидан кейин нашр этилган «Сайланма» тўплами (1997)ни кўздан кечирсангиз, бутун ижоди давомида яратилган сара асарлари қаторида хасталик дамларида битилган видолашув шеърларига ҳам дуч келасиз.

Агар бир ўринда шоир:

Мендан нима колур,
Абдий нурлар.
Барк уриб яшаган дунё томонда?
Уриниб-суриниб сира тўймаган
Бир кўнгил қолади.

деса, энг охириги шеърларидан бирида:

Айт, эй хаста булбулим,
Ўшга қачон етамиз?

Яшил боғлар саргайди,
Майиз бўлди гужумлар.
Ох, вой мунча йул огир,
Булбулим...

деб ҳаёт билан, китобхон билан сўнгги бор хайрлашади. Унинг асарларида тарихга, кечмишга саёҳат, ҳозирги кунларга танқидий баҳо етакчилик қилади.

Шавқат Раҳмон шеърояти 80- йилларда ўзбек адабиётида кучли оқимни ташкил этган лирик-фалсафий, исёнкорлик руҳидаги асарлар сирасига киради.

ЭРКИН АЪЗАМ

(1950)



Эркин Аъзам 1950 йили Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган. 1967 йили тумандаги 1- ўрта мактабни тамомлаган. Шу йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, уни 1972 йилда тугатган.

Адиб аввал Ўзбекистон радиосида муҳаррир (1972—1976), ундан сўнг «Гулистон» журналида бўлим муҳаррири, адабий котиб вазифаларида ишлаб

(1976—1981), каламини чархлади. 1981 йилдан 1986 йилгача «Ёшлик» журнаliga ишга ўтиб, Эркин Воҳидов раҳбарлигида журналнинг шаклланишида, ўз мухлисини топишида жонбозлик кўрсатди. Наср бўлимини бошқарган ёш адиб ўз ижоди такомили билан бирга янги талантли ижодкорларнинг пайдо бўлиши ва оёққа туришига муносиб ҳисса қўшди.

1986—1992 йиллар давомида ижодкор Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида кўп жилдли асарлар таҳририятига мудирлик қилиб, атоқли ўзбек адиблари сайланмаларини чоп этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Эркин Аъзам Ўзбекистон республикаси Миллий Ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи муовини вазифасида

хам хизмат қилди. Ҳозирги кунда у Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири.

Адибнинг илк ҳикояси унинг ўқувчилик йилларида ёзилиб, вилоят газетасида босилган. Бирок талабчан ижодкор университетни тугаллагандан кейин ҳам анча йиллар китоб чоп эттиришга шошилмади. 1977 йилда Эркин Аъзамнинг «Чироклар ўчмаган кеча» номли ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Бу мўъжаз китобча ўқувчиларга ўзбек адабиётида янги бир истеъдодли ҳикоянавис дунёга келганлигидан хабар берди. Ушбу асарда ёшлик, талабалик йиллари оловли кечинмалари катта самимият, илҳом билан ёритилган бўлиб, ҳикоя услуби, ўз жозибаси билан ўқувчини сеҳрлаб олди. 1981 йилда чоп этилган «Отонининг туғилган йили» қисса ва ҳикоялар тўплами китобхон ишончини мустаҳкамлади. Биринчи кичик қиссаси билан адиб ўзининг лирик тасвир услубидан ташқари ҳаётий, серзавк, ҳажвий йўналишдаги бадиий ифодага мойиллигини ҳам намойиш қилди.

Шундан сўнг истеъдодли адибнинг «Байрамдан бошқа кунлар» (1980), «Олам ям-яшил» (1984), «Жавоб» (1987) каби бир қатор қисса ва ҳикоялар тўпламлари босмадан чиқди. Бу асарларда замондошларимиз ҳаётидан ҳикоя қилиниб, ахлоқ, эътиқод, бурч, оддий инсоний муносабатлар ўзига хос услубда бадиий акс эттирилди. Эркин Аъзам насри Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев ижоди намуналари каби лўнда, шафқатсиз реализми ва профессионал маҳорати билан бошқа ёзувчилар асарларидан кескин ажралиб туради.

Эркин Аъзамнинг ҳикоя ва қиссалари рус, украин, белорус, қозоқ, тожик, туркман, грузин, булғор, чех тилларига таржима қилинган. Адибнинг ўзи ҳам ўзга халқлар адиблари асарларини рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган.

Ёзувчи 1982 йилда республика Ёшлар Иттифоқининг мукофотига сазовор бўлган. Адибнинг «Анойининг жайдари олмаси» ҳикояси асосида бадиий фильм суратга олинган. Унинг сўнгги йилларда ёзилган асарлари «Пакананинг ошиқ кўнгли» (1991), «Шоирнинг тўйи» (1993) бўлиб, «Пиёда», «Пакана» асарлари ҳам кинолаштирилмоқда. Ҳикоялари радиопостановка қилинган.

Эркин Аъзам айна ижодий камолот ёшида илҳом билан ижод қилмоқда.

ИСМОИЛ ТҶҲТАМИШ

(1950)



Шоир Исмоил Тўхтамиш қашқадарёлик. У Қамаши туманининг Ароловул қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келган. 1966 йилда ўрта мактабни тугатиб, «Қашқадарё ҳақиқати» газетасида мусахҳиҳ сифатида меҳнат фаолиятини бошлайди. 1967—1972 йилларда Тошкент Давлат университети журналистика факультетида билим олади. Сўнг турли жамоат ишларида меҳнат қилади. Вилоят

маданият бўлимини бошқаради. Маълум вақт Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифани ҳам адо этади. Шоир сифатида у 70- йиллардан матбуотда кўрина бошлайди. Дастлабки шеъри 1976 йилда «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида Абдулла Ориповнинг «Оқ фотиҳаси» билан чоп этилади. Шундан буён унинг «Чўл бойчечаги» (1982), «Онам тилаклари» (1983), «Дунё устунни» (А. Орипов сўз бошиси, 1987), «Ҳайкирик» (1990), «Сенга интилдим» (1992), «Дил садолари» (1993), «Кўхна насаф хаёли» (1994) каби бир катор шеърий мажмуалари босмадан чиқади.

Исмоил Тўхтамиш шеърларини синчиклаб кечирсак, уларда шоир қалби, дарди, маҳорати кўзга яққол ташланиб туради. Унинг шеърларини ўқиганда ўша бепоён Қарши чўлларининг табиатига, кайвоний одамларига хос ҳам қаҳрли, ҳам меҳрли нидо эшитилади. Биламизки, Қарши даштлари ёзда ёндиради, қишда қақшатади. Унинг одамлари ана шу табиат тўлқинида тобланган, чидамли, заҳматқаш, меҳри дарё инсонлар, бунёдкор, яратувчи одамлардир. Шоир шулар ҳақида куйлаганда қуёш ҳароратидек қайнок меҳр инъом этади, ардоқлайди. Аксинча, қаллоб, порахўр ўғриларга кўзи тушганда киш изғиринидек нафрат билан лаънатлайди. Мана шу қиёсий тасвир табиат, инсон ва жамият муаммоларини поэтик ҳал этишга йўл очади.

Хуллас, ҳозирги ўзбек миллий шеърлятига Исмоил Тўхтамиш ижоди ҳам ўз овози, маъноси билан файз кириштиб турибди.

ХОСИЯТ БОБОМУРОДОВА (1950)



Хосият Бобомуродова факат истеъдодли шоирагина эмас, юртга танилган ижодкорлардан биридир. У 1950 йил май ойининг 2-кунида Самарқанд вилоятининг Хатирчи (ҳозирги Навоий вилояти) туманидаги Ибн Сино жамоа хўжалигида тугилган. Унинг отаси мулла Бобомурод элни оғзига қаратган, суҳбати доно ва ширин, бир сўзли, мағрур, маърифатли киши бўлган. Хосиятхон ҳам илк бор Алишер Навоий,

Жомий, Фузулий номларини отасидан тинглаган, ғазаллари билан ошно бўлган, «Минг бир кеча», «Чордарвеш» каби асарларни тонготаргача маҳлиё бўлиб тинглаган. У 1966 йили ўрта мактабни тугатиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида ўқиган.

Адабиётга ёшлигидан ҳавас қўйган. Хосият ҳаёт қийинчиликлари туфайли 1967 йили кундузгидан сиртқи бўлимга ўқишга ўтади. Унинг меҳнат фаолияти худди шу йилдан бошланган бўлиб, ўн етти ёшида бошланғич синф ўқитувчиси, йигирма беш (1975) ёшидан эса мактабда директор бўлиб ишлайди.

Худди шу йиллардан бошлаб, Хосият шоира сифатида ҳам эл оғзига тушади. Унинг дастлабки лирик шеърлари Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Хожиеванинг фотиҳаси билан «Гулистон», «Шарқ юлдузи» журналларида пайдо бўлади. 1978 йилдан бошлаб «Ленин йўли» газетасига ишга ўтгач, ижод учун янги имконият туғилади. 1979 йилда шоиранинг «Дарёдан катра» деган илк шеърый тўплами нашр этилади. Худди шу йили Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Самарқандда бўлиб ўтган кўчма котибиятида шоира уюшма аъзоллигига қабул қилинади.

Шундан сўнг унинг «Қалб гитроғи» (1984), «Турналарим» (1984), «Самарқандга мактублар» (1988), «Мен узган гуллар» (1992), «Мурод қасри» (1997) каби бир қатор шеърый тўплamlари яратилади.

Хосият Бобомуродова айна пайтда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг котибаси бўлиб хизмат қилмоқда.

САЪДУЛЛА ҲАКИМ

(1951)



Саъдулла Ҳақим адабиётга етмишинчи йилларнинг охирида кириб келган истеъдодли шоирлардан бири. У 1951 йил 25 мартда Жиззах вилояти, Фориш туманидаги Гараша қишлоғида туғилди. Шоирнинг болалиги Нурота тизма тоғи орасида жойлашган бетакрор табиатли шу қишлоқда кечди. «Юлдузлар ишқомлардаги узум доналаридек осилиб турган тиник ёз кечалари. Тизза бўйли қорли қир-адирда қора пўстин ёпинган соқчилардай паҳлавон қоялар. Гўё яшил майсазордан нур таралаётгандек таассурот уйғотувчи майин кўклам ёмғирлари. Қирмиз гулхан чирмашган куз боғлари. Мен буларни ҳануз унута олмайман, ҳануз соғиниб яшайман».— деб эслайди болалик йилларини у.

Шу ерда ўрта мактабни битиргач, Саъдулла Ҳақим Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетини тугатди. Ҳам журналистика, ҳам бадиий ижод билан шуғулланди.

Узоқ йиллар ҳозирги «Саховат» журналида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози» газеталарида адабиёт ва санъат бўлими мудири, масъул котиб вазибаларида ишлади. 1992—96 йилларда «Маърифат» газетаси унинг бош муҳаррирлигида нашр этилди. 1996 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Ахборот тарғибот — таҳлил марказининг раҳбари.

«Ҳамал тонглари», «Сен кутган баҳор», «Ёз окшоми» каби тўпламлари, тарихий қаҳрамонлик акс этган «Олис юлдуз» дostonи адабиётда шоирнинг ўз адабий-фалсафий олами яратди.

У кўп йиллардан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

ИКРОМ ОТАМУРОД

(1951)



Икром Отамурод 1951 йили Қашқадарё вилоятининг Қасби кишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабни туғатгач, 1969—1974 йилларда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида таҳсил кўрган. 1974—1975 йилларда Ўзбекистон Давлат қомуси нашриётида муҳаррирлик қилган. 1975 йилдан то шу кунга қадар «Шарқ юлдузи» журналида аввал адабий ходим, сўнг шеърий бўлимнинг мудирининг лавозимида ишлаб келмоқда.

Икром Отамурод ўз тенгдошлари орасида фалсафий мушоҳадасининг кенглиги, минбар шоирлиги, нотиклиги билан ажралиб туради. Унинг шеър ва дostonларида устоз Мақсуд Шайхзода нафаси уфуриб турибди.

Шоирнинг 1982 йилда «Вақт ранглари», 1983 йили «Жануб қушлари», «Тўрғайли манзиллар», 1987 йилда «Уфқлар орти бепоён», 1992 йилда «Харитага тушмаган жойлар» ва «Узоқлашаётган оғрик» шеърий китоблари чоп этилган.

Икром Отамуроднинг фаластин шоири Муин Бисуга бағишланган «Ярадор умид отлари» достони (1986) 80-йиллар ўзбек шеърийатида сезиларли воқеа бўлган. Достонда хорижлик ижодкор образи орқали инсон қалбининг пўртаналари, мустақиллик ҳақидаги орзулар, она-юрт образи кучли хис-ҳаяжон билан бадиий ифодаланган.

Шоир фалсафий мушоҳада билан йўғрилган шеърий услубига содиқ қолиб, 1990 йили «Узоқлашаётган оғрик» достонини яратди. Бу асарда замондошларимизни тобора тарк этиб бораётган эътикод, бурч, инсонийлик тушунчалари қалб туғени, виждон азоби, юрак қони билан бадиий тадқиқ этилган.

Сўнги йилларда шоирнинг яна кўплаб ажойиб шеърлари, дostonлари яратилди. «Сопол синиқлари» (1994), «Сен» (1996), «Ичкари ва ташқари» (1997) дostonлари шоир қалбида уйғонган покиза ва эзгу туйғулар билан

лиммо-лим. «Рухимнинг қайғуси» (1997) шеърлар тўпламида бўлса шоир инсоний ҳақиқат излайди:

Ёлғиз от елади. Бир нажот излаб.
Мен унга тилайман, бардош-у тоқат.
Ортдан чопаман, чопаман йиглаб,
У—ахир, қалблардан кучган Ҳақиқат!

Икром Отамурод таникли таржимон ҳамдир. У Маҳмуд Дарвиш, Муин Бисусу, Уольд Уитмен, Пабло Неруда, Ўлжас Сулаймон, Евгений Евтушенко каби шоирларнинг шеър ва дostonларини ўзбек тилига ағдарган.

Айни пайтда Икром Отамуроднинг шеър ва дostonлари ҳам турк, араб, булғор, рус, молдован, озарбойжон, қозок, кирғиз, тожик, грузин тилларига таржима қилинган. Икром Отамурод айни ижодий балоғат ёшида катта илҳом билан қалам тебратмоқда.

ШАРОФ БОШБЕКОВ

(1951)



Истеъдодли драматург Шароф Бошбеков 1951 йили Самарқандда дунёга келган. У адабиётнинг кутлуғ даргоҳига 80-йилларнинг бошларида қадам қўйган. Дастлаб ҳикоя жанрида ўз истеъдодини синаб қўрган. Бинобарин, унинг «Г» варианты» ҳикояси (1981), «Жумбоқ» (1986), «Ғурур» (1982) каби ҳажвий ҳикоялари юзага келган. Шундан сўнг унинг кетма-кет ранг-баранг мавзудаги сахна асарлари яратилди. У «Тушов узган тулпорлар» (1983) ҳамда «Эшик қоққан ким?» (1987) каби комедия, «Қасосли дунё» қисқа метражли фильм сценарийсини ёзди. Шунингдек, «Эски шаҳар гаврошлари» (1988), «Темир хотин» (1989) каби жиддий комедияларни яратди. Сўнгги вақтда унинг «Тақдир эшиги» драмаси майдонга келди. Айниқса,

«Темир хотин» пьесаси адибга катта шуҳрат келтирди. Унда фан-техника ривожид аввалида инсон онги, дунёқараши, руҳиятида содир бўлаётган жиддий ўзгаришлар ҳажвий йўсинда умумлаштириб берилган. Адибнинг шу асари асосида кинофильм ҳам яратилди (1990). Шунингдек, у «Шариф ва Маъриф», «Юзсиз» (1993), «Тилла бола» (1994) каби фильмларнинг сценарийларини ёзишда ҳам иштирок этди. У «Масҳарабоз» (1996), «Фарҳод ва Ширин» фильмларининг сценарийсини ёзиш баробарида ўзи режиссёр сифатида ҳам ижод қилди. «Чархпалак» номли 60 лавҳали видеофильм тайёрламоқда. Шунингдек, «Тентак» фаришталар» (1995), «Зўрдан зўр чиқса» (1996) каби сахна асарларини ёзди. Унинг «Темир хотин» асари 1989 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг М. Шайхзода мукофотига лойиқ деб топилди. 1990 йилда эса унга Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди.

АБДУСАИД КҮЧИМОВ

(1951)



Абдусаид Кўчимов ўзбек болалар адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири бўлиб, у 1951 йили Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилди. Ўрта мактабни битиргандан сўнг Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. «Ўқитувчи» нашриётида муҳаббат, «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетасида муҳаббат, бўлиб муҳаббат, масъул котиб ва бош муҳаббат, «Шарқ юлдузи» журналида масъул котиб ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, радио қўмитаси, Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Президент девонида масъул лавозимларида ишлади. 1997 йилдан Ўзбекистон Давлат теле-радиокомпанияси Раисидир. Айни чоғда у Ўзбекистон Республикаси халқ ноибидир.

А. Кўчимовнинг биринчи шеър ва мақолалари матбуотда эълон қилинганида у ўрта мактаб ўқувчиси эди. Шундан буён унинг «Кашфиётчи болалар» (1978), «Менинг Ўзбекистоним» (1979), «Тошбургут» (1981), «Менинг юлдузим» (1984), «Чанок» (1985), «Халқа» (1987), «Икки баҳор» (1990), «Умид дарахтлари» (1992) каби бир қатор китоблари чоп этилди. У табиатни эъзозлаш мавзуидаги туркум публицистик мақолалари учун ЮНЕСКО мукофотиغا сазовор бўлган. «Халқа» китоби учун эса Ғафур Ғулум мукофоти билан тақдирланган.

А. Кўчимов ҳам шоир, ҳам носир сифатида болалар адабиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келади. Агар у «Чанок» ва «Икки баҳор» каби шеърини тўпламларида болалар ва ўсмирлар ҳаётдан поэтик лавҳалар чизган бўлса, «Менинг юлдузим», «Халқа» каби ҳикоя ва қиссалардан иборат мажмуаларида кўпроқ кишлок ҳаёти, кишлок болалари характериға хос воқеаларни тасвирлаган. «Умид дарахтлари» номли тўпламида бўлса ҳозирги мураккаб шароитда бола тарбияси ва унинг жамиятда тутган ўрни масалаларига эътиборни қаратган.

А. Кўчимов қардош халқлар адибларининг бир қатор шеър ва ҳикояларини ўзбек тилиға ўгирган. Татар адиби М. Харисовнинг «Қизил сайёраға саёҳат» саргузашт қиссаси унинг таржимасида алоҳида китоб ҳолида чоп этилган.

А. Кўчимовнинг шеър, ҳикоя ва қиссалари рус, қозок, украин, белорус, туркман, тожик ва бошқа тилларға таржима қилинган.

Унинг «Халқа» китоби 1994 йили Хитой Халқ Республикасида уйғур тилида нашр этилган.

ХУРШИД ДУСТМУҲАММАД

(1951)



Журналист ва ёзувчи Хуршид Дустмуҳаммад 1951 йилнинг 6 январ кунда Тошкентда дунёга келди. Ўрта мактабни битиргач, 1969—1973 йилларда Тошкент Давлат университети-нинг журналистика факультетида ўқиди. Сўнгра «Фан» нашриётида, «Фан ва турмуш» журналида ва «Қишлоқ ҳақиқати» газеталарида ишлади. 1986 йилдан «Ёш куч» журналида аввал бўлим мудир, бош муҳаррир

ўринбосари, бош муҳаррир сифатида фаолият кўрсатди. Республика Президенти девонида хизмат қилди. Ҳозир эса «Хуррият» мустақил газетасининг бош муҳарриридир.

Унинг ижоди хийла кечроқ бошланган. Бўлғуси адибнинг дастлабки ҳикояси 1981 йилда «Гулистон» журналида эълон қилинган. Ёзувчининг биринчи қиссаси «Нигиха» номи билан 1987 йилда «Ёшлик» журналида босилди. «Ховли этагидаги уй» номи биринчи китоби эса 1989 йилда нашр этилган. Шундан буён унинг «Паноҳ», «Ором курси», «Сўроқ», «Соф ўзбекча қотиллик» каби қиссалари ва ўнлаб ҳикоялари чоп этилган. Адибнинг кейинги китоби «Жажман» (1997) номи билан чоп этилган бўлиб, ундан «Сўроқ», «Ором курси» ва «Қий-й, Гулшод, Гулшан!.. ёхуд куйи қишлоқча қотиллик» каби қиссалари ва «Махзуна», «Жажман», «Ибн Муғонний», «Ёлғизим—Сиз», «Кўз қорачиғидаги уй» каби бир қатор сара асарлари жой олган. Тўпламга кирган барча қисса ва ҳикоялар ҳам ҳаётийлиги, саргузаштлиги билан эътиборни тортади.

Хуршид Дустмуҳаммад таржимон сифатида ҳам фаолдир. У япон адиби Акутагава Рюкоскэнинг «Расёмон дарвозаси» ҳикоясини, Т. Пўлатовнинг «Етти хузур-ҳаловат ва қирк қайғу-алам» романини таржима қилган.

У адабиётшунос олим сифатида ҳам қалам тебратиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ишини химоя қилган.

ШАРИФА САЛИМОВА

(1951)



Шоира Шарифа Салимова 1951 йилнинг 30 декабр санасида Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги сўлим қишлоқларнинг бирида таваллуд топди. Отаси ўқимишли, адабиётни чуқур ҳис қиладиган, онаси эса заҳматкеш аёл, олтита фарзанднинг волидаси бўлган. Шарифа Салимова 1958—1968 йилларда мактабда ўқиб, туман газетаси «Суръат»да илк шеърлари билан қатнашди. 1969—1974 йилларда Тошкент дорилфунунининг журналистика факультетини битиргач, Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Кўмитаси қошидаги «Ватандош» радиостанциясида ўз фаолиятини бошлайди.

Ш. Салимова 1987 йилгача радиода кичик муҳаррирликдан бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1989—1994 йилларда «Саодат» журнали ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида бўлим мудирини бўлиб ишлади. Бу йилларда адибанинг жамиятнинг оғриқли муаммоларига бағишланган публицистик мақолалари эълон қилинди.

Шарифа Салимованинг илк шеърлари гарчи 60-йилларда пайдо бўлган бўлса ҳам, дастлабки шеърини гулдасталари 70-йилларнинг охири ва 80-йилларда «Ҳаёт завқи» ва «Менинг баҳорим» номи билан чоп этилди. Шоира ижодида «Ҳизр булоғи» (1996) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 550 йиллигига бағишланган. Унда феодал тузум даври аёлларининг фожеали қисмати нақл қилинган.

Ш. Салимова 1987 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони берилган (1994). Ҳозир Ўзбекистон Президенти девонида маъсул вазифада ишламоқда. У козоқ, қирғиз, рус шоирларидан таржималар қилиш билан бир қаторда, исломшунос олмон шоири Ҳадаятуллоҳ Ҳюбш шеърларини ҳам таржима қилиб «Оҳ, атиргул» номи билан нашрга тайёрлаган.

ХУРШИД ДАВРОН

(1952)



Истеъдодли шоир ва публицист Хуршид Даврон 1952 йил 20 январ куни Самарқанд вилояти, Самарқанд туманидаги Чордара қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1969 йили Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг кечки бўлимида ўқиб, кундузи Тошкент қурилишларида ишлайди. 1971—1973 йиллар давомида Олмониядаги собик совет қўшинлари гуруҳида ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ўқишни давом эттиради. 1974 йилдан 1992 йилгача турли нашриётларда ишлайди.

Унинг илк шеърлари 1976—1977 йиллардан бошлаб «Шарқ тонги» туман газетаси, «Ленин йўли» вилоят газетасида босилган. Катта адабиётга кириб келиши 1976 йили «Гулистон» журналида устоз шоир Эркин Воҳидовнинг оқ йўли билан бошланган. 1976—1978 йиллар давомида унинг бир қатор шеърлари чоп этилади. 1979 йили биринчи ва иккинчи китоблари: «Қадрдон кўёш», «Шаҳардаги олма дарахти» босилиб чиқади. Шундан сўнг шоирнинг қуйидаги китоблари нашр этилади: «Тўнги боғлар» (1981), «Учиб бораман қушлар билан» (1983), «Тўмариснинг кўзлари» (1984), «Болалекнинг овози» (1986), «Қакнус» (1987), «Полёт одинокой птицы» (1989), «Самарқанд қаёли» (1991). Сўнги тўплам ўзбек халқи тарихига оид кўркем қиссалардан иборат. Ҳозирги кунда унинг Истиклолимизни ардоқловчи янги шеърлар китоби «Баҳордан бир кун олдин» номи билан нашр этилди.

Бундан ташқари Хуршид Даврон «Соҳибкирон набираси» (1995), «Шаҳидлар шоҳи» (1997) каби тарихий қиссалар ҳам ёзган. Драматург сифатида «Мирзо Улуғбек», «Бобур шоҳ», «Авраңгзеб» каби тарихий мавзудаги драмаларини яратган.

Хуршид Даврон шеърый таржима билан ҳам шуғулланиб келди. У Ўзбекистон халқ шоири.

Ҳозирги кунда шоир тарихий хикоя ва қиссалар ёзиш билан банд.

Хуршид хоҳ шеърятда, хоҳ насрда қалам тебратмасин, ундаги тарихни чуқур билиш қобилияти, кенг илмий тафаккур саҳий нурларини сочиб туради.

ҚУТЛИБЕКА РАҲИМБОЕВА

(1952)



У 1952 йил 9 февралда Тош-овузда туғилган. Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган. Ўрта мактабда, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаган. Айни кунда «Саодат» журналида хизмат қилади.

1976 йил Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним Қутлибеканинг илк шеърый туркумига «Саодат» журналида «оқ йўл» бериб, ёш шоиранинг машқларида жамиятни англашга, уни таҳлил қилишга интилиш устувор эканлигини қайд қилган эди.

Қутлибека шу нуқтаи назарига содиқ қолди. Унинг «Юрагимда кўрганларим» (1981), «Узун кундузлар» (1984), «Уйғониш фасли» (1989) каби тўпламларидаги барча шеърларнинг лирик «мен»и—Ўзбекистон ва ўзбекнинг дарду қувончлари аро қуюниб, суюниб яшаётган армонли, ғурурли, ориятли шахс. У—қуллик, қарамликка мурасасиз эрк учун курашчи, аммо ўз миллатига садоқати кенг, кечиримли.

Қутлибека Раҳимбоеванинг «Қишнинг охирлари» ва «Тавба» дostonлари ҳам матбуотда эълон қилинган. Кейинги йилларда унинг республика газета-журналларида «Ҳамма биладиган сир», «Султон суягини хор этмас, «Тил учидидаги сўз», «Ўзимиз ҳақида бир зум» каби бугунги кун воқелигига муносабат билдирувчи, мунозарага чорловчи публицистик мақолалари эълон қилинди.

Хусусан, шоиранинг «Кишнинг охирлари» достонида «Ўзбеклар иши» фожеалари умумлаштирилган бўлса, «Тавба» достонида умр бўйи икки хил ҳаёт кечирган, икки хил қиёфада яшаб, жамият манфаатлари йўлида ўзини қурбон қилган мажруҳ бир инсон ҳақида, унинг руҳий азоблари-ю, фожеали тақдири тўғрисида баҳс боради.

Қутлибека Раҳимбоева «Тоҳирнинг Зухроси» номли драматик асар ҳам ёзди. У таржимон сифатида Леся Украинка, Мария Цветаева каби шоирларнинг асарларини ўзбекчаштирган.

Сўнгги йилларда яратилган бир қатор шеърый туркумлари учун у бир неча бор «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг, «Шарқ юлдузи» журналининг ҳамда Москвада чоп этиладиган «Смена» ойномасининг мукофотини олган.

Қутлибека Раҳимбоева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ҳамдир.

МИРЗАПЎЛАТ ТОШПЎЛАТОВ

(1952)



Мирзапўлат кашқадарёлик. У 1952 йили Қарши туманининг Даштфайзиобод қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатиб, 1970—1976 йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиган. У узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабий-бадий тарғибот марказида ишлади. Ҳозир «Ўзбектеелефильм» студиясида хизмат қилмоқда.

Мирзапўлатнинг ёзувчи сифатидаги фаолияти 1975 йилда «Гулистон» журналида чоп этилган «Содиқ» номли ҳикояси билан бошланган. Шундан буён унинг ўнлаб ҳикоя ва қиссалари чоп этилган. Булар орасида айниқса, «Қайтиш», «Гуноҳ», «Рўмолча», «Қатнов» каби бир қатор ҳикоялари нафақат ўқувчилар, балки устоз-адиблар эътиборига ҳам тушган.


1977 йилда Мирзапўлатнинг «Юракдаги сир» номли биринчи хикоялар тўплами нашрдан чиқади.

Мирзапўлатнинг «Юракдаги сир», «Беором тўлқинлар», «Бахт юлдузи», «Майдонда мардлар бўлсин», «Олтин ахтараётган бола» каби хикоя ва қиссалардан иборат тўпламлари чоп қилинган. 1994 йилда эса унинг тарихий ўтмиш ҳақидаги «Санам гулханлари» номли қиссаси ўқувчилар қўлига бориб тегди. Мазкур қиссада адиб тарихимизда ўчмас из қолдирган Муқанна бошчилигидаги озодлик ҳаракати ҳақида хикоя қилган. Муқаннанинг араб истилочиларига қарши кураш олиб борган қаҳрамонлик курашини тасвирлаган. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Мирзапўлатнинг «Гуноҳ», «Тавба» ва «Олов қаъридаги фаришта» каби асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган. Яқинда унинг «Она ер афсонаси» қиссаси нашр этилади.

Мирзапўлат фикрли, ўзига талабчан адиблардан. Шунинг ўзи унинг келгусида яна ҳам катта ва пухта асарлар яратишига умид уйғотади.

ЭРКИН УСМОНОВ

(1952)



Моҳир журналист ва носир Эркин Усмонов 1952 йили Тошкентда таваллуд топган. У вояга етган оила санъаткорлар оиласи сифатида эл-юртга танилган. Бобоси машҳур халқ устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Уста Усмон, отаси эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирсоат Усмоновдир. Ўзи ўрта мактабдан сўнг Тошкент Давлат чет тиллар институтини тугатган. Қурилишда, Ёшлар театрида, «Ўзбектеелефильм» студиясида ишлаган. «Мосфильм» қошидаги махсус кавалерия—кино полкида ҳарбий хизматни ўтаган. Қарийб йигирма йил мобайнида Ўзбекистон Радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар Бош таҳририятида турли вазифаларда

ишлаган. У Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзосидир.

Э. Усмоновда адабиётга, ижодга ҳавас эрта уйғонган бўлиб, илк адабий сабоқни «Ленин учқуни», (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетаси қошидаги «Ёш адабиётчилар» тўғарагида олган. «К.К.» номли илк фантастик ҳикояси ҳам ушбу газетада 1967 йилда босилган. Мазкур ҳикоя ўша йилги ёш ижодкорларнинг «Тўёна» конкурсида иккинчи совринни олган.

Адибнинг кейинчалик яратган «Гунафша», «Ўғилдан совға келди», «Олам нурга тўлади» сингари ҳикоя ва қиссалари ҳам талабчан китобхон ва адабий жамоатчилик эътиборини тортган. Шунингдек, у «Юк кўтарган одам», «Хонадаги тўрт киши», «Онагинам», «Яхшилик» каби бир қатор телеспектакл ва радиопьесалар муаллифи ҳамдир.

Эркин Усмонов асарлари замонавий мавзуларда бўлиб, уларда инсонлар ўртасидаги самимият ва олижаноблик, ҳалоллик ва эзгулик, гўзаллик ва маънавий поклик каби юксак фазилатлар ардоқланади. Хусусан, бу нарса адибнинг «Дилингда дардинг бўлса» қиссасида айниқса, бўртби туради.

Адиб таржимон сифатида Агата Кристи, Карел Чапек, Грин, Паустовский, Анор каби адибларнинг асарларини рус ва инглиз тилидан ўзбек тилига афдарган.

ТОҲИР ҚАҲҲОР

(1953)



Тоҳир Қаҳҳор дидли истеъдод соҳиби. Наманганнинг Тўрақўрғон туманида 1953 йилда туғилган. У ҳам Тошкент университетида таҳсил олиб, 1975 йилда журналистика факультетини тугатган. Аввал республика радиосининг адабий-драматик бўлимида муҳаррирлик қилган. 1979—1986 йилларда «Шарк юлдузи» журналида адабий ходим, Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош му-

харрир ўринбосари бўлиб ишлаган. Унинг илк макола ва шеъри жуда эрта, ўн беш ёшидаёқ пайдо бўлган. Улар Наманган туманида чиқадиган «Учқун» газетасида босилган. Шоирнинг дастлабки китоби эса 1980 йилда «Оқ ўрик» номи билан чоп этилган. Шундан сўнг унинг «Оқаётган дарё» (1982), «Осмон кимники?» (1984), «Эшик тақиллаётир» (1984), «Кун кўзи» (1987), «Юлдузлар менинг боғим» (1988), «Тоғнинг парвози» (1990), «Оташгиёх» (1992) каби ўнга яқин тўпламлари кетма-кет чиқади. Бу тўпламларга кирган шеърларни ўқиган китобхонда ажиб туйғулар қайта жонлангандек, уйқудан уйгонгандек бўлади. Бунинг сабаби уларда давр ва замон, инсон ва келажак, табиат муаммолари содда ва раво тилда, фавқуллодда ишончли тарзда ўз ифодасини топганидир. Айни чоғда шоирдаги нозик таъб, савия, журъат унинг шеърларига алоҳида жозиба бағишлайди. Жумладан, унинг «Тилимиз» шеъри эътиборга молик.

Тилимиз бир куёшки, у куну тун сочар нур,
У бир гулзорки, сўнмас, рангидан яшнар умр.
У бир ерки, ўлсак ҳам, унда яшай олурмиз.

Бу мисралар Ойбек домланинг куёш ҳақидаги қуйидаги мисраларини эслатади:

Куёш, нуринг сочавер мул-қул,
Чаман, кетма бизнинг боғлардан!

Тоҳир Қаҳҳор шоиргина эмас, айни чоғда моҳир публицист ва таржимон ҳамдир. Унинг миллий тарихимиз, маданиятимиз, миллатимиз тақдири ҳақидаги, адабиётимиз ва меросимиз тўғрисидаги мақолалари жамоатчилик эътиборини қозонган.

У таржимон сифатида турк шоири Зиё Кўкалпнинг «Эргенўкун» достони ва қатор шеърларини, форс адабиёти намояндалари Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий ғазалларини, араб адабиёти вакиллари Абу Таммом, Ал-Маарий ва бошқа кўплаб Шарқ ва Ғарб адабиёти намояндаларининг асарларини ўзбек тилига ағдарди. Шунингдек, колумбиялик машҳур адиб Г. Маркеснинг «Ошқора қотиллик қиссаси»ни маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. У Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими деган шарафга эга.

Шоир бундан қарийб ўн йиллар олдин, ҳали республикамиз мустамлакачилик ботқоғида ётган кезларда ёзган эди:

Мустамлака юрт-улкан,
Зиндоннинг худди ўзи:
Ўз қуллигин кўрмайди.
Унда тириклар кўзи.

Шоир 1994 йилда «Хур Туркистон учун» деган публицистик мақолалар тўпламини эълон қилди. 1995 йилда эса Анкарада «Бугунги ўзбек шоирлари» деган китоби нашр этилди. Шунингдек, у икки жилдлик «Турк дунёси адабиёти тарихи»нинг майдонга келишида таржимон ва ношир сифатида иштирок этди. Йигирма тўрт жилдлик «Турк дунёси адабиёти антологияси»нинг ўзбек адабиётига оид қисмини ёзди. Ва, ниҳоят турк олими Исмоил Аканинг «Амир Темур даври тарихи» (1996) китоби ҳам Тоҳир Қаҳҳор таржимасида нашр бўлди.

Тоҳир Қаҳҳор сўнгги йилларда яна ҳам унумли ва серқирра ижод билан машғул бўлмоқда.

У дардли шоир, чуқур тафаккур эгаси. Унинг «Тоғнинг парвози» тўпламидан аждодлар тарихи, этнографияси, Турон ва турк эли, унинг табиий шароити, тузилиши, дарё ва тоғ-адирлари ҳақида янги-янги маълумотлар оласиз. Улар тафаккурингизни бойитибгина қолмай, аждодларга яна бир бор ихлосингизни оширади.

ҒАФФОР ҲОТАМОВ

(1953)



Ғаффор Ҳотамов 1953 йилнинг 25 апрелида Навоий вилоятининг Навбахор туманидаги Ғужбоғ кишлоғида, деҳқон оиласида туғилган.

1974 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг филология факультетини тугатган. Меҳнат фаолиятини республика болалар газетаси тахририятидан бошлаган. Кейинчалик, у «Тошкент окшоми», «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон овози») газеталари, «Ёшлик» журнали тахририятда. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриё-

тида хизмат қилган. 1991 йилдан вилоят «Дўстлик байроғи» газетаси, «Ёшлик» журнали ҳамда «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири лавозимида ишлади. 1997 йилнинг январидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим.

Ғаффор Ҳотамовнинг дастлабки ҳикояси «Тонг ва шом» 1976 йили «Гулистон» журналида ёруғлик кўрган. 1978 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти адибнинг «Хат ташувчи бола» номли илк ҳикоялар тўпламини нашрдан чиқарди.

1980 йил Ғаффор Ҳотамовнинг «Қайтиш», 1985 йил «Қудуқ тепасидаги ой» қиссалари яратилди. 1988 йил адибнинг «Азал ва абад», 1990 йил эса «Тоҳир ва Зухранинг кулмаган бахти» қиссалари «Ёшлик» журналида эълон қилинди.

Ғаффор Ҳотамовнинг ҳикоя, қисса ва бадиалари кейинги йилларда «Кунтуғмишнинг кулмаган бахти», «Биринчи муҳаббат қиссаси», «Кеча ва бугуннинг сабоқлари» номи остида китоб ҳолида нашр этилган.

Кузатишимизча, Ғаффор Ҳотамов қайси жанрда, қандай мавзуларда асар ёзмасин, ҳамиша ва кўп ҳолларда замондош ёшларнинг беғубор туйғулари, ички руҳий олами, тақдири ва фожеаларини умумлаштириш йўлидан боришига гувоҳ бўламиз. Зеро, жамият ва одамларнинг маънавий қамоли ана шу ёшлар тақдири билан чамбарчас ҳолатда ўз ифодасини топади. Ҳалоллик, поклик, имонлилик адиб яратган қахрамонларнинг энг муҳим фазилати сифатида намоён бўлади.

1997 йил адибнинг «Янги ой чиққан кеча» романи «Ёшлик» журналида эълон қилинди. Айни пайтда у қатор публицистик бадиалар муаллифидир.

Ғаффор Ҳотамов «Қудуқ тепасидаги ой» қиссаси ва «Эврилиш» бадияси учун Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофотига сазовор бўлган. Унинг асарлари қатор хорижий тилларга ҳам таржима қилинган.

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

(1953)



Нормурод Норқобилов 1953 йилнинг 7 июнь кунида Қашқадарё воҳасининг Яккабоғ туманида дунёга келган. 1970 йилда Ҳамид Олимжон номидаги ўрта мактабни тугатиб, 1971—1973 йилларда ҳарбий хизматда бўлган. 1976 йили эса Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, уни 1982 йилда муваффақият билан тугатган. Аввал «Тошкент оқшоми», сўнг Ўзбекистон телевидениесига кичик муҳаррир, муҳаррир ва бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаб келади.

Бунгача у тўқимачилик корхонасида слесарь, Ўрта Осиё темир йўлида ишчи, ғишт заводида ғишт терувчи, омбор қоровули, машинасозлик заводида фарма ясовчи бўлиб ҳам хизмат қилган. Ана шу ранг-баранг иш фаолиятида унинг кўрган-кечирганлари кичик ва катта асарлари негизини ташкил этган. Унинг «Чорраҳада» деган илк ҳикояси 1982 йилда «Тошкент оқшоми» газетасида босилиб чиқади. «Ёшлик» журналида, сўнг эса «Камалак», «Чашма» каби тўпламларда босилади. Ниҳоят, 1987 йилга келиб, унинг «Зангори кўл» деган илк тўплами ўқувчилар қўлига бориб етади. 1990 йилда «Унутилган кўшиқ» ва 1993 йилда эса «Юзма-юз» деган ҳикоя ва қиссалардан иборат тўпламлари нашрдан чиқади. Биз адибнинг мазкур тўпламларига кирган ҳикоя ва қиссаларини ўқир эканмиз, уларда аввало адиб туғилиб ўсган воҳанинг ўзига хос табиати, содда ва беғубор кишиларига хос инсоний фазилатлар ҳақида баҳс тинглангандек бўламиз. Улардаги барча ҳикоялар, қаҳрамонлар адибга яқин ва таниш бўлганлигидан китобхон қалбида ҳам ёрқин из қолдиради. Тасвир услуби ва ифода тили содда ва раvon бўлганлигидан ўқувчи зерикмайди. Айниқса, унинг «Унутилган кўшиқ», «Юзма-юз» тўпламларига кирган ҳикоялари талабчан ўқувчи қалбида муҳрланиб қолади. Натижада бу асарларнинг айримлари асосида телеспектакль ва видеофильмлар яратилган.

МУҲАММАД ЮСУФ

(1954)



Ҳозирги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган истеъдодли шоирларидан бири Муҳаммад Юсуфдир. У 1954 йил 26 апрелда Андижон вилоятининг Марҳамат туманида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Рус тили ва адабиёти институти-ни (1978) тамомлади. 1978—1980 йилларда республика Китобсеварлар жамиятида, 1980—1986 йилларда «Тошкент окшоми» газетасида, 1986—1992 йилларда Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-да, «Ўзбекистон овози» газетасида ишлади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котибидир.

У ўнга яқин шеърий тўпламлар, ўнлаб кўшиқларнинг муаллифи сифатида кенг китобхонлар қалбига кириб улгурган. Унинг дастлабки шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида 1976 йилда эълон қилинган. Шундан сўнг «Таниш тераклар» (1985), «Булбулга бир гапим бор» (1987), «Илтижо», (1988), «Уйкудаги қиз» (1989), «Ҳалима знам аллалари» (1989), «Ишк кемаси» (1990), «Кўнглимда бир ёр» (1991), «Бевафо кўп экан» (1991), «Эрка кийик» (1992) каби шеърий тўпламлари нашр этилди. 1989 йилда эса «Уйкудаги қиз» номли шеърий тўплами учун унга Республика Ёшлар мукофоти берилди.

Шоирнинг «Ёлгончи ёр» (1994) ва «Осмонимга олиб кетаман» (1998) шеърий тўпламлари кейинги йиллардаги энг сара асарларидан ташкил топган.

У ростгўй шоир, ҳалол ва покиза қалб эгаси. У муҳаббат ҳақида куйлайдими, бевафо ёр ҳақида кўшиқ тўқийдими ёки тарихимиз ва тақдиримиз саҳифаларини қаламга оладими, уларда ҳамиша ҳаётга, ҳақиқатга ҳамнафаслик сезилиб туради. Унинг шеърлари равон ва соддалиги билан халқ оғзаки ижодига ҳамохангдир. Шоирнинг «Меҳр колур» шеърини эсланг-а:

Ўтар инсон яхши-ёмони,
Меҳр колур, муҳаббат колур.

ёки «Ватан» шеърини кўринг:

Дур ичра дурдонам дейми,
Ёлғизим, яғонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри
Илигимсан, Ватаним...

ёки:

Эй дўстларим, дунёда
Орта қолган ёд яхши.
Унга номард дўстингдан
Битта чўлок от яхши.
Тўқлигингда йўқлаган
Қариндошдан ёт яхши.
... Эй дўстларим, дунёда
Орта қолган из яхши.

Шоир шеърини ҳам шундай. Меҳрингизда, қалбингизда кўшиқ бўлиб қолади. Ватан меҳрини дилга жойлайди, дўстликни улуглайди. 1998 йил шоир ҳаётида ўчмас из қолдирди. Унга «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвон берилди.

УСМОН КЎЧҚОР

(1955)



Истеъдодли шоир Усмон Кўчқор 1955 йилда Бухоро вилояти, Шофиркон туманида оддий меҳнаткаш оиласида дунёга келади. У ўрта мактабни тугатгач, 1970—1975 йилларда Тошкент Давлат университетида таҳсил олади. Шундан сўнг у 1975—1977 йилларда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди. 1977—1979 йилларда эса яна она юрти Шофирконга бориб, ўрта мактабларда она тили ва адабиётдан дарс беради. 1979—1986 йилларда бўлса, Тошкентда «Ўзбекистон» нашриётида муҳаррир бўлиб хизмат қилади. 1986—1988 йил-

ларда «Чулпон» нашриётида, 1988—1996 йилларда «Ёшлик» журналида ҳамда «Маънавият» нашриётида бош муҳаррир лавозимида ишлайди. Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги Адабиёт жамғармасига бошчилик қилади.

Шоир ижодининг бошланиши 70-йиллар охири ва 80-йиллар бошларига тўғри келади. Унинг биринчи шеърий тўплами 1982 йилда «Ҳаяжонга кўмилган дунё» номи билан чоп этилган. Тўпламга кирган кўпчилик шеърлар шоирнинг изланишларидан, ўз услубини яратаётганлигидан дарак берса ҳам улар ёшликнинг бегубор, содда, одабий қалб туйғуларидан ташкил топганлиги билан китобхонни ўзига жалб этади. Сўнгра, шоирнинг «Аксиз садолар» (1986) номли иккинчи шеърлар тўплами босилди. Кетма-кет эса «Уйкудаги минора» (1987), «Оғир қарвон» (1991) каби анча жиддий, салмоқли шеърий гулдасталари яратилди. Бу тўпламлар шоир дунёқарашининг кенг ва чуқурлиги, мавзу доирасининг бекиёслиги, фикрларининг теранлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг «Оғир қарвон» номли шеърий тўпламига кирган кўпчилик шеърлари инсон руҳияти, руҳий олами, маънавияти ҳақида битилган гоҳ қасида, гоҳ памфлет бўлиб янграйди.

Шоир ўз шеърларида ҳамиша замонлар киёсидан ҳақиқат, нур излайди. Инсонни эзгу ва муқаммал этувчи руҳни баъзан топади, баъзан эса...

Шоир «Қувғин» достонида қатағонлик даври азиятлари, изтироб ва аламлари ҳақида ҳикоя қилади.

У таржимон, журналист сифатида ҳам самарали ижод билан банд. Шоир Шарқ ва Ғарб адабиётларининг энг яхши намуналарини ўз она тилига ағдариб, савобли иш қиляпти. Жумладан, машҳур озор шоири Самад Вурғун ўғли Юсуф Вурғуннинг «Қатл куни» романи, Хусайн Жовиднинг «Амир Темура» пьесасини таржима қилган. Унинг «Чамангул» (1966) номли болалар учун ёзилган шеърий гулдастаси Республика Давлат матбуот қўмитаси мукофотига сазовор бўлган.

ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ

(1956)



Ҳозирги ўзбек насрининг таракқиётида истеъдодли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. У 1956 йил 18 январда Тошкент вилояти, Қибрай туманининг Тузел қишлоғида дунёга келган. 1963—1973 йилларда Паркент қишлоғидаги мактабда ўқиб, уни муваффақиятли тугатади. 1972—1978 йилларда эса Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида таҳсил олади. Унинг меҳнат фаолияти 80-йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Гулистон» (1974—1980), «Ёшлик» (1982—1985) каби журналларда, Ф. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (1980—1982, 1985—1993) фаолият кўрсатади.

1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифада ишлаб келади.

Хайриддин Султоновнинг ижоди 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган. Адибнинг «Қуёш барчага баробар» (1980), «Бир окшом эртаги» (1983), «Онамнинг юрти» (1987), «Умр эса ўтмоқда» (1988), «Бобурнинг тушлари» (1992), «Бобурийнома» (1997) каби насрий китоблари кенг ўқувчилар оммасига таниш. Шунингдек, у «Чангак», «Мозийдан бир саҳифа», «Меҳробдан чаён» каби видеофильмлар ҳамда «Тушларимда кўриб йиғлайман» каби бадиий фильмлар сценарийсининг муаллифи ҳамдир. «Сарҳовузнинг бўйларида» (1992) драмасини ҳам ёзган.

Хайриддин Султонов фақат истеъдодли адибгина эмас, балки моҳир таржимон ҳамдир. Жумладан, А. Сент-Экзюпери, Ю. Нагибин, В. Шукшин каби адибларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Адиб яқинда «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» ҳикояси асосида кинофильм сценарийсини ҳам яратди.

МИРЗО КЕНЖАБЕК

(1956)



Мирзо Кенжабек ҳозирги давр ўзбек шеърининг ривожиди ўзининг муносиб ўрнига эга шоирлардан бири. У 1956 йилнинг 20 февралда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида оддий меҳнаткаш оиласида туғилган. 1963—1973 йилларда ўз қишлоғидаги ўрта мактабда ўқиб, уни муваффақиятли якунлайди. Сўнгра, 1974—1979 йилларда у Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетини тахсил олади. У Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида Президент девонида масъул лавозимларда ишлаган.

Мирзо Кенжабек ўзи ҳақида ёзиб: «Шоирлик туғилмасимдан бошланган бўлса керак»,— дейди. Чиндан ҳам ундаги шеърининг ҳавас, ихлос, интилиш анча эрта бошланган. Биринчи шеърини тўплами «Йигирма олти ёшида», яъни, 1982 йилда «Адашган мактублар» номи билан нашр этилган. Кетма-кет унинг ўннга яқин шеърини тўпламлари, публицистик мақолалардан таркиб топган китоблари чоп этилган. Адибнинг «Қуёшга қараган уй» (1983), «Муншаот» (1986), «Шарқ тили» (1988), «Баҳорим еллари» (1991) ҳамда «Муҳаббатнинг йўли хатарли», «Ҳасрат китоби» каби шеърини ва публицистик мажмуалари китобхонлар томонидан қизғин қарши олинган. У ўзининг «Ўзбекистон» номли шеърини:

Ернинг ҳар бурчагида одамлар гоҳо.
Менга ўз тилимда сўйлар, гумон йўқ.
Ўзбек кўп бутун Ер юзиди, аммо
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!—

дейди. Ўзбекистон ҳақида Мирзо Кенжабек ўзгача, ўзига хос авж пардаларда куйлайди. У кейинги йилларда бу мавзуда бир туркум шеърлар яратди.

У истеъдодли таржимон сифатида А. С. Пушкиннинг машҳур «Евгений Онегин» шеърини романи, Фаридиддин

Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» (1997) китобини ва яна бир қатор исломий асарларни ўзбек тилига ағдарган. Хуллас, Мирзо Кенжабек ижоди мисолида миллий Мустақиллик учун курашаётган фидойи ёшлар киёфаси гавдаланади.

ТЎРА МИРЗО

(1956)



Таникли шоир ва драматург Тўра Мирзо (Тўрамирза Жабборали Дадамирзо ўгли) 1956 йили Наманган вилояти, Чортоқ туманининг Пешқўрғон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабдан сўнг у 1979 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент Санъат институтининг театршунослик бўлимини тугатган. 1989 йилда эса Москвадаги Олий Адабиёт курсида ўқиди. Сўнгра бир қатор ижодий идоралар, газета ва журналларда фаолият кўрсатган. Кейинги йилларда у Республика Адабиёт жамғармасига қарашли Тарғибот Марказининг бош директори вазифасида ишлади. Ҳозир эса «Ўзбектелефильм» студиясида хизмат қилмоқда.

Тўра Мирзонинг ижоди гарчи 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса ҳам, биринчи шеърлар тўплами — «Майсалар ҳайқириги» 1983 йилда чоп этилади. Шундан сўнг унинг бир қатор шеърӣй мажмуалари ўзбек, рус ва турк тилларида босилади. Жумладан, «Гўрўглининг беланчаги», «Тонгги мактублар», «Кулгихона», «Амир Темур вазияти» китоблари ўзбек тилида, «Добрый знак», «Возвращение в Фергану» тўпламлари рус тилида, «Билга тунокук васияти» манзумаси ва туркум шеърлари Туркияда нашр қилинади.

Тўра Мирзо истеъдодли шоир бўлиши билан бирга таникли драматург ва таржимон ҳамдир. Унинг «Бекат», «Тонгги трамвай», «Пойтахт латифалари», «Саратондаги изғирин» каби драматик асарлари совринларга сазовор бўлган.

Шунингдек, адибнинг «Коврилган ўрдак парвози», «Муҳаббатга ўқ теккан кун», «Ахмад ва Окбиллак» сингари драмалари республика ва вилоят театрлари сахнасидан муносиб ўрин олган. Ҳозирги кунда унинг «Амир Тему́р» драмаси Қашқадарё вилоят театрида ижро этилмоқда. Айни чоғда шу асар асосида икки қисмли видеофильм суратга олинган.

Сўнги йилларда у «Тўхтамишхон» (1994) драмасини яратди. «Амир Тему́р» драмаси халқаро Фирдавсий мукофотига сазовор бўлган.

У таржимон сифатида Жон Глойл Пристлининг «Хазина», Агата Кристининг «Қопқон», Азиз Несиннинг «Яшасин, сарғиш пушти ранг» каби драматик асарларини ўзбекчалаштирган.

АШУРАЛИ ЖЎРАЕВ

(1956)



Ашурали Жўраев адабиётга журналистика орқали кириб келган адиблар сирасига киради. У 1956 йилда Навоий вилоятининг Навоий туманида туғилган. Ўрта мактабни битиргандан сўнг Тошкентга келиб, ўз меҳнат фаолиятини «Ташсельмаш» заводида йиғувчи-чилангарликдан бошлаган. 1974—1978 йилларда Тошкент Давлат Маданият институтида ўқиган. У ўқиш билан бирга 1976 йиллардан бошлаб, Тошкент технология билим юртининг кечки бўлимида тарбиячи бўлиб ҳам хизмат қилган. Сўнг 1982 йилга қадар шу билим юртида ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими мастери бўлиб ишлаган. Ниҳоят, 1983—1996 йиллар мобайнида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида бўлим мудирини вазифасини бажарган. 1996 йили Республика Президенти девонидан масъул вазифада ишлаган. Ҳозирги кунда эса у «Муштум» журналининг бош муҳарриридир.

А. Жўраевнинг адабиётга қизиқиши ўша Маданият институтида ўқиб юрган кезларидаёқ кўзга ташланган

бўлиб, институтдаги «Адабиёт ғунчаси» адабий тўгарагида ўзининг хикоя, очерклари билан катнашган. Дастлабки асарлари ҳам мазкур тўгаракнинг адабий тўплами «Девон»-да чоп бўлган. Кейинчалик у «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги фаолияти даврида шаклланиб, адабиётнинг катта ва мустақил йўлига чиқиб олади. Айниқса, унинг публицистик мақолалари, илмий ва муаммоли очерклари газетхон эътиборини қозонади. Жумладан, «Илтимосга кунинг қолмасин», «Қайта қуриш ва санъатдаги муаммолар» туркум мақолалари ўзининг долзарблиги, кескинлиги ва ҳужжатлилиги билан фарқланади. Хусусан, «Илтимосга кунинг қолмасин» мақоласи туфайли Ф. Умаровга ўхшаган катта хонанда обрўсининг қайта тикланганлиги ҳам муаллиф сўзининг ҳароратлилигидан далилдир. Унинг «Юрак бўронлари» номли ҳужжатли қиссасида Ботир Зокировдек ноёб санъаткорнинг жожеавий тақдири, буюк ва такрорланмас санъаткорлиги ишончли тарзда бадиийлаштирилган. У шу асарлари учун Республика Ёшлар мукофотиغا сазовор бўлган.

Адибнинг «Тошбақалар пойгаси», шунингдек, «Ўқ узган ким?» ҳужжатли қиссаси ҳам китобхон эътиборига кирган. У қатор кўрик ва танловлар совриндоридир.

ФАРИДА АФРЎЗ

(1956)



Фарида (Бўтаева) Афрўз 1956 йили Қўқон шаҳрида туғилган. 1972 йили 10- ўрта мактабни тамомлаб, Қўқон Давлат педагогика институтининг тарих қуллиётида таълим олган.

1967-68 йиллардан бошлаб матбуотда кўрина бошлаган. Унинг шоира бўлиб шаклланишида Қўқон шаҳридаги «Нихол» адабий тўгараги маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди. Шоиранинг Ватан, она, дўстлик, болалик ҳақидаги шеърлари 70-80 йиллар адабий жараёнда ўз ўрнини топди. 80- йиллардан бошлаб у барча газета

ва журналларда фаол иштирок эта бошлади. Унинг 1986 йили «Қирқкокиллигим» 1992 йили «Изтироб кўйлаги», 1994 йили «Тунлар исёни», 1999 йил «Кўзим маним», «Ўзимдан ўзимгача» шеърий тўпламлари чоп этилган.

У япон, турк шеъриятининг намуналарини ҳамда Анна Ахматованинг асарларини ўзбекчага таржима қилган. Шу кунларда Фарида Афрўз «Мангу манзил» ва «Нодира-бегим» тўпламлари устида ишламоқда.

Ҳозир «Ёзувчи» нашриётида бош муҳаррир.

Унинг шеърий Сўзида истиоралар, мажозлар ичинда кўнгилнинг оний кечинмалари — ерости тебранишлари, сувости титроқлари, чақмоқлари, ёмғирлари-да намоён бўлади. Вақт — ҳаяжон гирдобида ҳам баландликда, ҳам теранликда шиддат билан ҳаракатланади.

Ҳовучимда турмас шаршара,
Ҳовучимда тўлмас шаршара,
Жилға, бунча тилларинг ширин.

* * *

Шафтолижон, гуллари гужгон,
Тегиб кетди новданга, узр,
Пушти кўйлагимнинг енглари

* * *

Аравага осилиб келар,
Эскифуруш чолнинг ортидан
Мактабидан кочган болалар.

* * *

Сувга чўккан тош ҳам эгалик,
Тунда учган гарднинг изи бор.
Сенинг эса йўқдир дарагинг...

Шоира аёллар гулдастасида Фарида Афрўзнинг ҳам ўз сози, овози, рангги алохида.

СИРОЖИДДИН САЙИД

(1958)



Сирожиддин Сайид—истеъдодли ва изланувчи шоир. Уни тушуниш ҳам анча кийин ва мураккаб. Боиси шоир тафаккурининг теранлигида. Кўпроқ рухият шоири эканлигида ҳамдир.

У 1958 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида жойлашган Кундажувоз қишлоғида маталгўйлик, дostonхонлик урф бўлган оилада таваллуд топган. «Мен шу хазин товушлар дунёсида тарбия топдим»,— дейди шоир. Вақт темир йўл шпалларидай тез ўтди. Тошкент дорилфунунининг журналистика куллиётидаги талабалик йиллари. Китоблар, илк шеърлар. Яна китоблар. Пул қолмаганда қотган нонларни чойга бўктириб, роҳат қилишлар... Ана шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли. Ва яна ўқиш, ўрганиш, ижодий изланишлар... Пироварди, буваси Ваҳоб шоир ва амакиси Сайидумар ака куйлаган қўшиқларнинг чала қолганларини тўлдириш, хуллас, Сирожиддин Сайид «боболарим бошлаган дostonни сўнги нуқтасига етказиш менинг бурчим», деб аҳд қилган шоир.

Шу кунгача унинг «Рухим харитаси», «Салқин харсанглар кафтида», «Севги мамлакати», «Асрагил», «Меҳр қолур, мухаббат қолур», «Куйдим» ва «Ватанни ўрганиш» каби бир қатор шеърый тўптамлари нашр бўлди. Агар унинг биринчи «Орзу» деган шеъри 1975 йилда чоп этилган бўлса, биринчи тўплами «Рухим харитаси» номи билан 1985 йилда босилиб чикди.

Сирожиддин Сайид ҳамиша уйғоқ шоир. У дунё ва ҳаётда, қишлоғи ва ҳовлисида, замондошлари, дўсту ёрлари қалбида кечаётган ўзгаришлардан, янгилинишлардан воқиф. Хусусан, эл-юрти тарихи, қисмати, дардини куйлаш шоир учун фарз ва қарз бўлиб туюлди.

Юртим, менга зар керакмас заргарингдан,
Киприкларим унсалар бас гардларингдан.
Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,

Айтиб ўтсам дейман кўхна дардларингдан,
Менга дунё керакмас, бир хас етар,
Яссавийлар ётган азиз ерларингдан.

Айникса, шоирнинг «катта йўлга чиқиб олган улуг Ватан»ига меҳри беқиёсдир.

Сўқмоғингда мен бир эпкин
Ё бир насимман,
Япроқ, сенинг, хас бўлсам гар
Сенинг хасинг мен,
Жайронларинг кўзларида
Колар сўзингман,
Менинг борим сен биландир
Йўғим ҳам сен билан,
Катта йўлга чиккан улуг
Карвоним, Ватан.

Худди шу жиҳатдан шоирнинг «Ватанни ўрганиш» (1996) номли тўпламига кирган шеърлар «Куйдим» (1994) тўпламида қулф урабошлаган гўзал ва мунгли туйғуларини янада чуқурлаштиришга хизмат этади. Бунда она-Ватан тушунчасини англаш, унинг моҳиятига етиш бош тамойил бўлиб қолади.

Сирожиддин Саййид шеърлятида халқ оғзаки ижодига хос содда, лўнда ифода усули мумтоз адабиётимиз оҳанглари билан уйғунлашиб кетади. Бунинг устига шоир Шарқнинг Фирдавсий, Ҳофиз, Бедилларидан Навоийгача, Европанинг Артур Рембо, Пабло Неруда, Александр Блок, Имант Зиёданисларгача, ўзимизнинг Чўлпон, Ойбек, Ғ. Ғуломлардан Э. Воҳидов, А. Ориповларгача ўрганиб, улардан илҳом олган. Айни чоғда уларни ва ўзини такрорламаслик йўлини топган. Сирожиддин Саййид изланувчан, истеъдодли ва кўп киррали шоир сифатида ўзбек шеърляти ривожига ўз ўрнига эга бўлмоқда.

ЗУЛФИЯ МҶМИНОВА

(1959)



Зулфия Мўминова ҳам истеъдодли шоираларимиздан. У оз ёзса ҳам соз ёзади. Ҳозиргача унинг учтагина шеърий тўплами чоп этилган. Зулфия 1959 йили Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. «Қишлоғимиз Қоратов тоғининг ён бағрида жойлашгани учун бағоят сўлим ва гўзал табиатли,—деб ёзади у ўз таржимаи ҳолида.— Бу ерда халқ оғзаки ижодини яхши биладиган, яхши ижро этадиган одамлар яшайди.

Шулар қатори менинг раҳматли бобомни Мўмин оқин деб аташган. Бобом бир неча соатлаб дostonлар айтганлар.

Орадан йиллар ўтди ва халқ кўшиқларига бўлган ҳавас менинг қалбимда шеърга бўлган интилиш уруғини сочди. Ўзбек адабиётига 80-йилларда кириб келган ёш шоиралардан бири бўлдим. Бу йиллар бирор ҳафта ёки кун йўқ эдики, шеърият ҳақида баҳс ва суҳбатлар бўлмаган бўлса. Бу баҳс ва мунозараларда чархландим.

Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Ҳалима Худойбердиева каби устозлардан илҳом олдим...»

У бу йилларда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битирди (1983). «Саодат» журна-лида, радиога ишлади. Ҳозир эса Тошкент шаҳар ҳокимлиги и «Маънавият ва маърифат» бўлимида хизмат қилмоқда.

Гарчи шоира адабиётга 80- йилларда кириб келганман, деса ҳам шоир бўлиш орзуси унда эрта уйғонган. Унинг дастлабки шеърий тўплами 1988 йилда «Ватан ташлаб кетмайди» номи билан нашр бўлган. Шу йили унинг яна «Бешиқларни асрагин, дунё», 1993 йилда эса «Ёнаётган аёл» шеърий китоблари олам юзини кўрган.

Шоиранинг тўпلامдан-тўпلامга маҳорати ошиб борди. «Бешиқларни асрагин, дунё» тўпламида изланишлар доираси кенгайиб, ўзининг дадил, мустақил овози ва сози билан ўқувчилар эътиборини тортди. Айниқса, Зулфия ижодида «Ёнаётган аёл» шеърий гулдастаси китобхонга ҳам, адабий жамоатчиликка ҳам жуда-жуда маъкул бўлди. Эл назарига

тушди. Уни ҳайрат шоираси, ҳайрат ошиғи деса бўлади. У ҳамма яхшиликлардан, яхши одамлардан, гўзаллик ва ҳурликдан, ифбатли ва ибולי аёллардан, меҳрибон ва мушфиқ оналардан, табиат ва Ватан жамолидан, барча эзгуликлардан ҳайратланади. Айни чоғда ёмонлардан, қора ниятлар, чиркин юраклардан бетоқат бўлади, нафрати халқумига сиғмайди. Қаранг:

Дунё армон дунёдир,
Кўлларида тош кўрдим.
Халолликнинг, покликнинг
Кўзларида ёш кўрдим.

ёки:

Ўзбекка отилган ҳар тошпа қасдман,
Ўзбегим демасам шу куни настман...

Яна:

Дунё яхши дедим, дунё гул дедим,
Дунё ёмон, деди ёмонлар.
Яхшиларга етиб келгунча,
Юрагимни еди ёмонлар.

Шоиранинг янги шеърий армуғони «Азизим, бахтиёрман» (1997) деб аталади.

ШОЙИМ БЎТАЕВ

(1959)



Шойим Бўтаев кенжа авлодга мансуб истеъдодли носирлардан бири бўлиб, 1959 йил 20 июнда Тожикистоннинг Ўратепа туманига қарашли Майдонча қишлоғида туғилган. 1976 йили ўрта мактабни, 1982 йили эса Хўжанд Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган. Унинг меҳнат фаолияти «Гулистон» журналидан бошланган бўлиб, кейинчалик «Тонг юлдузи»

(собик «Ленин учқуни») газетасида бўлим мудирини, «Чўлпон» нашриётида муҳаррир бўлиб ишлаган. Ҳозирги кунда эса республика радиосида «Адабиёт ва радиотеатр» бош муҳарририятининг бош муҳаррири вазифасида ишлаб келаётир.

Шойим адабиётимизнинг қутлуғ даргоҳига 80-йилларнинг ўрталаридан кириб келган бўлиб, дастлаб талабалик даври ҳаётини ифодаловчи ҳикоялар ёзган ва матбуотда эълон қилган. Унинг «Сирли юлдузлар» номли илк қиссаси 1984 йилда «Шарқ юлдузи» ойномасида босилган. Худди шу йили яна унинг «Дунёнинг сарҳисоби бор» номли қиссалар тўплами «Камалак» (собик «Ёш гвардия») нашриётида чоп этилади.

1988 йилга келиб, адибнинг «Энди бари бошқача» номли ҳикоялар тўплами «Чўлпон» нашриётида босилиб чиқади. 1995 йилда эса, Шойим Бўтаевнинг «Шамол ўйини» деган қисса ва ҳикоялар мажмуаси «Ёзувчи» нашриётида чоп бўлади. 1996 йилга келиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа бирлашмаси ёзувчининг «Қўрғонланган ой» романини босиб чиқарди. Ҳозирги кунда адибнинг «Кунботардаги боғ» «Муйилишдаги уй» каби китоблари нашр этилмоқда.

Шойим Бўтаев ўз ижодий услубига, ўзига хос овозга ва созга эга адиблардан. Унинг ижоди миллий насрчилгимизнинг энг яхши анъаналарини жаҳон насрчилиги ютуқлари билан синтезлаштирувда, омухта тарзда ифода этишда намоён бўлмоқда. Худди шу жиҳатдан унинг «Қўрғонланган ой» романи эътиборга лойиқдир. Гарчи роман қишлоқ кишилари ҳаёти, орзу-интилишлари ҳақида ҳикоя қилса-да, аслида халқимиз маънавиятига хос миллий илдишлар, манбалар ва ҳамиша яшовчан самарали анъаналарни ҳам кўз-кўз қилади. Айниқса, қишлоқ кишиларига хос феъл-атвор, самимий ва беғубор туйғулар ниҳоятда гўзал ва ширали тилда, оддий, аниқ-равон тасвирланади. Имон, инсоф, диёнатлилиқ асар қаҳрамонларининг маънавий-ахлоқий фазилатларига айланади. Яна инсон билан табиат, жонзот ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда янгича ҳолатда ўз бадий умумлашмасини топади. Шулар асарга жозиба бағишлайди.

Шойим Бўтаевнинг бир қатор асарлари рус, тожик, немис ва инглиз тилларига таржима қилинган. У 1988 йилдан буюн Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

АБДУВАЛИ ҚУТБИДДИН

(1960)



Шоир Абдували Қутбиддин иктидорли, нозиктаъб ва юксак дидли қаламкаш. У 1960 йилнинг 20 июнида Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида туғилган. Аслида унинг ота-онаси тошкентлик бўлиб, Шайхонтохур маҳалласидан, Хўжа Аҳрор Валий авлодига мансуб кишилар эди. Октябрь тўнтариши ва қатағонлик даврининг шамоли бу оилани ҳам четлаб ўтмаган. Улар йиллар давомида Самарқанд, Қашқадарё воҳаларига кўчириб юборилганлар қаторида истиқомат қилишган. Шу туфайли Абдували Қаршида туғилиб, Самарқандда таҳсил олган. 1978 йили Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетига ўқишга кириб, уни 1983 йилда муваффақиятли тамомлаган. Самарқанд вилоят газетаси «Ленин йўли» (ҳозирги «Зарафшон») да хизмат қилган. 1985 йилдан эса она шаҳри Тошкентга келиб, Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. 1990 йилда «Ёзувчи» нашриёти ташкил бўлгач, аввал етакчи муҳаррир, сўнг бош муҳаррир бўлиб хизмат қилади. У оилали, икки ўғил, икки кизи бор. Шоирнинг «Найсон» (1988), «Ҳумо» (1989) ва «Бахтли йил» (1991) тўпламларига кирган шеърлари содда, раvon ифодалар асосига қурилганлиги билан ажралиб туради. Қаранг:

Уялиб — туғилдим,

Уялиб — яшадим.

Уялиб ўларман.

Ахир бу бутун ўз халқи ахлоқи, одоби, маънавиятини ўзида умумлаштирувчи сатрлар эмасми?! Ёки «Бахтли йўл» тўпламига кирган «Ер қаърига», «Икки амакимга хат» шеърдаги фалсафий фикрга диққат қилинг. Унда дунё ўткинчи, ҳаммавақт ҳамма нарса ўтади, кетади, поклик, муҳаббат, яхшилик, меҳр каби буюк туйғулар қолади,

деган хулоса балқиб туради. Шоир дейдики, бу омонат дунёда тинч ва барқарор бўлсин:

Омонат кўприкнинг устида маҳкам,
Тинч-у, пок бўлсин тирик абадият.

Абдували Кутбиддин—истикбол шоири. Ҳали у ўнлаб баркамол асарлар яратиб беради, бизни хушнуд этади, деб умид қиламиз.

ЭШҚОБИЛ ШУКУР

(1961)



Эшқобил Шукур шеърляти—ўзининг мажозий ранглари, мусиқавий оҳангларга лиммолимлиги ва қадимий битиклар асосига йўғрилганлиги билан шоир ўзлигини яратади. У 1961 йилда Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги Боймоқли кишлоғида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1979—1984 йиллари Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетида таҳсил олган. Шундан

буён турли нашриёт ва таҳририятларда ишлайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон телевидениесига хизмат қилмоқда.

Унинг ижоди 80- йиллардан бошланган бўлиб, шоирнинг «Қадимги битиктошларга ёзувлар», «Менгим момонинг йўқлови», «Бибизилоф ҳикояти» сингари дастлабки шеърларидаёқ ўз услубига хос мажозий сифатлар ва халқ оҳангларига омукта бўлган мусиқий садолар эшитилиб туради. Ўша унутилаётган халқ оҳанглари янгича, замонавий куйларга қоришиб, янада чуқур ҳаётийликка киради. Шу тарзда шоирнинг «Юракни ўрганиш» номли илк шеърый тўплами туғилади ва у 1986 йили чоп этилади. 1988 йилга келиб, муаллифнинг «Сочлари сумбул, сумбул» деган иккинчи шеърый гулдастаси нашр қилинади. 1989 йили яратилган «Тунги гуллар» номли учинчи тўплами эса Республи-

ка Ёшлар Иттифокининг Усмон Носир номидаги мукофотга сазовор бўлади.

Эшқобил Шукурнинг тўртинчи шеърий гулдастаси 1995 йилда нашр этилган бўлиб, у «Яшил қушлар» деб аталади. Тўплам китобхон ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ қабул қилинади. Унга кирган кўпчилик шеърлар чуқур мажозий маънога эга эканлиги, айтиш чоғда содда, равон тилда ифодаланиши, баъзан эса халқона, бахшиёна баён услуби шоир шеъриятини ўз ўқувчиси билан мустаҳкам боғлайди. Бунинг устига шоир шеъриятида қадимий унутилган мусиқий оҳанглар янгидан жонланиб, асарларига янгича маъно, янгича файз ҳам бағишлайди. Баъзан эса фожеавий оҳанглар эшитилади. Жумладан, унинг «Тилимни куйдирди», «Отанг сени ёқлаб», «Айролик», «Йиғлоқ тош» каби ўнлаб шеърларида халқнинг ўша унутилаётган оҳанглари садо беради, тарих қаърига етаклайди, сабоқ сўрайди, армонли кечмиш куйи бўлиб эшитилади:

Мен гамли илонман, кайгули илон,
Муқаддас битик бор олтин бошимда.
Бу битикни ўймоқ, мумкин эмасдир,
На қоғозга, на-да тоғлар тошига.
Мен гамли илонман, кайгули илон,
Кун бўйи суйайман сўнги устунни.
Тунлари битикни ўймоқлик учун
Изларман ташлаган пўстимни...

Ҳа, шоир шеърлари мажозий маъно ва сифатларидан ташқари, сўфиёна нақлларга, илоҳиётга сингдирилгани билан ҳам ўқувчини жиддий ўйлашга, фикрлашга, баъзан эса баҳсга тортиб туради. Баҳс оқибати катта бир ҳаётий фалсафани: инсон ва ҳаёт, ҳаёт ва ҳақиқат, қисмат ва қадрият, имон ва диёнат, ёвузлик ва эзгуликни таърифлайди. Пираварди «Ҳали манзил узоқ одам асрига» деган катта бир хулосани айтади.

Эшқобил Шукур «Оқибат оқшоми» ва «Падаркуш» каби насрий асарлар ҳамда «Ибтидо хатоси», «Нақшбанд» каби драматик дostonларнинг муаллифи ҳамдир. Унинг асарлари бир қанча хорижий тилларда, Россия матбуоти ва Американинг «Жаҳон адабиёти» номли журналида чоп этилган.

РУСТАМ МУСУРМОНОВ

(1963)



У 1963 йилнинг 26 август кунда Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Яккатут қишлоғида таваллуд топган. Ўрта мактабдан сўнг армияда хизмат этган. 1989 йилда Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тугатгач, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олади.

Ҳозирги кунда «Ўзбекистон адабиёт ва санъати» ҳафталик газетасида фаолият кўрсатмоқда.

Шоир шеърлари талабалик йилларидан бошлаб маҳаллий газета ва журналларда чоп этилади. Унинг дастлабки шеърӣй тўплами 1997 йилда «Ёзувчи» нашриётида «Ҳиргойи» номи билан чоп этилган.

Тўпламга кирган шеърлар шоир туғилиб ўсган воҳадек бепоён ва ҳароратли, одамлари каби кайвоний ва беғубор бўлиб, ўзининг халқона оҳанглари билан ажралиб туради:

Муҳаббат шунчалик миттики,
Бемалол сиғади юракка.
Муҳаббат шунчалик каттаки,
Сиғмайди на еру фалакка.

СОБИР ҲНАР

(1964)



Собир Ҳнар адабиётимизнинг кенжа авлодига мансуб адиблардан бўлиб, ўзига хос ижодий услубига эгадир. Унинг «Орзуга тўла қишлоқ», «Овлоқ адирлар бағрида» каби асарлари кенг адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган. Мазкур ҳикоялар тўпламлари ёш ижодкорлар учун таъсис этилган Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Собир Ҳнарнинг 1994 йили эълон қилинган «Шаффоф манзил» қиссаси жиддий изланишлар самараси сифатида майдонга келган. Қиссада замондош ёш зиёлининг ўй-кечмиши, қисматидаги тадрижий ўзгаришлар охир-оқибатда ўзи билан ўзи юзлашиб, ўзини-ўзи таҳлил этиши ғайритабиий деталлар ёрдамида очиб берилган.

Собир Ҳнарнинг «Кунсулунинг сирли хатлари», «Қора ота», «Офат», «Қиш кунларининг бири» ҳикоялари ҳам ҳаётга ўз қарашлари, ўз муносабати бор ёзувчининг асарлари сифатида баҳоланса бўлади.

У публицист сифатида ҳам самарали ижод қилиб келаётган ва кўзга қўринган журналистлардан. Собир Ҳнар кейинги йилларда қатор жиддий мақолалари билан марказий нашрларимизда фаол қатнашиб келади.

Ёзувчининг бир қатор таржима асарлари ҳам чоп этилган. Қорақалпоқ ёзувчиси Хўжамурод Тожимуродовнинг «Ов хангомалари» асари, турк ёзувчиси Бакир Юлдузнинг «Қарбало фожеаси» қиссаси унинг таржимасида ўқувчилар кўлига етиб борган.

Собир Ҳнар «Ёшлик» журналининг бош муҳаррири сифатида ҳам янги адабиётни, истеъдодли ёшларнинг камол топишига қўмаклашмоқда. У истиқболи бор истеъдод соҳиби сифатида ҳали кўп ва яхши асарлар инъом этишига ишончимиз комил.

САЛИМ АШУР

(1964)



Сўнги йилларда миллий адабиётимиз даргоҳига бир қатор истеъдодли ёшлар кириб келди. Улар орасида Салим Ашур алоҳида ўрин эгаллайди. Аввало унинг ўзига хос сози ва овози шеърят ихлосмандлари эътиборини тортди. У Рауф Парфи, Сироҷиддин Саййид ва Абдували Қутбиддин каби шеърятда янгича усул ва услуб йўлини танлади. Ўзини ва ўзгаларни такрорлашни эп кўрмади:

Лобарликда киприкларинг эски изи тилим-тилим,
Балиқ каби юрагимга нигоҳинг тўр қилди расм.
Жамол мисол тиндирмасдан, хаёл мисол билдирмасдан,
Жун чорбоққа кирган каби қучоғингга киролмасман.

Яна:

Оқ теракнинг панасидан,
Пана эмас, танасидан,
Тана эмас, ярасидан,
Ярасининг орасидан,
Чиройли киз мўралайди,
Кокиллари қуралайдир.

Кўряпсизки, шеър мазмуни, истифо ва ташбеҳларнинг ўзига хослиги шоир илҳомининг нақадар файзли, тўқислигини таъминлайди.

Шоир Салим Ашур 1964 йил 16 декабрда Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа вилояти, Қўрғонтепа туманидаги Куйбишев давлат хўжалигида деҳқон оиласида туғилди. Отаси—Тўра Ашур ўғли, онаси Ашурова Ниёзхон Абдулла қизи умр бўйи пахта далаларида меҳнат қилишган.

Уларнинг оиласи 1974 йилнинг баҳорида Сурхондарё вилоятининг Қизирик туманига кўчиб ўтади. Салимнинг шундан кейинги болалик ва ўсмирлик йиллари Қизирик чўлларида кечади.

1982 йил шу ерда ўрта мактабни тугаллаб, Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига тахсил олади (1982—89 йиллар). Орада (1983—1985 йилларда) ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келади.

Унинг илк шеърлари 1978 йил 6-синфда ўқиётган кезларида туман газетасида босилади. Республика матбуотида эса шоирнинг биринчи шеъри 1979 йили «Гулхан» журналинда босилади.

1990—1994 йиллари Салим «Саодат» журналинда ва 1994—1999 йиллари эса «Ўзбекистон овози» газетасида ишлайди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифада ишламоқда.

У ўз ижоди билан Республика матбуотида мунтазам қатнашади. Шеърлари қатор жамоа тўпламларида чоп этилади. 1994 йили шоирнинг «Яшил гиёҳ» ва «Атиргул» каби шеърый китоблари нашр этилади. У бир қатор шеърый ва насрий таржималари билан ҳам ўқувчи эътиборини қозонади. «Ёзувчи» нашриётида «Сиз эртага келасиз» мажмуаси чоп қилинди (1999). Шоирнинг «Ёз суврати» шеърисидаги қуйидаги парчага эътибор беринг-а:

Нигоҳини куёш чархлайди,
Кафтларида ўсади тоғлар.
Кипригида шамол ухлайди,
Товонида—қакрок булоклар.

ёки:

Аёл бола боқар чодирда,
Юзларида ойни доғлайди.
... Ўша дехқон менга тандирда,
Унутилган нонга ўхшайди.

ИҚБОЛ МИРЗО

(1967)



Иқбол Мирзо адабиётимизнинг кенжа авлодига мансуб бўлиб, 1967 йилнинг 1 май куни Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги Қўштегирмон қишлоғида туғилган. 1984 йили ўрта мактабни тугатгач, Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кириб, уни 1991 йили муваффақиятли тугаллаган. 1983—1987 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган.

Иқбол Мирзо аввал «Ўзбекистон табиати», «Ватан» каби газеталарда бўлим бошлиғи, масъул котиб вазифаларида ишлаган. Ҳозир Ўзбекистон телекомпаниясининг «Ассалом, Ўзбекистон» таҳририятида муҳаррир бўлиб ишламоқда. У 1996 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси.

Иқбол Мирзонинг ижоди 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, шу кунгача унинг «Ўракнинг шакли», «Кўнғил», «Сени соғинаман» каби шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Шоир шеърӣяти инсон руҳи, қалб ҳарорати, силсилали туйғуларини ифодалаш билан ажралиб туради. Жумладан, «Дийдор» шеърӣда:

Бу дунёнинг ишлари... ғижирлайди тишларим,
Чўнтагимда тишларим, кимдан олайин қасос?
Сарғайдим у пишмадим, мундоғ ерга тушмадим...

ёки «Сени осмонимдан кеткизмайман, Ой!» шеърӣда:

Сенга бармоғимни текизмайман, Ой,
Сенга нафасимни етказмайман, Гул.
Лекин осмонимдан кетказмайман, Ой,
Исмингни бировга айткизмайман, Гул.

Хуллас, Иқбол Мирзо шеърӣятида нафислик ва нафосат, эзгулик ва қабсҳат, яхшилик ва жаҳолат ёнма-ён келади. Шу тарзда катта бир ҳаёт ва тақдир, ўтмиш ва ҳозир кибеси туғилади, яхшиси ардеқланиб, ёмонидан юз ўгиради.

ИСТЕЪДОД НИХОЛЛАРИ

Адабиётимиз тарихи аслида истеъдодлар тарихидан таркиб топган. Аммо кўп йиллар замона зайли билан истеъдодлар тарихи фожеалар тарихи билан алмашиб келди. Истиклол эса фожеаларга чек қўйибгина қолмай, ўша буюкларни ўз адабиётига, ўз халқига қайтариб берди.

Энг муҳими—чинакам миллий халқ адабиёти тарихини бутун борича, тўлалигича яратишга рағбат, истеъдодларга эътибор, қадриятларга масъуллик ҳисси шаклланди. Истиклол ёш-ниҳол истеъдодларнинг янги, катта бир авлодига доялик қилди. Шу маънода кейинги тўрт-беш йил оралиғида адабиёт майдонига кириб келган ва китобхон, адабий жамоатчилик эътиборини қозонган ўнлаб истеъдодларни кўрсатиш мумкин.

1996 йил ва 1997-1998 йилларда Республика Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан Республика Матбаа таъминот улгуржи-воситачи фирмаси ва Ижарадаги матбаа комбинати ҳомийлигида эликдан ортик ёш қаламкашларнинг «Истеъдод» рукни остида биринчи китоблари чоп этилди. Улар орасида Фахриёр, Ойбек Раҳим, Сирожиддин Рауф, Бектемир Пирнафасов, Ғулом Мирзо, Бахтиёр Сайид, Фахриддин Содик, Рауф Субхон, Нигина Ниёз (Мавлуда Иброҳимова), Саида Жўраева, Мархабо Умрзоқова, Норқобил Жалил, Илҳом, Хосият Рустамова, Зокир Худойшукур, Фарҳод Арзиев ва бошқалар бор. Гап бу ерда уларнинг сон-саногиди эмас, истеъдодининг ўзига хослигида, ўз сози ва овозини топаётганлигида, ўзлигини англаётганлигида бормоқда. Жумладан, Ойбек Раҳим ўз шеърларида ички туғённинг кулф уриб туриши билан ажралса, Фахриёр атрофидаги воқеликка муносабатда безовталиқ, куюнчаклик дарди билан устувор келади. Фарҳод Арзиев ёлғизлик рангларини чизиш билан ўз қарашларини, туйгуларини ифода этса, Норқобил Жалил соғинч рангларини чизишга ошуфта.

Сирожиддин Рауфда нозик рухий кечинмалар оркали дунёни идрок этиш иштиёки кучли:

Кўм-кўк майсалардан кўрпача тўшаб,
Кўёшни куйманиб чорлаган далам.
Багрингда яйрасам гўдакка ўхшаб,
Қалбимни тарк этар балки оҳ-нолам,—

дея дард ва алам туйғулари умид ва ишонч ҳислари билан алмашади.

Шунингдек, Бектемир Пирнафасов ижодида ишк-муҳаббат соғинчи, дарди, рух паришонлиги кашф этилади. Шоир Ғулум Мирзо бўлса кўпинча унутиб бўлмас ишк-муҳаббат ҳақида, она-диёр, она-юрт ҳақида кўнгулларга хузур бағишлайдиган, кўнгулни очадиган шеърлар битади. Зокир Худойшукур шеърларида эса кўпроқ илоҳийлашган ишк ҳақида баҳс кетади.

Биз тилга олган ва биринчи китоблари чиққан ёшлар орасида Бахтиёр Сайид ва Фахриддин Содик шеъриятида кандайдир ҳамоҳанглик, туйғулар ўхшашлиги сезилиб турса-да, аслида ҳар икки ниҳолнинг ўсиши, ривожи, рангрўйи ўзгача, бир-бирини асло такрорламайди. Бахтиёрда ишк изтироблари табиат гўзалликларига омукта тарзда ифода этилса, Фахриддинда фикрий теранлик эътиборни тортади.

Гап истеъдод ниҳоллари ҳақида борар экан, улар орасида шоира, адиба кизлар гулдастасининг камол топаётганлигини алоҳида бир коникиш билан тилга олмай бўлмайди.

Хосият Рустомова шеърларида аёл қалбининг изтиробли онлари ишқий туйғуларга ҳамоҳанг тарзда ифодаланади, аёлга хос дард, армон таъсирида оғриниб севаётган аёл сувратини чизишга иштиёк кучли.

Нигина Ниёз, Саида Умрзокова ҳамда Саида Жўраевалар ижоди ҳам ўзгача, ўз оҳангига, ўз овозига эга. Нигина Ниёз анча тажрибали адиба. Унинг «Илмус сайёрасига ғалати сафар», «Тўртинчи ўлчов», «Исён», «Биллур боғдаги учрашув» каби фантастик хикоя, қиссалари чоп этилган. Унинг «Қора кизнинг кўз ёшлари» асари мистик-фантастик қисса бўлиб, унда инсон руҳиятини ич-ичидан кашф этишга интилиш кучли, айни чоғда фикрий теранли устуворлик қилади.

Саида Жўраева публицист-мақоланавис сифатида турфа мавзуларда қалам тебратади. Инсон қалби ва кўҳна олам сирларини очиб беришга интилади, фикрий теранлик

катори фалсафий мушоҳада унинг мақолалари асосини ташкил этади.

Марҳабо Умрзоқова ўзининг «Ҳақиқат» шеърисида:

Ҳақиқат, мен сендан изладим паноҳ,
Сени деб тунларим ўтказдим бедор.
Сени деб ичимдан чекдим қанча оҳ,
Сени деб ёмон ном олганларим бор,—

дея ҳақиқат, ростгўйлик мушоирасини айтади.

Хуллас, яна анчагина истеъдодли ёш ниҳоллар ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин. Ҳали улар ҳақида кўп ва хўп айтиш фурсати келади. «Ўзбек адиблари» (XX аср ўзбек адабиёти)нинг кейинги нашрларида албатта, улар билан қайта учрашасиз, деб умид қиламиз.

Умид эса келажак қаноти!

МУНДАРИЖА

Суъбоши	3
Маҳмудхўжа Бехбудий (1875—1919)	6
Абдулла Авлоний (1878—1934)	9
Садриддин Айний (1878—1954)	11
Мухаммадшариф Суфизода (1880—1937)	13
Фитрат (1886—1938)	15
Ғози Юнус (1887—1942)	17
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929)	21
Ғулом Зафарий (1889—1938)	23
Ҳабибий (1890—1982)	24
Хуршид (Шамсиддин Шарафиддинов) (1892—1960)	26
Абдулла Қодирий (Жулқунбой) (1894—1938)	27
Чўлпон (Абдулхамид Сулаймон ўғли) (1897—1938)	30
Элбек (1898—1938)	32
Шокир Сулаймон (1900—1942)	35
Чархий (1900—1979)	37
Ғайратий (1902—1979)	38
Абдулла Алавий (1903—1931)	40
Ғафур Ғулом (1903—1966)	41
Боту (Мухаммад Ходиев) (1904—1938)	43
Чустий (1904—1983)	45
Ойбек (1905—1968)	47
Отажон Ҳошим (1905—1938)	49
Ўйғун (1905—1990)	50
Собир Абдулла (1905—1972)	52
Назир Сафаров (1905—1985)	53
Ойдин (1906—1958)	54
Абдулла Қаҳҳор (1907—1968)	55
Миркарим Осим (1907—1984)	57
Қулдус Мухаммадий (1907—1997)	59
Максуд Шайхзода (1908—1967)	60
Мирзакалон Исмоилий (1908—1986)	62
Ҳамид Олимжон (1909—1944)	63
Комил Яшин (1909—1997)	64
Парда Турсун (1909—1957)	66
Миртемир (1910—1978)	67
Иззат Султон (1910)	69
Султон Жўра (1910—1943)	70
Мамарасул Бобоев (1911—1969)	72
Усмон Носир (1912—1944)	73
Зафар Диёр (1912—1946)	74
Амин Умарий (1913—1942)	76
Зулфия (1915—1996)	77
Ҳаким Назир (1915)	79
Иброҳим Раҳим (1916)	81
Шароф Рашидов (1917—1983)	83
Назармат (1917)	84
Раҳмат Ғайзий (1918—1988)	86
Туроб Тўла (1918—1990)	87
Шухрат (1918—1995)	88
Ғолиб Йўлдош (1918)	90

Ҳамид Ғулом (1919)	93
Саид Аҳмад (1920)	95
Асқад Мухтор (1920—1997)	97
Мирмуҳсин (1921)	98
Шукрулло (1921)	100
Рамз Бобожон (1921)	102
Вали Ғафуров (1922—1995)	103
Пўлат Мўмин (1922)	104
Сарвар Азимов (1923—1994)	105
Зоҳиджон Обидов (1923—1996)	107
Султон Акбарий (1923—1997)	108
Қудрат Ҳикмат (1925—1968)	109
Саида Зуннунова (1926—1977)	111
Максуд Қориев (1926)	112
Одил Ёқубов (1926)	113
Саъдулла Кароматов (1928—1986)	115
Пиримқул Кодиров (1928)	116
Тургун Пўлат (1928—1974)	118
Азиз Абдураззоқ (1928)	119
Жонрид Абдуллахонов (1929)	120
Носир Ғозилов (1929)	121
Жуманиёз Жабборов (1930)	123
Худойберди Тўхтабоев (1932)	124
Олим Қучкорбеков (1932)	127
Сайёр (1932)	129
Оқилжон Ҳусанов (1932)	130
Олимжон Ҳолдор (1932)	131
Ғарҳод Мусаҷонов (1933)	132
Ҳусниддин Шарипов (1933)	133
Оҳунжон Ҳақимов (1934)	135
Ўлмас Умарбеков (1934—1994)	137
Нормурод Нарзуллаев (1934)	139
Учқун Назаров (1934)	141
Тўра Сулаймон (1934)	142
Ҳайриддин Салоҳ (1934—1969)	143
Йўлдош Сулаймон (1935)	145
Эркин Самандар (1935)	147
Раззоқ Абдурашид (1935)	148
Эркин Воҳидов (1936)	151
Юсуф Шомансур (1936—1978)	153
Маъруф Жалил (1936)	155
Миразиз Аъзам (1936)	156
Ҳайдар Мухаммад (1936)	158
Неъмат Аминов (1937)	160
Барот Бойқобилов (1937)	161
Эрмамат Нурматов (1937)	163
Гулчехра Жўраева (1937)	164
Анвар Эшонов (1937—1996)	165
Чўлпон Эргаш (1937)	167
Ўқтам Усмонов (1938—1990)	168
Жамол Камол (1938)	169
Гулчехра Нуруллаева (1938)	170
Тўлан Низом (1938)	171
Сафар Барноев (1938)	173
Саъдулла Сиёев (1939)	175

Абдукаҳҳор Иброҳимов (1939)	176
Турсунбой Адашбоев (1939)	178
Шукур Холмирзаев (1940)	180
Маҳкам Маҳмудов (1940)	182
Омон Мухтор (1941)	183
Абдулла Орипов (1941)	184
Ўткир Ҳошимов (1941)	187
Муроджон Мансуров (1941)	189
Минҳожиддин Хайдар (1941)	190
Машраб Бобоев (1941)	191
Мухаммад Али (1942)	192
Ойдин Ҳожиева (1942)	194
Ҳабиб Саъдулла (1942)	195
Омон Матжон (1943)	197
Рауф Парфи (1943)	198
Абдулла Шер (1943)	199
Дадахон Нурий (1943)	201
Зоҳир Аълам (1943)	202
Турсунбой Содикова (1944)	204
Жонибек Субҳон (1944)	206
Ҳожиакбар Шайхов (Ҳожиакбар Ислои Шайх) (1945)	207
Нортўхта Қилич (1946)	209
Тоҳир Малик (1946)	210
Исфандиёр (1946)	211
Ёқутхон Раҳимова (1947)	212
Анвар Обиджон (1947)	213
Исмоил Тўлаков (1947)	214
Маматқул Ҳазратқулов (1947)	216
Камчибек Кенжа (1947)	217
Ҳалима Худойбердиева (1947)	218
Азим Суюн (1948)	220
Мурод Мухаммад Дўст (1948)	222
Тогай Мурод (1948)	223
Абдулла Жалил (1948)	224
Мирпўлат Мирзо (1949)	226
Ўткир Раҳмат (1949)	227
Усмон Азим (1950)	229
Шавкат Раҳмон (1950—1996)	231
Эркин Аъзам (1950)	232
Исмоил Тўхтамишев (1950)	234
Ҳосият Бобомуродова (1950)	235
Саъдулла Ҳаким (1951)	236
Икром Отамурод (1951)	237
Шароф Бошбеков (1951)	238
Абдусайд Кўчимов (1951)	239
Хуршид Дўстмуҳаммад (1951)	241
Шарифа Салимова (1951)	242
Хуршид Даврон (1952)	243
Қутлибека Раҳимбоева (1952)	244
Мирзапўлат Тошпўлатов (1952)	245
Эркин Усмонов (1952)	246
Тоҳир Қаҳҳор (1953)	247
Ғаффор Ҳотамов (1953)	249
Нормурод Норқобилов (1953)	251
Мухаммад Юсуф (1954)	252

Усмон Кўчкор (1955)	253
Хайриддин Султонов (1956)	255
Мирза Кенжабек (1956)	256
Тўра Мирзо (1956)	257
Ашурали Жўраев (1956)	258
Фарида Афруз (1956)	259
Сирожиддин Саййид (1958)	261
Зулфия Мўминова (1959)	263
Шойим Бўтаев (1959)	264
Абдували Кутбиддин (1960)	266
Эшқобил Шукур (1961)	267
Рустам Мусурмон (1963)	269
Собир Ўнар (1964)	270
Салим Ашур (1964)	271
Иқбол Мирзо (1967)	273
Истеъдод ниҳоллари (хулоса ўрнида)	274

Адабий-бадиий нашр

Собир Мирвалиев

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ

(XX аср ўзбек адабиёти)

Мухаррир *Ёхут Раҳимова*
 Мусаввир *Ю. Габзалилов*
 Техн. муҳаррир *У. Ким*
 Мусахҳих *Ш. Собирова*

Босмаҳонага 24.12.98 да берилди. Босишга 20.12.99 да руҳсат этилди. Ўлчами 84x108¹/₃₂. Шартли босма табағи 14,7. Нашр табағи 14,33. Жами 5000 нусха. Буюртма № 2. Шартнома 97-98. Баҳоси шртнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг "Ўзувчи" нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси, Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44.